

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Молия институти

Г.А. ҚОСИМОВА

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ИЖРОСИНИНГ
ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ**

Ўқув қўлланма

**ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2008**

Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. 372 бет.

Талабаларга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада бюджет ижросининг ғазначилик тизимига хос хусусиятлари очиб берилган. Давлат молиясини бошқариш, давлат бюджети соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган ғазначилик бўйича маълумотлар берилган. Ушбу китобда бюджет ижроси жараёнларида ғазначиликнинг роли, ғазначилик органларига юклатилган вазифалар ҳамда ушбу жараёнларга автоматлаштирилган ахборот технологияларини татбиқ этиш масалалари, ғазначиликни жорий этишнинг ҳозирги замон муаммолари кўрсатилган.

Мазкур ўқув қўлланмада ғазначиликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари, давлат бюджетини ғазначилик усули билан бошқариш, хориж мамлакатларидаги ғазначилик фаолияти, ғазначилик органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши ҳамда уларга юклатилган вазифаларнинг мукаммаллаштирилиши каби масалалар ҳақида маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланмада ғазначилик органлари ходимлари, иқтисодчилар, молиячилар мустақил ўрганишлари учун ғазначиликни ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари келтирилган. Мазкур китоб “Давлат молиясини бошқариш” йўналишидаги магистратура талабаларига «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанидан ўқув қўлланма сифатида тайёрланган. Китобдан «Молия» йўналишида таҳсил олаётган талабалар “Давлат бюджети”, “Маҳаллий бюджет” ва «Молия» фанидан ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тошкент Молия институти Илмий-услубий кенгашининг 2008 йил 4 апрелдаги 4-сонли қарорига мувофиқ ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Нашр учун масъул: **Р.Ҳ. Шодиев**– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Такризчилар: **М. И. Йўлдошев**– иқтисод фанлари доктори, профессор;
Х.Н. Жамолов– иқтисод фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-13-091-3

© “IQTISOD-MOLIYA”
© Г.Қосимова

СЎЗ БОШИ

Мустақил тараққиёт йўлини танлаб, демократик давлат куриш йўлидан бораётган республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан эътиборан, молия, банк, солиқ тизимидаги бошланган ислохотлар давом этмоқда. Бугунги кунда бюджет-солиқ сиёсати борасида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш долзарб масаладир. Зеро, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида бюджет-солиқ тизими ҳам мунтазам такомиллаштирилиб боришни тақозо этади.

Дарҳақиқат, республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодиётни ўсиш суръатларини таъминлаган ҳамда молиявий барқарорликка эришган ислохотлар ҳозирги даврда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим стратегик вазифа ҳисобланади»¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунё мамлакатлари тўплаган тажрибанинг ижобий томонларини ўзлаштириш асосида ўзининг миллий тараққиёт моделини жаҳон жамоатчилигига ҳавола этди. Шунинг учун ҳам давлат молиясини бошқариш борасида хорижий давлатларда, шунингдек, МДҲ давлатларида олиб борилган ишларни ўрганиш ва улар тўплаган ижобий тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш, албатта, фойдадан холи бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг характерли томони, молиявий ресурсларнинг жумладан, давлат молиявий ресурсларининг чекланганлигидир. Ваҳоланки, давлат бюджети маблағлари республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Давлат молиясини бошқариш доимо ривожланишда, янгиланишда бўлиб, янги ғоялар, қарашлар ва ёндашувларнинг пайдо бўлиши уни янада бойитмоқда. Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишнинг янада чуқурлаштириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларда ривожланган давлатлар тажрибаси ва тараққиёт моделларидан нусха кўчирмаган ҳолда, янги механизмлар-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т. : Ўзбекистон, 1998. 86 б.

нинг бугунги амалиётимизда ижобий самара берадиган томонларидан кенг ва унумли фойдаланиш жуда муҳимдир. Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатлари шароитида давлат бюджетининг роли ошади ва ундан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга мамлакат ичида иқтисодий-ижтимоий барқарорликни юзага келишини таъминлайди.

Ғазначилик-давлатнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг янги усули, давлат бюджетининг барча даромадларини жамлаш ва тақсимлашдаги янгича тамойил ва механизмларни амалда қўллашдир. Қолаверса, бу бюджетнинг ҳар бир сўмини оқилона ишлатишни таъминловчи янгича механизмдир. Бир қатор хориж давлатлари ўз бюджети ижросини ғазначилик тизими орқали амалга оширади. Швеция, АҚШ, Исроил, Австралия, Германия, Буюк Британия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир.

Глобаллаштириш жараёнлари ва иқтисодиётни либераллаштирилиши молиявий соҳада тегишли ислоҳотлар ўтказишни талаб қилади. Чунки, давлат харажатларини қисқартириш мамлакат иқтисодиётини ривожланиши учун қўшимча имкониятлар беради. Жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган Ўзбекистон ҳам давлат бюджетини ғазна ижроси асосида амалга ошириш мақсадида 2006 йил 1 январдан амалга киритилган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилди ва фикримизча, унинг киритилиши ўтиш даври иқтисодиётида тарихий аҳамият касб этиб, унинг муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлди.

Маълумки, республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил миллий молия-кредит тизими, бюджет ва солиқ сиёсати юритилиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий ҳимояланган, босқичма-босқич йўли танланди. Натижада Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсати йўналишларини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бундай вазифаларни бажариш учун, аввало ғазначилик соҳасида жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган ходимларни тайёрлаш ва уларни амалиётга жалб этиш, соҳа мутахассисларини ғазначилик тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун давлат тилида илмий мақолалар ёзиш, дарсликлар ва ўқув

қўлланмалари яратиш, илмий изланишлар олиб бориш, шу соҳа ходимлари учун махсус адабиётлар нашр эттириш лозим бўлади.

Талабаларга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланманинг мақсади ғазначилик тизимида бюджет ижросини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдир. Ушбу китобда бюджет ижроси жараёнларида ғазначиликнинг роли, ғазначилик органларига юклатилган вазифалар ва функциялар ҳамда ушбу жараёнларга автоматлаштирилган ахборот технологияларини татбиқ этиш масалалари атрофлича баён этилган.

Китобда ғазначиликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари, давлат бюджетини ғазначилик усули билан бошқариш, хориж мамлакатларидаги ғазначилик фаолияти каби масалалар ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур қўлланма давлат молиясини бошқаришга доир ватанимиз ва чет эл адабиётларидан, матбуотда эълон қилинган мақолалардан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Шунингдек, қўлланма интернет тармоғи орқали олинган маълумотлар билан ҳам бойитилди.

Қўлланманинг ҳар бир боби сўнггида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи текшириши учун саволлар берилди. Шу билан биргаликда «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» ўқув қўлланмаси Ўзбекистонда иқтисодийнинг ушбу соҳасидаги адабиётларнинг биринчиларидан бўлиб, мамлакатимизда ғазначилик тизими фаолият кўрсатиш механизмининг назарий асосларини ишлаб чиқишдаги бўшлиқларни тўлдириши мумкин.

Қўлланмани тайёрлашда ёрдам берган тақризчилар – и.ф.д., профессор М.И. Йўлдошев, и.ф.н., профессор Х.Жамоловга ҳамда нашр учун масъул бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Р.Ҳ. Шодиевга алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

I боб. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ БОШҚАРИШДА ҒАЗНАЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанининг предмети ва асосий вазифалари

Мустақил ҳаётимизнинг ўтган ўн етти йиллик даври республикамизда бошланган ислохотлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик жамият қуришдаги йўлимиз нақадар тўғри эканлигини кўрсатди.

Республикамизда молия сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида молиявий ресурслардан аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётини юксалтириш, ижтимоий-маданий тадбирларга маблағларни кўпроқ ажратиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мукамаллаштиришга эътибор қаратилади. Илмий асосларга таянган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида тўғри ташкил қилинган молия, бюджет сиёсатининг аҳамияти шундаки, унда жамият ва унинг замирида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаровонлиги ошади, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади.

Маълумки, давлат бюджети иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омилдир, бошқача қилиб айтганда, бюджет – ислохотларнинг энг муҳим дастакларидан бири вазифасини ўтайди, чунки қиримга қараб чиқим қилиш иқтисодиётнинг олтин қоидаси ҳисобланади.

Давлат бюджети орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий маблағлар билан таъминлашда, республикамизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетларни самарали ижросининг аҳамияти катта.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг молиявий ресурсларни бошқаришдаги аҳамияти бекиёсдир. Шу сабабли республикамизда давлат бюджети ижросини таъминлашда ғазначилик тизимига ўтиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон демократик давлат қуришни ўз олдига вазифа қилиб қўяр экан, бунда давлат бюджетини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Республикамизда бозор муносабатлари ривожланиб борар

экан, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва экологик вазифаларни бажариши учун марказлашган молиявий маблағларга эга бўлиш зарурияти ҳам кучайиб боради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда молияни бошқариш асосан ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан бири десак хато бўлмайди, чунки давлат молиясини самарали бошқариш зарурияти бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш учун бюджет харажатларининг назоратини кучайтиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги ўтказилаётган туб ислохотлар замирида молия тизимида давлат бюджети ижросини, ғазначилик тизимини жорий этиш ҳисобланади. Бундан асосий мақсад, бюджет маблағларини самарали бошқариш, улар устидан назоратни кучайтириш ва барча бюджет ташкилотлари учун ягона Ғазначилик ҳисобрақами фаолиятини амалга киритишдир.

«Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанини ўқитишнинг мақсади – иқтисодчилар, ғазначилик органлари ходимлари ва молиячиларга ғазначиликни ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида ҳозирги кундаги молия, бюджет соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган ғазначилик бўйича маълумотлар беришдан иборат.

«Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанининг предмети Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросининг механизмларини ва дастакларини ўрганишдир. Мазкур фанда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш, бюджетнинг кассали ижросини амалга ошириш ишларини ташкил этиш, даромадларни тўплаш ва харажатлар тўловини амалга ошириш амалиёти ҳамда ғазначилик фаолиятидаги тараққий этган давлатлар илғор тажрибалари билан боғлиқ масалалар моҳияти акс эттирилади.

«Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фани ғазначилик тизимининг моҳияти ва мамлакатимизда ғазначиликни ташкил этиш ва амалиётга киритиш борасида олиб борилаётган дастлабки ишлар тўғрисида етарли маълумотлар беради. Мазкур фанда ғазначилик тизимининг фаолияти ва унинг вазифалари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари режасининг кассали ижроси, ғазначилик тизимида қарзларни бошқариш, маҳаллий бюджетлар молиявий маблағларини бошқариш масалаларининг назарий жиҳатлари ёритилади.

Ўзбекистонда ёшлардан замонавий кадрлар тайёрлаш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Бозор иқтисодиётининг назарий асосларини чуқур ўргатиб, унинг замонавий ютуқлари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини умумлаштириб, давр шароитида ишлай оладиган, рақобатга бардош берадиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади, бу ишлар ўз-ўзидан юз бермайди, албатта.

Талабаларни янгиликка интилувчан ва бунёдкор инсон сифатида тарбиялаш учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар зарур. «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» ўқув қўлланмасидан олинган билимлар молия соҳаси мутахассисларини давлат молиясини бошқаришда ғазначилик амалиётига оид фаолиятда учрайдиган долзарб масалаларни ечишда ҳамда давлат молиясини бошқаришдаги ғазначиликка доир адабиётларни ўрганишда ва етук мутахассис сифатида ўз малакаларини оширишларида ҳам ёрдам беради.

1.2. Давлат молияси таркибида бюджетнинг ўрни

Ўзбекистон учун ўз миллий суверенитети ва давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок иқтисодий мустақилликка эришиш, айниқса, иқтисодий соҳада ўзимизга хос йўлни, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муҳим вазифа саналди. Ушбу вазифанинг тўғри бажарилиши натижасида иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш билан бирга, Ўзбекистоннинг бошқарув, молия, бюджет, кредит тизимлари ҳам шакллана бошлади.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатимиз молия сиёсатининг ҳуқуқий асослари белгиланиб, молия ва молиявий тизим ривожининг йўналиши кўрсатиб берилди. Молия, бюджет ва пул-кредит соҳасида амалга ошириб келинаётган изчил ва оқилона сиёсат ёрдамида мамлакатимизда мукамал молия-бюджет тизими яратилди.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг молиявий фаолияти, энг аввало, давлат бюджетини шакллантириш, унинг ижро этилишини таъминлаш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, банк-кредит тизимини самарали бошқариш, пул муомаласи барқарорлигига эришиш каби соҳаларни қамраб олади. Давлат бюджети – молия тизимининг етакчи бўғини ва «Молия» фанининг асосий категориясидир. Бюджет молиянинг асосий категориялари фаолиятини бирлаштиради, бюджет орқали маблағларни бир жойга тўпланиши ва ишлатилиши юз беради.

Турли мамлакатларда иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг янада ривожланиши улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, солиқ,

бож, кредит каби воситалар ёрдамида ички ва ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришиш имконини яратди. Бундай шароитда давлатнинг молиявий тизимни вужудга келтириш, уларнинг бир маромда ишлашини таъминловчи қонунларни яратиш, жамият молиявий фаолият таъминловчи ишлаб чиқиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолади. Республикамизда ҳам мустақилликка эришилгандан кейин, ушбу йўналишларда туб ислохотлар амалга оширила бошланди.

Энг аввало, бу соҳада Ўзбекистоннинг ўз миллий қонунчилиги яратилганлиги, ўз миллий пул бирлигимиз – сўмнинг муомалага киритилганлиги, солиқ қонунларининг такомиллаштирилганлиги, янги Солиқ кодексини яратилганлиги, банк фаолияти ҳамда бюджет тизимида туб ўзгаришлар содир бўлганлигини қайд этишимиз керак.

«Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди, ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси тасдиқланган параметрлар доирасида сақланган ҳолда, 6,8 фоизни ташкил этди»².

Ўзбекистон Республикасида кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш асосида хусусийлаштиришни авж олдириш ҳамда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор иқтисодиётини барпо этишда, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуришда молия ва бюджет муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. «Иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас»³.

Ўзбекистонда чуқур иқтисодий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, турли мулк шаклларига эга субъектларнинг юзга келиши ва уларни давлат ўртасидаги муносабатларини тубдан ўзгариши билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай му-

² Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2008 йил феврал.

³ Ўша жойда.

носабатларнинг йил сайин кенгайиб бориши давлат бюджетининг аҳамияти ошиб боришида ўз аксини топмоқда.

Шу боис иқтисодий адабиётларда, илмий мақолаларда давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти, зарурияти ва унинг вазифаларини ёритишдан олдин унинг моҳиятини кўриб чиқиш керак. Бюджетнинг моҳияти молия, солиқ ва бошқа иқтисодий категориялар каби, молиявий муносабатлар доирасидаги пул маблағларининг ҳаракати натижасида юзага келадиган пул жамғармаларини тақсимотини ва назоратини англатади.

Гарчи, иқтисодий адабиётларда бюджетнинг моҳияти турлича талқин этилсада, иқтисодчи олимларнинг назарий фикрларини бир нуқтада туташтиришнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни бюджетнинг моҳияти бюджет табиати билан боғлиқ бўлиб, яратилган қийматнинг бир қисмидир. Албатта, бундай фикрни тўғри эканлигини тан олишдан олдин иқтисодий категория сифатида бюджетнинг асл моҳиятини тушуниб етмоқ керак.

Давлат бюджети-молия тизими ва молиявий категориянинг бош бўғинидир. Унда давлатнинг даромад ва харажат қисмлари мужассамлашган. «Бюджет» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «чемодан», «пул халтаси» маъноларини англатади. Ўзбекистон Республикасида молиявий муносабатлар орқали давлат бюджетининг ижро этилиши, молиявий тизим таркибига кирувчи давлат органлари фаолиятининг бир маромда бўлиши, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа йўналишларни молиявий маблағ билан таъминлаш амалга оширилади.

Ҳар қандай давлатнинг бюджет тузилиши унинг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишига кўра белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ҳар йили ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда 1 январдан 31 декабргача амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши тушунчаси деганда, бюджет тизимини ташкил этиш ва унинг тузилиш қоидалари кўзда тутилади.

Давлат бюджети турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини вужудга келтириш, таққослаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган юридик ҳужжатдан иборат.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг молиявий базаси – давлат бюджети бўлган муҳим давлат дастурига “Давлатнинг инвестиция дастури», «Қишлоқ инфратизимини ривожлантириш дастури», “Сихат-саломатлик йили дастури» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», “Ёшлар йили” дастури» ҳам киради. 2008 йилги бюджет тузиш вақтида, биринчи навбатда, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ҳисобга олинди.

Республикада иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтиши билан бюджетнинг даромад тушумларини солиқлар ва солиққа қирмайдиган тўловлар ёрдамида сафарбар қилишга эҳтиёж туғилди, давлатнинг корхоналар, ташкилотлар, аҳоли билан бюджетни шакллантириш пайтидаги ўзаро муносабатлари иқтисодий қонунлар асосида йўлга солина бошланди.

1-жадвалда 2007-2008 йилги Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари берилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2007-2008 йилги давлат бюджетининг харажатлар таркиби

(млн. сўм ҳисобида)

Давлат бюджети харажатлари	2007 йил	2008 йил
1. Ижтимоий-маданий соҳа ва аҳолини ҳимоялаш харажатлари	2885872,4	4000593,5
1.1. Таълим	1740447,7	2355021,5
1.2. Соғлиқни сақлаш	636085,1	861359,4
1.3. Маданият ва спорт	71502,5	97812,3
1.4. Фан	28923,2	34529,0
1.5. Ижтимоий таъминот	20688,4	34532,3
1.6. Аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳолари ўртасидаги фарқни бюджетдан қоплаш ва оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам	344484,4	585281,0
2. Бюджетдан ташқари Пенсия фондига дотация	45000,0	65000,0
3. Иқтисодиёт харажатлари	643381,6	933302,6
4. Марказлашган давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш харажатлари	460000,0	595000,0
5. Давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органларини сақлаш харажатлари	157862,3	243573,6
6. Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	20000,0	31500,0
7. Фуқаролик жамияти институтлари, ИИЧБ ва ННТ ривожланишига грантлар ва маблағлар	2200,0	3000,0
8. Бошқа харажатлар	1119912,3	1581313,2
Жами харажатлар*	5334229,1	7453076,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари тўғрисида»ги Қарорлари. *Давлат мақсадли жамғармалари харажатларисиз.

Давлат молия ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, фан-техника тараққиётини, ижтимоий эҳтиёжни қондириш масалаларини, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш соҳаларини самарали тартибга солади. Шу йўл билан давлат жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож бўлган қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишларини таъминлайди, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини тезроқ ривожлантириш чораларини кўради.

Мамлакатда пул воситасида такрор ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан бошқа босқичига ўтилади ҳамда маълум бир мақсадга қаратилган ижтимоий жамғармалар вужудга келади. Бу жамғармалар ўз навбатида, такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтирилишини таъминлайди. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида турли пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва фойдаланиш каби объектив зарурият давлат молиясининг пайдо бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳақида фикр билдирганимизда, ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий самара келтирадиган қонуний фаолият назарда тутилади. Фойда, даромад каби самаралар молияни асосий тақсимлаш объектлари ҳисобланади.

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўрин эгаллайди ва унинг мураккаб механизми сифатида муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий тизимини, шунингдек, давлат қурилишини акс эттиради. Мазкур тизим муайян давлатни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тавсифининг бутун мажмуи асосида шаклланади.

«Молия тизими» категориясининг моддий асосини давлат молияси ресурслари ташкил этади ва бу ресурслар доимо ўсиб боради. Давлат билан корхоналар ўртасидаги бюджет муносабатлари шу корхоналардан бюджетга тушадиган тўловлар ва солиқлар кўринишида ёки давлатнинг бюджет ташкилотлари фондига маблағлар ажратиш йўли билан рўёбга чиқади.

Яъни, давлат билан ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатлар икки томонлама асосда бўлиши, яъни бюджетдан маблағ ажратиш, солиққа тортиш тизими билан уйғунлашиши мумкин. Давлат билан аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар, аввало, ижтимоий исътемомол фондларидан турли тўловлар ва имтиёзлар олиш муносабати билан юзага келади. Албатта, бу хилдаги муносабатлар жамият тараққиётининг турли босқичларида аниқ вазиятларга, бошқариш усуллари ва хўжалик юритишнинг мақсад ва ва-

зифаларига қараб ўзгариб туради, бу ҳол молия, бюджет сиёсатида ўз аксини топади.

Давлат молиясининг моҳияти ижтимоий тизим характери жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари табиати давлатнинг вазифалари билан белгиланади. Шу билан бирга такрор ишлаб чиқаришнинг нисбатларини тўғри белгилашда, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришда, ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромадни тақсимлашда ва қайта тақсимлашда давлат молиясидан муҳим дастак сифатида фойдаланилади. Демак, молия умумиқтисодий категория ҳисобланади, ялпи ички маҳсулотнинг қийматини тақсимлайди ва қайта тақсимлайди, натижада, давлат ихтиёрида марказлашган пул жамғармалари, хўжалик субъектлари ихтиёрида эса марказлашган пул жамғармаларини шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Ушбу иқтисодий таърифдан келиб чиқиб, марказлашган ва марказлашмаган жамғармаларнинг ўрни, хусусиятлари ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини кўрсатиб ўтиш, бу борада давлат бюджетига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Давлат бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва унга давлат молияси орқали эришилади. Давлат молияси деганда миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат, унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора қилиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, молия муносабатларида иштирок этадиган томонлардан бири, албатта, давлат, маҳаллий ҳокимият ёки унинг ваколатли органи бўлиши шарт.

Давлат молияси давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари, давлат кредити ва корхоналар молиясидан иборат. Агар давлатга қарашли корхона молияси микромолияни ташкил этса, давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари, давлат кредити макромолияни ташкил этади. Давлат бюджети даромадлар ва харажатларнинг яхлитлиги ва уларнинг балансидан иборат. Давлат даромадлари бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари қўлидаги даромаддан иборат бўлади.

Давлат бюджети давлатнинг пул даромадлари ва харажатлари, шунингдек, умумдавлат пул маблағларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишни кўзда тутувчи бош молия режасидир. Давлат бюджети молия тизимининг энг асосий бўлагидир. Мамлакат иқтисодиётини маълум мақсадда ривожлантириш, турли марказлашган ва марказлашмаган жамғармаларни, аввало, умумдавлат пул маблағлари жамғармаси давлат бюджетини тузиш йўли билан таъминланади. Айтиш мумкинки, давлат бюджети мамлакат молия тизимининг марказий бўғинидир. Давлат бюджети моҳияти умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланадиган ва сарфланадиган молиявий ресурсларнинг йиғиндисини англатади.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдан иборат. Турли мамлакатларда давлат бюджетини тузиш ва ундан фойдаланишнинг бир қанча умумий хусусиятлари мавжуд. Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида жамиятни ривожлантиришнинг айрим босқичларида молиявий сиёсатнинг асосий қуроли бўлган давлат бюджети таркиби ва сарфланиш мазмуни билан фарқланади. Демак, мамлакат молиявий аҳолининг кўзгуси давлат бюджетидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлат бюджети – иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтди. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг бутун жараёнига хизмат қилади. Давлат бюджетда турли шаклларда тўпланган миллий даромад ишлаб чиқаришнинг турли секторлари ва бўлинмалари, тармоқлар ва мамлакат худудлари ўртасида қайта тақсимланади ҳамда жамиятда моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси пул билан таъминланади.

Шундай қилиб, миллий даромадни бюджет орқали қайта тақсимлаш натижасида таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар, мамлакат мудофаа ва бошқарув органлари эҳтиёжлари молиявий ресурслар билан таъминланади. Ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга қилинадиган бюджет харажатларида корхоналарнинг фаолиятини пул билан таъминлаш ўрнига тармоқлараро йирик лойиҳалар, янги минтақаларни ўзлаштириш, транспорт шохобчаларини, алоқани ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга маблағ ажратиш ҳал қилувчи ўрин эгаллаб боради. Ҳудудда жойлашган корхоналардан олиннадиган маҳаллий ва умумдавлат солиқлари ҳамда даромадларнинг бир қисми қуйи бўғин бюджетларининг молиявий пойдеворини ташкил этади. Мазкур маблағлар ҳудуднинг ижтимоий соҳасини, унинг ишлаб чиқаришдаги иқтисодий қудратини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш учун сарфланади.

Мамлакатнинг миллий даромадини қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисми пул шаклида бюджетга тушади ва молиявий ресурсларнинг марказлашган жамғармасини ташкил этади. Давлат бюджети, унинг даромадлари ва харажатлари жамиятнинг иқтисодий категориялари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, Давлат бюджети жамиятда яратилган ижтимоий маҳсулот қийматининг тақсимлаш жараёнида ўзининг моддий шаклига эга бўлади. Демак, давлат бюджети – бу молия тизимининг марказий бўғин, у молиянинг бутун сифат кўрсаткичларини акс эттиради, шунинг учун молия тизимининг асоси сифатида давлат бюджетидан молиялаштириш механизмини такомиллаштириш талаб этилади.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асослари ҳамда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш тартиби ва давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш, унинг харажатларини амалга ошириш тамойиллари кўрсатиб берилди.

«Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсад-

лар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдорлари назарда тутилади»⁴.

Иқтисодчи Л.А.Драбозина бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини қуйидагича таърифлайди: «Ўзининг моддий мазмунига кўра давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг алоҳида шаклидир. Давлат бюджети ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра миллий даромадни тақсимлашнинг асосий куралидир»⁵. Муаллиф бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра берган таърифида айнан бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромадни тақсимланишида ижтимоий характердаги соҳалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида бюджетнинг мазмунига урғу беради.

Иқтисодчи В.Родионованинг сўзлари билан айтганда, бюджет муносабатлари – бу жамият иқтисодий тузилишининг ажралмас қисмидир, уни амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарур моддий-молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади»⁶. Бюджет – давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларни молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари фондини шакллантириш ва харажат қилиш шаклини акс эттиради.

Иқтисодчи Г.В.Полякнинг фикрларига кўра, «Давлат бюджетдан ўзининг фаолиятини бевосита молиявий таъминлаш воситаси ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида фойдаланади»⁷.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар, таълим, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун ажратилган давлат захираларининг мавжуд

⁴ Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. 3-модда. \\\ Халқ сўзи. 2000. 14 декабр.

⁵ Драбозина Л. А. Общая теория финансов. Учебник. М.: Банки и биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 1995 г.

⁶ Родионова В. М. Финансы. Учебник, М.: Финансы и статистика, 1996 .

⁷ Поляк Г.Б. Бюджетная система Российской Федерации. –М.: ЮНИТИ. 2001.

бўлиши зарурияти туфайли келиб чиқади. Албатта, ЯИМнинг пастроқ даражаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камайтиради, иқтисодиётни келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятларини қисқартиради, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги бўлиб, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Ишлаб чиқаришни эришилган даражада сақлаш ва кенгайтириш учун кадрлар зарур, кадрлар мутахассис бўлиши учун соғлом бўлишлари, етарли даражада билим олишлари керак. Бунинг учун етарли даражада таълим, маданият муассасалари зарур ва жисмоний тарбия ҳамда спорт тадбирларини кенгайтириб бориш керак. Шу билан бирга меҳнат қила олмайдиган, ногирон, кўп болали оилалар ҳам ёрдам талаб этади.

Жамият ўз истиқболи учун фан-техника тараққиётини ҳам қўллаб-қувватлаши зарур. Бундан ташқари, Ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат ичкарасидаги қонунбузарликка йўл қўймаслик ва қатор бошқа эҳтиёжларни таъминлаш керак, уларни таъминлаш эса миллий даромадни қайта тақсимлаш асосида амалга оширилади. Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат бюджети асосий рол ўйнайди. Қайта тақсимлаш жараёнида биринчидан, корхоналар ва ташкилотлар, фуқаролардан олинган солиқ ва йиғимлар асосида марказлашган фонд ташкил этилади. Иккинчидан, шу даромадлар бюджетда кўзда тутилган эҳтиёжларни таъминлаш учун тақсимланади.

2-жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари динамикасини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг ўзгариши

(фоизларда)

Кўрсаткичлар	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
Давлат бюджети даромадлари	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Бевосита даромадлар	36.0	25.9	21.8	20.4	19.1	20.0	23,9
Билвосита даромадлар	41.4	59.2	35.2	42.3	43.9	44.3	48,6
Ресурс солиқлари	14.5	9.3	9.0	8.0	2.3	6.8	18,3
Бошқа даромадлар	8.1	5.6	3.2	3.4	2.1	2.2	3,2

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмида (тўғри) бевосита солиқларнинг камайиши ва билвосита(эгри) солиқларнинг ўсиши кузатилмоқда. Агар бевосита солиқларни (бунда юридик шахсларнинг даромад солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммасини назарда тутамиз) қисми 2001 йилда 36,0 % дан 2002 йилда 25,9 % га тушган бўлса, 2003 йилда 21,8 % ни, 2004 йилда 20,4 % ни, 2005 йилда 19,1 % ни ташкил этди, билвосита солиқлар ҳажми 2001-2007 йилларда 41,4% дан 48,6 % га ўзгарган.

Республикамиз давлат бюджети даромадлари ўзгаришига назар ташлайдиган бўлсак, унинг таркибида муҳим салмоқни эгалловчи солиқларнинг миқдори ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Солиқларнинг миқдорий кўрсаткичининг ошиши икки омил – давлат бюджети харажатларининг ошиши ва инфляция суръатига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, «бюджет давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётни бошқариш, мудофаани амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун марказлаштирилган пул маблағларини ташкил этиш ва ишлатиш жараёнида вужудга келган юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасида юз берадиган муносабатлар мажмуидир»⁸.

Бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади.

Давлат бюджети асосий марказлаштирилган молиявий ресурслар жамғармаси сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади. “Ёшлар йили” дастури ҳақида гапирганда, ёшлар сиёсати масалаларини таҳлил қилганимизда, биз ёш оилаларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Авваламбор, ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш, рўзғорни бутлаш учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб, вояга етказиш йўлида зарур имкониятларни туғдириб беришимиз керак. Бу масалаларнинг барчаси дастурда ўз ифодасини топиши лозим.

Дастурни тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул бўлган кишиларнинг ҳаммаси энг асосий бир масалани ҳар томонлама чуқур тушуниб олишлари шарт: биз 2008 йилни ким учун ва қандай мақсадларга эришиш учун “Ёшлар йили” деб эълон қилдик? Бу ўринда

⁸ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлири ва талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003. -221б.

гап ҳозирги кунда жами аҳолимизнинг 64 фоиздан ортиғини ташкил этадиган ёшлар ҳақида, таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган ёшлар ҳақида, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшлар ҳақида бормоқда⁹.

Демак, давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда, албатта, улар янги механизмлар билан молиявий таъминланмоқда.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг яққол далолатидир»¹⁰.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетининг таркиби ва ҳажми қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- Ø мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасига;
- Ø корхоналар, ташкилотлар, ва муассасаларнинг хўжалик юриши усулларига;

⁹ Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2008 йил феврал

¹⁰ 2007 йил – Итимоий ҳимоя йили. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2008 йил декабр

Ø иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлатнинг тутган ўрнига;

Ø иқтисодиётнинг устувор тармоқларни марказлашган молиявий ресурслар ҳисобидан таъминланиш даражасига.

Бир томондан, бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлади, иккинчидан, айнан бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий дастаги сифатида бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади. Шунингдек, давлат бюджети орқали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлинади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларини молиявий асосларини яратади.

Давлатнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги бюджет барқарорлигининг асосий шартидир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги иқтисодий-сиёсий шарт-шароитларига мос келадиган бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида шаклланмоқда ва ривожланмоқда.

1.3. Давлат бюджети ижросида ғазначилик тизими

Бугунги кунда давлат бюджетини шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш муҳимдир, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини тақозо этади, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. Давлат бюджети ва бюджет сиёсати ҳамиша давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифалари билан белгиланганки, булар давлат бюджетининг даромадлар қисмига ҳам, харажатлар қисмига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш ва уни тартибга солиш, бюджет маблағларидан сарфлашда мақсадли, самарали ва оқилона ишлатишга риоя этиш билан бирга даромадларни ўз вақтида тушириш бюджет ижросида яхши нати-

жалар беради. Маълумотларга кўра, «2007 йил даромадлари 5 триллион 973,7 миллиард сўм, харажатлари 5 триллион 840,5 миллиард сўм, ЯИМ ҳажмига нисбатан 0,5 фоизни профицит билан яқунланди»¹¹ ташкил этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2002 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисда “Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланаётганлигимиз тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз зарур. Бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаймиз” деб таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли, яқин келажакда давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизмини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бюджетнинг ижроси – бюджетнинг барча даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ҳамда барча режалаштирилган бюджет харажатларини молиялаштириш таъминланишини кўзда тутди. Бюджетнинг даромад қисмини ижро этиш юридик ва жисмоний шахслардан солиқ ва солиқдан ташқари тўловлар ундириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар тегишли тўловларни қонунда белгиланган муддатлар ва тартибларда мустақил равишда ҳисоблайдилар ва бюджетга тўлайдилар.

Бюджетнинг кассали ижроси деганда ҳар бир бюджетнинг даромадлари мазкур бюджетни ижро этувчи тегишли кассада жамғарилиши тушунилади. Шунингдек, ушбу бюджетдан маблағ билан таъминланувчи барча ташкилотларга пул маблағлари ушбу касса орқали берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз маърузасида баён қилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2003 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, маърузада таъкидланишича, «солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат

¹¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истикбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги Қарори.

харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади».¹²

Дарқақиқат, Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан биридир. Ҳар бир мамлакатда бирор-бир соҳада ислохот олиб борилаётганда ёки янги тизимга ўтилаётган пайтда, аввало, унинг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратиш муҳим ҳисобланади. Чунки ўша жорий қилинаётган тизим жамиятдаги реал ҳолатларни эътиборга олган ҳолда қонун ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, қабул қилинсагина кўзланган мақсадга тезроқ эришилади, имкон қадар камроқ хато ва камчиликларга йўл қўйилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг кассали ижроси, аралаш, ғазначилик ва банк усули билан амалга оширилади. «Бюджетнинг ижроси банк тизимида мамлакатнинг марказий эмиссия банки орқали амалга оширилади. Ғазначилик тизимида давлат ғазнаси даромадларни қабул қилади, харажатларни амалга оширади ва қолган маблағлар унинг махсус ҳисобрақамида қолади. Бу тизимнинг ижобий томонлари талайгина бўлсада, афсуски, ҳозирги кунда ундан кам фойдаланилмоқда»¹³. Шуни айтиб ўтиш керакки, бюджет ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ижросида банк асосий звено ҳисобланади. Кўриб турибмизки, бюджет ижросининг барча усулларида, албатта, банк қатнашади.

«Ғазначилик органи – консолидациялашган бюджетни касса ижроси учун, давлат даромадлари ва харажатлари ҳисобини олиб борилиши учун, давлат харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш учун масъул бўлган Молия вазирлигининг таркибий бўлиמידир.»¹⁴

Ҳар бир манбалар бўйича даромадларни ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ва жорий йил учун тасдиқланган бюджет миқдори доирасида барча тўловларни ҳамда тасдиқланган бюджет маблағларини тўғри ва асосли тақсимлаш бюджет ижросининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бюджет маблағларини асосий тақсимловчилари, бюджет маблағларини тақсимловчилари, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағи олувчилари, шунингдек, молия ва банк муассасалари бюджет ижроси жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади. Бошқача қи-

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузаси. 2002 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19 феврал.

¹³ Сабанти Б.М. Теория финансов. Учебное пособие. Москва. Менеджер. 1998. -96 стр.

¹⁴ Йўлдошев М., Турсунов И. Молия ҳуқуқи. Т., «Мехнат» 2004. -149 б.

либ айтганда, давлат бюджети ижросига боғлиқ ҳисоб-касса операцияларини ташкил қилиш ва амалга ошириш давлат бюджетининг кассали ижросидир.

Ғазначилик тизимида бюджет ижроси қуйидаги тамойилларга асосланади: касса ягоналиги, шахсий ҳисобрақамлар бўйича молиялаштиришнинг ҳисобини юритиш, бюджет тиниқлиги, бюджет мажбуриятларининг лимити, шартномаларни рўйхатга олиш ва тендер танловлари ва конкурслар ўтказилиши.

Давлат ўзида қанча пул борлиги, ундан қанча ва кимларга қачон бериши кераклигини, қачон ва кимлардан олиши кераклигини аниқ билиши керак. Ҳукуматни бу ахборотлар билан таъминлаб берувчи сифатида «Ғазна» намоён бўлади. Бундан ташқари, ғазна тизимига давлат молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни бошқариш ҳам юклатилади.

Ғазначилик-давлат бюджети ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда махсус идора давлат солиқларининг йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, давлат ташқи ва ички қарзларини бошқаради ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

Ғазначилик шароитида бюджет тузилишининг асосий тамойили давлат даромадларининг ягона жамғармага жамланишидир. Бу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, давлат даромадлари алоҳида солиқ тўловчилардан келиб тушаётган ҳар хил тўлов ва йиғимлар умумий айрилмас ягона жамғарма шаклида таркиб топади ва қайта молиялаштириш тартибида бюджет харажатларини қоплайди. Бунда ҳамма бюджет маблағлари ягона ғазначилик ҳисобварағида жамланади.

Мамлакатда самарали бюджет-солиқ тизимини тузиш билан биргаликда давлат молиясини самарали бошқариш асосий масала ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичларида молиявий оқимларни, хусусан, бюджет оқимларини бошқаришнинг янги шакллари ташкил зарурияти туғилади. Бу зарурият қуйидагиларни таъминлай оладиган молия соҳасидаги янги таркибий қисмнинг шаклланишига туртки бўлди. Жумладан:

- давлат бюджети ижросини ва турли даражадаги бюджетларни бошқаришни таъминлаш;

- давлат дастурларини молиялаштириш тезкорлигини ошириш;
- давлат маблағларининг тушуми ва мақсадли ишлатилиши назоратини кучайтириш;
- бюджетлараро муносабатларни шакллантириш;
- молия ва солиқ органлари ишларини мувофиқлаштириш;
- солиқларни тўлиқ йиғиш ҳисобига бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш;
- солиқ солиш ва уни тўлиқ йиғиш услубини такомиллаштириш;
- ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун маблағларни йўналтириш ва турли даражадаги бюджетларда ижтимоий ҳимояланган моддаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш;
- валюта-молия операциялари ва миллий валютани мустаҳкамлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Иқтисодий муносабатлар тизимида бу вазифаларлар махсус молия органи – ғазначиликка юкланади.

Давлат бюджети, унинг даромадлари ижросининг ҳисоботи ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ягоналиги, давлат бюджети ғазначилик ижросининг асосий тамойилларидан ҳамда ғазначилик органларига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг ҳисобини юритиш ҳамда давлат бюджети ягона ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобини юритиш ишларини юритишга мос келади ва ҳисоботларни жамлашни анча енгиллаштиради.

Ғазначилик тизимида давлат бюджети харажатларини, биринчи навбатда, биринчи даражали харажатларни ўз вақтида тўланиш ва кассали узилишлар ҳолатларининг олдини олиш, бир минтақага тушадиган ресурсларни бошқа минтақанинг мажбуриятини таъминлаш учун йўналтириш йўли билан марказлашган тарзда турли даражадаги бюджетларни даромадларини бошқариш механизмини жорий қилиш мумкин.

1.4. Бюджет ижросида банк ва ғазначилик тизимларини таққослаш таҳлиллари

Бюджетдан молиялаштирилган маблағлар вазирликлар ва идораларнинг бош тақсимловчилар ҳисобрақамига тушар, қайта тақсимлашнинг давоми тижорат банклари ёрдамида амалга оширилар эди. Банк тизими кўп поғонали бўлганлиги учун маблағларнинг ҳаракати секинлашар эди.

Бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси Молия вазирлиги қайсидир маънода бу маблағларнинг ҳаракати ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш имкониятидан четлаштирилган эди. Бюджет маблағларини банкда бир ҳисобрақамдан иккинчи ҳисобрақамга ўтказишда тўхтаб қолишларга, уларни мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилиши бунинг натижасидир. Бундан ташқари, бюджетнинг банк тизими орқали ижро этилишининг кўзга кўринган энг катта камчиликларидан бири-инфляция жараёнини ўсиши бўлди, чунки, бюджет тақчиллигини кредитлаштириш автоматик равишда амалга оширилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги бюджет ижросида банк тизимининг қўлланилиши қуйидаги ҳолатларга олиб келди:

- даромадларнинг тушишида тезкорликнинг пасайиши намоён бўлди, тартибга солувчи солиқларнинг ягона услуби йўқлиги бюджет ресурсларини бошқариш жараёнини тезлаштиришдан маҳрум этар эди;

- тушган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисида тезкор ахборот олинмас эди, яна қарзларга бўлган эҳтиёжни аниқ ҳисобини олишни қийинлаштирар эди;

- бюджетни ижро этишда фақат иккита кўрсаткич намоён бўлар эди: бюджет маблағларининг ҳажми ва ҳақиқатдаги тўловнинг суммаси, бу федерал бюджет маблағларини тўғри бошқариш имконини бермасди;

- кредит тақсимловчиларнинг бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг назорати қийинлашди, амалда эса мақсадсиз ишлатиш ва суиистеъмол қилиш ҳолатлари мавжуд эди;

- бюджет ва бюджетдан маблағ олувчилар ўртасидаги «ҳаракат» ниҳоятда узоқ эди, бу иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган ижтимоий нафақаларни тўлашни кечиктирар эди, ўз навбатида, ижтимоий кескинликни ўсишига олиб келар эди;

- тижорат банклари ҳисобрақамида бюджет маблағлари ўртача қолдиғининг юқори даражаси шаклланди.

Бюджетни ижро қилишнинг ғазначилик тизимини банк тизимидан фойдали томонларини баҳолаш учун иккала моделни деталлаштириб кўриш керак бўлади.

Ғазначилик тизимида банк бошқаруви тизими ҳам ислоҳ қилинади:

- бюджет ташкилотларининг барча банк ҳисоб рақамлари Ягона ғазначилик ҳисоб рақамига (ЯҒҲР) бирлаштирилади;
- бюджетни ижро қилишдаги банк ва бухгалтерия билан боғлиқ тартиблар ғазначилик тизими хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади;
- бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби банк тизими орқали эмас, ғазначилик давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) орқали амалга оширилади;
- бюджет ташкилотларининг банк ҳисоб рақамлари кескин камаяди;
- бюджет ташкилотларини банклараро ҳисоб-китобларини таққослашга эҳтиёж йўқолади.

Давлат бюджетини даромадлар қисмини ижро қилишнинг банк тизимида бу жараённинг асосий қатнашчилари Молия вазирлиги, Марказий банк, солиқ тўловчилар, банклар ва солиқ органлари ҳисобланади. Солиқ тўловчиларнинг маблағлари Марказий банкдаги ёки тижорат банклардаги солиқ органларининг ҳисобрақамига тушади. Тижорат банклари федерал бюджет даромадларининг тушуми тўғрисида беш кунда бир марта Марказий банк олдида ҳисобот берадилар, худди шунча кунда умумлаштирилган ахборот Молия вазирлигига тушади. Марказий банкнинг ҳисоботида даромадларни бюджет таснифига асосан деталлаштириш кўзда тутилмаган, унда фақат асосий даромадлар манбалари ажратилади.

Бюджетнинг даромадлар қисмининг ижросида солиқ органларининг функцияси тартибга солувчи солиқларни тақсимлашдан, нотўғри тўланган суммаларни қайтаришдан ва бюджет даромадлари тушумини ҳисобини олиб боришдан иборат. Давлат солиқ хизмати Россия Федерацияси ҳудудида солиқларнинг ва бошқа йиғимларнинг тушиши тўғрисидаги ахборотларни ойда икки марта умумлаштиради ва Молия вазирлигига тақдим қилади. Амалдаги даромадлар ҳисоботини юритиш тизими тушган даромадларнинг ҳажми тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот бермайди, бу қисқа муддатга солиқлар ва йиғимларнинг прогнозларини қилишга, бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг реал лимитини белгилашга ва энг асосийси, ўз вақтида молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, Марказий банк ва Давлат солиқ хизмати ҳисоботида даромадлар бўйича берилган маълумотлар тўлиқ эмас ва Марказий банк маълумотлари билан таққослашнинг иложи йўқ.

Бюджетнинг харажат қисми ижроси банк тизими бўйича тармоқ вазирликлари ва идораларининг ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади. Бунда бюджетнинг фақат иккита босқичи муҳрланади: биринчиси-ажратилган бюджет маблағларининг ҳажмини кўрсатиш ва иккинчиси – бюджетдан маблағ олувчилар билан касса харажатларини амалга оширишдир.

Бюджетдан маблағ олувчиларга бюджет маблағларини етказиш асосан тижорат банклари орқали амалга оширилади, яъни тижорат банкларига бу маблағларни «айлантириш», давлатнинг қимматли қоғозлар бозорида қатнашиш ва бу маблағлар ҳисобига кредит ресурсларини тўлдириш имконини беради.

Россияда банк тизими Федерал бюджетнинг кассали ижросини таъминлайди, бюджет даромадлари ва йиғимларини ҳисобини олиб боради, даромадларни бюджетлар ўртасида қайта тақсимлайди, банкда бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисоб рақамини очади ва бюджет маблағлари билан қилинадиган операцияларни ҳисоблаб, ҳисобот тайёрлайди.

Давлат бюджетининг кассали ижросида ғазначилик тизимининг банк тизимидан фарқи шундаки, аввало, бюджет ижроси жараёнида ғазначилик икки оқимдаги пул маблағларини тўплайди. Даромадлар ва харажатлар бир ҳисобрақамдан қилинади, бундай тартиб молиялаштириш жараёнини тезлаштиришга имкон беради.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат молиясини бошқариш, молия сиёсати, давлат молияси, ижтимоий ҳимоя механизми, бюджет қонунчилиги, иқтисодий ислохотлар, бюджет харажатларини қайта кўриш, бюджет, пул-кредит, ғазначилик тизими, ягона касса тамойили.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор иқтисодиётида давлат бюджетининг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
2. Давлат молиясини бошқаришда ғазначилик тизимининг ўрнини кўрсатинг.
3. Бюджет ижросида банк тизими билан ғазначилик тизимини чизмалар ёрдамида таққосланг.
4. «Давлат бюджетини самарали бошқариш» деганда нимани тушунасиз» мавзусида гуруҳда давра суҳбати ўтказинг.
5. Ғазначилик амалиётидаги хорижий тажрибаларни ўрганинг.

II боб. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Ғазначиликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир пайтда давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун марказлаштирилган молиявий маблағларга эга бўлиш зарурияти кучайиб боради. Илмий асосларга таянган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборат бўлади.

Мамлакатда бюджет-солиқ тизимини тузиш билан бирга давлат молиясини самарали бошқариш асосий масала ҳисобланади. Маълумки, бошқарув – бу маълум бир ижобий натижага эришиш учун услублар ва тамойиллар йиғиндиси орқали бир объектга мақсадга мувофиқ таъсир этишдир, десак бўлади. Инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан, давлат молия соҳасига ҳам бошқарув жараёни тааллуқлидир.

Давлат молиясини бошқариш-давлат ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш, молия ресурсларини мобилизация қилишда маълум самарага эришиш, молия ресурсларини бир тизим асосида тақсимлаш ва ишлатиш ва ниҳоят, иқтисодий барқарорлаштириш ва жамият ривожини учун шароит яратиш борасида давлат томонидан кўрилган тадбирларнинг йиғиндисидир. Давлат молиясини бошқаришда ғазначиликни жорий этишдан мақсад-давлат бюджетини бошқариш соҳасини ривожлантириш, молия соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва замонавий интеграцион тизим яратишдир.

Қадимий манбалар шуни кўрсатадики, жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатлар минг йиллар аввал пайдо бўлди. Молия-бюджет, солиқ-бож соҳаларида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Греция, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Қадимги Рим империяси қонунларида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат ғазнаси ҳисоб-китоби масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ғазначиликнинг келиб чиқиш тарихи узок даврни ўз ичига олиб, дастлабки куртаклари Қадимги Рим империясининг ҳукмронлик даврига тўғри келади.

«Ғазна» инглизча “treasure trove” сўзидан олинган бўлиб, инсонлар томонидан маълум бир мақсадларда ерга кўмилган олтин ва кумушнинг топилиши ҳамда бу топилма подшоларга тегишли бўлганлигини англатади¹⁵.

Аҳоли учун юридик маълумотномада кўрсатилишича, ғазна деб ҳар қандай мулк эмас, балки фақат пуллар, яъни олтин ва кумуш тангалар, валюталар, ва чет эл валюталари ёки қимматбаҳо тошлар, марваридлар, куйма металллар, улардан ясалган буюмлар ва буюм парчаларига айтилади. «Ғазна» ва «ғазначилик» сўзлари маъно жиҳатидан ҳар хил мамлакатларда турлича қабул қилинган. Албатта, бу сўзнинг ҳар хил тушунилиши турли мамлакатларнинг анъанавий ва маданий меросларининг эволюцион ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Илгари молиявий ресурсларни бошқариш давлатларнинг ғазна ва ғазначилик ишлари билан шуғулланувчи махсус ходимига юклатилган. Унинг мажбуриятларига давлат ғазнасига молиявий ресурслар тушиши ва уларнинг сарфланиши устидан маълум даражада назорат ўрнатиш киритилган. Тор маънода эса “ғазна” пул тушадиган ва аниқ мақсадлар учун тўлов ўтказиладиган, яъни «масъул мансабдор шахслар пулни сақлайдиган жой» деган тушунчани англатган.

Рим империяси бошқарувида республика муассасаларининг ташқи кўриниши сақланиб қолган пайтда давлат ғазнасига “фиск” “fiskus calvaris”, яъни императорнинг фуқаролик ҳуқуқлари бошланишига туртки бўлган хусусий ғазнаси қарши қўйилган. Вақт ўтиши билан “фиск” давлат даромадлари манбаларини ўзига тобе қилиб олди. Тўла маънода кейинчалик ҳуқуқий томондан, ғазнани – “algarium” ютиб юборди ва давлат ғазнаси мақомига эга бўлди. Ўз навбатида, бундан давлат бошқарувчисининг мулки ажратиб олинди (partimonium pringipis). Бу янги давлат ғазнаси хусусий шахслар билан мулкый муносабатларга кириши, фуқаролик ҳуқуқларининг тан олиншини тақозо қилар эди. Лекин мулкый ва процессуал ҳуқуқлар бўйича берилган асосларга кўра, унинг ҳуқуқий мақоми яққол ажралиб турар эди.

Молиявий монополияларнинг активлари ортиб бориши билан, ғазналар уларнинг акцияларини омонат тариқасида қабул қила бошлади. Шу тариқа ғазнада герб қоғозлари, почта маркалари, олтин ва бошқа иккинчи даражали активлар пайдо бўла бошлади.

¹⁵ Англо-русский толковый словарь - М. ИНФРА. 1998 г. -стр. 427

Марказий банкнинг пайдо бўлиши ва тижорат банклари тизимининг такомиллашуви ғазначилик тизимининг қуйидаги ўзгаришларига олиб келди:

1-чизма

Марказий банк ва тижорат банкларининг такомиллаштириш туфайли ғазначилик тизимидаги ўзгаришлар



Ҳар бир давлатнинг ривожланиши давлат молияси ва давлатнинг молиявий ресурслари ҳақида тезкор ва тўғри ахборот олиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш каби омилларга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Россия тарихига назар соладиган бўлсак, 1796-1806 йилларда Алексей Иванович Василев давлат ғазначиси лавозимида ишлаган даврда давлат даромадлари ва харажатлари режаларини тузиш, ғазначилик ҳисоботи, шунингдек, бухгалтерия тузилиши бўйича ёзган китоблари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Қадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялардан бири – Конфуцийлик ғояси муҳимдир. Унда ёшларнинг қарияларга ҳурмати, уларга қар-

ши чиқмаслик ғояси асос қилиб олинган. Давлат бу катта оила, подшо эса халқлар отасидир. Жамиятда бойликлар нисбатан текис тақсимланиши керак, солиқларни меъёрда сақлаш, ер ишларини яхши бажариш, ҳамма ўз вазифасини бажонидил адо этиши зарур, дейилади. Давлатнинг иқтисодий сиёсати учта асосий тамойилга асосланиши керак: харажатларни иқтисод қилиш, яъни тежаб-тергаб сарфлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ортиқча маҳсулотларни сақлаш зарур.

XI асрда яшаб, ижод этган буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний ҳам иқтисодий фикрларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Унинг фикрига кўра, давлатнинг қудрати нафақат армияда, балки ғазна маблағларида ҳамдир. Лекин давлат қимматбаҳо буюмларни жамғаришга қизиқиб кетмаслиги, давлат маблағларининг бир қисмини халқ манфаатлари йўлида сарфлаши лозим.

Атоқли давлат арбоби, илк туркий дostonнавис Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (Қутга, бахт-саодатга эриштирувчи билим) асарида берилган ғоялар ўз даври учун ҳам, ҳозирги давр учун ҳам ниҳоятда кадрлидир. Айниқса, иқтисодиёт масалалари, давлатни молиявий бошқариш ва раият муносабатлари синчиклаб ўрганилган. Таниқли иқтисодчи Адам Смитнинг (18 аср) иқтисодий таълимотига кўра, мамлакатни иқтисодий бўҳрондан чиқариш учун тинчлик-осойишталик, меъёрдаги солиқлар, иқтисодий эркин фаолият юритиш имкони талаб этилади. Ана шу ғоя аслида бизнинг мутафаккир томонидан етти аср аввал баён этилган.

Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришда ғазначилик доимо асосий рол ўйнаган. Амир Темур давлат ва иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур «Тузуқлари»да, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлашни кераклигини таъкидлайди.

“Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат ғазнасининг камбағаллашувига олиб келади. Ғазнанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги эса салтанатнинг кучсизланишига олиб боради», дея солиқларнинг, молиянинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим рол ўйнашини таъкидлаб ўтади. Маълумки, хирож ер солиғи учун ва умуман, даромад солиғи учун қўлланилган. Хирож айрим ҳолларда даромаднинг учдан бирини ташкил этган. Шунингдек, хирожни «мол» деб ҳам аташган.

«Фатҳ этилган ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдоридан рози бўлсин, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Раиятга ҳақ-ноҳақ жарималар солувчи вазир салтанатни бузди», - деган эдилар соҳибқирон. Бундан ташқари у: «Амр қилдимки, садрлар садри (садр, «вақф ерлар»¹⁶ ва вақф этилган бошқа мулкнинг ҳисоб-китобини олиб борувчи мансабдор) саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, уларнинг вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, менга арз қилиб турсин. Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир китоб тайинлансин», дея таъкидлаган. Бугунги кунда ғазначилик тизимининг фаолият кўрсатишининг зарур элементларидан бири – ғазначиликнинг Бош китоби юритилишидир. Ғазначиликнинг Бош китоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги томонидан юритилади.

Давлат тақдирини подшо, ғазна, аскар ҳал қилади, дейилган. Ғазнанинг камайиб кетиши эса сипоҳларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. «Фатҳ этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкани, буюмларини талон-тарождан сақлансинлар, ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар» деб кўрсатиб берган¹⁷. Соҳибқирон давлатида ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар-бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилган, ходимларни текшириш ва тафтиш ишларини олиб борган.

А.Темур даврида солиқ ва жарималарни йиғиш ва сарф қилишга алоҳида эътибор берилган. Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. «Темир тузуклари»да «Хирожни йиғиш вақтида икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсин. Бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволига хароблик етказмасинлар. Вилоятларда йиғилган барча мол-мулкани кирим дафтарига ёзишлари

¹⁶ Қаранг. Вақф ерлар – масжид, мадраса, хонақоҳ, қабристон ва шу сингари жойларга доир ерлардир. Вақфда ер, сув, бозор, кул, пуллар ва бошқалар мол-мулки билан инъом этилади. Аҳмад Яссавий ва бошқа авлиёлар, дин пешволарининг мақбаралари учун вақфдан маблағ ажратилган. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент. Молия. 2002. -80 б.

¹⁷ Исломов А., Эгамов Э. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўзбекистон. 2003. -33 б.

лозим. Иккинчи вазир эса, чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳ маошига тақсим қилсинлар»¹⁸ – деб уқтирилади.

Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётганлар, савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариб, буларнинг барчасидан тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот этганларнинг мол-мулки бўлса, уларни ўз меросхўрларига топширган.

Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг кирим-чиқимлари, ғазнадан сарф қилинган харажат, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатлардан огоҳ бўлиб борган. Демак, кўриниб турибдики, ҳозирги давр тили билан айтганда, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилиши талаб этилган.

Умуман, Девонбеги ва вазирлар давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотларини Амир Темурга билдириб турганлар. Сўнгра танҳо тайинланган. Танҳо бу-сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва аскарлар учун махсус ғазнадан бериладиган маош, баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга ер-сув берилган.

Амир Темур даврида пиёдалар, калакчилар, ясовуллар, чопавулларнинг бир йиллик маошларини ҳисоблаб, белгиланган маблағни девонхонага келтириб, шу ерда уларга тарқатилган. Сипоҳийлар ва баҳодирларнинг ярим йиллик маошлари ҳам ҳисобланиб, танҳо ғазнадан олиб берилган. Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғилган ғазнадан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида олинган. Мингбошиларга вилоят ичидаги ерлардан тиюл -хирож ва солиқ йиғиб олиш ҳақи билан инъом этиладиган ер-мулклардан берилган. Амирлар ва амр-ул-умароларга вилоятлардан бири тиюл этиб тайинланган.

Темур вилоятлардан тушган даромадларни тақсимлаш ҳақида шундай деган эди: «Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақсимлаб, маош бериш ерликларга бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар. Сўнг ерликлар девонхонага келтирсин, амирлар, мингбошилар шу ерликлардан бирини чиқариб олсин.

Амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳот (нақд пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ) йиққанларида, хирождан ортиқча соварий (подшо ва хонлар ўз вилоятларидан ўтаётганларида халқдан талаб қилинадиган тортиқлар, қўналға (чопарлар ва элчиларга

¹⁸ Каримов И. Амир Темур ҳақида сўз. Т. Ўзбекистон. 1996. -39 б.

қўноқ бериш солиғи) ва шилон (подшо ва амирларнинг овқати учун йиғиладиган солиқ) талаб қилинмаган.

Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга тайинланган вазирларнинг бири вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини текшириб туриб, тиюл эгаси (жоғирдор)нинг фуқароларга зулм етказмаслиги учун уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турган, йиғилган бутун мол-мулкларни кирим дафтарига ёзган. Иккинчиси даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига тақсим қилган.

Амир Темур бу ҳақда шундай ёзган: «Қайси амрга тиюл берилар экан, уни уч йилганча ўз холига қўйсинлар. Уч йилдан кейин уни текшириб кўрсинлар, Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоят ҳолисага (давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ер-сув) ўтказилиб, уч йилгача ўша жоғирдорга улуфа берилмасин».

Европадан анча илгари бу давлатда бюджет тушунчаси бўлган. Давлат ғазнаси, ғазнанинг кирим-чиқими, ҳисоб-китоб қатъий олиб борилган, тафтиш йўлга қўйилган, бунинг учун маълум масъул шахслар ажратилган ва улар соҳибқиронга доим ҳисоб бериб борганлар. А.Темурнинг давлат, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги асосий фикрлари «Темур тузуклари»да тўла баён этилган.

Бозор аҳлидан солиқ олиш қалъа бошлиғи зиммасига юкланган. Солиқ солиш Қуръони Карим таълимотига мувофиқ эди. Ислом динининг муқаддас китоби-Қуръони Каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш, етим-есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш, ўзаро ёрдам бериш ҳақидаги ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдорлари тўғрисидаги тушунчалар катта аҳамият касб этади. «Ҳадис» ва «Ҳидоя» китобларида бу тўғрида тўла маълумотлар берилган.

Буюк аждодларимиздан бири, дунёга машхур мутафаккир Ибн Синонинг 280 дан ортиқ асарлари тиббиёт, математика, астрономия, кимё, фалсафа, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга бағишланган. Ибн Сино нафақат оила доирасидаги, балки, шаҳар ва хатто, давлат миқёсидаги даромад ва харажатлар баланси тўғрисида ҳам фикр юритади. Олимнинг тиббиётга оид асарларида иқтисодиёт билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилган. Унинг фикрича, давлат табиий офат ёки уруш бўлиш эҳтимолини ҳисобга олиб, шундай харажатлар учун ғазнадан маблағ ажратган ҳолда даромад ва харажатлар балансига эришиши зарур. Бугунги кунда ҳар йили давлат бюд-

жетидан захира фонди маблағларини режалаштиришда шундай харажатлар кўзда тутилади.

Абу Наср Ибн Муҳаммад Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари катта аҳамиятга сазовор бўлиб, унда мамлакатни молиявий бошқариш, ҳокимлар фаолияти, иқтисодиётни олиб бориш билан боғлиқ бўлган муҳим ғоялар келтирилади. Масалан, шаҳар тартиботида энг асосий нарса, мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш қайд этилган. Арасту ғоялари ривожлантирилиб, аввало, ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур ҳисобланувчи озиқ-овқат, экин экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилади.

Алишер Навоий ўз даврининг сиёсий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини баркамоллаштириш учун мамлакат ҳукмдори фанларни, айниқса, иқтисодиёт, тарих, фалсафа ва сиёсий фанларни мукамал билса, у бошқараётган мамлакат обод ва бадавлат бўлади. Агар тескариси бўлса, мамлакат қашшоқ ва хароб бўлади, дейди. Феодал жамиятда ирригация иншоотларини қуришни кенгайтириш ўша давр иқтисодиётини ривожлантиришга кенг таъсир кўрсатар эди.

Алишер Навоий фикрича, миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ҳосилдан олинадиган даромад ташкил этади. А.Навоийнинг бевосита раҳнамолиги остида 70 дан ортиқ каналлар ва ариқлар қазилди. А.Навоий 1482 йилда ёзган “Вақфия” асарида шахсан ўзининг ерларидан олинган даромад мисолида даромаднинг ўз харажатлари ва оилада аҳлига етарли қисмини олиб қолиб, қолган қисмини аҳолининг фойдали меҳнатига сарфлашга чақирган. “У олинган ва тўпланган бойликни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмни кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга ундайди”.¹⁹

Шунинг учун мазкур фан манбаларини аввало, жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган қадимги Шарқдан изламоқ мантиқан тўғридир.

Эрамиздан аввалги 18 асрда Бобил (Вавилион)да подшолик қилган Хаммурапи қонунлар тўплами давлатнинг мамлакатни иқтисодий бошқариш соҳасидаги дастлабки тажрибасини кўрсатди. Сақланиб қолган ёдгорликда иқтисодий ғоялар мавжуд, солиқ тўловчи-

¹⁹ Қаранг. В.Захидов. Мир идей и образ А.Навоий.

лар ва ҳарбийлардан ажралиб қолиши мумкин бўлган давлатнинг кучсизланиши, унда мустақил ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тартибга солиш йўллари берилган.

Давлатнинг иқтисодий ишларига аралашуви қўллаб-қувватланган. Давлат молияси соҳасида даромад солиғига катта эътибор берилган. Давлат баъзи ишларни ривожлантириш учун моддий ва маънавий ёрдам бериши керак, дейилган. Маҳсулотга баҳо белгилаш, давлатнинг бойишини таъминлаш, фойдани ошириш, сарф-харажатни камайтириш, ҳисоб-китобни тартибга солиш, ғазнадаги ҳар хил ўғирликларга қарши курашиш кераклиги белгиланган, шу тамойилларни амалга ошириш туфайли жамиятдаги норозилик, тенгсизлик йўқолади, дейилган.

Йирик дин пешвоси Низом-ул-мулк “Саёҳатнома” асарида ҳукмдорлар, амирлар, амалдорлар, ва қозиларнинг мансабни суиистеъмол қилишини, солиқларнинг оғирлиги, давлат маблағларини сақлаш ва сарфлашда ҳисоб-китоб зарурлигини қайд этган. Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида закот масаласига катта эътибор берилган, унга махсус боб ажратилган. Мазкур асарда закотни тақсимлаш қонун-қоидалари ҳам баён этилади. Аҳолининг айрим тоифа вакиллари: фақир, мискин, закот йиғувчилар, қарздорлар йиғилган закотдан фойдаланиш имкониятларига эгаллиги ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирилган.

Тарихий меросимизнинг ноёб ёдгорликларидан бири-“Алпомиш” достонидаги иқтисодий муносабатлар таркибини қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1. Иқтисодий муносабатларнинг негизини ташкил этувчи закот ва жузъя тўловлари билан боғлиқ масалалар.

2. Меҳнат тақсимотини ривожлантириш йўллари.

3. Товар-пул ва молия тизими муносабатлари.

Достонда келтирилишича, қалмиқлар давлатида даромад ва харажатларни тартибга солиш муҳрдор (ғазначи) лавозимидаги шахс орқали юритилган. Муҳрдор даромад ва харажатлар бўйича ҳисоб-китоблар қилишда оқсоқоллар томонидан йиғиб, топшириладиган солиқ ва йиғимларга таянган, уларнинг маоши тўпланган солиқлардан бир қисмини ташкил этади. Солиқларнинг манбаи бир томондан, ер солиғи бўлса, иккинчи томондан эса савдо карвонлари ва ички бозордан олинадиган йиғимлар ҳисобланади.

Давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларда катта

ишлар амалга оширилганлиги маълум. Хусусан, Бобурнинг “Бобурнома” асарида, “Мубаййин” каби тўпламларида иқтисодиётга оид маълумотларга, шу жумладан, солиқ сиёсатига катта ўрин берилган. Муҳаммад Бобурнинг “Закот тўғрисидаги катта китоб”ида эса ўша даврдаги солиқ, унинг турлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Бу асарларни ўқир эканмиз, улардан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ислохотларни, ўзгаришларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва амалиётда фойдаланиш учун янги фикрлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг асоси бўлмиш ишлаб чиқариш, шунингдек, савдо ва тижоратга оид, давлат ғазнаси, солиқ ва бож тўловлари билан боғлиқ бўлган қарашлари бизни ҳайратлантиради.

Бобурнинг давлатни молиявий бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш масалаларига доир манбаларга суянган ҳолда, шундай хулосага келамизки, у қомусий олим сифатида иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, иқтисодиётнинг жамият ва давлат ҳаётидаги белгилловчи аҳамиятини чуқур тушунган.

Бутун ислом мамлакатларидек, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам закот маълум миқдорда ва муайян шарт-шароитларда олинган солиқ маъносида қўлланилади ҳамда нақд пул ва савдо йиғими шаклида тўпланади. Солиқни ҳисоблаш учун солиқ олиш объектининг “нисоби” – яъни мол-мулкнинг закот беришга лаёқатли бўлиш учун белгиланган миқдори аниқланади, ҳисобдан кам мулкдан солиқ олинмайди. Хирож, яъни ер солиғи икки тоифага бўлинган: муқассам ва муваззар. Биринчиси, олинган ҳосилнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, учдан биридан яримгача тенг бўлган, иккинчиси эса, солиқ солинадиган ернинг майдонига боғлиқ равишда олинган. Агар ердан икки ҳосил олсанг, хирожни ҳам икки марта тўла, деб ёзади Бобур. Даромадлар миқдорининг ошиб бориши билан тўланадиган солиқлар миқдори ошиб боради.

Умуман олганда, бу даврда солиқ ва бошқа йиғимлар тамомила исломий шариатга тўла риоя қилинган ҳолда олинган. Нисобга етган миқдордаги мол-мулкдан Қуръони Карим, Мухтасар, Ҳидоя ва бошқа манбаларда қатъий белгилаб қўйилган қисми ихтиёрий равишда мискинларга берилган.

Шарқда ерни суғориш масалалари ўта муҳим эди, чунки об-ҳаво ниҳоята қуруқ ва иссиқ, ер-тупроқ шароити сунъий суғоришни талаб этилганлигидан суғориладиган ерлар, табиийки, лалми ерлардан кўп ҳосил берган. Шу сабабли сув солиғи ҳам бўлган. Сув со-

лиғи қуйидагича олинган: агар суғориш даврида чиғир курсанг, олган ҳосилнинг ўндан бирининг ярмини (5%) солиқ учун тўлашинг керак, яъни суғориладиган ерларга сарф-харажат ҳисобга олинган ва бу мантиқан тўғридир.

Бобурнинг “Зако́т тўғрисидаги катта китоб”, “Мубаййин”, “Ақбарнома” китобида солиқ тартиби ҳамда давлат ғазнасига оид мураккаб иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган қатор фикрлар илгари сурилган.

Ўн саккизинчи асрнинг ўрталарида Францияда иқтисодий таълимотлар тарихида физиократизм оқимининг асосий вакиллари Ф. Кенэ ва А.Тюрго мамлакатдаги ўша давр иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлат молиясининг муҳим категориялари бўйича қимматли фикрларни бердилар.

Олим ва давлат арбоби А.Тюргонинг иқтисодий ғоялари анча мукамал бўлиб, ўша даврдаги жамият, молия ҳамда иқтисодиётдаги жараёнларни анча изчил таҳлил этади. У биринчи бўлиб давлат молиясини соғломлаштиришга ҳаракат қилди, бу соҳада узоқ муддатли дастур тузиб чиқди, унга кўра ер эгалигидан тушадиган даромадлардан олинган солиқлар тизими тугатилиши керак эди. А.Тюрго “Солиқлар тўғрисидаги эсдаликлари”да кўрсатишича, у саноат ва савдодаги одил бўлмаган солиқларни тартибга солишга киришди. А.Тюрго бюджет чиқимларини чеклашга интилди, бундан сарой ходимларининг ортиқча сарф-харажатларини кескин камайтириш мўлжалланди ва бу соҳада маълум ютуқларга эришилди. А.Тюрго давлат арбоби, аниқроғи, молия вазири сифатида ҳам бир қанча иқтисодий ислохотларни ўтказишга эришди.

Шотландиялик буюк иқтисодчи Адам Смитнинг «Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тақиқот» асари замонавий иқтисодий фаннинг бошланиши ҳисобланади. Адам Смитнинг бу асари беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида капитал жамғарилиши ва унинг функционал шакллари, учинчисида капитализм ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари кўрсатиб берилди, тўртинчисида унинг меркантилизм ва физиократларнинг таълимотига бўлган муносабатлари акс эттирилди, бешинчи қисмида давлат молиясини бошқариш масалалари кўриб чиқилади.

Адам Смитнинг фикрича, давлатни фаровонликнинг энг қуйи босқичидан энг юқори босқичига кўтариш учун фақатгина тинчлик, солиқлар ва бошқарувчилик керак, қолганларининг барчаси табиий

ҳаракат туфайли бўлади. А.Смитнинг бу буюк асари дунёдаги иқтисодий таълимотларнинг ривожланишига ва, албатта, кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. А. Смит давлатнинг айрим функцияларини ижобий баҳолади, масалан, мамлакат ички тартибини сақлаш, ташқи ҳарбий хавф-хатардан асрашни хўжалик ривожининг зарурий шартлари деб ҳисобланади. Давлатнинг молиявий фаолияти ва ғазнани бошқаришга алоҳида аҳамият берди.

А.Смит ўз асарининг бешинчи китобини давлат бюджети ва давлат қарзларига бағишлаган. У фақат бутун жамият манфаатларига мос келадиган давлат харажатларининг қўллаб-қувватлади, “арзон давлат” тезисини илгари сурди. Смит замонавий давлат солиқ сиёсатининг назарий асосларини яратди, унинг фикрича, солиқлар фуқароларнинг кучи ва имкониятига мос келиши, ишга яроқли ҳар бир кишига алоҳида белгиланиши керак, солиқ имкони борида арзон, унинг шакли ва олиниш вақти эса тўловчи манфаатига мос келиши зарур бўлади.

Турли мамлакатларда иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг янада ривожланиши улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, солиқ, бож, кредит каби воситалар ёрдамида ички ва ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришиш имконини яратди. Бундай шароитда давлатнинг молиявий тизимини вужудга келтириш, уларнинг бир маромда ишлашини таъминловчи қоидаларни яратиш, ғазнани тўлдириш, давлатнинг молиявий фаолияти тамойилларини ишлаб чиқиш масалаларини ечиш долзарб муаммолар бўлган.

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, турли мамлакатлар ғазналарига ҳар хил вазифалар юклатилган эди. Уларнинг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, янги вазифалар юклатилиб ёки олиб ташланар эди. Узоқ давом этган урушлар сабабли давлат бойлигининг камайиши оқибатида ғазналарга янги вазифа, ички ва ташқи қарз мажбуриятларини ишлаб чиқиш юклатилган.

2.2. Ғазначилик тизимини жорий этишда чет эл мамлакатларининг тажрибалари

Баъзи мамлакатларда ғазначилик тасдиқланган бюджет асосида, бюджет ташкилотларига ресурслар ажратиш билан чекланган тақдирда, унинг роли суст бўлиши мумкин. Агар ғазначиликнинг роли фаол бўлса, харажатларни тўлаш мажбуриятларининг лимитларини олдиндан кўзда тутилган мезонлар асосида белгилайди.

Ғазначилик давлат қарзларини бошқаришда турли босқичларда қатнашиши мумкин ва у бажарилган ҳисоб-китоб операциялари учун жавоб беради. “Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, давлат молиясини бошқаришнинг ва ташкилий тузилиши бир хил бўлган ғазначилик тизимининг ягона модели мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакатда ғазначиликни бошқармалари ва бўлинмаларининг тузилиши ҳамда уларнинг аниқ функциялари турлича белгиланади. Бундан ташқари, ғазначилик тизимининг вазифалари вақт ўтиши билан, албатта, ўзгаради.”²⁰

Ғазначиликни ташкил этишнинг асосий мақсади шундан иборатки, у давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришга таъсир этади. Ғазначилик деб аталадиган органлар давлат молиясини бошқаришга тааллуқли турли вазифаларни бажарадилар.

Биз мазкур бўлимда давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Япония, Франция, Австралия, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси каби мамлакатлар мисолида ғазначиликнинг функцияларини қандай тақсимланишини таҳлил қилиб кўрамиз (2-чизма).

“Ҳукумат томонидан молиявий операцияларни бошқаришда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган”²¹.

1. Давлат молиясини бошқариш.
2. Бюджетни ижро этиш.
3. Бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш.
4. Назорат қилиш ва баҳолаш.

Давлат молиясини бошқаришни ўзи турли йўналишларга эга:

а) Нақд маблағларни бошқариш.

Бюджет даромадлари ижросидаги бу фаолиятнинг йўналишлари куйидагилардан иборат:

- солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиш;
- даромадларнинг тушумларини тушишини назорат қилиш;
- тушумларни йиғишда банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;
- давлат бошқарув органларининг турли даражалари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш;

²⁰ Иванова Н.Г., Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. -СПБ: Петер, 2001. 51 с.

²¹ Тереза Тер-Минасян, Педро П. Паренте, Педро Мартинес-Мендес. Создание казначейства в странах с переходной экономикой. МВФ. 1995.

- харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш.

2-чизма

Хорижий мамлакатларда ғазначилик тизимининг моделлари



б) Молиявий режалаштириш.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутди.

в) Давлат қарзларини бошқариш.

г) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш.

Австралияда вазирлик мақомига эга бўлган ва тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсинадиган Ғазначилик департаменти мавжуд. Унинг

асосий вазифаларидан бири тушумларни йиғишдан иборат. Ғазначилик департаменти таркибида Солиқ бошқармаси жойлашган бўлиб, Ғазначилик департаменти шу бошқарма орқали солиқ тўловчилар билан муомалада бўлади ва ташқи тушумлардан ташқари барча солиқ тўловларни йиғиб олади, ташқи тушумларни йиғиш билан эса божхона хизмати шуғулланади.

Бюджетнинг харажатлар қисми ижроси бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўрови асосида амалга оширилади. Мамлакатда бюджетдан маблағ олувчиларни бюджет мажбуриятларининг аниқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган, шунингдек, бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатишнинг назорат усуллари мавжуд бўлиб, улар тармоқ вазирликлари томонидан амалга оширилади. Бунда Ғазначилик департаменти фаол ғазначилик ролини ўйнайди. Австралияда давлат қарзларини бошқариш ғазначиликка юклатилган. Ғазначилик департаменти муомалага қимматли қоғозлар чиқаришни, уларнинг ҳажмини, таркибини ва тўлов муддатини назорат қилади.

Австралияда ғазначилик вазифасини Ғазначилик департаментидан ташқари Молиявий департамент бажаради. Мамлакатда давлатга қаршли маблағлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади. Молиявий департамент банкда ягона ҳисобрақамни амал қилиш механизми учун шарт-шароит ва усулларни белгилайди.

Австралияда давлатнинг молия-ахборот тизими фаолият кўрсатади. Бунда бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш ва йиғилган тушумларнинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Мазкур ахборот тизими орқали Ғазначилик ва Молиявий департаментлар бўлимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган, бундан ташқари, тармоқ департаментлари билан алоқа боғланган. Мамлакатда бундай тизимнинг мавжудлиги ҳар доим давлатнинг молиявий ресурслари тўғрисидаги тезкор умумий ахборотларни олиш имконини беради.

Францияда ғазначиликнинг ташкил қилиниши XII-XIV асрларга тўғри келади, шу пайтга келиб, биринчи марта давлат пули ва қиролнинг мулки бир-биридан ажратиб олинди. Ҳарбий ва йирик капитал чиқимлар катта молиялаштиришни талаб қилганлиги сабабли тармоқланган тизим орқали пулни йиғиш ва марказлаштириш эҳтиёжи туғилди. XX асрларда ғазна бирлиги, яъни Марказий банкда ягона ғазна ҳисоби таъйинланди таркиб топди, ғазнанинг маъмурий тизими шакллантирилди, унга давлат ҳисоб-китоби тармоғи ва пул назорати берилди ҳамда Молия вазирлигига бўйсиндирилди.

Францияда Ғазначилик функциялари Давлат Ғазнаси ва Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дирекцияси ўртасида бўлинган. Ҳар иккала ташкилот юқори ташкилотларнинг иккинчи поғонаси ҳисобланади: Давлат Ғазнаси Молия вазирлигининг, Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дирекцияси Бюджет вазирлигининг таркибига киради.

Францияда барча молиявий ресурслар Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида йиғилади, бу маблағларнинг миқдори Марказий Банкда жойлашган барча тушумлар ва тўловлар йиғиладиган шу ҳисобрақам билан назорат қилинади. “Давлат Ғазнаси қуйидаги ҳуқуқларга эга”:²²

§ бюджет маблағлари тақсимловчиларининг тақдим қилган қирим ордерларини, шартномаларда белгиланган қарз талабномаларини ижро қилиш учун қабул қилади, шунингдек, қарз мажбуриятлари бўйича нақд пулларни ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқи бўлган бошқа шаклдаги тушумларни олади;

§ буйруққа асосан, кредиторларнинг талаби бўйича тақдим қилинган ҳужжатлар асосида харажатларнинг тўловини амалга оширади, шунингдек, суд қарорларини ижро қилади;

§ давлат муассасалари ёки уларнинг ишончли вакилларига қарашли пул маблағларини ва моддий бойликларни сақлашни ва қўриқлашни таъминлайди;

§ нақд пуллар билан амалга ошириладиган операцияларни бажаради;

§ амалга оширилган молиявий операцияларни тасдиқлайдиган бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича юритиладиган ҳужжатларни сақлайди;

§ бухгалтерияда уларга юклатилган бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб боради.

“Мамлакатда ғазначилик органлари Давлат бюджетини тўлдириш ва ижро қилишни таъминлайдиган 4000 дан ортиқ бўлимларига эга. Ғазначилик органлари давлатнинг солиқли ва солиқсиз даромадларини йиғиб олади ва керакли назорат ишларидан кейин давлат маблағларини сарфланишини амалга оширади.

Ғазначилик органлари даромадлар тушумининг ва давлат бюджетини харажатларининг ҳисоб-китобини юритади. Бу вазифа ҳар бир

²² Содержащий общее положение по учету государственных финансовых операций. Декрет № 62-1587 от 29 декабря 1962г. Глава II. Государственный Казначей. Статья 11. Журнал Офисель от 30 декабря 1962г.

географик департаментда тайинланган Бош ғазначига юклатилган. Уларнинг амалга оширган молиявий операциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳар куни Ғазначиликнинг Марказий Ҳисоб агентлиги Бош бухгалтериясида ишлов учун йиғилади.

Бундан ташқари, Ғазначилик органлари давлат ташкилотларини – таълим муассасаларини, ижтимоий таъминот ва бошқарув органларини ҳамда ижтимоий турар-жой ташкилотларини молиявий фаолиятини текширади ва назорат қилади”²³. Бош Ғазначи жойлардаги 27000 муассасаларни (давлат бухгалтерларини, давлат ташкилотларини-таълим муассасаларини, ижтимоий таъминот ва бошқарув органларини ҳамда ижтимоий турар жой ташкилотларини) назорат қилиши шарт. Давлат бухгалтерлари минтақалар, департаментлар, коммуналар, шунингдек, маҳаллий давлат ташкилотлари бўйича ҳисоб-китоб юритадилар.

Давлат бухгалтерлари бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиявий маслаҳатчиларидир.

Давлат Ғазначиси қуйидагиларни назорат қилади:

1. Даромадлар соҳасида:

- а) давлатнинг қарз талабномаларини ундиради;
- б) давлат муассасаларининг ҳар бир гуруҳи учун қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатларида ва низомларда кўзда тутилган даромадлар олишга рухсат беради.

2. Харажатлар соҳасида:

- а) бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ваколатларини назорат қилади;
- б) кредитларнинг мавжудлигини назорат қилади;
- с) қарз мажбуриятларида кўрсатилган муддатларни назорат қилади;
- д) харажатларни аниқ бюджет таснифи бўйича амалга оширилишини назорат қилади.

3. Мол-мулк соҳасида:

- а) мулк эгаларининг ҳуқуқларини, имтиёзларини, ипотекаларни ва назорат қилади;
- б) бухгалтерия ҳисоб-китоби олиб бориладиган мол-мулкни сақланишини назорат қилади.


Ғазначилик қуйидаги даромадларнинг йиғилишини таъминлайди (чизмага қаранг):

²³ Практика государственного управления во Франции: Государственное Казначейство. Сборник документов Франко-Российского сотрудничества №8. стр. 11.

- ◆ тўғри солиқлар (даромад солиғи ва тўғри маҳаллий солиқлар, корхоналар даромадига солиқ);
- ◆ аудио воситаларидан фойдаланганлиги учун йиғим;
- ◆ давлатнинг солиқсиз тўловлари (масалан, жарималар), маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ташкилотларининг солиқ йиғимлари.

3-чизма

Франция ғазначилик тизимида даромадларнинг йиғилишини таъминлаш



Ушбу функцияларни бажариш учун солиқли тўловлар ва тўловларни йиғишнинг автоматлаштирилган процедуралари ишлаб чиқилган. Қўшимча қиймат солиғини тўлайдиган 2000 га яқин солиқ тўловчилар тўловларни тўғридан-тўғри Марказий банкнинг ягона ҳисобрақамига ўтказди, қолган солиқларнинг 50 фоизи Тушумлар директорати, 35 фоизи Давлатнинг ҳисоб-китоб юритиш бош дирекцияси, 15 фоизи Божхона хизмати томонидан йиғилади.

Қуйидаги жадвалда Франциянинг Давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот берилган.

Бюджетнинг харажатлар бўйича ижроси Бюджет директорати томонидан назорат қилинади. Бюджет директорати ўз тизимида қарашли молиявий назоратчилар ёрдамида маблағларни харажат қилиш суръатларини назорат қилади. Харажатлар жуда қаттиқ назорат қилинади: Франциядаги Ғазначилик Австралиядаги Ғазначилик каби давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқаради, юқорида айтиб ўтганимиздек, муомалага қимматли қоғозларни чиқаришни назорат қилади, уларни ҳажмига, тўлов муддатига ва таркибига боғлиқ масалаларни ечади.

Францияда ҳам давлат молия ахборот тизими самарали фаолият кўрсатади. Мазкур тизимда бюджетни тайёрлаш, бюджет ҳужжатларини нашр қилиш ва бюджет ижроси амалга оширилади. Шунингдек, Бюджет директорати ва тармоқ вазирликларини боғлайдиган бошқа тизимлар ҳам мавжуд. Бухгалтерия ёзувлари (проводкалар) асосида ягона ҳисобрақамдаги маблағлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш учун бир кун кетади, ҳар ҳафта тўлиқ кенгайтирилган маълумотлар олиш мумкин.

Давлат молиясини бошқариш, унинг ҳисоб-китобини юритиш маблағ жалб қилиш билан бирга олиб борилади. У давлат мажбуриятларини бошқаради, ички ва ташқи маблағни жалб қилади, уларнинг ҳисоб-китобини юритади ва ҳар йилги давлат қарзлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди.

Франциядаги ғазначилик тизими фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири шундаки, кадрлар масаласига алоҳида эътибор берилади. Франциядаги Давлат Ғазнаси органларида 58000 ходим ишлайди, ўтган йиллар мобайнида Давлат Ғазнаси Бош Бошқармаси кадрларни сифатли танлаш ва ходимларни самарали бошқаришга алоҳида эътибор берди. 1998 йили талаб даражасида касб ходимларини тайёрлашга йўналтирилган кадрларни тайёрлаш тизимини модернизациялаш амалга оширилди.

Ходимлар гуруҳларга қараб тақсимланди:

- ◆ А гуруҳи: раҳбарлик функцияларини бажаришга тайёрланаётган даражали (лицензияга эга) давлат хизматчилари;
- ◆ Б гуруҳи: ўрта махсус маълумотга эга, ўрта раҳбарлик функцияларини бажаришга тайёрланаётган давлат хизматчилари;
- ◆ С гуруҳи: махсус касб маълумоти тўғрисида дипломга эга давлат хизматчилари.

**Франциянинг Давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисида
маълумот**

(млрд. франкда)

Давлат даромадлари	Миқдори	Давлат харажатлари	Миқдори
Жами тушумлар	1281	Маҳаллий ҳокимият органлари бюджети-нинг тақсимланиши	1194
Давлат бюджети	870	Коммуналар	38.4%
Маҳаллий ҳокимият органлари бюджети	366	Давлат ташкилотлари	11.9%
Аудио йиғимлар	13	Департаментлар	19.9%
Ижтимоий йиғимлар	31	Минтақалар	6.6%
		Давлат соғлиқни сақлаш муассасалари	23.2%
Давлат харажатлари	2055	Бош ғазначилар 108та	
Жорий харажатлар	1887	Ғазначилар 3800 та	
Капитал харажатлар	168	30та минтақавий ахборот марказларида 58 000дан ортиқ ходим	
Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами	580	Пенсионерлар сони 2227404	
Пенсия тўловлари	198	Ҳарбий пенсионерлар 486362	
Бошқа тўловлар	432	Бошқа пенсионерлар 1741078	

Манба. Практика государственного управления во Франции: Государственное казначейства. Сборник документов Франко-Российского сотрудничества №8. стр. 19.

Давлат Ғазнаси Бош Бошқармаси Ғазначилик органларининг малакали ходимлари тўғрисида ахборотларни тарқатилиши бўйича фаол равишда уч йўналишда иш олиб борилади бормоқда:

Ø Давлат Ғазнаси хизматига келган ходимларни бошланғич касбга тайёрлаш;

Ø Давлат Ғазнаси хизматида ишлаётган ходимларни касб маҳоратини ошириш;

Ø хизмат поғоналаридан кўтарилишни хоҳловчи ходимларни конкурс асосида танлаб, уларни раҳбарликка тайёрлаш.

Ҳар бир ходимга ва “деонтолония”²⁴ га бағишланган ахборот бюллетеннинг 1995 йилги “Давлат Ғазнасининг янгиликлари” номли махсус сони нашр қилинди. Бундан ташқари, турли меъёрий ҳужжатларда ходимларга юклатилган вазифаларни бажариш жараёнидаги талаблар, касбий маҳорат этикасининг қонун-қоидалари бериб борилади.

Шунингдек, деонтолонияга бағишланган бошланғич ўрганишга мўлжалланган дарслар тизимли равишда олиб борилади. Инспектор-стажёрлар, Давлат ғазнаси ишларини бажарувчилар учун Ғазначиликнинг Миллий Мактабида шу мавзуларда махсус маърузалар ўқилади. Ғазначилик органлари ходимларини касб маҳоратини ошириш мақсадида деонтолония мавзусида ўқув дастурлари тузилади.

Мазкур тизимда маблағлар ҳаракати ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан жорий ва кейинги назоратни кучайтиришга оид қонунларни, меърий ҳужжатларни, йўриқномаларни билмасдан туриб, ғазначилик органларидаги мутахассисларнинг касбий тайёргарлигисиз иш ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис республикамизда ҳам ғазначилик бўлимларидаги кадрлар масалаларини ҳал этишда молия, солиқ, банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар танлаб олиниши ва касбий малакаси оширилиши зарур.

Аргентинада қабул қилинган 1992 йилги жамоат секторини молиявий бошқариш ва аудит ҳақидаги Қонунга асосан ғазначилик тизимига тушумларни йиғиш, жамоат секторидаги тўловлар оқими ва нақд активларни сақлаш билан боғлиқ агентликлар, нормативлар ва процедуралар киради. Бу таъриф ғазна вазифалари ичидан давлат ғазнаси векселлари чиқаришдан ташқари давлат қарзларини бошқариш вазифасини бажармаслигини белгилайди. Баъзи мамла-

²⁴ Қаранг. Обычно понятие профессиональной этики или деонтолонии определяется как совокупность правил и обязанностей, которые определяют ту или иную профессию. Деонтолония часто ассоциируется с некоторыми категориями регламентированной деятельности. Катрин Дано-Эвено, Жак Орте Профессиональная этика: постоянная и главная задача Государственного Казначейства. стр 49.

катларда ғазна давлат қарзи, қимматбаҳо металллар ва бошқа активларни сақлаш масалаларига жавоб берса, бошқаларида у тўловларни амалга оширишдан аввал уларни текшириш, ғазна ҳисоботларини тузишга ҳам жавоб берадиган бошқарув аппарати сифатида фаолият кўрсатади. Санаб ўтилган барча фаолиятларда ғазна ўз ишини банк тизими билан узвий боғлиқликда амалга оширади.

Испанияда ғазначилик функциялари Молия котибининг ўринбосари Канцелярияси (МК) ва Ғазначилик бош директорати (ҒБД) ўртасида тақсимланган. Иккала муссаса ҳам иккинчи даражадаги тузилмавий структуралар бўлиб, Молия вазирлиги тасарруфидадир. Мамлакат Марказий банкида ғазначиликнинг ягона ҳисоби мавжуддир. Ягона ҳисоб бўйича тушумлар ва тўловлар устидан назоратни Ғазначилик бош директорати амалга оширади. Ягона ҳисобга тушумлар бўйича назорат унинг зиммасида бўлишига қарамай баъзи бир солиқсиз даромадлардан ташқари солиқлар йиғилишида қатнашмайди. Молия вазирлиги таркибига кирувчи солиқ бошқармаси, банк тизими орқали солиқларни йиғади. Бюджетнинг харажатлари бўйича ғазначилик ўзида – айрим харажатлар бўйича тўловларни кечиктириш ҳуқуқини сақлаган ҳолда, ойлик ва чорақлик тўловларни амалга ошириши бўйича мажбурий жадвални тузади. Бюджет бирликлари томонидан мажбуриятлари олиш, текшириш ва тўлаш бўйича қабул қилинган қарорлар ғазначилик томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўлов топшириқномалари Ғазначилик бош директорати томонидан ёзилади ва ҳақиқий маблағ ажратилиши устидан назорат олиб борилади. Назорат, соҳа департаментлари томонидан бюджет ажратмаларини ҳамда нақд тўловлар жадвали ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Ҳар қандай давлатнинг қарзлари ҳажми, муддати ва шартлари Ғазначилик бош директорати томонидан амалга оширилади. Қимматли қоғозлар Марказий банкнинг агент сифатидаги иштирокида амалга оширилади, лекин ташқи ёки бошқа қарз олишлар бевосита Ғазначилик бош директорати томонидан бажарилади. Ғазначилик қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини тартибга солишда кенг ваколатларга эгадир.


Испанияда давлат ахборот тизими фаолият кўрсатади ва унга Молия вазирлиги Канцелярияси масъулдир. Мазкур ахборот тизими орқали истисноларсиз барча давлат операциялари ўтказишга мажбурдир. Ушбу тизим бюджет ижросини олти босқичда бажаради: бюджет ажратмалари, мажбурият олиш, текшириш, тўлов талаби, тўлов топшириғи ва ҳақиқий маблағ ажратиш. Бюджетни тайёр-

лаш ҳам тизим орқали амалга оширилади. Бунда барча турдаги расмий маълумотлар шакллантирилади ва барча турдаги статистик маълумотлар тайёрланади. Мазкур тизим суҳбатли режимда, аниқ вақт кўламида ишлайди ва ҳар қандай маълумот тезкор тақдим этилади. Соҳа департаментлари ва кейинги бюджет олувчилар билан ҳам алоқалар мавжуд.

Японияда ғазначиликни бажарадиган функцияларнинг ташкилий схемаси ўзига хос хусусиятга эга. Бу мамлакатда ғазначиликнинг бажарадиган функциялари Ғазначилик бўлимига, Қарзларни бошқариш бўлимига, Молия бўлимига, Бюджет бўлимига, Ҳуқуқий бўлимига ва Бюджетни ижро этиш бўлимига юклатилган. Бу бўлимлар Бюджет ва Молия бюроси таркибига киради, бу бюрлар Молия вазирлигининг бўлинмалари ҳисобланади. Кўриниб турибдики, Японияда давлат молиясини бошқариш махсус ихтисослашган бўлимларга юклатилган.

4-чизма

Япония ғазначилигининг ташкилий чизмаси



Японияда Ғазначилик бўлими кунларга бўлинган молия режасини тайёрлайди, шунингдек, Бюджетни ижро этиш бўлими билан давлатнинг Япония банкидаги ҳисобрақамдан тўланадиган тўловлари ва тушумларини назорат қилади.

Барча тушумларни йиғилишига Молия вазирлиги таркибидаги Миллий Солиқ хизмати ва Божхона департаменти жавоб беради. Солиқлар тўғридан-тўғри Япония банкига ёки ваколат берилган тижорат банкларига, Миллий Солиқ хизмати ва Божхона департаментининг маҳаллий бўлимларида почта тизими асосида тўланиши мумкин.

Қарзларни бошқариш бўлими Япония банкининг агенти сифатида қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг таркиби, ҳажми ва муддатига тааллуқли масалаларни ҳал этади. Бюджетни ижро этиш бўлими бюджет вазирликларининг маблағлари доирасида уларнинг харажатларининг тўлаш графигини тасдиқлайди, айрим харажатларнинг моддаларини тўлаш мажбуриятларини олишда Молия вазирлигининг рухсати талаб этилади. Япония банки бюджет вазирликларининг маблағларини ишлатилишини ва уларнинг мавжуд лимитларини назорат қилади. Ҳукуматнинг барча давлат маблағлари Япония банкининг йиғма ҳисобрақамида тўпланади.

Мамлакатда иккита асосий ахборот тизими мавжуд. Бунда бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш, бюджет ҳужжатларини нашр қилиш ва бухгалтерия ҳисоби амалга оширилади. Умумий ахборотни тайёрлаш муддати ҳисоботнинг мураккаблигига боғлиқ. Касса операциялари бўйича умумий ахборот ҳар куни тайёрланади, тармоқ вазирликларидан кенгайтирилган ахборот олиш мумкин.

Буюк Британияда давлат молиясини бошқариш қўйидаги тартиб асосида тузилган. Ғазначилик қарзларни бошқаришни амалга оширади, Ғазначиликни бош идораси ҳисобрақамларни рўйхатдан ўтказди ва ҳисоб-китоб юритади. Бюджетга тушумлар солиқ ва божхона хизмати орқали, солиқдан ташқари йиғимлар эса департаментлар орқали йиғилади.

Ғазначилик асосий функцияси ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ҳисобланган консолидациялашган фонддаги барча тушумларни назорат қилишдир. Шунингдек, консолидациялашган фонддан тўланган барча тўловлар ҳам унинг назоратида бўлади. Ғазначилик даромадларни ва харажатларни баланслаштириш мақсадида ҳар ойда молия режасини ишлаб чиқади, бу режадан қисқа муддатли молиялаштиришдаги талабларни аниқлашда фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат қарзларини бошқариш ғазначилик функциясига киради. Шунинг учун у давлатнинг қимматли қоғозларини чиқаришни, уларнинг ҳажмини, таркибини ва тўлов муддатини аниқлайди. Бир сўз билан айтганда, у Англия бан-

кининг агенти сифатида намоён бўлади. Ҳазначиликни бош идораси тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида департаментларнинг тўлов қоғозлари асосида пул маблағлари ажратади, у тўловлар ҳисоб-китобини олиб боради. Ички назорат ва аудитни вазирлик ўзининг кучлари билан ўтказди. Ҳазначилик давлат корхоналарини ташқаридан молиялаштиришни лимитлар орқали назорат қилади, хусусийлаштирилган тармоқлардаги маълум департаментларга қарашли “олтин” акциялардан ташқари молиявий активларни бошқарувчиси ҳисобланади.

Давлат молия ахборот тизими Ҳазначилик раҳбарлигида фаолият кўрсатади. Мазкур тизим орқали бюджет тайёрланади ва тасдиқланган бюджет маблағлари даражасида харажатлар рўйхатга олинади, тушумларнинг рўйхатга олиниши алоҳида амалга оширилади. Вазирликлар давлат молия ахборот тизимига боғланган, бундан ташқари, ўзларининг хусусий ахборот тизимларига эга.

АҚШда Ҳазначилик тўғридан-тўғри Президентга бўйсунди ва кенг доирадаги иқтисодий ва молиявий функцияларни бажаради. Бюджет жараёнида бюджетни тайёрлашга жавоб берадиган Маъмурий-бюджет бошқармаси, аудитга ва назоратга, ҳисоб-китоб ишларига жавоб берадиган Бош бюджет-назорат бошқармаси каби муассасалар қатнашади, Солиқ бошқармаси ва Божхона бошқармаси Ҳазначиликнинг бир қисми ҳисобланади.

Ҳазначилик барча тушумларни ва тўловларни Нью-Йоркдаги Федерал резерв банкида ўзининг бош ҳисобрақами орқали назорат қилади. Ҳазначилик барча солиқларни ва бож тўловларини йиғди, марказлашган ҳолда барча йиғимларни йиғилишини ва баъзи муассасаларга хизматлар кўрсатишни таъминлайди. Тушумларни йиғишда банк тизимидан фойдаланилади.

Тармоқ департаментлари маблағларни тўғри ва самарали ишлатилиши бўйича назоратни амалга оширади. Барча харажатлар тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўрови асосида Ҳазначилик томонидан тўланади, бунда чеклардан ва электрон пул ўтказиш воситаларидан фойдаланилади.

Бюджетдан ажратилган маблағлар таркиби ҳам Ҳазначилик томонидан, ҳам Маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан назорат қилинади. Шунингдек, АҚШда Ҳазначилик бошқа мамлакатлардаги каби давлатнинг қимматли қоғозларини чиқаришни ва ҳисобини назорат қилади ҳамда тўлов муддатларини белгилайди ва аукцион-

ларда жойлаштиришни назорат қилади. Шу билан бирга Ғазначилик давлатнинг қимматли қоғозларини иккиламчи бозорининг қоидаларини белгилайди, Ғазначилик қисқа муддатли касса талабларини қоплаш учун доимий ҳафталик қимматли қоғозларни чиқаради.

Ғазначилик бухгалтерия ҳисоб-китобига жавоб беради, ойлик ва йиллик молия ҳисоботларини тайёрлаш учун маълумотлар йиғади ва муассасалар учун меъёрий ҳужжатлар тайёрлайди. Ички назорат ва аудит функцияларини тармоқ департаментларидаги бош инспекторлар бажарадилар. Федерал ҳукумат федерал маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган маҳаллий дастурлар бўйича текширувни амалга оширади. АҚШда Ғазначилик ва Бюджет департаментлари фаолияти аниқ мувофиқлаштирилган. Ғазначилик бюджет тушумлари тўғрисида ҳужжатларни тайёрлайди ва макроиқтисодий асосларни ишлаб чиқишда қатнашади. Маъмурий-бюджет бошқармаси Президент Конгрессига тақдим қилинадиган харажатлар сметасини тайёрлайди, шунингдек, турли даражадаги бюджетларни умумлаштиради.

Ғазначилик пул оқимлари бошқарувини ва қарз мажбуриятлари ҳисоб-китобини амалга оширади. Ғазначилик ва тармоқ департаментлари ўртасида диалог тартибида ахборотлар алмашуви амалга оширилади. Ғазначилик тизимида ягона федерал тизимдаги ҳисоботларни тайёрлаш учун баъзи бир функциялар бирлаштирилади. Тармоқ департаментлари ўзларининг хусусий ахборот тизимига эга, шунингдек, Ғазначиликка диалог тартибида ахборотлар беради ва қабул қилади. Ҳисоботларни турларига қараб уларни тайёрлаш вақти турличадир. Нақд пул оқимлари тўғрисидаги умумий ахборот ҳар кун тайёрланади.

«Латвияда бюджетнинг асосий мақсади – давлат учун қанча маблағлар кераклигини аниқлаш, бошқа давлат хизматлари, молиявий институтлар ва ўз-ўзини бошқариш органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган харажатларни даромадлар билан таъминланишни тўғри асослашдир»²⁵. Мазкур вазифалар ғазначилик хизматидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Латвиянинг 2005 йил бюджет ижроси бўйича асосий норматив актлар:

- молия ва бюджетни бошқариш тўғрисидаги қонун.

²⁵ Лукашина Ольга. Рекомендации по изучению налогового законодательства. Рига. 2005.

- бюджет ташкилотининг молия режасини тузиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги Низом.

- ҳисоб рақамлар хизматининг қоидалари.
- бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи.
- бюджет даромадларининг таснифи.
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва статистик ҳисоботларни тузиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжат.

Мамлакат бюджети икки асосий бўғинга бўлинади: давлат бюджети ва ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджети. Давлат бюджети, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджети ҳам асосий бюджет ва махсус бюджетдан иборат.

Латвиянинг 2006 йил бюджет жараёнларини тартибга солишнинг асосий норматив актлари:

1. Ҳар йили тасдиқланадиган Бюджет тўғрисидаги қонун.
2. Ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджети тўғрисидаги қонун.
3. Ўзини-ўзи бошқариш органлари бюджетларини тенглаштириш ва молиявий фаолиятини назорат қилиш тўғрисида»ги қонун.
4. Молиявий дастаклар тўғрисидаги қонун.
5. Солиқлар тўғрисидаги қонун.
6. Молия вазирлигининг норматив актлари.
7. Ғазначиликнинг норматив актлари.

Мамлакатда бюджетни шакллантириш, тузиш жараёнлари 1997 йилдан бошлаб мақсадли дастурлаштириш усулига ўтказилган. Вазирлик ва идоралар келгуси йилларда амалга ошириладиган харажатлар учун дастурлар ишлаб чиқади ва мазкур дастурларни Молия вазирлиги кўриб чиқади. Бюджет жараёнининг энг асосий хусусияти шундаки, дастурларнинг самараси ва қандай натижага эрилиши эътиборга олинади. Латвияда 2002 йилдан бошлаб ўрта муддатли бюджетларни режалаштириш жараёни бошланган. Ўрта муддатли бюджетни режалаштиришда келгуси йил учун кутилаётган ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати, ишсизлик, инфляция даражасининг ўсиши ва камайиши асос қилиб олинади.

Россияда давлат молиясини бошқаришда император Александр II ҳукмронлик қилган даврда ягона касса масаласи қўйилган. Молия вазирлиги учун касса шунинг учун керак эдики, бир томондан, тушаётган давлатнинг барча даромадларини бирлаштириш, иккинчи томондан, ғазнадан тўғридан-тўғри кредит бериш йўли билан давлат харажатларини молиялаштиришни амалга оширишдан иборат.

1872 йилда империядаги ғазначиликнинг ягона меъёрий хужжати ишлаб чиқилди, ундаги қоидаларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат эди: ғазначилар томонидан турли хилдаги тангалар ва кредит қоғозларини ғазнага қабул қилиш тартиби, бир йўла ва доимий бериладиган пенсия ва нафақаларни тўлаш тартиби, ғазначиликдан қимматли қоғозлар учун фоизлар тўлаш тартиби берилган.

Ўша даврдаги мамлакатнинг иқтисодиётини жуда тез ривожланиши ва унинг маъмурий қайта тузилишидаги ўзгаришлар молиянинг ролини янада оширишни талаб этар эди. Император Николай II ҳукмдорлик қилган даврда Молия вазирлиги фаолиятида, жумладан, Бош Ғазначилик Департаментида жуда кўп таркибий ва сифат ўзгаришлари қилинди. 1890 йилга келиб ғазначиликнинг таркибини ўзгариши билан штатлар сони етарли миқдорда ошди, бу фақатгина крим-чиқим моддаларининг умумий сонини ошиши билан эмас, балки ғазначиликнинг бухгалтерия китобининг алоҳида ҳисоб-китоб ҳисобрақамларининг сонини ошиши билан боғлиқ эди.

Россия Федерациясининг бюджет тизимини барча босқичларида бюджет ижроси «ягона касса» тамойили асосида амалга оширилади. «Ягона касса» тамойили Россия Федерацияси қонуний хужжатларига мувофиқ, бюджет даромадларини барча тушумини, бюджет тақчиллигининг манбаларини жалб этиш ва молиялаштиришни ва бюджетнинг ягона ҳисобрақамидан барча харажатларни амалга оширишни кўзда тутди.

Федерал бюджетнинг даромадлар қисми ижроси ҳақида гапирадиган бўлсак, солиқ органларининг Молия вазирлиги бўйсунувидан чиққанлиги Федерал бюджет ижроси жараёнларини тезкор бошқариш учун зарур бўлган ахборотларни узатишнинг бўлинишига олиб келди. Давлат солиқ хизмати каналлари бўйича барча солиқ тўловларининг амалга оширилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Лекин шунга қарамасдан, Россия Молия вазирлиги ўзининг ҳудудий органларидан ҳақиқатда федерал бюджетнинг даромадлар қисмига тушган миқдори тўғрисида тўлиқ ахборот олиш имкониятидан четлатилган, бу эса бюджет амалиётидаги молиялаштиришнинг кечикишига олиб келди.

Давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш, ҳимоялаш, назорат қилиш ва ҳисобга олишни таъминлаш катта муаммо бўлиб қолди. Давлатнинг молия тизими бошқаруви бўйича давлат талабларини амалда бажарилишини таъминловчи ижро бошқаруви органини тузиш зарурияти юзага келди.

Маълумки, Россияда 1928 йилдан «барча кирим ва чиқимларни ҳисоблаш» тизими мавжуд бўлган, бу вазифаларни Давлатнинг Ғазначилик департаменти амалга оширган. Россияда бюджет ижросининг таҳлили шуни кўрсатадики, 90-йиллар бошида Россияда давлат ғазначилик тўлдирини билан боғлиқ ва унинг ресурсларини харажат қилишнинг назоратини таъминлашга зарурият туғилди.

Россия Федерацияси 90-йилларнинг бошидан яқка тизимли молия бошқарувидан воз кечди, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий манфаатни ҳимоя қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Шундай қилиб, федерал бюджет ижросини амалга ошира оладиган тезликда янги молия органини тузиш масаласини ҳал қилиш керак эди.

Россия Федерациясида 1992 йили федерал миқёсда ҳудудий ғазначилик тизими вужудга келди. Федерал ғазначилик органи Россия Федерацияси Молия вазирлиги таркибига кирази, марказлашган тизим ҳисобланади ва у ҳудудий тамойилларга асосланади. Бунга ҳуқуқий асос бўлиб Россия Федерацияси Президентининг Фармони, «Ғазначилик тўғрисида»ги Низом хизмат қилди.

Мамлакатда давлат бюджет сиёсатини олиб бориш мақсадида Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 8 декабрдаги 1556-сонли Фармони федерал бюджет даромадлари ва харажатларини самарали бошқариш, давлат дастурларини молиялаштиришда тезкорликни ошириш, тушумлар устидан назоратни кучайтириш, давлат маблағларини мақсадли ва иқтисод қилиб ишлатиш мақсадида Россия Федерацияси Молия вазирлигига бўйсунувчи Федерал Ғазначилик органларининг марказлаштирилган тизими шакллантирилди.

Мамлакатда янгиланиш бошланиши билан янги бюджет қонунчилиги яратилди, яъни қонуний органларнинг тасдиғидан кейин бюджет ижроси бошланди. Ҳозирги пайтда бюджет ижросининг асосий мезонлари Россия Федерациясининг Бюджет кодексига асосланади. Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 215-моддасида таъкидланишича, Россия Федерациясида бюджет ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Шу моддага асосан ҳокимият ижроя органларига бюджетнинг ижроси ва уни ташкил этиш, шунингдек, бюджет маблағларини ва бюджет ҳисобрақамларини бошқариш юклатилади. Худди шу органларнинг ўзи барча тақсимловчиларнинг ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг кассирлари ҳамда бюджет ташкилотлари номидан бюджет маблағлари ҳисобидан тўловни амалга оширадilar.

Худудий Ғазначилик органлари уч босқичга бўлинади.

Биринчи босқич. Федерал Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси Молия вазири ўринбосари миқёсидаги бошлиқ томонидан бошқарилади. Доимий равишда йиғма, тўлиқ ва стандартлаштирилган ҳисоб-китоб ва ғазначилик ҳисобини олиб боради, маҳаллий бюджетнинг кирим-чиқимлари тўғрисида юқори ижро ва қонун чиқариш органларига ахборот беради. Ғазначиликнинг қуйи органлари ишини назорат қилади, Федерал бюджет тушуми тўғрисида улардан тезкор ахборотлар ва ҳисоботлар йиғади, бюджет ижросининг қонунчилик асосидаги ижросини таъминлайди.

Иккинчи босқич. Федерал Ғазначиликнинг Бошқармаси Санкт-Петербург, Москва шаҳарлари, автоном уюшма, область ва Россия Федерацияси ичидаги республикалардан иборат. Худудлардан Ғазначиликнинг органлари томонидан федерал бюджетнинг кирим-чиқим қисмини шакллантиришда барча қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди.

Учинчи босқич. Федерал Ғазначилик бўлинмалари. Шаҳар, туман ва шаҳар туманлари, туманга қарашли шаҳарлардан ташқари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қилинадиган харажатларни мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва худудларда федерал бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантиришни таъминлайди. Федерал Ғазначилик бўлинмалари худуддаги федерал бюджетнинг тушум ва харажатлари ижроси тўғрисида юқори ташкилотларга ахборот беради.

Барча Федерал Ғазначилик органлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, ижро ҳокимлик органларига тегишли ва ўз фаолиятида Россия Федерацияси Молия вазирлиги, Россия Федерацияси Ҳукуматининг Президенти томонидан тасдиқланган меъёрий ва қонун ҳужжатларига таянади. Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 8 декабрдаги 1556-сонли Фармони, Россия Ҳукуматининг 1993 йил 27 августдаги 864-сонли Қарори чиқиши билан Федерал Ғазначилик шакллантирилди.

Федерал бюджет ижроси Россия Федерацияси Марказий банки ёки унинг шоҳобчаларида очилган ҳисобрақамларда ғазначилик органлари томонидан амалга оширилади ёки Россия Федерацияси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тижорат банклари ҳам амалга оширади. Россия Федерациясининг Бюджет кодексининг 155-моддасида таъкидланишича, Россия Марказий банки муассасаларида ғазначилик органларининг ҳисобрақами мавжуд. Худудлар-

да Россия Федерацияси Марказий банки муассасалари бўлмаса, ғазначилик ҳисобрақами ваколат берилган хусусий тижорат банкларида бўлади.

Юқорида тўхтаб ўтилганидек, хорижий мамлакатларнинг ғазначилик амалиёти тажрибаларини ўрганиш нақадар муҳим бўлса, маълум давр умумий тарихга эга бўлган мамлакатларнинг бу борадига тажрибалари биз учун ундан ҳам муҳимроқдир. Табиийки, республикамизда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш борасидаги ишларнинг бошланғич босқичида бизнинг республикамиз каби шароитга эга бўлган собиқ иттифоқ республикалари ҳамда бошқа марказлаштирилган режали иқтисодиётга эга бўлган Шарқий Европа давлатларида мазкур ишлар қандай амалга оширилганлиги, мавжуд ютуқлар ва камчиликларга диққат-эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунга келиб мустақилликка эришган собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг барчасида у ёки бу шаклдаги ғазначилик тизими фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг барчасида тўлов операциялари молия вазирликлари таркибига кирувчи ғазналар орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда, ҳозирда ҳам баъзи мамлакатларда тўлов операциялари, масалан, муҳофаа, ҳуқуқ-тартибот вазирликларини молиялаштириш ғазналар ташқарисида юргазилмоқда. Бу мамлакатлардаги Марказий банкларда ҳукумат, айрим ҳолларда эса маҳаллий бошқарув органлари молиявий ресурсларининг катта қисми ёки барчасини, бюджетдан ташқари жамғармаларни ўз ичига оладиган ягона ғазна ҳисоб рақамлари очилган. Аммо барча давлатларда бошланган ислоҳотлар ўзининг тўла якунига етганича йўқ. Ўтган давр мобайнида уларга тегишли ўзгартиришлар киритилди ва шунинг эвазига мавжуд тизимлар такомиллаштиришда давом этмоқда. Собиқ иттифоқ давлатлари томонидан ғазначилик бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни Украина ва Россия тажрибалари мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги кунда Республикамизда ғазначиликда олиб борилаётган чора-тадбирларга қўшимча ижобий йўналишларни аниқлаб олишимиз мумкин бўлади.

Украинада ғазначилик функциялари бир нечта давлат бошқарув органлари ўртасида тақсимланган. Давлатнинг ташқи ва ички қарзларни бошқариш Вазирлар Маҳкамасининг ишончи билан Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Лекин мазкур маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат Ҳисоб палатаси ваколатларига киради. Молия вазирлиги ваколатларига бюд-

жетни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш ва бюджет бирликлари учун харажатлар сметаларини тузиш киради. Бюджет харажатларини амалга ошириш учун тушумлар йиғиш билан Молия вазирлиги таркибидаги солиқ ва божхона хизматлари шуғулланади. Барча пул маблағлари мамлакатдаги банк тизими орқали Ғазначиликнинг Миллий банкдаги ягона ҳисобига келиб тушади. Ягона ҳисобрақам бўйича тушумлар ва тўловлар ҳисобини ғазначилик юритади.

Қимматли қоғозларни чиқариш, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Молия вазирлиги зиммасидадир. Бюджет ижроси жараёнидаги касса узилишларини қоплаш учун банк кредитларидан фойдаланиш, қонунчиликка мувофиқ тақиқланган. Бюджет бирликлари томонидан харажатлар бўйича мажбуриятларни олиш устидан назорат ғазначилик томонидан олиб борилади. Бюджет бирликлари томонидан харажатлар бўйича олинган мажбуриятлар тўлиқ таъминлангандан сўнг, улар томонидан ғазначилик органларига тўлов сўровномаларини тақдим этадилар. Ички назорат ва аудит амалдаги қонун ҳужжатларга мувофиқ бевосита бюджет бирликларининг юқори ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бюджет ижроси тўғрисидаги маълумотлар Молия вазирлиги томонидан чоп этилади. Молия вазирлиги бюджет ижросини умумий бошқарувини амалга оширади. Украинанинг молиявий ахборот тизими Ғазначилик хизмати жавобгарлигидадир.

Россияда давлат молиявий ресурсларини бошқаришда ғазначилик функциялари қуйидагича тақсимланган.

Молия вазирлиги – бюджет лойиҳасини тузиш ва ҳукуматга тақдим этиш, давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ҳукумат топшириғига асосан давлат номидан Федерал маблағлар ҳисобидан қайтариб бериш шарти билан бериладиган қарзларни бериш ва олиш учун кафолатлар бериш, федерал бюджет лойиҳасини тузиш ва ижро этиш соҳасида услубий раҳбарлик қилиш, жамланган Федерал бюджетини тузиш, ҳукумат топшириғига асосан, халқаро молия ташкилотлари билан алоқаларни амалга ошириш, қимматли қоғозларни чиқаришда эмитент сифатида иштирок этиш, давлатнинг ташқи қарзларини бошқариш, барча мулкчилик шаклида фаолият юритувчи шахсларга бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий раҳбарлик қилиш, бюджет ижросининг жорий назоратини амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

Федерал Ғазначилик бюджет ижросини тўғри амалга оширади, бюджет маблағларини бошқариш ва ҳисобини юритади, белгиланган лимитлар доирасида харажатларни, бюджет ссудаларини бериш ва бюджет инвестицияларини молиялаштиради, тўловларни тўлик ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди, бюджет ижроси тўғрисида маълумот ва ҳисоботлар тузади, ягона ҳисобрақам бўйича тушумлар ва тўловларни ҳисобга олади ва назорат қилади.

Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, «Ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатларининг аксариятида тизимнинг камчилиги бюджет таснифларининг мукамал эмаслиги, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг ўта кўплиги ва ажратмаларнинг мураккаб таркиби ғазналар ташкил қилишда тўсиқ бўлмоқда. Бундан ташқари, айрим ҳолларда ғазна ва кўплаб молия вазирликлари, бюджет бошқармалари алоқаларида узилишлар ҳам юзага келмоқда. Бунинг сабаби бюджет тайёрланаётганда асос қилиб ғазначилик тизимининг охириги ёки ҳисобланган маълумотлари эмас ўтган йилги бюджет олинмоқда. Шундай қилиб, бир реал бўлмаган бюджет асосини иккинчи реал бўлмаган бюджет ташкил қилмоқда».²⁶

Масаланинг яна бир томони, мазкур мамлакатлардаги кўплаб операциялар нақд пулларда амалга оширилиб келинмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг банк тизими билан узвий алоқалар ўрнатиши банк тизимига бўлган ишончга боғлиқ, албатта. Очилаётган ҳисоб рақамларининг сонини кўпайишига қараб нақд пул билан операциялар ўрнига чек операциялари ва электрон ўтказишлар пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида тўлов тизими самарадорлигини ошишига олиб келади.

Собиқ иттифоқ республикалари пул-кредит сиёсати учун энг характерли бўлган ҳол амалда ҳукуматнинг ҳисобга олиш ва назорат органи ролини бажараётган марказий банклар вазифаларининг нисбатан кенглигидадир. Албатта, бундай ҳолат ҳар бир мамлакатда бир хил кўринишга эга эмас. Шундай бўлсада, у давлат харажатларини бошқаришда молия вазирлиги ва ғазначилик тизимининг ролини сусайтиришга таъсир этади. Ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи республикаларида олиб борилаётган ислохотлар натижалари биз учун амалий аҳамиятга эга. Уларни кўриб чиқиб ўз амалиётимизга жорий қилиш, ижобий натижалар бериши муқаррар.

²⁶ Тер-Минасян Т., Мартинес-Миндес П. и Паренте П. П. Создание казначейства в странах с переходной экономикой. МВФ. Вашингтон. 1995.

Хориж тажрибалари кўрсатадики, ғазначиликнинг ҳудудий бўлиниши ҳар бир давлатнинг маъмурий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Масалан, Қозоғистон Республикасида 1994 йилда Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида ғазначилик тизими жорий қилинди. 1995 йилнинг охирида эса Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигида Ғазначилик Бош бошқармаси Ғазначилик Қўмитаси ташкил этилди. 1996 йилда бюджет Миллий банкнинг ҳисоб-касса марказида республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳисоб-кассасига хизмат қилувчи Бюджет банки ташкил этилди. Бунда Ғазначилик идораларига нақд пул операцияларидан бошқа банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга даромадлар ва харажатлар учун Ғазначиликнинг ягона ҳисоби Миллий банкда очилиб, унинг ҳудудий идоралари билан корреспонденция ҳисоблари тартиби жорий қилинди. 1997 йилда Бюджет банки бекор қилиниб унинг функцияси ғазначиликнинг ҳудудий идораларига берилди. 1995 йилда ғазначиликнинг ҳудудий идоралари вилоятларда, туман ва шаҳарларда ташкил этилди. Айтилишича, Қозоғистон Республикасида 16 та вилоят ва 184 та туманда мавжуд босқичнинг барча бўғинларида ғазначилик фаолият кўрсатмоқда.

Қозоғистон Республикаси ғазначилик тизимининг таркиби қуйидагича тузилган:

1. Ғазначилик қўмитаси-Марказий ғазначилик.
2. Ғазначиликнинг вилоят бошқармалари.
3. Туманлардаги Ғазначилик бўлимлари.

Қозоғистон Республикаси ҳукумати 1999 йил 24 майда 626-сон билан «Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик қўмитаси масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Қозоғистон Республикаси Ғазначилик қўмитаси тўғрисидаги Низом белгиланди ва Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик қўмитасининг таркибий тузилиши аниқланди.

Қозоғистон Республикаси Ғазначилик қўмитаси Молия вазирлигининг бошқармаси бўлиб, Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги унга берган ваколат чегарасида ўзига юклатилган махсус ижро ва назорат текширув функцияларини бажаради, шунингдек, республика бюджетини ижро этилишида минтақалараро мувофиқлаштириш ишини амалга оширади. Давлат бюджетига ва бюджет ташкилотларига ҳисоб-касса хизматини кўрсатади ҳамда давлат бюджети маблағларини мақсадли ишлатилишида дастлабки ва жорий назоратни амалга оширади. Ғазначилик қўмитаси Қозоғистон Республикаси

Конституциясига, Қозоғистон Республикаси қонунларига, Президент актларига, Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига, шунингдек, мазкур Низом асосида фаолият кўрсатади.

Ғазначилик қўмитаси қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

Ø республика бюджети кассали ижросини ташкил қилиш ва назоратни амалга оширишни яхшилаш;

Ø давлат бюджетининг, хусусан, давлатнинг ва давлат ташкилотларининг кўрсатадиган пуллик хизматларидан тушган тушумларни, депозит суммаларини, беғараз ёрдам ва ҳомийликдан тушган маблағларнинг ҳисоб-кассасига хизмат қилишни яхшилаш;

Ø бюджет тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришда қатнашиш;

Ø республика бюджети маблағларини самарали ва мақсадли ишлатилишининг назоратини таъминлаш;

Ø Ғазначилик қўмитасида давлатнинг ахборот тизими фаолиятини таъминлаш.

Ғазначилик қўмитасига қуйидаги функциялар юклатилди:

Ø республика бюджети маҳаллий бюджетлар ижросида ҳисоб-кассасига хизмат қилиш ҳамда ўзининг ваколати доирасида давлат бюджети ижросини назорат қилиш;

Ø келгуси йил бюджет лимитлари доирасида, ғазначилик рухсатномаларини бериш асосида республика бюджети харажатларини молиялаштириш;

Ø республика бюджети нақд пул оқимларининг прогнозини қилиш;

Ø давлат ташкилотлари харажатларининг, шунингдек, давлатнинг ва давлат ташкилотларининг кўрсатадиган пуллик хизматларидан тушган тушумларни, депозит суммаларини, ҳомийлардан тушган маблағларнинг ҳисоб-кассасига хизмат қилишни яхшилаш.

Ғазначилик қўмитаси ташкилий-ҳуқуқий тузилиши жиҳатидан давлат ташкилоти, ҳуқуқий шахс сифатида миллий тилдаги муҳрига, белгиланган нусхадаги бланкаларига эга. Ҳуқуқий фуқаролик муносабатларида Ғазначилик қўмитаси ўз номидан иш кўради. Қонун ҳужжатлари бўйича ваколат берилганда, ҳуқуқий фуқаролик муносабатларида Қозоғистон Республикаси Ғазначилик қўмитаси давлат номидан иш кўради.

Ғазначилик давлат муассасаси бўлиб, унинг тўлиқ номи Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик қўмитаси дейилади. Ғазначилик қўмитаси ўз фаолиятини республика бюдже-

тидан молиялаштиради. Ғазначилик кўмитасининг тузилиши ва штатлар сони лимити Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Ғазначилик кўмитаси белгиланган қонун ҳужжатларига мувофиқ, Қозоғистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучда бўлган буйруқларни чиқаради. Ғазначилик кўмитасининг мулки ишлатишга берилган Республика умуммиллий бойлиги ҳисобланади, Ғазначилик кўмитасига уни тақсимлаш учун ҳуқуқ берилмаган. Ғазначилик кўмитаси, агар қонуний актлар асосида фаолиятида даромад келтирадиган фаолият амалга оширилса, бу фаолиятдан тушган даромадлар республика бюджети даромадларига йўналтирилади.

Қозоғистон Республикаси Ғазначилик кўмитаси Молия вазирлигининг тавсиясига мувофиқ, Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан тайинланган Раис раҳбарлик қилади. Ғазначилик кўмитаси Раисининг учта ўринбосари бўлиб, Раиснинг тавсиясига мувофиқ, Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги уларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Ғазначилик кўмитасининг Раиси Ғазначилик кўмитасини ташкил этади ва раҳбарлик қилади ва Ғазначилик кўмитасига юклатилган вазифаларни ва функцияларни бажарилишига жавобгар ҳисобланади. Шу мақсадда ўзининг ўринбосарларини, Ғазначиликнинг ташкилий бўлинмалари раҳбарларининг мажбуриятларини ва ваколатларини аниқлайди, тасдиқланган таркибий тузилиш чегарасида штатлар жадвалини ва штатлар сонинг лимитини белгилайди. Ғазначилик органлари ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан озод қилиш тўғрисидаги буйруқларга имзо чекади. Ғазначилик органлари минтақавий ва ташкилий бўлинмаларининг таркибий тузилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

Қозоғистон Республикасининг Ғазначилик кўмитаси ўзига юклатилган вазифаларни ва функцияларни бажариши учун унга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- Ғазначилик кўмитасини миллий ва чет эл валютасидаги ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамини очади;
- давлат ташкилотларидан, давлат бюджетидан маблағ олган ташкилотлардан, шунингдек, республика ва маҳаллий бюджетлардан маълумотларни ва бухгалтерия ҳисоботларини олади ҳамда уларни ўз вақтида тақдим этилишини талаб этади;
- Қозоғистон Республикасининг Миллий банки томонидан берилган лицензияга асосан, миллий ва чет эл валютасида банк операцияларини амалга оширади;

○ доимий ҳаракатдаги таркиби давлат бошқарув органлари, олимлардан, мутахассислардан ва бошқа ташкилот вакилларида иборат Услубий Кенгаш ҳамда вақтинчалик ишчи гуруҳини тузади;

○ Ғазначилик тизими ходимларини қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилишда қатнашади;

○ Ғазначилик органларидаги бюджет тизими ва ички аудит, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ишларида услубий раҳбарликни амалга оширади;

○ республика бюджети, маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлайди ва маҳаллий бюджетларни ахборотлар билан таъминлайди;

○ давлатнинг молиявий прогнозларини шакллантиради;

○ Ғазначилик органлари фаолиятида ва уларнинг ўз вазифаларини бажаришида меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар беради;

○ бюджет ижросидаги ноқонуний ҳолатларда, бюджет маблағлари мақсадсиз ишлатилган ҳолатларда, давлат бюджети учун маблағларини қайтариб туширади ва бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган банк операцияларини тўхтатиб қўяди;

○ Ғазначилик органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳуқуқий шахслар томонидан молиявий интизомга риоя этиш, шунингдек, бюджет маблағларининг ишлатилишида жавобгарликни ошириш учун назоратни ва текширувни амалга оширади;

○ давлатнинг молиявий маблағларини мақсадли ишлатилишининг дастлабки ва жорий назоратини амалга оширади.

Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 1999 йил 28 сентябрдаги 1464-сон «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг лицензиясини олган, шу кўринишдаги банк операцияларини бажара оладиган Банк-Агентлар иккинчи босқичдаги банклардан тўлаш тартибини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ йўриқнома ишлаб чиқилди ва Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 17 ноябрдаги 488-сон буйруғи билан тасдиқланди. Мазкур йўриқнома Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 18 декабрда 1333-сон билан рўйхатдан ўтди.

Қозоғистон Республикасининг Конституциясига ва Қозоғистон Республикасининг «Меҳнат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи, стипендия, пенсия,

нафақа ва бошқа пуллик тўловларни Банк-Агентлар орқали олувчиларнинг хоҳишига асосан маблағларни уларнинг шахсий ҳисобрақамига ёки карт-счётларга ўтказилади.

Иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни олувчи ўзига ҳисобланган суммани шахсий ҳисобрақамига ёки карт-счётларга ўтказилиши тўғрисида якка ҳолда Банк-Агентлар билан шартнома тузади. Шартнома икки нусхада бўлиб, биринчиси Банк-Агентларда қолади, иккинчиси олувчига берилади. Банк-Агентлар мазкур тартиб бўйича олувчиларнинг барча саволларига жавоб беради.

Банк-Агентлар орқали иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни олувчи ўзига ҳисобланган суммани шахсий ҳисобрақамига ёки карт-счётларга ўтказилишидаги хизматлар учун тўлов давлат бюджетидан тўланади. Олувчи давлат ташкилотига ўзининг иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларини Банк-Агентларга ўтказиш тўғрисида тузилган шартноманинг санасини, рақамини ва Банк-Агентнинг реквизитларини кўрсатган ҳолда, ариза тақдим қилади.

Мазкур давлат ташкилотлари олувчига хизмат кўрсатиш учун Агентлик Келишувини тузади ва унга имзо чекишга ҳуқуқи бўлган раҳбар лавозимдагиларни имзосининг нусхасини тақдим қилади. Улар ўртасида электрон имзолар ҳам алмашади. Бунда олувчининг индивидуал шахсий ҳисобрақами номери, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ҳисобланган сумма каби реквизитлар мавжуд. Мазкур давлат ташкилотларининг раҳбарлари олувчиларни иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни Банк-Агентлар орқали уларнинг шахсий ҳисобрақамига ёки карт-счётларга ўтказилиши тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайдиган жавобгар шахсларни аниқлайди. Мазкур давлат ташкилотлари Агентлик Келишувини тузгандан кейин иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақа ва бошқа пуллик тўловларни ўзига ҳисобланган суммани шахсий ҳисобрақамига ёки карт-счётларга ўтказишни хоҳлаган олувчиларнинг рўйхатини тақдим қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бюджетнинг ижроси жараёнида ғазначиликдан фойдаланиш алтернатив усуллардан биридир. Ғазначилик асосида бюджет маблағларидан фойдаланишда уларни иқтисод қилиш, назоратни кучайтириш, солиқ тўловчиларнинг пулини талон-тарож қилиш ҳолларининг олдини олади. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг раҳбарларини

ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга рағбатлантиради. “Бошқа мамлакатлардаги ғазначилик тизимини жорий этилиши ва ривожланишида давлат молия-ахборот тизимини жорий этиш давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди.»²⁷

Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишидан ҳимоялаш ва бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин. Шу сабабли, яқин келажакда давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. «Бюджет ғазначилик асосида ижро этилганда вақтинчалик касса тафовутлари амалда барҳам топади, бутун бирламчи тўлов ҳужжатлари айланиши ғазна муассасаси қўлида тўпланади ҳамда бюджетнинг ижро этилиши ойдинлашади, таҳлил сифати ва тезкорлиги ошади.»²⁸

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «давлат молиясини бошқариш тузилишини тарихий ривожлантиришда наинки илмий, балки амалий тажрибаларга ҳам таянилади, умуман олганда, тарих шу қилинган хатоларни кўрсатиб бериши билан келгусида катта мактаб яратади, дейиш мумкин, албатта, давлат молиясини бошқариш ва уни тузилиши учун бу қимматли мактаб бўлиши лозим».²⁹

2.3. Бюджет жараёнида ғазначиликдан фойдаланишнинг ижобий томонлари

Давлат молия тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар давлат харajatларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Давлат иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Давлат молиясини бошқариш ислоҳотларининг яна бир йўналишининг мақсади – Республикада бюджетнинг бажарилишини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини жорий қилишдан иборат.

²⁷ Иванова Н.Г., Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. -СПБ: Петер. 2001. 58-59 с.

²⁸ Пишков Б.В. Сольский Казначейское исполнение муниципального бюджета: год спустя // Финансы. 2000 йил. 8-сон. 13-бет.

²⁹ Блех И. Устройство финансового управления и контроля в России в историческом их развитии. –СП. 1895. с. 3.


Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна иж-роси тўғрисида»ги Қонунининг ишлаб чиқилиши давлат маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи навбатдаги қадам бўлди. Ғазначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмида тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини ва харажатлар қисмида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратини кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини беради. “Мазкур тизим давлатнинг молиявий активларини ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг эркин қолдиқларини ишлатилишини ҳамда самарали ҳимоясини таъминлайди. Ғазначилик ҳисобрақамидаги эркин қодиклар ҳисобига ўзи бюджет харажатларини кредитлаши мумкин”³⁰.

Бунда давлат молиясини бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш фан-техника тараққиёти ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотни жамлаш, ишлаб чиқиш, узатиш қонунлари ва усулларини ўрганиш билан шуғулланувчи ахборотлаштиришни янада ривожлантириш асосида ўтади. Яъни инсон аниқ, долзарб ва тезкор ахборотга эга бўлса, бошқаришни ва унинг фаолиятини тўғри йўлга қўйишнинг асосий замини бўлиб хизмат қилади.



Қуйидаги расмда ғазначиликнинг ижобий томонларини кўришимиз мумкин.

³⁰ Д.В.Бриль. Применение информационных технологий в целях совершенствования процедур казначейского исполнения бюджета. Финансы. 2002. №-2. -21 стр.

Ғазначилик тизимини татбиқ этилишининг ижобий натижалари



Ғазначилик тизимини татбиқ этилишининг ижобий натижалари



Ўзбекистонда маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатаётган Халқаро валюта фондининг ҳудудий маслаҳатчиси Джон Зоҳрабнинг фикрича, собиқ СССР давлатларининг бюджет ижроси тизими бузилиши қуйидагиларга олиб келган:

§ умумий молиявий назорат йўқолган;

§ харажатлар бюджет режаларига тўғри келмаган;

§ режада бўлмаган хизматлар кўрсатилган ва маблағлар нотўғри ажратилган;

§ давлат бошқаруви тизимининг касса харажатлари самарасиз ишлатилган;

§ бюджет ижроси тизимида кўплаб узилишлар бўлган ва муаммолар ҳал қилинмаган».³¹

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молия ахборот тизимини жорий этиш, давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди.


Иқтисодий адабиётлардан бири А.И. Романенковнинг китобида ғазначилик тизимига қуйидагича таъриф берилади: «Ғазначилик тизими бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топшириғига асосан ваколатни ўзига олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида тўловни амалга оширади.»³²

Ғазначилик тизимида бюджетни ижро қилиш жараёни деталлаштирилган. У қуйидаги кўрсаткичларни аниқ назорат қилиш имконини беради:

³¹ Джон Зоҳраб. Россия, Болгария ва Норвегиянинг Ғазначилик ислохотларига ўтишининг зарурлиги. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидаги маърузаси. 2006 йил. 13 март.

³² Романенков А.И. Федеральное казначейство и бюджетная реформа. Псков: Псковский педагогический институт им. С. М. Кирова. 2000. 58-59 с.

Бюджетни ижро қилиш жараёнидаги ғазначилик тизимида назорат қилиш кўрсаткичларни



Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида 2002 йилда имзоланган Меморандумда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари билан биргаликда давлат харажатларини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Улар қаторида республикада Ғазначилик тизимини жорий қилиниши энг муҳим вазифа деб эътироф этилиб, у Ҳукуватимизнинг яқин келажакдаги давлат молияси сиёсатининг негизини ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари 2002-2006 йилларни қамраб олади. Мана шу муносабат билан 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинди ва у ҳозирда иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг асосий мақсадлари - бу давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш ва Давлат бюджетини ижросини Ҳазначилик шаклига ўтиш орқали бюджет маблағларини самарали сарфланишини таъминлашдан иборатдир.

«Лойиҳа икки босқичдан иборат:

- лойиҳани тайёрлаш босқичи – Ҳазначилик фаолияти концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг ташкилий таркибини белгилаш ҳамда Ҳазначиликни ахборот тизимининг ишлашини техник ва дастурий таъминлаш;

- лойиҳани жорий этиш босқичи – Ҳазначилик фаолияти концепциясини, Ҳазначиликни бизнес-жараёнларини ва Ҳазначиликни техник ва дастурий тизимини ишга тушириш»³³.

«Давлат молиясини бошқариш ислоҳ қилиш учун ҳукумат томонидан ажратилган маблағлардан ташқари Жаҳон банки томонидан – 14,2 млн. долларлик кредит, Япония ҳукумати томонидан – 2,8 млн. доллар, ТАСИС томонидан – 2,8 млн. доллар ва Ислон тараққиёт банки томонидан – 0,2 млн. долларлик грантлар ажратилиши кўзда тутилган»³⁴.

Марказий Ҳазначилик – даромадлар ва харажатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросида, бюджет ҳисобварақлари ва маблағларини бошқаришда аниқ ваколатларга эга ва у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ташкилий тизими ҳисобланади. Марказий Ҳазначилик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Давлат қонунчилиги, Ўзбекистон Рес-

³³ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 апреля 2002 года № 144 «О мерах по подготовке к реализации проекта «Реформа управления государственными финансами».


³⁴ Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетини Ҳазначилик ижроси элементлари ва босқичлари В.Г.Кильберг – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг Ҳазначилик ижроси методологияси ва уни жорий этиш бошқармаси бошлиғи. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогнозлаш, ижро этиш ва назорат. Маъруза матнлари тўплами. Молия. 2006. -76.

публикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш босқичлари асосий элементлари 6-чизмада келтирилган.

6-чизма

«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга оширишнинг асосий босқичлари



Давлат бюджетининг ғазна ижроси бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатишга ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш, Давлат бюджети ижроси жараёнини жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги сифат поғонасига чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимини яратиш билан боғлиқ бўлган ислохотларни Давлат бюджети ижроси жараёнидаги тубдан ўзгариш деб баҳоласа бўлади. Бюджет ижросини ислох қилишда Давлат бюджети ижросига масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик тизимини яратиш назарда тутилади. Республикада Давлат бюджети Ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилган ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари инобатга олинган.

Республикада давлат молиясини ислох қилиш дастури харажатларни самарали бошқариш, пул-кредит интизомини мустаҳкамлаш ва ажратмаларни олдинги вазифаларни назарда тутган ҳолда тақсимлаш, бюджет ижроси ва бюджет назоратини самарали таъминлаш, унинг тиниқлигини ошириш ва давлат маблағларини ишлатганлиги учун ҳисоботни такомиллаштиришга йўналтирилади. Мазкур мақсадларга эришиш учун бюджет ижроси ва уни тайёрлашни такомиллаштириш, жумладан, Ғазначилик тизимини жорий қилиш ва уни барча зарурий жиҳозлар, ахборот технологиялари билан таъминлаш ишлари амалга оширилади.

Мазкур лойиҳани амалга оширишга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 400,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Қарорда айтилишича, Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида молия ахборот тизимининг функционал ва техникавий тузилмасини ишлаб чиқишга 500,0 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилиши билдирилди.

Мазкур қарорнинг мақсади давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш, замонавий компьютерлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш, бюджет ижросининг янги тизимини яратишдир. Кўрсатиб ўтилган лойиҳани тайёрлашни ташкил этиш ва уни амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилди.

Лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Бу кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди (7-чизмага қаранг):

7-чизма

**«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳаси
Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вазифалари**



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳани тайёрлашга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки авансини ва Япония

хукумати грантини олиш юзасидан битим хатни Ўзбекистон Республикаси хукумати номидан имзолашга вакил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида лойиҳани тайёрлашга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун 4 кишидан иборат вақтинчалик ишлайдиган ишчи гуруҳи тузишга, уларга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан миллий валютада иш ҳақи тўлашга рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия ва Ички ишлар вазирликларининг буюртмаларига бинон, лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божи ундирмасдан кўп марталик визалар берилиши ва уларнинг муддати узайтирилиши таъминланди. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2005 йилда дастлабки лойиҳа бўйича Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ғазначилик тизимининг фаолият кўрсатиши синаб кўрилади.

- «Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, жумладан, республика бюджетидан молиялаштирилладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди.

- Давлат молиясини бошқариш ислохотлари лойиҳасининг мақсади бюджетнинг бажарилишини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини республикада жорий қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик лойиҳасини тайёрлаш жараёнида, биринчи галда унинг ташкилий тузилиши ишлаб чиқилди. Ғазначиликнинг бажарадиган вазифалари аниқланди.

Ғазначилик Молия вазирлигида юридик шахс мақомига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросининг кўзда тутилаётган Ғазначилик тизими марказлашган ҳолда бўлади.

Ғазначилик:

- кассадаги нақд пулларни бошқариш;
- ойлик касса лимитларини ўрнатиш;
- бюджет ташкилотларининг шартномаларини рўйхатга олиш;
- бюджет ташкилотларининг молиявий сарф-харажатларини жорий назорат қилиш(тўлов қоғозлари назорати);
- бюджет бажарилишининг ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботи;
- давлат қарзи ва хукумат активлари ҳисобини олиб боради.

Ғазначилик тизими нақд маблағнинг ягона ғазначилик ҳисобварағида, марказлашган ҳолда қайд этилишини ҳисоби ва бюджет бажарилишини назорат қилишни кўзда тутди. Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи кассадаги нақд маблағлар оқимларини бошқариш ва пул операцияларининг мавжуд турли концепцияларидан қуйидаги вариантини Ўзбекистонга мос деб ҳисобланади.

Ғазначиликнинг актив ягона ҳисобрақами ва марказлашган ҳисобчилик назорати олиб борилади. Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисоб варақасида ййғилади, тўловни амалга оширишни сўровномаси ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар ғазначиликка жўнатилади, ғазначилик тўловларни режалаштиради ва назорат қилади.

- Ғазначиликнинг бош китоби-ғазначилик усулининг асосий элементларидан биридир. Ғазначилик тизимининг бу ҳисоботи давлат молиявий бошқаруви самарадорлиги ва сифатини аниқлаш имконини бермоғи шарт. Ғазначилик тизимининг молиявий ҳисоботи тузишни асосий тамойиллари – ахборот тўлалиги ва тўғрилиги, шакл ва форматларнинг стандартлиги, фойдаланишга қулайлиги ва тезлигидан иборат бўлади.

Биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан давлат молияси соҳасидаги фаолиятларда электрон ҳужжатлардан кенг миқёсда фойдаланиш учун, давлатнинг бошқарув ва молия-кредит соҳасида замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари билан таъминлаш учун, умумий қонуний база шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунининг мақсади – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш муносабатларини ғазначилик тизими билан тартибга солишдан иборат.

Давлат бюджети маблағларини бошқариш шундан иборат бўладики, Ғазначилик ягона ғазна ҳисобрақамидан ва Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидаги Давлат бюджети маблағларини, Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларини вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йў-

ли билан бошқариб боради. Ғазначилик томонидан дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобрақамидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан Давлат бюджетда маблағлар ажратиш назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказилади.

Мазкур Қонунда кўрсатилишича, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлашдан иборат”³⁵. Давлат бюджетининг ғазна ижросининг асосий тамойиллари – кассанинг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудлар бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ғазначилик билан Давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетининг даромадларида назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб туради.

Давлат мақсадли жамғармалари маблағларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Ғазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослиги учун жавобгар бўладилар.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобрақами ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан белгиланган муддатларда, республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади. Ягона ғазна ҳисобрақами белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида Ғазначилик томонидан очилади. Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида ва тижорат банкларида банк ҳисобрақамини очиш ҳуқуқига эга. Ғазначи-

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонуни. 4-модда. \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.

ликнинг ягона ғазна ҳисобрақамидан маблағларни ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.


Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобрақамига киритилиб, улар тегишлича, республика бюджет, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетини ғазначилик тизимида ижро этишнинг ижобий томонлари 8-чизмада кўрсатилган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобрақамига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади. Давлат бюджетда чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги ягона ғазна ҳисобрақамига киритилади. Молия вазирлигида бюджет маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида барча кўрсаткичлар бўйича маълумотларни мавжудлиги маблағларни бош тақсимловчиларига бюджет маблағларини тезкор бошқариш учун имкониятлар беради. Бюджетни ижро қилишда ғазначилик тизимида ўтилиши давлат ҳокимияти билан хўжалик субъектлари ўртасидаги бюджетга тааллуқли ваколатларни тақсимлашнинг белгиланган тартиби ўзгармайди. Давлат бюджетининг кассали ижроси Ғазначиликка бириктирилади. Бюджет маблағларини бош тақсимловчиларнинг ҳуқуқи, бюджетдан маблағ олувчиларнинг вертикал бўйсунуши, иқтисодий ва ташкилий назорат-ғазначилик органларининг фаолиятидан ташқаридадир.

Давлат бюджетини ғазначилик тизимида ижро этишнинг ижобий томонлари



Бу соҳадаги навбатдаги вазифалар ғазначилик тизимини шакллантириш учун керак бўлган молия, бюджет ва солиқ тизимига боғлиқ қонунларга ва давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифига ўзгартиришлар киритиш, йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиши ва амалиётга киритилиши керак бўлади.

Бозор иқтисодиёти мамлакатларида ғазначиликни жорий этишнинг қатор афзалликлари мавжуд. Давлатнинг молиявий маблағлари, шу жумладан, бюджет маблағлари ва мақсадли жамғармалар маблағларини жалб қилиш асосида давлатни молиявий ресурсларининг тезкор бошқарилишини амалга ошириш мумкин. Бюджетнинг мақсадли ва самарали ижро этилиши устидан доимо самарали назорат қилиб боришни таъминлаш имконияти пайдо бўлиши унинг асосий афзалликлари билан боғлиқдир. Давлат молиясини бошқаришнинг ғазначилик тизими барча давлат ресурсларининг ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамларида жамланишини ва барча бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ғазначилик бўлимларида ўз шахсий ҳисобрақамлари очилишини назарда тутди.

Таҷрибалар шуни кўрсатадики, бюджет ғазначилик асосида ижро этилганда вақтинчалик касса тафовутлари амалда барҳам топади, бутун бирламчи тўлов ҳужжатлари айланиши ғазна муассасаси қўлида тўпланади ҳамда бюджетнинг ижро этилиши ойдинлашади, таҳлил сифати ва тезкорлиги ошади.³⁶ «Давлат бюджетининг кассали ижроси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига юклатилган. Ғазначиликни жорий этиш бюджетнинг даромадлар қисмида тушумларнинг тушишини ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишининг назоратни кучайтириш имконини беради.»³⁷

Мазкур тизимни жорий этиш билан бюджет бажарилишини кузатиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда қулайлик яратиш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфланишдан ҳимоялаш ва бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш сифатини ошириш мумкин.

Ғазначилик тизими бюджет маблағларининг молиявий оқимларини ишбилармонлик билан бошқариш, бюджет харажатларини жорий ижро этишда бюджет ресурсларининг нисбатан оз касса қолдиқлари билан қаноатланиш ва натижада, давлат бюджети даро-

³⁶ Пишков Б.В. Сольский. Казначейское исполнение муниципального бюджета: год спустя // Финансы. 2000. №8. -3 стр.

³⁷ Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Ташкент. 2001. 79 с.

мадлари ҳамда харажатларининг тезкор ва яқуний мувозанатлаштирилган бўлишига эришиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2006 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган. Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа – бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, бюджет-солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларидан эътиборан бошланган ислохотлар давом этмоқда. Жаҳон банки ва халқаро донор ташкилотлари ёрдамида республикада ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича ишлар янада жадаллаштирилмоқда. Ғазначилик тизимининг жорий этилиши Молия вазирлиги учун мавжуд молиявий тизимда рўй бераётган жараёнларга фаол таъсир этиш орқали мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштиришга кенг имконият яратилмоқда»³⁸.

Миллий иқтисодиётни барқарор ва муваффақиятли ривожланиши, ҳукумат томонидан қўйилган мақсадли вазифаларни амалга оширилиши давлат бюджети маблағларининг самарали ишлатилиши билан белгиланади. Бу борада республикада бюджет ижросида ғазначилик тизимини жорий қилиб бориш мазкур жараённи самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, бу ҳолат, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар амалиётида бевосита ўз тасдиғини топмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Деонтология, ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақами, давлат молия-ахборот тизими, солиқ, хирож, тиюл, бюджет кодекси, ғазначилик тизими, бюджетнинг касса ижроси, бюджетдан маблағ олувчилар, ягона касса тамойили.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанини ўқитишнинг мақсади нималардан иборат?
2. Ғазначиликнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиринг.

³⁸ Болтабоев Т. Давлат харажатларини бошқаришда ғазначилик тизимининг аҳамияти. // Бозор, пул ва кредит. 2003. №6. 44 б.

3. Хориж мамлакатларидаги ғазначилик тизими фаолиятидаги ўхшашликларни ва фарқларни аниқланг.

4. Бюджет жараёнида ғазначиликдан фойдаланишнинг ижобий томонлари нималардан иборат?

5. Ўзбекистондаги ғазначилик фаолиятини бошланиши шароитида қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

6. Иқтисодий адабиётлардаги «Ғазначилик» атамасига берилган таърифларни келтиринг ва тақдимот слайдларини тайёрланг.

7. «Ўзбекистон Республикасида ғазначилик фаолияти: муаммолари ва ечимлари» мавзусида реферат ёзинг.

III боб. ҒАЗНАЧИЛИКНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Ғазначиликнинг асосий функциялари

Бюджет жараёнининг асосий босқичларидан бири давлатнинг молиявий назорати ҳисобланади. Бюджетни иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан кўпқиррали алоқаларини бюджет кўрсаткичларининг аниқ адресли характери ифодалайди ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратади. Бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади.

Бугунги кунда молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўпсонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлат назоратини кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган ҳеч бир мамлакат йўқки, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатади, қонунийлик, объективлик, эркинлик ва мустақиллик молиявий назоратнинг тамойилларидир. Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади. Молиявий назоратнинг моҳияти унинг бажарадиган вазифалари ва функцияларида кўринади.

Давлатнинг молиявий назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ◆ бюджетни тўғри тузишни ва ижро қилишни таъминлаш;
- ◆ бюджет ва солиққа доир қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- ◆ бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини текшириш;
- ◆ бюджет ва солиқ интизомига риоя қилишни яхшилаш;
- ◆ бюджетлараро муносабатлар механизмнинг реализациясини назорат қилиш;
- ◆ банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини айланишини текшириш;
- ◆ минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлашда мақсадли бюджет жамғармаларининг шаклланишини ва тақсимотини назорат қилишдан иборат.

Давлатнинг молиявий назорати функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ◆ давлат бюджет маблағларини харажат қилинишини назорат қилиш;

- ◆ давлат мулкни хусусийлаштиришни, давлат ва хусусий мулкни самарали ишлатилишини молиявий назорат қилиш;

- ◆ бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини ишлатилишини назорат қилиш;

- ◆ банкларда ва бошқа кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини айланишини назорат қилиш;

- ◆ солиққа тортишда имтиёзларнинг ишлатилишини қонунийлигини назорат қилиш;

- ◆ давлат бюджетидан ажратиладиган субвенция, дотация, ссуда ва бошқаларни берилишини назорат қилиш.

Республикамизда даромадларнинг етишмаслиги ва ўз вақтида тушмаслигини эътиборга олган ҳолда, мавжуд бюджет маблағларидан оқилona ва самарали фойдаланиш мақсадида ғазначилик тизимига ўтиш, бунда молиялаштириш ва касса харажатларини амалга ошириш жараёнларини бирлаштириш натижасида бюджет маблағларини бюджет ташкилотларининг банкдаги ҳисобрақамида қолдиқ сифатида қолишини бартараф этиш мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда дастурларни молиявий таъминлаш ва давлат маблағларидан фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш ишида ғазначиликсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда яратилаётган марказлаштирилган ғазначилик тизими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида маблағларни марказлаштиришни, шунингдек, бюджет ижросининг назоратини ва ҳисоб-китобини кўзда тутди.

Ривожланган мамлакатлардаги амалда қўлланилаётган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами концепциялари, кассадаги нақд пул оқимларини ва пулли операцияларни бошқаришнинг ушбу усули Ўзбекистонга мос келади: бунда фаол ғазначиликнинг ягона ҳисоб-

рақами фаолият кўрсатади ва марказлаштирилган бухгалтерия назорати амалга оширилади.

Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади, тўловни амалга ошириш учун сўровнома ва уни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ғазначиликка йўналтирилади, ғазначилик уларни назорат қилади, тўловларни режалаштиради ва тўловни амалга оширади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларидан кўринишича, ғазначиликнинг асосий вазифалари бир-бирига ўхшайди. Улар:

1. Давлат бюджетининг кассали ижросини амалга ошириш.
2. Давлатнинг молиявий активларини бошқариш.
3. Давлат қарзларини бошқариш.
4. Давлатнинг молиявий ресурсларини ҳисоб-китобини юриштиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш тизимини фаолият кўрсатишини таъминлаш.
5. Давлат молиясининг ҳолати тўғрисида доимий равишда ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилиш.

6. Молиявий назоратнинг қоидаларини ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш.

7. Давлат молияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Молия вазирлигига берилган ваколат доирасида бюджет ташкилотларини молиявий фаолиятини назорат қилишдан иборат.

Ғазначилик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Миллий ва чет эл валютасида давлатнинг молиявий ресурсларини тўплаш, давлат бюджети тушумлари ва харажатлари ҳажмининг қисқа муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш.

2. Сертификат бериш асосида республика ва маҳаллий бюджет маблағларини, шунингдек, давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағларини сарфлашни амалга ошириш.

3. Давлатнинг пул оқимларини кирими, чиқими ва қолдиғини бошқариш, ғазначиликни ягона ҳисобрақамидаги маблағларни самарали ишлатишни амалга ошириш.

4. Давлат бюджети бўйича Ғазначиликнинг йиллик ва ойлик ҳисоботини тайёрлайди ва нашр қилади, Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди ва уни ижрочиларга етказилади.

5. Молия вазирлигининг топшириғига биноан давлат ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам қисқа ва узоқ муддатли маблағларни жалб этади.

6. Молия вазирлигининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда бюджет тизими тўғрисидаги қонуний ҳужжатларнинг ижросини назорат қилади, бюджет таснифига мувофиқ ғазначилик ҳисобрақамларини очади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилишича, Ғазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий, давлат ҳокимияти идоралари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфини назорат қилишда Ғазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобрақамидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидан қайтарилишини амалга оширади.

Ғазначилик юридик шахс мақомига эга бўлган Молия вазирлигига бўйсунадиган давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлимлари каби ҳудудий органлари фаолият бошлайди. Ғазначиликка Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади. Ғазначиликнинг ҳудудий органлари ҳуқуқий шахс мақомига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудуд-

дий органлари тузилади ва тугатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ солиқли ва солиқсиз давлат тушумларини тўплаш, сақлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш учун Ғазначилик томонидан Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами очилади. «Ягона ғазна ҳисобрақами Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобрақами бўлиб, бу ҳисобрақамга Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобрақамидан Давлат бюджетда маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади»³⁹. Ғазначилик алоҳида операцияларни, шунингдек, давлатнинг мақсадли фондларининг маблағлари билан операцияларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами доирасида субсчётларини очиш ҳуқуқига эга. Бу субсчётлардаги қолдиқлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами қолдиғининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган ваколатлар доирасида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва унинг субсчётларини бошқаради. Ғазначиликнинг ваколат берилган лавозимдаги шахсларидан бошқа ҳеч ким ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами маблағларидан пул ўтказиш учун банкка тўлов топшириқномасини бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкада очилади. Ўзбекистон Республикасининг Маарказий Банкининг ҳудудий бошқармаларида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамининг субсчётлари ҳам очилади. Республика минтақаларида давлат харажатларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида Ғазначиликнинг топшириғи билан Марказий Банк томонидан бутун иш куни мобайнида субсчётларга ва улардан пул маблағларини ўтказиш ташкил этилади. Маблағ ўтказиш ва давлатнинг пул маблағларини харажат қилиш учун фақат Молия вазир-

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонуни. 9-модда. \ \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.

лиги рухсати билан банк счётларини очиш мумкин. Бу ҳуқуқни Давлат Ғазначисига Молия вазирлигининг буйруғи билан юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ва Ғазначилик ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли масалалар улар ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Ғазначилик йилда камида бир марта ушбу шартномаларнинг таҳлилини ўтказиши шарт, агар Ғазначиликнинг фикри бўйича шартномаларни қайта кўриб чиқиш талаб этилса, иккала томон талабларини қондириш мақсадида шартномаларни қайта тузиш тадбирлари кўрилади.

Давлат бюджетини кассали ижросини амалга ошириш жараёнида тижорат банклари билан ҳам шартнома тузади. Бу банкларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тавсиясидан кейин аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ва тижорат банклари Ғазначилик талаби билан қуйидаги маълумотларни беришга мажбур:

- бюджет ташкилотларининг банкда очилган шахсий счётлари, унда маблағлар айланиши ва қолдиғи тўғрисида маълумот;
- Ғазначилик сўраган аниқ бюджет ташкилотининг ёки унинг тавсияси билан очилган банк ҳисобрақамидаги маблағлар тўғрисида маълумот.

Ғазначилик фаолият кўрсатаётган хориж мамлакатларида ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатида мувофиқ, давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган солиқли ва солиқсиз, давлатнинг мақсадли фондларига тушган тушумларни, бюджет ташкилотлари даромадларини, жорий даромадларини, махсус мақсадга қаратилган фондларга ҳомийлардан тушган маблағларни, грантларни қўшганда ва давлатнинг бошқа турдаги даромадлари тўлиқ ва тўғридан-тўғри ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисидаги қонун»га, шунингдек, турли даражадаги давлат бошқаруви ўртасида тушумларни тақсимотини тартибга соладиган бошқа қонунларга мувофиқ, Ғазначилик тушумларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш учун жавобгар ҳисобланади. Ғазначилик белгиланган бюджет таснифига мувофиқ, барча давлат тушумларини алоҳида ва аниқ рўйхатини амалга оширади, қонун асосида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан барча тўловларни амалга оширишга жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир бюджет ташкилоти ажратилган бюджет маблағлари чегарасида харажатларни амалга ошириш учун сертификат бериш асосида тўлов топшириқномасини керакли ҳужжатлар билан биргаликда ўзи-

нинг ғазначилик бўлимига тақдим қилади. Харажатларнинг асослилиги текширилгандан ва ресурсларнинг мавжудлиги тасдиқлангандан кейин Ғазначилик Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ёки тижорат банкларига тўлов хужжатини йўналтириш билан тўловни амалга оширади. Турли кўринишдаги харажатларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маблағларни ўтказиш механизмлари унинг меъёрий хужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистонда «Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасида кўрсатилишича, ғазначилик органлари қуйидаги функцияларни бажаради:

9-чизма

«Давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳаси бўйича ғазначилик органларининг функциялари

	<p>Марказлашган Ғазначилик:</p> <p>1. Ғазначиликнинг бош китобини юритади.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. • Харажатларни молиялаштиришга рухсат беради. • Бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини бошқаради. • Нақд пулларни бошқаради. • Тўловларни бошқаради. • Давлат қарзининг ҳисоб-китобини юритади. • Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. • Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
	<p>Ғазначилик бошқармалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. • Харажатларни молиялаштиришга Ғазначилик рухсатномаларини беради. • Бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини бошқаради. • Нақд пулларни бошқаради. • Тўловларни бошқаради. • Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. • Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
	<p>Ғазначилик бўлимлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бюджетга тушган тушумларни бошқаради. • харажатларни молиялаштиришга Ғазначилик рухсатномаларини беради. • Нақд пулларни бошқаради. • Тўловларни бошқаради. • Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. • Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.

Ғазначилик:

- Давлат бюджетининг барча харажатлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида ифодаланиб, уларнинг алоҳида ва аниқ ҳисоб-китобини юритади;

- маблағларни харажат қилишда, ўз вақтида тўловларни амалга ошириш учун ресурсларни етарлилигини таъминлашда бюджет ташкилотларни ўзига қабул қилган мажбуриятларни ёзувини амалга оширади;

- Молия вазирлигининг Бюджет бош Бошқармасида шакллантирилган ҳар бир сертификат ва унга қўшимчани рўйхатдан ўтказди;

- бюджет ажратмаларидаги Олий Мажлис томонидан белгиланган захира фондларни етарли миқдорда сақлайди;

- Молия вазирлигининг Бюджет бош Бошқармаси билан биргаликда доимий равишда бюджет ташкилотларига, хусусан, уларга тегишли бюджет ижроси тўғрисида маълумотлар тақдим қилади;

- бюджет ташкилотлари ишлатиши учун Ғазначиликнинг харажатларни назоратини қилиш ва тўловни амалга ошириш қоидаларини аниқлайдиган меъёрий ҳужжатлар тайёрлайди ва нашр қилади.

- Ғазначилик давлатнинг молиявий активларини бошқаришда давлат харажатларини ўз вақтида амалга ошириш учун ресурслар билан таъминлайди. Молия вазирлигининг Давлат Бюджети департаменти, вазирликлар ва идоралар берган маълумотлар асосида ойда камида бир марта Ғазначиликка давлат даромадлари ва харажатларининг прогнозини тақдим қилади, прогнозни тақдим қилиш шакли Ғазначилик томонидан аниқланади. Бюджет ташкилотлари харажатлар прогнозини Ғазначилик счётлари тизимига мувофиқ, Ғазначиликка тақдим қилишга мажбурдирлар.

Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади. Масалан, Россия Федерацияси Молия вазирлиги назорат ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш 1998 йил 28 декабрда Россия Федерацияси Молия вазирлигининг 265-сон «Федерал Ғазначилик бошқармасининг, Россия Федерацияси Молия вазирлигининг, Россия Федерацияси Молия вазирлиги назорат-текширув бошқармасининг Россия Федерацияси субъектлари билан ўзаро алоқадорлиги ва тафтиш ва текширувларни ўтказишнинг тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан тартибга солинади.

Буйруқда таъкидланишича, Федерал Ғазначиликнинг территориал органлари назорат вазифаларини бажариш учун Федерал бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий счётларидан харажатларни

молиялаштириш пайтида Федерал Ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назорат амалга оширилади, уни амалга оширишда ташкилот ва муассасалар 100 фоиз қамраб олиниши керак. Федерал бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг якуний назорати Федерал Ғазначиликнинг территориал органлари томонидан Россия Федерацияси Молия вазирлиги иқтисодий ва назорат ишларининг асосий масалалари бўйича режасига мувофиқ, бошқа ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сақланиши, мақсадли ва самарали ишлатилишининг якуний назорати Россия Федерацияси Молия вазирлиги назорат-текширув бошқармасининг назорат функцияси ҳисобланади. Федерал Ғазначилик бошқармаси ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги назорат-текширув бошқармаси йил мобайнида назорат ишларининг чораклик режасини аниқлайди. Россия Федерацияси Молия вазирлиги тошириғига биноан, бюджетдан маблағ олувчиларни биргаликда текширишлари мумкин, Россия Федерацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ керак бўлган ҳолларда, бошқа органларга мурожаат қилиши мумкин.

Федерал Ғазначилик бошқармаси ҳар йили назорат-текширув бошқармасига территорияларда жойлашган Россия Федерацияси субъектлари, федерал бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган ташкилотлар фаолияти тўғрисида, шунингдек, ўтган йил мобайнида федерал бюджетдан маблағ олган ташкилотлар тўғрисида бошланаётган йилнинг 01.01. ҳолатига ахборотлар тақдим қилади.

Назорат-текширув бошқармаси текшириш натижаларига кўра маълумотларни Федерал Ғазначилик бошқармасига федерал бюджет даромадларини тўлдириш учун, пеня, жарималарни бюджетга ундириш учун мақсадли ишлатилмаган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни йўналтиради. Федерал Ғазначилик органлари тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқиб, жарима санкциялари қўлланилгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларга жорий йилнинг молиялаштириш режаси шу миқдорда камайтирилганлиги тўғрисида билдиришнома юборади. Ғазначилик органлари текширув натижаларини тўлиқ амалга ошириш ва масъул раҳбар ходимларни, шунингдек, қонунни бузган шахсларни жазолаш мақсадида федерал бюджет маблағларини ноқонуний ишлатиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқ-тартибни ҳимоялаш органларига ахборот беради.

Ғазначилик органи фаолиятининг узлуксиз қисми-бу назоратдир. Федерал Ғазначилик органлари бюджетдан маблағ олувчилар

томонидан федерал бюджетнинг маблағларини мақсадли ишлатилиши устидан жорий назорат олиб боради. Бунда ғазначилик тизимининг бюджет ижроси махсуслиги белгиланади: банклар миждознинг ҳисоб молия ҳужжатлари, ҳисобрақамида қолган маблағ миқёсида операцияларни бажаради ва тўлов манзили назорат этилмайди, Федерал Ғазначилик органи эса қолган маблағ миқёсида иқтисодий тасниф моддалари бўйича тўлов мўлжалланганлиги устидан назорат олиб боради. Бюджет олувчиларнинг ғазначиликка иждо учун олинган молия ҳужжатлари банкка Ғазначилик органилари номидан тақдим қилинади ва харажат ҳисобларидан олинади. Бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари олиш учун махсус тартиб кўзда тутилган, бу маблағларни бериш Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ғазначилик органи маълум тартиб асосида бюджет ташкилотларининг ишончли вакилига пул чекини расмийлаштиради ва шу чек асосида банклардан Ғазначилик органи ҳисобига нақд пул олинади. Бу Федерал Ғазначилик органи ҳисобидаги тушум ва харажат операциялари маълумотномаларда акс этирилиб, ҳар куни банк Федерал Ғазначиликка тақдим этади. Ўз навбатида Ғазначилик органи ҳар бир ҳисоб бўйича бюджет олувчига маълумот бериб, тўлов харажатларининг нусхаларини расмийлаштиради, бу ҳужжат харажат этилганлиги тўғрисида далолат беради.

Кўрсатиб ўтилган тартиб бўйича молия йили давомида Федерал бюджетнинг харажат қисмини иждо амалга оширилади. Россия Федерацияси Марказий Банки ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги бўйруғи билан ҳар йилги харажатлар бўйича молия йилининг тугаллаш муолажаси ва куни белгиланган. Ғазначилик органи юқори ташкилотлари федерал бюджетнинг тушум ва харажатлари бўйича тасдиқланган шаклда ва муддатда федерал бюджет иждо бўйича ҳисобот тоширади.

Ғазначилик томонидан назорат остига бюджетни даромад ва харажатларини амалга оширувчи барча банклар, бу маблағларни ҳисобдан чиқариш, ўтказиш ва ҳисобга олиш муддатларига амал қилишлари лозим. Банк томонидан қонунбузарлик содир этилса, жарималар белгиланиб, РФ Марказий Банкига банкни лицензиядан маҳрум этиш тўғрисида тақлиф киритилади. Бундан ташқари, Ғазначилик барча бюджет олувчилар томонидан олинган маблағнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб боради.

Шу мақсадда барча ҳисобхона, молия ва бошқа ҳужжатларда маблағнинг мақсадли ва қонун асосида ишлатилиши текширилади. Ноқонуний ишлатилганлиги аниқланса, бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади ва мақсадсиз ишлатилган маблағ жорий йил бюджетини қисқартириш йўли билан олиб қўйилади ёки бир йўла оғоҳлантирилмасдан ҳисобдан чиқарилиб, федерал бюджет жаримаси солинади. Бундан ташқари, Федерал Ғазначилик органлари мутахассислари прокуратура, Давлат Солиқ инспекцияси, Россия Федерациясининг Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси ва бошқа органлар билан биргаликда текширувларда иштирок этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ғазначилик органлари бошқа органлар билан кенг миқёсда алоқада бўлади, лекин баъзи бир қонуний, меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатлар борки, улар ўзаро келишилмаган ёки ташкилий-услубий ва ахборот-технология соҳасида баъзи муаммолар бўлиши мумкин.

Мазкур муаммоларни ҳал этилиши “Ғазначиликнинг 2004 йилгача ривожлантириш дастури”ни амалга ошириш, Россия Федерацияси Бюджет кодексига белгиланган кенг кўламли меъёрларни қўллаш, қатор қонуний ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқдир. Россия Федерацияси ҳукумати Федерал бюджет ижросини, Россия Федерациясининг бюджет субъектлари, шунингдек, бюджетдан ташқари фондларни ғазначилик тизимига ўтказиш жоиз деб ҳисоблайди. Россия Федерацияси ҳукумати бюджет сиёсатини амалга оширишни такомиллаштириши учун “Федерал Ғазначилик органининг 2000-2004 йилларда ривожлантириш дастури” лойиҳаси ишлаб чиқилди, бу дастурни амалда қўллаш ғазначилик олдида турган масалаларни тезроқ ечилишига ёрдам беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Тўпланган жаҳон тажрибасини бундан буён янада ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ғазначилик бўлимларининг ишлаб туриши ва ўзаро ҳамкорлигини тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, шунингдек, улар асосида бюджет жараёнининг ягона услубиётини ишлаб чиқиш зарур.


Ғазначилик тизими Марказий банкдан, банк тизимидан ёки хусусий сектордан маблағларни қарзга олиш ҳажмларини жуда камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, ривожланган молия тизимини шакллантиришда давлатнинг молиявий ресурслари билимдонлик билан бошқарилишини ва бюджет узлуксиз ижро эти-

лишини, шунингдек, бюджет маблағларининг олувчилар томонидан мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш зарур. Бундай тизимни жорий этиш натижасида Ғазначилик органлари давлатнинг молиявий оқимлари комплекс назорат қилинишини, шу жумладан, барча даражалардаги бюджетлар ижро этилишини, бюджетдан ташқари ва мақсадли жамғармаларни, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларни бюджетдан ташқари маблағлари назорат қилинишини йўлга қўя олади.

Молиявий оқимларни тегишлича назорат қилишгина давлат маблағларини ўз вақтида ҳисобга киритиш ва бошқа ҳисобга ўтказиш, улардан аниқ мақсадда фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

Турли давлат дастурлари ва лойиҳаларни бюджет маблағлари билан молиялаштиришнинг таркиб топган бугунги кундаги бюджет амалиёти молиялаштирувчи орган томонидан бир олувчига йўлланган молиявий маблағлар бошқасига тушиши мумкин бўлган вазиятни истисно этмайди. Агар давлат маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш улар ажратилгандан кейингина бошланса, давлат бюджети кўп нарсани бой беради. Кейинги молиявий назоратнинг самарасизлиги шундаки, унинг хулосалари бюджетдан маблағ олувчи ўзига ажратилган маблағларини амалда сарфлаб бўлганидан кейин чиқарилади. Ваҳоланки, жорий назоратни, яъни бюджет маблағлари ўзлаштирилиши жараёнининг ўзи назорат қилинишини таъминлаш муҳимдир.

Ғазначилик анча кенг қамровли ва самарали бюджет назорати ва текшируви тизимини таъминлайди.

Ғазначиликнинг самарали бюджет назорати тизими

Ниҳоят, ғазначиликни жорий этиш давлат молиясини бошқаришнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашадди. Ғазначилик муассасасидан ўз вақтида ва муҳим ахборот олиниши туфайли Молия вазирлиги томонидан молия тизими ҳамда иқтисодиётдаги қисқа муддатли кундалик ҳолатларни тезкор аниқлашга ёрдам берган ҳолда, мамлакат бюджетининг таъсирчан ролини кучайтиради. Бундай тизимда бюджет бозорга доир маълум

мотларга ва юзага келадиган муаммоларга монанд равишда муносабатда бўлиш, номақбул ҳолатларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, давлат бюджетини самарали назорат қилиш ва унинг тақчиллигини бошқариш таъминланади.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоқ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 594-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, ғазначилик зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилди:

✓ Давлат бюджетинининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

✓ Давлат бюджети маблағларини ягона ғазначилик ҳисоб рақами, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

✓ бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

✓ бюджет ташкилотларини, жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечилимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;


✓ харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет маб-

лағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

▼ Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисоб рақамига жамлаш ва ундан харажатлар тўловини амалга ошириш имконини берувчи Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик ҳуқуқлари



Ўзбекистон Республикасида ғазначилик ҳуқуқлари

Бюджетдан маблағ олувчилар ва буюртмачиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан Ғазначиликда (унинг ҳудудий бўлинмаларида) рўйхатдан ўтказилмаган шартномалардан келиб чиқадиган капитал қурилиш юзасидан мажбуриятлари тўлови бўйича тўлов ҳужжатларини ижро этиш учун қабул қилмайди

Нархларнинг асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўйилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловни бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномаларда назарда тутилган сумма доирасида чеклайди, шунингдек, бюджет ташкилотлари буюртмачилар шартномалари предметиға мувофиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилган ҳолларда тўловни тўхтатиб қўяди

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган ҳисоботлар тақдим этилмаган тақдирда уларнинг бюджет маблағлари ҳисобига амалға ошириладиган харажатлари тўловини молия органлари топшириғига биноан тўхтатиб қўяди, бу тўғрида тегишли вазирликлар, идоралар, бюджетдан маблағ олувчиларни хабардор қилади

Бюджет ташкилотларининг Ғазначиликда (унинг ҳудудий бўлинмаларида) рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича молиявий мажбуриятларини ҳисобға қабул қилмайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахслар билан шартнома тузилмасдан молиявий мажбуриятлар қабул қилиниши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланган тартибда республиканинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг маълумотлар тармоғини ташкил этиш учун ер усти рақамли алоқа каналларини бериш чоралари кўрилди.

«Бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб беврувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилишга оид шартномаларни ғазначиликда рўйхатга олиш»⁴⁰ бошланди.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметасини бажариш функциялари ғазначиликка берилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига бюджет маблағлари олувчиларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган банк ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш чоралари кўрилди.

3.2. Ғазначилик функцияларининг бажарилиш механизмлари ва тамойиллари

Юқоридагилардан маълум бўлдики, бюджет ижросининг ғазначилик тизими қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

– маблағларни мақсадли йўналтириш ва харажатларни ўз вақтида қилинишини таъминлаш ҳисобига бюджет маблағларини самарасини ошириш;

– тақсимловчидан охириги бюджет маблағи олувчиларгача бўлган йўлни қисқартириш ҳисобига бюджет маблағлари айланишини тезлаштириш;

– тезкор ҳисоб-китоб ва назорат асосида даромадлар ва харажатларнинг аниқ прогнозини шакллантириш йўли билан ички қарзга камайтириш.

Ушбу вазифаларни бажарилишини мамлакатлар мисолида кўрайлик.

Россия Федерациясида Федерал бюджет ижросини бошқариш дастаги-Ғазначилик тизимини шакллантириш 1993 йил январдан бошланди. Ғазначиликдан бошқаришнинг ташкилий структураси ва бошқарув органларининг самарали таркиби ишлаб чиқилди, штат-

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралда «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон қарори.

лар шакллантирилди ва улар ўртасидаги функциялар тақсимланди. Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 8 декабрдаги 1556-сонли Фармони, Россия Ҳукуматининг 1993 йил 27 августдаги 864-сонли Қарори чиқиши билан Ғазначилик тизимини шакллантириш тўғрисидаги масала ташкил қилиш маъносида ҳал этилди.

Ғазначилик тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар қилиб белгиланди:

✓ Россия Федерацияси республика бюджети ижросини ташкил қилиш, амалга ошириш ва назорат қилиш, ушбу бюджетнинг даромадлари ва харажатларининг ягона касса тамойилидан келиб чиққан ҳолда, банкда ғазначилик ҳисобрақамларини бошқариш;

✓ Россия Федерацияси республика бюджети ва федерал бюджетдан ташқари фондлар ўртасидаги молия муносабатларини ҳамда ушбу фондларни молиявий ижросини тартибга солиш, тушумларни ва бюджетдан ташқари маблағларни ишлатилишини назорат қилиш;

✓ давлатнинг молия ресурслари ҳажмининг қисқа муддатли прогнозини тайёрлаш, шунингдек, шу даврдаги давлат харажатларида белгиланган ресурсларни тезкор бошқарувини амалга ошириш;

✓ Россия Федерацияси ҳукуматининг Россия Федерацияси республика бюджети ва Федерал бюджетдан ташқари фондлар, Россия Федерацияси бюджет тизими, давлат молияси тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш, юқори ҳокимият органларига тақдим қилиш, шунингдек, Россия Федерацияси Ҳукуматининг молиявий операциялар тўғрисидаги ҳисоб-китоб ишларини бошқариш;

✓ Россия Федерацияси Марказий банки ва бошқа давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқариш ваколати берилган банклар билан биргаликда хизмат кўрсатиш ва бошқариш;

✓ Давлат бошқарув ва ҳокимият органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари маблағларини бошқарадиган ташкилотлар учун зарур бўлган ғазначилик компетенциясига қарашли ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориш тартиби тўғрисидаги услубий ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, Россия Федерацияси давлат ғазнасининг ҳисоб-китоб операцияларини юритишдан иборат.

Россия Федерацияси Молия вазирлиги таркибида Федерал Ғазначиликнинг Бош бошқармаси тузилди. Россия Федерацияси Молия вазири тайинлаган Молия вазири ўринбосари-Бош бошқарма бошлиғи мазкур бошқармага раҳбарлик қилади. Бугунги кунда Фе-

дерал Ғазначиликнинг Бош бошқармаси таркибида 18 бўлим мавжуд. Уларнинг йўналиши куйидагича:

- тўлов бўлими;
- операциялар бўлими;
- давлат қарзи операциялари ҳисоби бўлими;
- федерал бюджет маблағларини қайтариш ҳисоби бўлими;
- федерал бюджет ижроси бўйича умумий бўлим;
- федерал бюджет ижросини таҳлил қилиш бўлими;
- тушумларини прогноз қилиш бўлими;
- бош бухгалтерия;
- валюта операциялари бўлими;
- ғазначилик билан федерал бюджетнинг ижро қилиш услубий бўлими;
- бюджет ҳисоби ва ҳисоботи бўлими;
- давлат молияси статистикаси бўлими;
- ижро назорати ва иш юритиш бўлими;
- федерал Ғазначилик тизимининг ривожлантириш бўлими;
- ғазначилик услубининг ахборот технологияси бўлими;
- ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш бўлими;
- текшириш-инспекторлари бўлими;
- федерал Ғазначилик органларининг ишларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўлими.

Россия Федерациясининг таркибида маблағларни бош тақсимловчилари жуда кўп бўлганлиги сабабли Федерал бюджет ижросини ғазначилик тизимига ўтиши босқичма-босқич бўлиши лозим. 1993 йилда фақат 17 та Федерация субъектларида ғазначилик органлари тузилди. 1994-1995 йилларда кенгайтирилган алоқа шакллантирилди, барча даражада Федерал бюджет маблағларини бошқариш тартиби ва чизмаси ишлаб чиқилди, амалиётда федерал бюджетнинг Федерал Ғазначилик тизими билан ижроси бошланди. 1994 йилда Федерал Ғазначилик тизимининг ҳудудий органлари федерал даромадларни ҳисобини олиб бориш ва тақсимлашни аввал тажриба сифатида, кейин доимий тартибда бошлади. 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига РФ нинг 88 та субъектларида Ғазначилик органлари тузилди, Татаристон Республикасида Федерал Ғазначилик бошқармаси очилди, шундай қилиб, Россиянинг барча территориясида ягона бюджетни ижро қилишнинг марказлаштирилган тизими шакллантирилди.

Россия Федерацияси Молия вазирлигининг Ғазначилик органи қонуний, меъерий, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, унга юклатилган вазифалар чегарасида Федерал бюджет даромадлари ва харажатларини тўлиқ ва таққослама ҳисобини олиб боради, бюджетлараро муносабатларни тартибга солади, бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлайди. Бу масалаларни ҳал этиш учун турли муассасалар ва ташкилотлар, жумладан, Россия Федерацияси Марказий Банки, Россия Федерацияси Молия вазирлиги назорат-текшириш бошқармаси, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳудудий органлар, ҳуқуқ тартиботни таъминловчи органлар билан ҳужжатлар айланиши ва ахборотлар алмашувининг аниқ тартиби ташкил этилди. Бу таркибий структураларнинг алоқадорлиги асосида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- ◆ федерал бюджет ижросининг ҳисоби ва ҳисоботини ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- ◆ турли даражадаги бюджетлар ўртасида тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш;
- ◆ назорат ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда мувофиқлаштириш фаолиятини таъминлаш;
- ◆ бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг самарали назоратини амалга ошириш;
- ◆ бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг якуний назоратини амалга оширишда ташкилий ва услубий масалаларни биргаликда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
- ◆ бюджет ижросини чуқур ишлаш ва прогноз баҳолаш учун тезкор ва жорий ахборотдан фойдаланиш;
- ◆ бюджет тизимида солиқлар ва мажбурий тўловлар, ажратмаларни таъминлайдиган турли органларнинг ҳисоби ва ҳисоботини таққослаш имконини яратиш;
- ◆ турли даражадаги бюджетларга даромадларни тушишидаги махсус шаклдаги ҳисоб-китобларни қўллаш, солиқ тўловчиларга берилган имтиёзлар билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш;
- ◆ бюджет қонунчилиги бузилган ҳолатлар аниқланганда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

Марказий банкда ғазначилик ўзининг ҳисобрақамига эга бўлган ҳолда, Ҳукуматнинг балансли қолдиқларидан ўзининг кредитор қарздорлигини камайтириш, шунингдек, молиявий харажатларини қисқартириш учун ишлатилиши мумкин. Бюджет даромадларини йиғиш ва давлат харажатларини тўлаш анчагина ликвидли ўзгариш-

ларга олиб келади, шунинг учун бу молия оқимларини пул-кредитни тартиблаш органлари қаттиқ назорат қилишлари зарур. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, бунда ўз вақтида пул-кредит дастакларини қўллаш лозим. Баъзан, Ғазначилик ягона ҳисобрақами хусусий тижорат банкларида бўлади. Бу вариант давлат учун қимматроқ, чунки тижорат банкларидаги бюджетнинг ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар Россия банки олдидаги қарздорликни камайтирмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлатнинг асосий функцияларидан бири молия-кредит тизимини етарли фаолият кўрсатиши учун давлатнинг молиявий назорати амалга оширилишидир. Бозор муносабатлари турли мулк шаклидаги, айниқса, бюджет маблағларини ишлатадиган ташкилотларни ва муассасаларни давлат томонидан назорат қилиш зарурлиги ва қоидабузарликларни олдини олиш тадбирларини қўллашни инкор этмайди.

Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 267-моддасида таъкидланишича, Федерал Ғазначилик бош тақсимловчиларнинг, тақсимловчиларнинг, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларни, кредит ташкилотларини ва бюджет ижроси жараёни қатнашадиган бошқа қатнашувчиларни, шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини ишлатилишини дастлабки ва жорий назоратини амалга оширади ва назорат ишларини мувофиқлаштиради. Ушбу кодекснинг 282-моддасига мувофиқ, бюджет қонунчилигини бузган шахсларга нисбатан қуйидаги чоралар қўлланилади:

§ бюджет ижроси жараёнидаги бу ҳолатлар тўғрисида огоҳлантириш;

§ харажатларни тўхтатиб қўйиш;

§ бюджет маблағларини олиб қўйиш;

§ жарималар, пенялар белгилаш;

§ кредит ташкилотларида ҳисобрақам билан қилинадиган операцияларни тўхтатиб қўйиш;

§ Россия Федерациясининг Бюджет кодекси ва Федерал қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам кўриш мумкин.

Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 284-моддасида регламентация қилинган мажбурий тадбирларни қўллаш соҳасидаги Федерал Ғазначилик органларининг ваколатларини кўриб чиқамиз.

Федерал Ғазначилик органлари қуйидагиларни амалга оширишлари мумкин:

◆ мақсадли равишда ишлатилмаган маблағлар ҳеч қандай музокарасиз олиб қўйилади;

◆ бюджетдан қайтариш вақти ўтгандан кейин ҳеч қандай музокарасиз олиб қўйилади;

◆ жарима солинишга асос бўлганда протокол тузилади;

◆ қайтариш шарти билан берилган бюджет маблағларини ва уларга фоизларни ҳеч қандай музокарасиз олиб қўйилади;

◆ тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ижро қилмаганлиги учун, яъни маблағларни бюджетга ва бюджетдан ўз вақтида ўтказмаганлиги учун кредит ташкилотларидан олинадиган жарималарни белгилайди;

◆ бюджет ижроси жараёнидаги нотўғри ҳолатлар тўғрисида бошқарув, ҳокимият, ўз-ўзини бошқариш органларини ва бюджетдан маблағ олувчиларни огоҳлантиради.

Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 285-моддасида регламентация қилинган бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан бюджет маблағларини тўғридан-тўғри олиб қўйилади, бу Федерал Ғазначилик органи раҳбари ёки унинг ўринбосари имзо чеккан қарорга асосан амалга оширилади. Лекин Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 286-моддасида белгиланишича, Федерал Ғазначилик органи раҳбари ёки унинг ўринбосари имзо чеккан қарорсиз, арбитраж судининг қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан бюджет маблағлари тўғридан-тўғри олиб қўйилади.

Россия Федерацияси Федерал Ғазначилик органи назорат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири федерал бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини назорат қилишдир. РФ Бюджет кодексининг 289-моддасига мувофиқ, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилиши, мазкур маблағларни ишлатиш ва йўналтириш мақсади тасдиқланган бюджетда аниқланган шартларга, бюджет росписига, бюджет ассигнованиялари тўғрисидаги билдиришномага, даромадлар ва харажатлар сметасига ва бошқа ҳуқуқий асосларга мос келмаганлиги учун РСФСР Маъмурий қонунбузарлик кодексига мувофиқ бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарларига нисбатан жарима белгиланади ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан бюджет маблағларини тўғридан-тўғри олиб қўйилади.

Федерал бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишини қуйидаги ҳолатлар кўрсатади:

◆ бу маблағларни банк депозитларига, кейин уни сотиш учун турли активларни (валюталар, қимматли қоғозлар) сотиб олишга йўналтириш;

◆ молиявий кўллаб-қувватлаш мақсадида бошқа ҳуқуқий шахсларни устав фондига взнослар тўлаш;

◆ маблағларни сарфлашга асос бўладиган ҳужжатлар бўлмаса, (товар моддий бойликларни сотиб олиш, маблағларни харажат қилишда ҳисоботларни тақдим қилинмаса) бухгалтерияда бошланғич ҳужжатларни расмийлаштирмаслик ёки нотўғри расмийлаштириш;

◆ федерал бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан олинган товар-моддий бойликлар камомади;

◆ федерал бюджетдан ажратилган маблағларни Молия вазирлиги томонидан белгиланган нормадан ошириш (озик-овқат, доридармон, бензинни ишлатиш, йўл харажатлари меъёрлари).

Бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишини назорат қилишнинг энг ишончли шаклларида бири – бюджетдан маблағ олувчилар, бюджет ташкилотларини тўғридан-тўғри ташкилотнинг ўзига бориб текширишдир. Молиявий назоратнинг бу шакли яқунловчи назорат турларидан биридир. Бу вазифаларни бажариш учун Ғазначилик органларида назорат-тафтиш ишлари бўйича бўлим мавжуд.

Текширув жараёнида ташкилот сметаси, таъминотчилар билан тузилган шартномалар ва контрактлар, бухгалтерия ҳисобини юриштиш текширилади. Федерал Ғазначилик органлари текширувларининг натижалари асосида ташкилотнинг молиявий фаолияти тўғрисидаги хулосадан, маъмурий ва молиявий қарорлар қабул қилиш учун асос сифатида фойдаланиб, далолатнома тузилади. Текширув-назорат ишларини ривожлантириш мақсадида дастлабки, жорий ва яқунловчи назорат Федерал Ғазначилик органларига юклатилади.

Ғазначилик органи назорат фаолиятининг асосий йўналишларидан яна бири-маблағларни бюджетга ва бюджетдан ўз вақтида ўтказиш масалалари бўйича кредит ташкилотларини текширишдир. Россия Федерациясининг Бюджет кодексига мувофиқ, Федерал Ғазначилик органлари федерал бюджет ҳисобига солиқларни ва солиқсиз тўловларни ўз вақтида ўтказиш бўйича текширувлар ўтказди. Бу текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– солиқ тўловчилар томонидан банкка тўланган тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини текшириш;

– солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан тўловларни ўз вақтида камайтириш;

– филиал счётларидан ва корреспондент счётлардан тўловларни ўз вақтида ўтказиш.

Солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан тўловларни ўз вақтида камайтиришни текширишда банк кўчирмалари ва шу куннинг ҳужжатлари (мижозларнинг тўлов қоғозлари, солиқ органларининг инкасса тўлов топшириқномалари, банкнинг тўлов ордерлари) текширилади. Муддатларини текширишда банкнинг тўлов қоғозларини қабул қилган кун санаси билан шахсий ҳисобрақамларидан тўловларни амалга оширилган сана таққосланади. Операциялар вақтида тушган ҳужжатлар ижроси шу кунда, операция вақтида тушмаган ҳужжатлар эртаси куни ижро қилинади.

3.3. Молия ва ғазначилик органлари вазифаларининг тақсимланиши

Юқоридагилардан маълум бўлдики, бюджетнинг ғазначилик ижроси молия ходимларига шундай масъулият юклайдики, бунда бюджет харажатларини режалаштириш, тақсимлаш ва бюджет маблағларидан фойдаланишнинг назорати умумлаштирилади.

Ғазначиликнинг бош китобини юритиш, бюджет тушумларини бошқариш, харажатларни молиялаштиришга рухсат бериш, бюджет ташкилотлари шартномаларини бошқариш, нақд пулларни бошқариш, тўловларни бошқариш, давлат қарзини ва шартли мажбуриятларни ҳисоблаш, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш каби фаолият турлари ичида харажатларга рухсат бериш алоҳида ўрин тутди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Давлат молиясидан мақсадли тарзда, оқилона, самарали фойдаланиш ҳар қандай мамлакат бюджетлари ижросининг зарурий кўрсаткичи ҳисобланади. Бюджет ижроси солиқ тўловчининг ҳам, давлат ҳокимияти ва бошқарув органи вакилларининг ҳам диққат-эътиборида туради.

Ғазначилик жорий этилиши билан Молия вазирлиги ва молия органларининг функционал мажбуриятлари 4-жадвалда кўрсатилганидек тақсимланиши мумкин.

**Бюджетни ижро этиш жараёнида
функционал мажбуриятларнинг тақсимланиши**

Бюджет жараёни босқичлари	Амалдаги бюджет тизими	Ғазначиликдаги бюджет тизими
1. Бюджет лойиҳасини тайёрлаш	Бюджет Бошқармаси-Худудлар молияси Бошқармаси	Бюджет Бошқармаси-Худудлар молияси Бошқармаси
2. Бюджет маблағларини йиллик, чораклик лимитлари тақсимоти	Бюджет Бош Бошқармаси-Худудлар Молияси Бошқармаси, вазирликлар ва идоралар	Бюджет Бош Бошқармаси-Худудлар Молияси бошқармаси, вазирликлар ва идоралар
3. Йиллик, чораклик бюджетларни аниқлаштириш	Бюджет Бош Бошқармаси-Худудлар молия Бошқармаси	Бюджет Бош Бошқармаси-Худудлар Молия Бошқармаси
4. Кассадаги нақд пулларни бошқариш-ойлик бюджет тушумлари ва харажатларини режалаштириш	Бюджет Бош Бошқармаси-Худудлар Молия Бошқармасининг бухгалтерияси	Ғазначилик-республика, вилоят, туман, шаҳар босқичлари
5. Касса лимитлари тўғрисида билдириш-номалар бериш	Бюджет бошқармаси сертификат беради	Ғазначилик сертификат беради
6. Шартномалар тузиш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
7. Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар ва олинган товарлар тасдиғини бериш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
8. Тўловга ҳисобкитоб тайёрлаш	Бюджет ташкилоти	Бюджет ташкилоти
9. Тўлов қоғози назорати	Тижорат банклари	Ғазначилик
10. Пул маблағларини ўтказиш бўйича банкка тўлов қоғозини тайёрлаш	Бюджет ташкилоти	Ғазначилик
11. Шартнома мажбуриятларининг дастлабки назорати	Молия вазирлиги ва молия органлари	Ғазначилик органлари
12. Ички аудит	Назорат-текширув Бошқармаси	Назорат-текширув Бошқармаси
13. Ташқи аудит	Ҳисоб палатаси	Ҳисоб палатаси

Республикамизда бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш шароитида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби молия тизимида ҳам бюджет амалиётида ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан республикамиз учун мос келадиган ва юқори самара берадиган томонларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджетининг барча маблағлари ғазначиликнинг ягона бир ҳисобрақамида тўпланади, амалдаги бюджет тизимида бунинг иложи йўқ эди, чунки, баъзи маҳаллий солиқлар ва йиғимлар туман бюджетининг тижорат банклардаги ҳисобрақамига тушади. Ғазначиликни жорий этилиши билан, давлат бюджетининг даромад қисмининг ижроси тижорат банклари томонидан эмас, ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизимининг барча даражадаги бюджетларга тушумларнинг манбалари бўйича солиқларнинг йиғилиши тўғрисида, бюджет таснифи асосида республика ва маҳаллий бюджет харажатларининг касса ижроси бўйича ҳар куни ахборот олиниши мумкин бўлади. Давлат бюджетининг харажатлар ва даромадлар қисмининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ғазначилик томонидан тузилади.

Демоқчимизки, бюджетнинг ижро этилишида ғазначилик тизимига ўтиш бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, бошқарув органлари харажатларини қисқартириш имкониятини берадиган тўғри йўллардан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилаётган даврда, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия, бюджет соҳасида ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Таянч сўз ва иборалар

Ҳисоб палатаси, сертификат, билдиришнома, бюджет ташкилоти, пеня ва жарималар, шартнома, операциялар бўлими, бюджет жараёни, электрон имзо, бюджет маблағи тақсимловчилари.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ғазначиликнинг асосий функцияларини айтинг.
2. Ғазначиликка қандай вазифалар юклатилган?
3. Ғазначилик фаолиятининг механизми ва тамойиллари нима-лардан иборат?
4. Молиялаштиришга сертификатлар бериш ким томонидан амалга оширилади?

5. Молиявий назоратни амалга оширишда ғазначилик хизмати-нинг ўрнини тушунтиринг.

6. «Ўзбекистонда ғазначилик органлари вазифаларининг такомиллаштирилиши» мавзусида реферат ёзинг ва такдимот тайёрланг.

7. Давлат бюджети ижросининг банк ва ғазначилик тизимларининг ўзига хос хусусиятларини гуруҳларда муҳокама қилинг.

8. Ғазначиликда ички аудитнинг ўрнини кўрсатинг.

9. Ғазначиликнинг асосий функциялари ва вазифалари ифода-ланган кластер чизинг.

IV боб. БЮДЖЕТ ТАСНИФИ ВА УНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

4.1. Бюджет таснифининг асосий тамойиллари

Маълумки, давлат молияси тизими марказида Давлат бюджети туради. Бюджет тизими мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий тузилишини, давлат қурилишини кўрсатувчи мураккаб механизмини ифодалайди. Давлат бюджети – давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг балансидир. Бюджет-давлат ташкилот, муассаса, оила ёки айрим шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатлари баланси маъносида ишлатилади.

Давлат бюджетининг яратилиши ва ижроси давлатнинг миллат таракқиёти хусусиятларига ҳамда давлат олиб бораётган ташқи ва ички иқтисодий сиёсатга боғлиқ.

Миллий даромадни бюджет орқали қайта тақсимлаш натижасида таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар, бошқарув органлари ҳамда мамлакат муҳофаа эҳтиёжлари молиявий ресурслар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилади»⁴¹. Шунингдек, бюджет давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви билан боғлиқ бўлган вазифаларни таъминлаш мақсадида пул маблағларини жамғариш учун уларнинг шакллантириш манбаларини ҳосил этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш деб ҳам эътироф этилади.

Юқоридагилардан маълумки, давлат молияси аниқроғи, давлат бюджетини тузиш аниқ тамойилларга асосланади, бу ўз навбатида муҳим аҳамиятга молик бўлган бюджет жараёнининг ҳамма босқичларини бир тизимга солиш заруриятини келтириб чиқаради. Шундай тизимлардан бири бу бюджет таснифидир.

Иқтисодий адабиётларда бюджет таснифининг умумий тамойилларига, давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг моҳияти ва уларни гуруҳлаштириш ва бюджет таснифидан оптимал равишда фойланишга қаратилган муҳим фикрлар берилган. Шунингдек, давлат ва маҳаллий бюджетлар жараёнида тасни-

⁴¹ Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т., Ўзбекистон 1996. 143-бет.

фнинг иқтисодий моҳияти ва унинг роли ҳам кўп таъкидланади. Бунда бюджет даромадлари ва харажатларини жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги, хусусан уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти, таснифни аниқ белгиларига асосан гуруҳлаштириш, иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинади.

Давлат бюджети иқтисодий категория сифатида пул муносабатларини ифодалайди ва шу тарзда жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ижтимоий гуруҳлари ва синфларнинг ўзаро муносабатларини ўзида акс эттиради. Шаклий жиҳатдан давлат бюджетини маълум бир аниқ вақтга даромадлар ва харажатлар ёйилмаси деб ҳам эътироф этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида шу аниқ давр учун қонунга мувофиқ тасдиқланган бўлиши шарт.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари – бу марказлашган давлат пул жамғармаларининг бир қисми бўлиб, улар ҳудудий ва тармоқ бўйича ҳамда мақсадли равишда фойдаланишга сарфлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Бюджет харажатлари давлат бюджети харажатлари каби миқдорий ва сифат даражаси билан тавсифланади. Харажатларнинг сифат тавсифи унинг иқтисодий табиатини очиқ берса, миқдорий тавсифи эса ҳажмини белгилаб беришга ҳаракат қилади. 12-чизмада бюджет таснифи берилган.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет таснифи



Мазкур назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг батафсил иқтисодий тавсифини ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсирини, хусусан, бозор иқтисодининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга имкон туғиладики, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таснифини кўриб чиқишни тақозо этади.

Бюджетни гуруҳлаш тавсифи ва уларни тузиш тамойиллари бюджет даромадлари ва харажатларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, иқтисодиётнинг тузилиши ва уни бошқаришга боғлиқ равишда аниқланади. Даромад манбаларини билиш ва бюджет сарфларининг йўналишини аниқлаб олиш бюджет жараёнининг самарали ишлашига шароит яратади.

Шунингдек, бюджет даромадлари ва харажатларини бир тизимга солиб гуруҳлаш нафақат бир қанча ўхшаш даромад ва харажатларни бирлаштириш имкониятини беради, балки иқтисодиётда молиявий назоратни мустаҳкамлашни ва бюджет интизомига риоя этилишини ҳам таъминлайди.

Давлат молияси тизимида бюджет таснифи бюджет ҳолатини тизимлаштиради ва ҳисоб-китоб маълумотларини таъминлаб беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бюджет таснифига қуйидагича таъриф бериш мумкин: бюджет таснифи – бу бюджет даромадлари ва харажатларини, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаштириш ва бюджетларни тузиш ва уларни ижро этиш ҳамда турли даражадаги бюджетлар кўрсаткичларини ўзаро таққослаш имконини беради.

Бюджет таснифидан Давлат бюджетини тузиш, таҳлил этиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади. Бюджет таснифи бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслашни таъминлайди.

Бюджетнинг муҳим қисмини ташкил этувчи тизим бюджет таснифи бўлиб, у турли даражадаги бюджет кўрсаткичларини ўзаро таққослаш, молиявий, бюджет тақчиллигини қоплаш манбаларини белгилаш имконини беради.⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Халқаро таснифлаш асосида давлат бюджети даромадлари ва харажатларини миллий таснифлашни ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Ушбу таснифлар давлат молияси ҳисобини юритиш ва уни бошқаришни яхшилаш имконини беради. Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромад манбалари ва харажат йўналишлари белгиланади. Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига асосан, бюджет таснифи юқорида берилган турлардан иборат. Бюджетларни тузиш ва уни ижро этишда юқорида келтирилган таснифлар ишлатилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари бўйича таснифдан маҳаллий бюджетларимизда фойдаланилмайди.

4.2. Давлат бюджетининг даромадлар таснифи

Давлат бюджети даромадлари бўйича тасниф ҳар бир даромад ва харажатни тавсифлаш демакдир. Масалан, давлатнинг маҳаллий даромадлари иқтисодий категория сифатида иқтисодий ахборот ҳам бериши мумкин. Улар аниқ бир гуруҳ ва синфларга хос муносабатлар билан ҳам ифодаланади. Маҳаллий даромадлар ҳам миллий бойликни тақсимлаш

⁴²Йўлдошев М.И., Й.Турсунов «Финансовое право», -Т; Банковско-финансовая академия. ТГЮИ. 2004г. см:2-ое издание. стр-77.

ва қайта тақсимлашда бевосита қатнашади, натижада шу аснода маҳаллий бошқарув органлари кўлида пул маблағлари жамланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўз бюджетини яратаётганлиги унинг миллий тарихида ғоят муҳим воқеалиқдир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, Давлат бюджетини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини яратилди.

Мазкур қонуннинг 10-моддасида кўрсатилишича, бюджет таснифи давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир.

Давлат бюджетининг ҳозирги шароитда шаклланиши кўп жиҳатидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти натижаларига ва улардан маълум қисмини давлат бюджети ва бошқа бюджетларга олишдаги ўзаро муносабатларини такомиллашиб боришига ҳам боғлиқдир. Хусусан, давлат бюджети мамлакатнинг даромадларини шакллантиришда ва ўстириб боришда муҳим рол ўйнайди. “Давлат бюджети даромадларининг моҳиятини тўлиқ очиш учун уларни 5 та мезонга асосан таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Давлат бюджети даромадларининг таснифлаш мезонлари Давлат бюджети даромадлари моҳиятини очишга хизмат қилади”⁴³.

Давлат бюджети даромадларининг таснифлаш масалалари С. Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, Э.Долан, В.Родионова, Д.Дробозина, А.Окунева, С.Брю. Р.Макконел каби таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, С.Фишер, Р. Дорнбуш, Р.Шмалензи, “Экономикс” асарида “Давлат бюджети даромадларининг таснифлашнинг фақат битта мезонига эътибор қаратдилар, улар бюджет даромадларини солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратдилар”⁴⁴.

Америкалик иқтисодчи олим Э.Долан “Давлат бюджетининг даромадларини дастлаб солиқли ва солиқсиз даромадларга бўлади”⁴⁵.

Давлат бюджети даромадлари турли белгиларига кўра таснифланади. Ҳозирги вақтда уларни тўрт асосий белгисига кўра таснифлаш кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадла-

⁴³ А.Жўраев Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Тошкент. Фан. 2004.-24 б.

⁴⁴ С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи. Пер. с англ. Соч.2-го изд. –М.: Дело ЛТД. 1993. с.525-526.

⁴⁵ Э.Долан, Д.Линдсей. Макроэкономика. Пер. с англ. СПб. 1994. с148-149.

рини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шуниси характерлики, мазкур қонунда давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг икки мезонига, яъни даромадларни давлат қурилишига ва ташкил топиш манбаларига кўра таснифлаш мезонига амал қилинган.

Қонуннинг 15-моддасида Республика бюджети даромадларининг ташкил топиш манбаларига кўра ўз аксини топган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

с) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

д) юридик ва жисмоний шахслардан, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

е) резидент – юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

ф) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Қонуннинг 18-моддасида эса маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

◆ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

◆ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

◆ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

◆ юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

◆ юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

◆ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

◆ юридик шахслардан олинадиган солиқлар;

◆ аҳолидан олинадиган солиқлар;

◆ ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар;

◆ давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар;

◆ хорижий мамлакатлардан ва халқаро ташкилотлардан олинган кредитлар ва молиявий ёрдамлар;

◆ бошқа даромадлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат бюджетининг даромадлари ундириш усулига кўра иккига бўлинади: солиқли даромадлар ва солиқсиз даромадлар.

Давлат бюджети даромадлари мамлакатнинг давлат қурилишига кўра қуйидаги турларига бўлинади:

1. Унитар давлатларда:

а) марказий бюджетнинг даромадлари;

б) маҳаллий бюджетнинг даромадлари.

2. Федерал давлатларда:

а) марказий бюджетнинг даромадлари;

б) федерация субъектларининг бюджет даромадлари;

с) маҳаллий бюджетнинг даромадлари.

Давлат бюджети даромадларини яна иккита мезонга кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. “Давлат бюджети даромадлари барқарорлигига кўра барқарор ва нобарқарор, қиймат жиҳатидан юқори харажатли ва кам харажатли даромадларга бўлиниши лозим”⁴⁶. Шуниси хусусиятлики, ҳар бир давлатда унинг ривожланиш даражаси хўжалик субъектларининг ҳукуматга бўлган ишончи, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари давлат бюджети даромадларига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади.

Шунинг учун давлат бюджети даромадларининг барқарорлиги ва қиймат жиҳатидан таснифлашда ана шу хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Қиймат жиҳатидан энг кам харажатли даромад бу

⁴⁶ А.Жўраев Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Тошкент. Фан. 2004.-26 б.

солиқлар ҳисобланади, чунки улар давлат фойдасига қайтариб берилмаслик шарти билан ундириладиган мажбурий тўловлардир.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларни сотиш йўли билан олинadиган даромадлари юқори харажатли даромад ҳисобланади. Бунинг сабаби, биринчидан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан юқори ставкаларда фоиз тўланади, чунки аҳоли ва корхоналар, одатда, ҳукуматнинг облигацияларига ва ғазна векселларига тўланадиган фоизлар тижорат банкларининг депозит ва омонатларига тўлайдиган фоиз ставкаларидан юқори бўлгандагина уларни сотиб оладилар.

Бунинг устига ҳукумат облигацияларига тўланадиган фоиз ставкаси инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади, яъни инфляциянинг ўсган даражасини ҳисобга олган ҳолда тўланади. Иккинчидан, чет мамлакатларда масалан, Россия Федерациясида корхоналарнинг ҳукуматнинг облигацияларидан оладиган даромадлари солиққа тортилмайди. Демак, давлат бюджетига солиқ тушумларининг билвосита камайиши юз беради.

Ривожланган мамлакатларда давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилинаётган банк кредитларини юқори харажатли даромад сифатида баҳолаш мумкин. Уларда Марказий банк томонидан ҳукуматга нисбатан паст фоиз ставкаларида кредит бериш амалиёти кенг қўлланилади. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, мазкур мамлакатларда Марказий Банкнинг мустақиллик даражаси паст, иккинчидан, ҳукуматга Марказий банк томонидан берилаётган кредитларнинг асосий манбаи пул эмиссияси ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда айниқса, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни фаол тарзда давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мамлакатларнинг давлат бюджетига сезиларли даражада даромад тушмоқда. Моҳиятига кўра бу даромад кам харажатли даромад ҳисобланади, чунки бунда давлат ва хўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасида бир ёклама характерга эга бўлган пул маблағларининг ҳаракати кузатилади.

Моҳиятига кўра аниқ манбага эга бўлган даромад бўлганлиги сабабли, солиқларни барқарор даромадлар гуруҳига киритиш мумкин. Лекин, маълум даврий оралиқларда иқтисодий конъюктурани ўрганиш натижасида айрим солиқлар бўйича олинadиган тушумлар суммаси камаёди. Масалан, корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашуви натижасида уларнинг фойдасидан олинadиган солиқ суммаси камайиши мумкин. Аммо кўпчилик ҳолларда бир солиқ тури бўйича тушумларнинг камайган суммаси бошқа солиқ турлари бўйича

тушумлар суммасининг ўсиши ҳисобига қопланади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотиш натижасида олинадиган даромадларни уларнинг барқарорлик даражасига кўра таснифлашда ҳар бир малакатда ҳукумат қимматли қоғозлар бозорини ривожланганлик даражасини ҳисобга олиш лозим. Масалан, АҚШда ҳукуматнинг қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган, ҳукумат қимматли қоғозларни сотиш натижасида олинадиган даромадларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

АҚШ ҳукуматига бўлган ишончи юқори эканлиги Миллий ва Халқаро фонд бозорларида АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозларига бўлган барқарор талабларни юзага келишига асос бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори, унинг асосий сегментларидан бири бўлган ҳукуматнинг қимматли қоғозлар бозори ривожланмаган. Бунинг устига, ҳукуматга бўлган ишонч даражаси паст эканлиги, миллий валютанинг алмашув курсининг нобарқарорлиги ва ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг даромадлилик даражасини доимий равишда тебраниб туриши уларга бўлган барқарор талабни юзага келишига тўсқинлик қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинадиган даромадларнинг нобарқарорлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексига биноан солиқлар тизими 5-жадвалдаги таркибга эга. Унга кўра, ҳозирги кунда солиқлар 10 та, йиғимлар 8 тага етди. Мазкур солиқлар ва йиғимлар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадидан олинади ва албатта, солиқ ва йиғимларнинг жами йиғиндиси солиқ оғирлигини ташкил этади. Солиқларни гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсирларни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ва маҳаллий идораларга бўлиниши асосида келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар тизими

Солиқлар	Мажбурий тўловлар
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: <ul style="list-style-type: none"> ✓ ягона ижтимоий тўлов; ✓ фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; ✓ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: <ul style="list-style-type: none"> ✓ Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; ✓ Республика йўл жамғармасига йиғимлар
Кўшилган қиймат солиғи	Давлат божи
Акциз солиғи	Божхона тўловлари
Ер остидан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	
Мол-мулк солиғи	
Ер солиғи	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	

Манба. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр. *Ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишининг соддалаштирилган тартибда тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин: ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Республика ва маҳаллий солиқларнинг ягона хусусияти, уларнинг фақат бюджетга тўланишидир. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат даражасида мудофаа, хавфсизликни, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш каби йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун республика бюджетига ҚҚС, акциз солиғи, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқлар тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариш учун ажратма берилади. Ажратма етмаса, субвенция ёки дотация берилади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини барқарорлаштириш анча мураккабдир. Кўпинча бюджет амалиётида маҳаллий бюджетларни барқарорлаштириш учун республика солиқларидан 100 %гача ажратма бермасдан туриб, субвенция ажратилади. Ваҳоланки, маҳаллий бюджетларга ўз ҳудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун 100 %гача ажратмалар бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, субвенция ёки дотация ажратиш услублари маҳаллий бюджетларни республика бюджетига мурожаат этишга мажбурлаб қўяди, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилишига қизиқтирмайди, улардаги боқимандалик ҳолатини кучайтиради.

Дарҳақиқат, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлаш⁴⁷ дан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси» деб номланган 11-моддасида таъкидланганидек, маҳаллий бюджетнинг молиявий ресурсларини қуйидагилар ташкил этади.

⁴⁷ И.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Президент И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиши



Мазкур Қонунда кўрсатилишича, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялардан;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;

бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус ҳисобрақамларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади. Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, маҳаллий солиқлар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади.

Маълумки, маҳаллий бюджетлар ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга оширади. Лекин маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджет харажатларининг 30-40 %ини қоплайди, холос. Шунинг учун маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаларига тўлиқ эга бўлган маҳаллий бошқарув органлари ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми режаси тўлиқ бажарилмайди.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушини ташкил қилиш маҳаллий молия органлари ва солиқ инспекцияси ходимларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида маҳаллий бошқарув органларига кўрсатилган солиқларни ўз ҳудудларида жорий қилиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларга (мол-мулк ва ер солиғидан ташқари) имтиёзлар бериш ҳуқуқи берилган.

Солиқлар, солиққа тортиш объектига қараб, беш гуруҳга бўлинади:

- ⇒ товар айланмасидан олинадиган солиқлар;
- ⇒ даромаддан олинадиган солиқлар;
- ⇒ мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар;
- ⇒ ер майдонига қараб олинадиган солиқлар;
- ⇒ харажатларга қараб олинадиган солиқлар.

Лекин товар айланмаси тушунчаси илгаридек маҳсулот сотилишидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг белгиланган даромадидан солиқлар, инфраструктура-ни ривожлантириш солиғи ҳам киради. Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи ва бошқалар киради. Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга, яъни бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради. Бюджет даромадларининг таркибида эгри солиқларнинг улуши ортиши мамлакат ишлаб чиқариш қувватига, иқтисодиётнинг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади, бу ўтиш даврида, айниқса, муҳимдир. Масалан, эгри солиқлар бюджет даромадларининг Францияда 62,7 фоизини, Нидерландияда эса 41,3 фоизини ташкил этади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, тўғри солиқларни тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратади, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Аксинча, бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камаяди, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак, бу гуруҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғланган. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, эгри солиқларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти каттадир. Эгри солиқлар ундиришнинг оддийлиги билан ажралиб туради, уларни қўллаш ишлаб чиқариш пасайиб кетаётган шароитда ҳам бюджетни маблағ билан таъминлаб туриш имконини беради. Эгри солиқлар таркибига ҚҚС, акциз солиғи, божхона божи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиқлари киради. Божхона божлари эса мамлакат ташқи иқтисодиёт фаолиятини, ички бозорнинг ва миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни тартибга солишда аҳамият касб этади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар бир-бири билан ўзаро боғланган, умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда, бирининг ставкасини камайтириш иккинчисининг ставкасини оширишни талаб этади. Эгри солиқларни юридик тўловчилари маҳсулот юклаб (иш бажариб, хизмат кўрсатиб) юборувчилардир. Лекин солиқнинг оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товарни (ишни, хизматни) исьтемом қилувчилардир. Бу солиқларни амалиётга киритишнинг ижобий томони шуки, республикада ишлаб чиқилган товарларни четга чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарлар кўп бўлишига ёрдам беради. Чунки эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади.

Эгри солиқлар ставкасининг илмий оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий яқунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, инвестиция фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси янада ошиб борса, корхона ва ташкилотларнинг маҳсулотлари сотилмайди, фойда олиш ҳам, бюджетга тўловлар ҳам камаёди. Бу солиқларнинг яна бир томони, муомаладаги ортиқча пул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб туради, бироқ, бу солиқлар аҳолининг реал даромадини пасайтиради. Корхоналарга тўғри солиқлар ставкасини камайтириш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулотнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳсулотлар мўл-кўллигини таъминлашдир.

Жаҳон амалиётида тўғри ва эгри солиқлар нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ёки иқтисодий қийинчиликлар мавжудлигини таҳлил қилиш мумкин. Масалан, АҚШ да тўғри солиқлар салмоғининг бюджет даромадида 90% га яқин бўлиши бу ерда ривожланган бозор иқтисодиёти мавжудлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, савдо ташкилотларини ялпи тушум солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни масалан, ҚҚС, акциз солиғини юридик ва жисмоний шахслар ҳам тўлайди.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромад солиғи, ер, мол-мулк солиқлари киради. Жисмоний шахслар солиқлари ичида

энг йириги даромад солиғи ҳисобланади. Бу солиқ орқали фуқароларнинг даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади. Юридик шахслардан олинadиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини (70-75 фоиз) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисобрақамларидан бюджет ҳисобрақамларига кўчириб қўйилади, уни ундириш осон ва арзон тушади.

Жисмоний шахслардан олинadиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилгани учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари ва қатор йиғимлар киради. Бунда солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, солиқ тўловчиларга декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар тақдим қилинади.

Солиқ сиёсати давлатнинг солиқ борасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, фаолиятлар йиғиндисидир. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлатнинг солиқ сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, бозор муносабатларини бошқаришга ҳар томонлама фаол таъсир кўрсатади. Солиқлар давлатнинг молиявий манбаи бўлганлигидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳам давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу сиёсатни ишлаб чиқишнинг ташкилотчиси ва ижодкори ҳам давлатдир, бунинг учун давлат ўз қўлидаги бутун кучни, идораларни жалб қилиб, солиқ сиёсатини ишлаб чиқади. Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда мавжуд солиқларни ёки янги мўлжалланаётган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти, келиб чиқиш ва ривожланиш таърифни чуқур ўрганиш лозим. Айниқса, янги солиқлар чиқарилаётганда илмий асосланган бўлиши, йирик амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик ўртасида эркин баҳслашув асосида бирор қарорга келиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида Солиқ кодекснинг қабул қилиниши билан солиқ сиёсатини амалга оширишда катта ҳуқуқий асос яратилди. Ҳозирги кунда республикада янги таҳрирдаги Солиқ кодексини амалиётга киритиш ишлари бошланди. Ҳар қандай тадбир, иш, фаолият олдиндан белгиланиб, аниқ режалаштирилиб, ишлаб чиқилган сиёсат билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ тизимининг асосий қоидалари ва со-

лик гуруҳланиши ўз ифодасини топган, улар халқаро амалиётда қабул қилинган солиқ таснифлари асосида акс эттирилади.

Солиққа тортиш даражаси иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа қобилияти ва ижтимоий соҳаларда давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурсларининг жамланишини таъминлаши керак. Солиқ сиёсатидаги етарлилик қонидаси уни белгилашда давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий қилиб боғлашни тақозо этади. Солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тенглиги қонидаси шундан иборатки, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳар бири ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Солиқ йиғиш жараёнини иложи борича арзонлаштириш солиқ йиғишда давлат томонидан ҳам, солиқ тўловчилар томонидан ҳам иложи борича кам сарф-харажат бўлишини кўзда тутди. Ўзбекистон Республикасида бунинг учун солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологияларини, солиқ тўловчининг харажатларини камайтириш мақсадида солиқларга доир ахборотлар ишончлилигини билвосита назорат қилиш усулларини қўллаш йўли билан солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш билан бир қаторда солиқ идоралари қошида сервис-марказлар тизими, шунингдек, солиққа тортиш масаласи бўйича солиқ идораларининг бепул маслаҳатлари ташкил этилган.

Солиқ қонунчилиги такомиллашиб бораётгани сабабли, солиқ тўловчиларга вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш тақозо этади. Солиқ таснифлари, солиқ ставкалари бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш солиқ ставкалари билан қиёсланадиган бўлиши, минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиб, бошқа мамлакатлар билан хўжалик фаолиятининг тахминан тенг шарт-шароитларини яратиш керак.

Бюджетнинг даромадлар таснифини такомиллаштириш мақсадида, давлат бюджети даромадларидан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун, бюджетга «тиниқлик» ва «ошкоралик» бериш учун, максимал ишончли, тўлиқ ва тезкор ҳисобот учун жаҳон стандартларида қабул қилинган Жаҳон Валюта жамғармаси Давлат молияси статистикаси даромадларни гуруҳлаш таснифига бюджетнинг даромадлар таснифини гуруҳлашни мослаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғазначиликда Давлат бюджетининг ўз вақтида ва сифатли ижроси учун даромадларини кунлик кассали режалаштириш механизми асосида, харажатлар тўловини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни кутилаётган даромадлар тушумини эътиборга олиб, қўшимча ресурслар миқдорини тезкор ҳисоблаш мумкин.

4.3. Давлат бюджети харажатларининг таснифи

Давлатнинг жамият ҳаётида муҳим вазифаларни бажариши учун маълум миқдорда харажат қилиш талаб этилади. Давлат харажатлари – бу давлат ихтиёридаги молия ресурсларини давлат фаолиятидаги эҳтиёжларни қондириш учун қилинган сарфлар йиғиндисидир.

Бюджетнинг барча харажатлари жорий харажатлар ва капитал характердаги харажатлардан иборат бўлади. Маблағнинг асосий қисми жорий харажатларга тўғри келади, уларга товар ва хизматларни сотиб олиш давлат хизматчиларининг иш ҳақи учун ажратмалар, ички қарзлар ва давлатнинг ташқи қарзларини тўлаш ва бошқалар киради. Капитал харажатларга асосий фондларга капитал қўйилмалар, капитал қурилиш, капитал таъмирлаш киради.

Жорий бюджет харажатлари – бу маҳаллий бюджет харажатларининг бир қисми бўлиб, маҳаллий бошқарув органлари, бюджет ташкилотлари, давлат томонидан бюджет ва бошқа иқтисодий субъектларга жорий даврдаги фаолиятлари учун дотация, субвенция ва ссуда кўринишида маблағлар ажратишдир. Бу харажатлар барча бюджет бўғинларида асосий ўринни эгаллаб келган.

Капитал харажатлар – бу харажатлар ҳам бюджет харажатларининг бир қисми бўлиб, у корхона ва ташкилотларга инвестиция қилиш, янги корхона барпо этиш, инновацион фаолликни оширишга қаратилган табирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлардир. Бошқача қилиб айтганда, бу – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига инвестиция қилиш, капитал таъмирлашга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган бошқа харажатлар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

✓ жорий бюджет трансфертлари шаклида;

✓ капитал харажатлар шаклида;

✓ асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

✓ давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

✓ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Айтиб ўтиш керакки, алоҳида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркиби бир хил бўлмайди ва шу минтақадаги турли даражада бўлган хўжалик ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Давлат бюджетининг тўла ҳажмда молиялаштирилдиган биринчи навбатдаги харажатларга иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, стипендиялар, нафақалар, овқатланиш ва дори-дармонларни сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлар киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

◆ фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;

◆ ижтимоий таъминот;

◆ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш; Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

◆ иқтисодиёт тури тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш;

◆ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Биз бюджет ташкилоти деганда зиммасига юклатилган вазифа-

ларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилотини тушунамиз.

Бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи харажатларни молиялаштириш йўналишларини мақсадли моддалар бўйича белгиланишини изоҳлайди. Бу тасниф давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг асосий функцияларини бажариш учун белгиланган харажатларни туркумлайди. Ушбу таснифга мувофиқ бюджет харажатлари бажарадиган функцияларининг тавсифига кўра фарқланади.

Бюджет харажатларининг вазифа жиҳатдан таснифининг биринчи даражаси бу бўлимлар ҳисобланади. Бу билан биз харажатларни бошқарув органларининг асосий бажарадиган вазифалари бўйича бўламиз. Унда бюджет маблағларининг аниқ йўналишлари белгилаб олинади. Иккинчи даражаси – “боб”лар, бюджет маблағларни аниқ йўналишлари бўйича, яъни тармоқлар бўйича бўлинишидир. Таснифдаги бериладиган бюджет харажатларининг мақсадли моддалари бўйича ажратилиши учинчи даража бўлиб, улар “параграфлар”дир. Бу даражада, асосан харажатлар бюджет маблағлари орасида тақсимланиши назарда тутилади.

Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг ижросини ҳамда бюджет харажатларини тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 3 январдаги «Бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни янада кучайтириш» мақсадида буйруғи чиқди. Буйруққа асосан, биринчи навбатдаги ва устувор харажатларни амалга оширишда қуйидаги кетма-кетлик белгилаб қўйилган:

◆ иш ҳақи, ижтимоий суғурта тўловлари билан биргаликда стипендиялар;

◆ вояга етмаган боласи бўлган оилаларга ва 2 ёшгача боласи бўлган оналарга бола тарбияси учун нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам;

◆ бюджет муассасалари томонидан белгиланган контингентдаги болалар, беморлар ва қариялар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман молия бўлимлари мудирларининг зиммасига бюджет харажатларини молиялаштиришнинг янги тартибига биноан қуйидагилар юклатилган:

– тасдиқланган бюджет параметрлари ва харажатлар сметалари доирасида биринчи ва иккинчи гуруҳларга киритилган тўловларни биринчи навбатда ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш;

– учинчи гуруҳ бўйича капитал қўйилмалар харажатларини инвестиция дастурига киритилган объектларнинг манзилли рўйхатлари бўйича ўрнатилагн молиялаштириш режалари доирасида амалга ошириш;

– харажатларнинг тўртинчи гуруҳига киритилган устувор тўловлар, озиқ -овқат ва дори-дармонлар сотиб олиш харажатларини биринчи ва иккинчи гуруҳ тўловлари тўлиқ амалга оширилгандан кейингина молиялаштириш;

– бошқа моддалар бўйича харажатларни (капитал қўйилмалар, сафар ва ўқув харажатлари, коммунал хизматлар, хўжалик харажатлари, юмшоқ ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш, капитал таъмирлаш ва бошқа харажатлар) юқоридаги тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг даромадлар тушумига қараб молиялаштириш;

– хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан харажатларни нақд пул билан таъминлашнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, уч кун ичида тижорат банкларига нисбатан хўжалик судларига бюджетга келтирилган зарарни қоплаш учун белгиланган тартибда даъво аризалари киритиш;

– ҳуқуқий шахс мақоми берилган бюджет ташкилотларининг фаолиятларини мустақил равишда амалга оширишлари учун керакли ташкилий-иқтисодий чоралар кўриш.

Бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган меъёрлари ва лимитлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифи, тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари, белгиланган тартибда рўйхат-

дан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатлар тўлиқ ёйилган ҳолда илова қилиниб, харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади. Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, унинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадларида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 11 декабрдаги 152-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифномаси»га асосан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасаларининг харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш, уларни бюджетдан молиялаштириш ва харажатларнинг ҳисоб-китобини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузиш ва харажатлар устидан назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сон «Давлат бюджети харажатлари 2000 йил бюджет бланкасининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа асосан Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи ва 2000 йил бюджети бланкаларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ушбу низомга мувофиқ харажатлар – харажат турлари, харажат объектлари ва кичик объектларга бўлинди. Шунингдек, ушбу буйруққа таснифнинг гуруҳлар бўйича кўрсаткичлари илова этилди.⁴⁸

Давлат харажатларини 2000 йил 1 январдан янги тартибда молиялаштириш бошланди. Янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш меъёрлар бўйича харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

- I. Иш ҳақи, болали оилаларга нафақалар, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам, стипендиялар, пенсиялар.
- II. Иш ҳақиға қўшимчалар.
- III. Капитал қўйилмалар.
- IV. Бошқа харажатлар.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сонли буйруғи. Давлат Молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 2-жилд. Т. 2002 й. 44-47 бет.

Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги харажат жадваллари ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади. Маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлаш тегишли молия ташкилотларида белгиланган шаклдаги фармойиш ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан молиялаштирилади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар доирасида сарфланади. Бунда харажатларнинг I ва II гуруҳлари, биринчи навбатда, маблағ билан таъминланади, IV гуруҳ бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар;

Молия органлари ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга, Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланган муассасаларда ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага, Давлат бюджетидаромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

Дунё амалиётида ҳозирги кунда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар таснифининг тўртта туридан фойдаланилмоқда. Иқтисодий таснифда харажатлар хўжалик белгиларига қараб гуруҳланади, масалан, капитал қўйилмалар, иш ҳақи, пенсиялар ва ссудалар. Предметли таснифда давлатнинг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ҳисобга олинади. Масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият харажатлари.

Идоравий таснифда вазирликлар ва идораларнинг даромадлари ва харажатлари кўрсатилади. Аралаш таснифда харажатларни гурухлаштириш шахмат усулида икки хил бюджет таснифи йўналишларини гурухлаштириш бўйича умумлаштирилади. Масалан, вертикал йўналиши бўйича иқтисодий белгиларига кўра горизонтал йўналиши бўйича идоравий тасниф йўналишлари олинади.

Ривожланган мамлакатлар, масалан, Франция бюджет тизимида даромадлар юридик шахслар бўйича таснифланади. Солиқли даромадлар – тўғри ва эгри солиқлар ва солиқсиз даромадларга бўлинади. Бюджет харажатлари эса идоралар ва боблар бўйича таснифланади. Францияда харажатлар таснифи – Давлат қарзи, давлат ҳокимияти органлари, давлат хизмати маблағлари, иқтисодий фаолият, тўғри инвестициялар ва инвестицияларга субсидиялар кабиларга бўлинади.


Россия Федерациясида бюджет таснифланиши хусусан, давлат бюджети харажатларининг таснифланиши ўзига хосдир. Маълумки, Россияда Федератив бошқарув тизими бўлиб, автоном ва мустақил ҳолдаги Республикалар мавжуд. Ушбу тузилмага асосан бюджет таснифланишига ҳудудий бюджет таснифи ҳам киритиб ўтилган. Ушбу тасниф ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, маъмурий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда тузилиши кўзда тутилади. Маҳаллий бюджетларда қўлланиладиган бундай тасниф кўрсаткичлари, албатта, Россия Федерациясининг “Бюджет классификацияси” кодексига ҳам назарда тутилади.⁴⁹

Қуйидаги диаграммадан Япония бюджетининг харажатлар таркибини кузатиш мумкин.

⁴⁹ Мысляева И.Н. Государственные и муниципальные финансы. Глава V «Бюджет и бюджетная классификация» Москва. Инфра-М, 2000 г. Стр 68.

Япониянинг 2006 молия йили харажатларининг таркиби

(млрд. иенда)



Японияда бюджет таснифи уларнинг икки бўғинли “Асосий бюджет ҳисоби” ва “Махсус бюджет ҳисоби”га асосан фарқланади. Асосий бюджет харажатлар бўйича олинганда, ҳукуматнинг асосий дастур бўйича тадбирларга харажатлари кўзда тутилса, яъни бунда, ижтимоий таъминот, таълим, миллий муҳофаа, иқтисодий ривожланиш ва бошқа харажатлар бўйича таснифланса, махсус ҳисоб бўйича эса ҳукуматнинг асосий бюджетдан ташқари, яъни махсус жамғармаларни тузишга бўлган харажатлари киритилади.

5-жадвал

Франциянинг харажатлар таснифи

Боблар	Харажатлар
1-Боб	Давлат қарзи
2-Боб	Давлат ҳокимияти органлари
3-Боб	Давлат хизмати маблағлари
4-Боб	Иқтисодий фаолият
5-Боб	Тўғри инвестициялар
6-Боб	Инвестицияларга субсидиялар

Манба. Практика государственного управления во Франции: Государственное Казначейства. Сборник документов Франко-Российского сотрудничества №8. стр 12.

Францияда ғазначилик тизимидаги бюджет ижросида даромадлар юридик шахслар бўйича таснифланади. Солиқли даромадлар тўғри ва эгри солиқлар ва солиқсиз даромадларга бўлинади. “Молия тўғрисидаги Қонун” бюджет харажатларини идоралар ва боблар бўйича таснифлайди. Харажатлар боблар, моддалар ва бандларга бўлинади:

- ◆ боблар-йирик иқтисодий категориялар (миллий ҳисоблар счётига мос келади);

- ◆ моддалар – Давлат хизмати (мазкур харажатларни бошқаради);

- ◆ бандлар – харажатлар характерини билдиради.

Бундан ташқари, Франциянинг 1959 йилги Ташкилий қонунига мувофиқ, харажатлар иқтисодий табиатига кўра таснифланади:

- ◆ давлат хизматининг жорий харажатлари;

- ◆ давлат хизматининг капитал харажатлари;

- ◆ ҳарбий хизматнинг жорий харажатлари;

- ◆ ҳарбий хизматнинг капитал харажатлари.

Федерал Ғазначилик органларидаги бюджет харажатларини бошқариш – давлатнинг ўз функция ва мажбуриятларини бажариши учун керак бўладиган сарфлардан иборат. Бюджет харажатларини гуруҳлаштириш учун Россия Федерацияси «Бюджет таснифи тўғрисида»ги 1996 йил 15 августдаги № 115 Федерал қонунда аниқланган харажатларнинг уч хил таснифидан фойдаланилади. Бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифида Россия Федерацияси бюджет тизимининг барча даражадаги бюджетларнинг харажатлари гуруҳланади ва давлатнинг асосий функцияларини бажариши учун йўналтирилган бюджет маблағларини ифодалайди. Бюджет харажатларининг ташкилий таснифида федерал бюджет маблағларини бош тақсимловчилари бўйича бюджет маблағларининг тақсимланиши ифодаланади. Россия Федерациясининг бюджет харажатлари иқтисодий таснифида барча даражадаги бюджет харажатлари иқтисодий мазмунига кўра гуруҳланади.

Россия Федерацияси Бюджет кодексининг 69-моддасида таъкидланишича, бюджетдан маблағ ажратиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- бюджет ташкилотларини сақлаш учун берилган бюджет ажратмалари;

- давлат ва муниципал контрактларга асосан жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан тақдим қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлари учун тўловлар;

Россия Федерацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан аҳолига тўланадиган мажбурий тўловларни ўз ичига олган трансфертлар;

давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида пайдо бўлган қўшимча харажатларни компенсация қилиш учун бериладиган бюджет ажратмалари;

бошқа даражадаги ҳокимият органларига давлатнинг алоҳида ваколатларини амалга ошириш учун берилган бюджет ажратмалари;

чет эл давлатларига кредитлар;

давлатнинг ташқи маблағларини жалб қилиш ҳисобига мамлакат ичидаги кредитлар ва заёмлар;

бюджетдан ташқари фондларга, турли даражадаги бюджетларга бериладиган ссудалар, дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар;

ҳуқуқий шахсларга бериладиган кредитлар (жумладан, солиқ кредитлари, солиқ тўлашдаги имтиёзлар, тўлов мажбуриятлари);

жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга бериладиган субвенциялар ва субсидиялар;

қарз мажбуриятларини ёпиш, жумладан, давлат ёки муниципал қафолатлар учун маблағлар.

Алоҳида айтиб ўтишимиз керакки, РФ Молия вазирлигининг Федерал Ғазначилик органи бюджет ташкилотларини молиялаштиришда, бюджет кредитларини беришда, федерал мақсадли дастурларни молиявий таъминлашда, халқ хўжалигининг айрим тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялар ажратишда Федерал Ғазначилик тизимининг иккинчи ва учинчи звеноларида бюджет харажатларининг барча таснифларининг ишлашини таъминлайди.

Бюджет даромадларини шакллантирадиган маблағлар тушумларининг манбалари давлатнинг ташқи ва ички қарзларини, шунингдек, маҳаллий бюджетлар учун батафсил кўрсатилиб, тасдиқланган маблағ ажратмалари доирасида давлат бюджети маблағларини сарфлаш шаклларини ўз ичига олади.

Бюджет амалиётида қўлланилаётган бюджет таснифи доимо ўзгартирилиб ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг мустақил бюджетини шакллантиришга қадар бюджет харажатларини туркумлаштиришнинг беш хил усулидан фойдаланилган.

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларига бюджет маблағларини йўналтирилиши бўйича-моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳа харажатлари.

2. Тармоқлар бўйича бюджет маблағларини йўналтирилиши – саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқалар.

3. Бюджет маблағларини мақсадли йўналтирилиши бўйича-жорий, ривожлантириш, қайта таъмирлаш харажатлари.

4. Ташкилий белгилари бўйича-мақсадли дастурлар харажатлари.

5. Бошқарув органларининг харажатлари бўйича-республика ва маҳаллий бюджетлар харажатлари.

Кўриниб турибдики, бюджет харажатларини иқтисодий моҳияти кўпгина харажатларда ўз ифодасини топган. Ҳар бир харажат тури сифат ва миқдорий хусусиятларга эга. Харажатнинг сифат хусусияти унинг иқтисодий табиатини келиб чиқиши билан, миқдорий хусусияти эса унинг йўналиши бўйича ҳажмини изоҳлайди. Маҳаллий бюджет харажатларни турли хил бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- бошқарув органларининг бажарадиган вазифасига;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига;
- харажатларнинг иқтисодиёт билан боғлиқлигига;
- маъмурий-ҳудудий жойлашувига;
- бюджет маблағларини таасарруф қилинишига.

Маҳаллий бюджет харажатларининг иқтисодий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини билиш учун уларни белгиларига асосан таснифланади. Назарий томондан маълумки, харажатлар ишлаб чиқаришдаги ўрнига, жамият йўналишига, ноишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, мақсадли йўналишига қараб ажратилади.

Ишлаб чиқаришдаги ўрнига қараб қуйидагича:

– моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унга сарфланадиган харажатлар (ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва таъмирлаш, янги технологияларни жорий этиш);

– ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаш ва уни келгусида ривожлантириш харажатларига жорий маҳаллий бошқарув органларининг харажатлари;

– халқ таълими, маданият, бошқарув, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар ва ҳ.к.;

– маҳаллий бюджетларнинг захира фондларини тузишга бўлган харажатлар ва бошқа хил сарфлар.

Худди шу харажатлар орқали бошқарув органлари пул маблағларини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлиб беришлари ва иқтисодий жараёнларга аралashiши мумкин бўлади.

Жамиятдаги йўналишига қараб харажатлар бошқарув органларининг бажарадиган вазифалари бўйича иқтисодий мазмунига қараб гуруҳланади. Булар ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, ғазначилик тизими самарали ишлаб туриши учун унга асос бўладиган ҳужжат-мамлакатнинг барча йўналишлар бўйича харажатлари батафсил ажратилган режани ўз ичига олган сифатли бюджетни шакллантиришдир. Шуни таъкидлаш зарурки, мамлакат бюджети бюджет йили бошлангунга қадар имкони борича батафсил ҳолда қабул қилиниши керак. Акс ҳолда, ғазначиликнинг меъёрий фаолияти беқарорлашуви, унинг самарадорлиги пасайиши мумкин. Иккинчидан, давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимида бюджетнинг вазифасига оид ва иқтисодий аниқ таснифи бўлиши билан биргаликда моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш ва дастурлар жадаллигини ошириш зарур.

Бюджет амалиётидаги илгари амал қилган таснифнинг таҳлилий тўлиқлиги бозор тизимида макроиқтисодий бошқарувга мўлжалланмаган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалга оширилаётган давлат тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида харажатларнинг иқтисодий хусусиятига асосий эътибор қаратилган. Харажатларнинг иқтисодий тоифалар бўйича таснифини ишлаб чиқиш биринчи даражали вазифа бўлади.

Давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисобини банк тизимидан ғазначиликка ўтказиши билан, барча операциялар ягона ғазначилик тизимининг Бош китобида акс эттирилади. Ушбу Бош китобдаги ҳисобрақамлар барча харажатларнинг ҳисоби, бюджет ташкилотларини қамраб олади, уларнинг ягона бюджет таснифини ва бюджет маблағларининг сарф қилинишини барча жараёнлари акс эттирилиши керак. Бунда консолидациялашган бюджетни ижро қилиш мақсадида ва давлат молияси билан қилинадиган барча жараёнларни ўз вақтида ва аниқ ҳисобини қилиш учун ғазначиликнинг ҳисоб-китоб сётлари давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тасниф тизимида мос келиши керак бўлади.

Ғазначиликнинг Бош китоби ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисоби маҳаллий бюджетлар ижросида барча ҳисобларни инобатга оладиган, яъни барча даромадлар ва харажатларнинг молиявий оқимларини, бундан ташқари барча молиявий ва номолиявий қолдиқларни ҳисобини ҳам юритади. Ғазначиликнинг Бош китобидан ташқари, ғазначиликнинг маълумотлар баъзасида барча маълумотлар бюджет таснифига асосан қуйидаги тарзда бўлади:

✚ даромадларни бошқаришда солиқ тўловчи солиқ тўлаш ҳақида тўлов топшириқномасини тўлдиради, бевосита Ягона ғазначилик ҳисобрақамига ўтказди. Даромадлар учун тўлдирилган топшириқномада тўлов тури ва йўналиши иқтисодий тасниф бўйича кўрсатилиши керак.

✚ Марказий банк Ғазначиликнинг Бош Бошқармасига Ягона ғазначилик ҳисобрақамидан маблағ ҳақида маълумот жўнатади.

✚ Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси Марказий банк берган маълумот асосида белгиланган меъёрлар доирасида бу маблағларни республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлайди.

Даромад ва харажат қисмини шакллантириш тартиби халқаро андозаларга тўғри келади. Бу эса турли мамлакатлар бюджет тизимларини бир хиллаштириб боришнинг зарурий элементи бўлиб, молиявий масалалар бўйича халқаро музокараларни анча енгиллаштириш имконини беради.

Демак, Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифи бюджет жараёнини ҳаракатлантирувчи муҳим воситалардан биридир, шунингдек, Давлат ва маҳаллий бюджетнинг маълумотларини умумлаштириш, рўйхатга олиш, ягона тизим асосида маълумотларни тўплаш каби жараёнларни ўз ичига олувчи бюджет тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ғазначиликда бюджет таснифи ва бюджет ҳисобининг счетлар режаси ахборотларни қайта ишлаш ва молия ресурсларини самарали бошқаришни таъминлайди.

Бюджет харажатлари орқали бюджет маблағларини олувчилар молиялаштирилади. Бу ўз навбатида олинган маблағларни тақсимловчи-ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотлари бўлиши мумкин. Маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилган маблағларни фақатгина тасниф бўйича миқдордаги ҳажмини аниқлаш мумкин, лекин бевосита тасниф бўйича харажатларни амалга ошириш бюджет ташкилотларининг ўз зиммаларига юклатилган. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетга ёки шу бюджетдан бевосита бош-

қа ваколатли органлар орқали бюджет олувчиларга дотация, субвенция ва ссуда кўринишида маблағлар ажартилиши мумкин. Бу тарздаги маблағлар асосан қайтарилмаслик шарти билан молиялаштирилади. Бюджет кредитлари ва бюджет ссудалари эса қайтариллиши шарт.

«Бюджет таснифланиши – маҳаллий бюджетларнинг мустикал фаолият олиб боришлари билан бирга, уларнинг ягона услубий меъёрга асосланган қоидага таяниб, бюджетни тузиш ва уни ижро этишда ҳамда турли соҳалар бўйича маълумотларни ўзаро таққослаш имконини беради».⁵⁰ Маҳаллий бюджет таснифланиши орқали шу худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-худудий аҳволи, даромадларининг шаклланиши ва маблағларнинг қаерга йўналтириляётганлиги ҳамда уларнинг таркиби ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Маҳаллий бюджет таснифининг асосий талабларидан бири – даромад ва харажатларни гуруҳлаштиришда уларнинг ошкоралиги ва аниқлигидир. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини амалга оширишда турли хилдаги бюджет таснифидан фойдаланилади, чунки бир худунинг ўзида турли даражадаги тармоқ ва соҳага кирадиган бюджет ташкилотлари ва бошқа корхоналар мавжуд бўлиши мумкин.

Маҳаллий бюджет таснифи ҳам бюджет жараёнини амалга оширишда аниқ тамойилларга асосланади. Биринчи навбатда унинг асосий вазифаси бюджет маблағларидан самарали ва тежаб фойланиш, кам харажат қилиб, кўпроқ даромад келтириш йўллариини излаб топишга қаратилиши лозим бўлади. Бунда бюджет маблағлари олувчиларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш даврида ушбу маблағларни бюджет параметрлари доирасида самарали ва тежалган ҳолда харажат қилишлари назарда тутилади.

Тасниф бўйича ажратилган маблағлар етишмаганда бюджет ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, кўшимча маблағ топиш йўллариини излаши керак. Ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши бюджет маблағларини тасдиқланган параметрлар доирасида ижро этиш ҳисобланади. Агар бюджет маблағларини олувчилар ўзларига бириктирилган маъсулиятни бажармасалар у ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ёки маҳаллий молия органининг раҳбари бюджет жараёнининг хоҳлаган босқичида молиялаштирилишни

⁵⁰ A.Premchand. "GOVERNMENT BUDGETING AND EXPENDITURE CONTROLS" (INTERNATIONAL MONETARY FUND) Washington, D.C.-1983.

тўхташига ҳақли. Мақсадсиз равишда сарфланган маблағлар харажат қилиниб юборилганидан қатъий назар, бюджетга қайтарилиши шарт. Маҳаллий бюджетлардаги иштирок этувчи барча даражадаги бюджетларнинг ичида асосий аҳамиятга эга бўлган харажатлар бу ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш ҳисобланади, айниқса, бу бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бизнинг мамлакатимизда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетларнинг мазмунини амалдаги давлат бюджети таснифи асосида мазмунини белгилаш, бюджет даромадлари ва харажатларини элементлари бўйича гуруҳлаштириш, улар бўйича молия ресурсларини ҳақиқий ҳаракатини тасвирлаб беришга ва шу аснода ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этишига кўмаклашади.

Тасниф орқали бюджетнинг режа ва ҳисобот маълумотларини солиштириш ва уларни таҳлил этиш маълум хулосаларни бериш ва таклифлар ишлаб чиқишга ҳамда пул ресурсларини жамлаш ва қайта тўғри тақсимлашга хизмат қилади. Даромад ва харажатларни деталлари бўйича гуруҳлаштириш бюджет маълумотларини назорат қилишни осонлаштиради, турли даражадаги бюджетлар смета харажатларини таққослаш имконини беради.

Ғазначиликда тўрт хил бюджет таснифидан фойдаланилади.

14-чизма

Ғазначиликда бюджет таснифидан фойдаланиш

Бюджет харажатларини иқтисодий таснифининг асосий вазифаси бюджет ва харажатлар сметасидан ўз аксини топган харажатлар ва даромадлар турлари ва натураларини белгилаб беришдан иборат.

Бюджетнинг иқтисодий таснифи 7 та рақамдан ташкил топган.

Мисол учун: **3-133-000** ,

3 – “Номолиявий активлар”;

3-100 – “Асосий воситалар”;

3-130 – “Транспорт воситалари”;

3-133 – “Автомобиль транспорти воситалари”

Муссаса ва ташилотлар бўйича бюджет таснифидан бюджет харажатларини ҳокимиятлар, давлат органлари, ташилот ва муассасалар бўйича тақсимлашда фойдаланилади.

1-00-00 – Қонун чиқарувчи органлар (ҳокимият);
2-00-00 – Суд органлари (ҳокимият);
3-00-00 – Ижро қилувчи органлар (ҳокимият);
4-00-00 – Бошқа органлар.
Мисол учун: 3-10-01
3 – Ижро қилувчи ҳокимият;
10 – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
01 – Ўрта-махсус таълим ва касб-хунар маркази

15-чизма

Ғазначиликда бюджет таснифидан фойдаланиш

Харажатларни давлат органлари функциялари бўйича таснифи давлат секторига кирувчи органларига юклатилган функциялар ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг тўлиқ таснифидан иборат.

701-0-0–Умумжамоат давлат хизмат органлари
702-0-0 – Мудофаа
703-0-0 – Жамоат тартиби ва хавфсизлиги
704-0-0 – Иқтисодиёт
705-0-0 – Атроф-муҳит муҳофазаси
706-0-0 – Уй-жой коммунал хизматлари
707-0-0 – Соғлиқни сақлаш
08-0-0 – Маданият, дин ва хордиқ
709-0-0 – Таълим
710-0-0 – Ижтимоий ҳимоя

Худудий таснифдан бюджет ташкилотларининг географик жойлашишини белгилаш ва кўрсатиш учун фойдаланилади.

Мисол учун: 12-248
12 – Навоий вилояти;
248 – Учкудук тумани;
03-000 – Андижон вилояти;
14-000 – Наманган вилояти;
27-000 – Тошкент вилояти;
06-000 – Бухоро вилояти;
18-000 - Самарқанд вилояти;
30-000 – Фарғона вилояти;
08-000 – Жиззах вилояти;
22-000 – Сурхандарё вилояти;
33-000 – Хоразм вилояти;
10-000 – Қашқадарё вилояти;
24-000 – Сирдарё вилояти;
35-000 – Қорақалпоғистон Республикаси
12-000 – Навоий вилояти;
26-000 – Тошкент шаҳри;

Тасниф ҳар бир бюджет олувчиларнинг смета харажатларини моддалари бўйича умумлаштириш ва умумий йиғма сметани ҳосил қилишга ёрдам беради. Уларни умумий ҳолда қайта ишлаш ва иқтисодий таҳлил қилишга шароит яратади. Шунингдек, маблағларни жамлаш ва уларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб боришда самарали фойдаланилади.

Ҳазначиликда худудий таснифдан бюджет ташкилотларининг географик жойлашишини белгилаш ва кўрсатишда фойдаланилади. Умуман олганда, тасниф даромад ва харажатнинг бюджет ижроси бўйича ҳисобот маълумотларини бир-бири билан таққослайди, шу орқали молия интизомига риоя этилиши, маблағларни тежамкорлик билан сарфланиши ва молиявий режаларни тўғри бажарилиши бўйича назорат олиб борилишини мустаҳкамлайди.

4.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг таснифи

Давлат бюджети-давлат бюджети даромадлари билан харажатларининг таркибий қисмидан ва уларнинг балансидан иборат бўлган молиявий режадир. Давлат бюджети тақчиллиги-давлат томонидан маълум ва муайян бир давр давомида, яъни бюджет йилида амалга оширилган харажатларнинг даромадлардан ортиб кетишидир.

Ўзбекистон Республикасида бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторида Давлат бюджети тақчиллигини ҳажмларини қисқартириш, уни халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган меъёрий даражаларга тушириш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Давлат бюджети тақчиллигини белгиланган режада бўлиши, мамлакатнинг макроиқтисодий жиҳатдан барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳукумат мамлакатнинг шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсатини олиб боради. Бундай сиёсат мамлакатни пул потенциали доирасида ҳукуматни молиявий ишларнинг аниқ дастурига эга бўлишини, бюджет тақчиллиги устидан назорат ўрнатилиши ва уни қоплаш манбаларини қидиришни, бюджетдан жуда катта самара берадиган иқтисодий дастурларга маблағ ажратишни талаб этади.

Маълумки, бюджет жараёнида бюджет даромадлари ва харажатлари баланслаштирилади. Лекин шунга қарамасдан харажатлар даромадлардан ортиқ бўлади. Давлат бюджети тақчиллигининг пайдо бўлишига сабаб, турли соҳаларни ривожлантиришда давлатнинг роли ўсганлиги, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайганлиги, ҳарбий ва бошқарув харажатларининг кўпайганлигидир. Агар бюджет харажатлари оширилса-ю, солиқ тушумлари кўпайтирилмаса, тақчилликнинг хронологик асосда ошишига сабаб бўлади. Иқтисодиётда амалий циклнинг кризис босқичларида такрор ишлаб чиқаришнинг пасайганлиги сабабли солиқ тушумлари миқдори камаяди. Бу вақтда давлат ўз харажатларини айниқса, ижтимоий харажатларни кўпайтиради, шунингдек, иқтисодиётнинг тармоқларини қўллаб-қувватлайди, инвестицияни давлат учун аҳамиятли тармоқлар учун сақлаб қолади.

Иқтисодиётда тақчиллик қуйидаги ҳолатларда пайдо бўлади:

– давлатнинг кредит қўйилмалари иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти юзасидан келиб чиқиши мумкин, бундай ҳолат иқтисодиётда кризис ҳолатини билдирмайди, балки давлатни иқтисо-

дий конъюктурасини тартибга солиш, прогрессив одимланишини таъминлашга қаратилган ҳаракатидан келиб чиқади;

– фавқулодда ҳолатлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда бюджетдаги захиралар етарли бўлмайди ва ортиқча маблағлар манбасига эҳтиёж туғилади;

– кризис ҳолатидан келиб чиқади, бунда иқтисодий парокандалик юз беради, молия-кредит алоқалари самарасиз, ҳукумат мамлакатдаги молиявий ҳолатни ўз назоратига ололмайди.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, бюджет тақчиллиги давлат молиясининг чуқур баланслантирмасликнинг давомидир, пул муомаласи соҳасидаги жиддий ларзаларнинг сабаби бўлиши мумкин.

Гап шундаки, давлат молиявий ресурсларини қайси манбалар ҳисобидан қоплаши бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ва пул муомаласи учун катта аҳамиятга эгадир. Инфляцияга қарши тадбирларнинг мураккаблиги шундаки, уларни амалга ошириш давлат харажатларини қисқартиришни, кредитни қимматлашишини ва пул массасини қисқаришини талаб этади. Бу эса ялпи талабнинг қисқаришига, капитал қўйилмаларнинг камайишига, иш фаолиятининг сусайишига ва ишсизликнинг кўпайишига олиб келади. «Харажатларнинг даромадлардан ортиқ бўлишидан фаол бюджет тақчиллиги пайдо бўлади, давлатнинг даромадларининг қисқариши натижасида иқтисодий фаоллиги тушиб кетганда пайдо бўладиган тақчиллик суст тақчиллик бўлади»⁵¹.

Шундай қилиб, бюджет тақчиллиги муаммоси наинки пул муомаласининг мураккаб комплексли масалаларига, балки бюджет сиёсати, давлатнинг иқтисодиётга, шунингдек, ижтимоий соҳа жараёнларига самарали таъсир этишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Маълумки, биз собиқ иттифоқ даврида, капиталистик мамлакатлар бюджетдаги тақчилликни барқарор бўлмаган иқтисодиёт деб талқин қилар эдик, лекин дунёда ҳеч бир давлат йўқдирки, у ёки бу даврда бюджет тақчиллиги билан тўқнаш келмасин. Умуман олганда, бюджет тақчиллиги объектив нарса ва уни ўз вақтида молиялаштириш зарур, аммо, тўғри келган услуб билан эмас балки, андозали ва самарали усуллар билан молиялаштирилади.

Адабиётларда кўрсатилишича, социалистик мамлакатлар учун уларнинг иқтисоди режа асосида ривожланишидан келиб чиққан ҳолда, бюджет тақчиллиги уларга ёт деб тушунтирилар эди. Шунга

⁵¹ Беганов В.С. и др. Финансовая политика, налоги и налогообложение Т.: Мир экономики и права. 1998. 25 с.

қарамасдан собиқ иттифоқ бюджети ҳар йили тақчиллик билан яқунланди, тақчиллик аҳоли жамғармасидан, ҳаётни узок муддатга суғурталаш бадалларидан, давлат ички заёмларидан қопланарди. Бу ҳолат мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашни моддий молиявий нобаланслаштиришни кучайтирмаган бўлса ҳам, давлат қарзларини кўпайишига олиб келди. Совет Иттифоқида 1989 йилда давлат бюджети тақчиллиги 45,5 млрд. руб.ни ташкил этди, бу молия тизими-ни бузилишидан дарак беради.

Давлат бюджети тақчиллигининг келиб чиқиш сабаби, аввало 12-беш йиллик режасини кўрсатмасига биноан мамлакат мавжуд потенциалини ҳисобга олмай иқтисодий ўсишни тезлатиш концепциясидир. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий соҳанинг ривожланиши жуда орқада қолиши, давлат сиёсатини барқарорлаштириш ва жамият ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ижтимоий-маданий эҳтиёжлар харажатларини кўпайтиришни талаб этади. Бу ўсиш мамлакат ташқи иқтисодий операцияларидан даромаднинг камайиши, хом ашё ресурсларига жаҳон баҳосини пасайиб кетиши, спиртли ичимликлардан келадиган айланма солиқнинг тушиб кетиши бюджет камомadini кўпайтириб юборди. Даромаддан ошиб кетган харажатларни давлат банки кредити томонидан молиялаштириш, моддий манбалар билан таъминланмаган иқтисоднинг тўлов қобилиятларини ва эҳтиёжларини кескин ошириб юборди, бу эса халқ хўжалигида инфляция жараёнини келтириб чиқарди.

Бюджет тақчиллигининг мавжудлиги узок йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётидаги ва жамиятимиздаги салбий ҳодиса ва жараёнлар натижасидир. Улар бирданига пайдо бўлиб қолмай, узок даврлар мобайнида вужудга келди ва оқибат натижасида иқтисодиётимизга катта таъсир кўрсатди. Булар ўз навбатида Давлат бюджети ва пул муомаласида ўз ифодасини топди. Бюджет тақчиллиги инфляция жараёнини кучайганлигини, савдо шохобчаларида аксарият маҳсулотларнинг камайиб кетганлигини, моддий бойлик ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий жабҳаларда таъминот муаммоларининг кучайганлигини ҳам билдиради. Бир сўз билан айтганда, бюджет тақчиллиги жамиятнинг ижтимоий ривожланиши йўлидаги улкан тўсиқдир. Бюджет тақчиллиги иқтисодиётнинг баланслаштирилмаслиги, хўжалик юритишнинг экстенсив усули, ўзгалар ҳисобига яшаш, иқтисодиётнинг дотацион характердалиги, суёт (пассив) молия сиёсатининг натижасидир.

Республикамизда ўтказилаётган ислохотларнинг биринчи босқичида бюджет сиёсати иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қайта қуриш шароитларида давлат томонидан барча зарур харажатларни амалга ошириш учун даромадларни таъминлаши зарур эди. Бюджет ислохотлари давомида бюджет сиёсатида янги йўналишлар ишлаб чиқилди, улар жамланма бюджетни тузишда амалга оширила бошланди. Шу даврда давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмлари қайта кўрилиб, бюджет қонунчилиги ишлаб чиқилди. Пул ислохоти миллий валюта-сўмни муомалага киритиш, пул муомаласини тартибга солиш, пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш бюджетнинг баланслиги вазифаларини ҳал қилишга имконият яратди.

Давлат бюджети тақчиллигини маълум даражада камайтириш сиёсатини олиб борилиши, харажатларда маблағларни тежамкорликка риоя этиш билан даромадларни бюджетга ўз вақтида тушириш яхши натижалар берди. Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши ва долзарб муаммоларидан бири бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш, уни тартибга солиш усулларини ривожлантириш деб белгиланди. Бюджет сиёсатида устувор масалалар сифатида қуйидагилар белгиланди:

- ◆ Давлат бюджети маблағларини сарфлашда самарали ва мақсадга мувофиқ ишлатишга эътибор бериш ва иқтисодий тежамкорлик устидан назорат ўрнатиш;

- ◆ баҳоларни ўсишидан аҳолини ҳимоя қилиш ва кам таъминланган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- ◆ моддий ишлаб чиқариш тармоқларини бюджетдан молиялаштирилишидан воз кечиш, кредит ва инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали иқтисодиётнинг энг керакли соҳаларини ривожлантириш ва бюджетдан имтиёзли кредит бериш;

- ◆ иқтисодиётни таркибий қайта қуриш билан боғлиқ қўшимча харажатлар заруриятини ҳисобга олиш ва ижтимоий дастурларни молиялаштиришни кўриб чиқиш;

- ◆ Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини кўпайтириш ва солиқ тизимини янада такомиллаштириш;

- ◆ республика ва ҳудудлар ўртасида бюджетлараро муносабатлар ислохотларини ўтказиш, даромад ва харажатларни тақсимлашда маҳаллий бюджетлар ваколатларини кўпайтиришга ҳаракат қилишдан иборат.

Юқоридаги амалга оширилган тадбирлар ва олиб борилган бюджет сиёсати бюджетнинг тақчиллигини камайтиришга ёрдам

берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ислохотларнинг иккинчи босқичида ҳам бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодий бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтди. Ижтимоий фаолиятни ривожлантириш учун зарур бўлган ажратиш ва тақчиллик ўртасида энг қулай бўлган мутаносибликни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу зарур бўлган мутаносиблик албатта, истеъмол ва иқтисодий қайта куриш харажатларининг қисқартириш эвазига бўлиши ҳақиқатга мутлақо зиддир. Чунки у иқтисодий ислохотларини чўзилиб кетишига олиб келади. Бюджетдаги тақчилликка фақат иқтисодий молиявий соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган катта тадбирлар орқали барҳам бериш, яъни етиштирилган хом ашё ва материалларни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига ҳар хил омиллар таъсир қилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ◆ ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига эришмасдан, ижтимоий-маданий тадбир харажатларини молиялаштиришни ошириш;

- ◆ ишлаб чиқаришга узоқ муддатли марказлашган капитал қўйилмаларни бюджет ҳисобидан молиялаштириш;

- ◆ ҳарбий харажатларни меъёридан ошириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлардан бюджет тақчиллигини маълум нисбатда ушлаб туриш ва уни тартибга солиш, бюджет маблағларини сарфлашда мақсадли, самарали ва оқилона йўл тутиш билан бирга даромадларни ўз вақтида ва тўлиқ туширишдир.

Зеро, бюджет тақчиллиги муаммоси пул муомаласининг мураккаб комплексли масалаларигагина эмас, балки, бюджет сиёсати, давлатнинг иқтисодийга, шунингдек, ижтимоий соҳа жараёнларига самарали таъсир этишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида таъкидланганидек, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш ички ва ташқи манбалар бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Қуйидаги чизмада Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг таснифи берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тақчиллигини
молиялаштириш манбалари**

Бўлим	Банд	Молиялаштириш манбалари
50	0	Молиялаштиришнинг ички манбалари
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар
	2	Марказий Банк кредитлари
	3	Давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан маблағлар
	4	Республика бюджети маблағлари қолдиғи
	5	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари қолдиғи
	6	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари қолдиғи
	7	Йўл жамғармаси маблағлари қолдиғи
	8	Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисобрақам маблағлари
	9	Бошқа ички манбалардан маблағ жалб қилиш
	0	Молиялаштиришнинг ташқи манбалари
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар
	2	Халқаро молия институтларининг, ташкилотларнинг кредитлари
	3	Хорижий давлатлар кредитлари
	4	Бошқа ташқи манбалардан маблағ жалб қилиш

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 15 октябрдаги 112-сон буйруғи.

Ҳозирги кунда давлат бюджетини тартибга солиш масаласи давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятининг муаммоли ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг асосий манбаларини топишимиз керак бўлади.

Бюджет тақчиллиги инфляция жараёнини кучайганлигини, савдо шохобчаларида аксарият маҳсулотларнинг камайиб кетганлигини, моддий бойлик ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий жабҳаларда таъминот муаммоларининг кучайганлигини ҳам билдиради. Бир сўз билан айтганда, бюджет тақчиллиги жамиятнинг ижтимоий ривожланиши йўлидаги улкан тўсиқдир. Бюджет тақчиллиги иқтисодиётнинг баланслаштирилмаслиги, хўжалик юритишнинг

экстенсив усули, ўзгалар ҳисобига яшаш, иқтисодиётнинг дотацион характердалиги ва пассив молия сиёсатининг натижасидир. Шу муносабат билан ҳозирги даврда бюджетни тартибга солиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдида турувчи марказий муаммолардан бирига айланди. Амалиётда бюджет тақчиллигини бошқаришда қуйидаги талабларга эътибор бериш лозим:

- миллий валюта барқарорлигини бошқаришда аниқ дастурларни ишлаб чиқиш;
- бюджет тақчиллигини қоплашнинг ноинфляцион йўлларини қидириб топиш;
- давлат бюджетидан иқтисодий тармоқларни молиялаштиришни қисқартириш;
- ҳарбий харажатларга оқилона маблағ ажратиш.

Давлат бюджети тақчиллигига тааллуқли концепциялар бу тақчиллик ривожланиши билан боғлиқ асосий тамойиллар, шунингдек, уларни тартибга солиш, молиялаштириш манбалари билан таъминлаш орқали кўрилган чора-тадбирлардир. Бу муаммони ҳал қилиш бўйича жаҳонда бир-бирига зид бўлган бир қанча концепциялар мавжуд. Масалан, давлат бюджетини шакллантириш борасида тўпланган тажриба уни тартибга солишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш борасида иқтисодий назарияда учта концепция борлигини кўрсатди.

Ўзбекистон шароитида бюджет тақчиллигини камайтириш иқтисодиётда мутаносибликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун эса бошқарув харажатларини қисқартириш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларини қоплаш учун маблағ ажратилишини тугатиш, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни чеклаш, бюджет харажатларини кескин ўсишини чегаралаб қўйиш сиёсати, бюджет ижросида ғазанчиликни жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Демак, “бюджетни тузиш ва ижро қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг молиявий фаолиятининг мақсадли йўналишларини ифода этувчи бюджет таснифига асосланади.”⁵²

Ғазначиликда эркин маблағларни самарали бошқаришни амалга ошириш учун республика молия бозорларида ғазначилик хизма-

⁵² Ковалева А. М. Финанси. Учебное пособие. Москва. Финанси и статистика. 1996. 38 с.

ти турларини янада кенгайтириш лозим. Давлат бюджетини эркин маблағларини банк активларига ва бошқа депозитларга қўйиш ички кредит олувчиларни рағбатлантиради, бунинг натижасида Давлат бюджети даромадлари қўшимча равишда ўсади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти томон ривожланиш сари борилаётган бир вақтда, кўпгина халқаро молия институтларидан нафақат молия тизимига, балки, бюджет тузилмаси, бюджет тизимининг таркибий қисми, албатта, бюджет таснифланишини такомиллаштириш бўйича ҳам кўплаб таклифлар берилмоқда.

Таклифларнинг аксарияти бюджет таснифининг оддий ва аниқ бўлиши ҳамда бюджет даромадлари ва харажатларининг аниқ кўриниши, айниқса, бюджет харажатларининг йўналишлари бўйича изоҳланишини таклиф этмоқдалар. Шу қаторда амалдаги бюджет таснифи, халқаро ҳисоб услуби халқаро бюджет таснифи билан яқинлашиши, даромад ва харажат ҳисобот кўрсаткичларининг таққослаш имконини янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бу шартлар эса мамлакатларни тараққиётга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб, барқарор ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига имкон яратади.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджет таснифи, бюджет даромадлари таснифи, бюджет харажатлари таснифи, бюджет тақчиллиги таснифи, эгри ва тўғри солиқлар, бевосита ва билвосита солиқлар, ҳудудий тасниф.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Бюджет таснифининг асосий тамойилларини айтинг.
2. Бюджет таснифини иқтисодий моҳиятини изоҳланг.
3. Давлат бюджети даромадлари қандай таснифланади?
4. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадларни кўпайтиришнинг йўллари кўрсатинг.
5. Давлат бюджети харажатлари қандай таснифланади?
6. Ўзбекистонда Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришнинг янги тартиби қандай тузилган?
7. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон Республикасини бюджет таснифининг турлари ифодаланган кластер тузинг.

V боб. ҒАЗНАЧИЛИК ИШЛАРИ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТНИ БОШҚАРИШ

5.1. Давлат тушумларини тўплаш ва тақсимлаш

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат бошқарувчилик функциясини қисқартириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборат. Шу билан биргаликда мамлакатда ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлаш, бюджет тақчиллигини тартибга солиш каби вазифаларни амалга ошириш учун давлат даромадларини, аввало, солиқларни тўлиқ йиғиш керак бўлади.

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатлари каби бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистонда ҳам солиқлар давлат даромадлари ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Республикамизда солиқларнинг зарурлиги бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қонуниятларидан келиб чиқади. Солиқларнинг фискал функцияси орқали солиққа тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек, давлатнинг умумдавлат ва мақсадли дастурларини амалга ошириш учун маблағларни ғазнада жамғариш амалга оширилади. Солиқларнинг бажарадиган вазифалари, кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилиги умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий вазифалардан бири – умумдавлат вазифаларини хал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб берилишидир. Бу эса энг аввало аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг давлат томонидан молиялаштиришнинг шартлигидир.

Солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил қилади. Масалан, солиқ тушумлари Буюк Британияда давлат бюджетида 96,7 фоизни, АҚШда 98,0 фоизни, Францияда 91,5 фоизни ташкил этади. Иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо 24 давлатда «солиқ тушумларининг бюджет даромадларидаги улуши (Норвегия) 78,0 фоиздан 97,8 (Италия)⁵³» фоизгача тебраниб туради. МДҲ давлатларида солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги улуши кўрсаткичи «Россияда – 82,7 фоизни, Украи-

⁵³ Девере М.П. Экономика налогоой политики. М., Филинь. 2002. 21 стр.

нада – 82,2 фоизни, Беларус Республикасида 97,3 фозни»⁵⁴ ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумлари 2006 йил жамланган бюджетга нисбатан 97,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислохотларнинг чуқурлашув жараёни давлат бюджетининг солиқли даромадлари тушумини таъминлашни ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу сабабли, яқин келажакда давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғазначилик тизимида бюджет даромадларини бошқаришга киришишдан олдин барча ҳудудий бошқарма ва бўлимлар қуйидагиларни амалга оширади:

- тушумларни ҳисобга олиш бўйича ғазначилик органларида ҳисоб очишга қаратилган комплекс тадбирларни ўтказиш;
- солиқ органлари билан биргаликда ҳисобрақамларни ўзгариши тўғрисида солиқ тўловчиларни огоҳлантириш;
- маҳаллий бошқарув органлари орқали бошқариладиган солиқ тушумларини ҳисобга олиш ва булар бўйича имтиёз, ҳисобга олиш, вақтдан бир оз кечиктириш бўйича ахборот бериш;
- жойларда банк ташкилотлари, молия ва солиқ органлари билан ғазначилик органларининг ўзаро алоқа тартиби ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

Кейинчалик даромадлар режасининг ижросида ғазначиликнинг барча босқичларида даромадлар тушуми бўйича тезкор ҳисоботлар тузиш чора-тадбирлари кўзда тутилади. Бюджетнинг даромадлар ижроси бўйича механизмини яхшилашга қаратилган тавсиялар келиб тушганлигининг таҳлили ва тушиши лозим бўлган даромад тушумини прогноз қилинади.

«Мулк шаклидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахслардан Давлат бюджетига тушадиган умумдавлат солиқлари, йиғимлар, Давлат божи ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикаси банкларидан белгиланган тартибда 23402 – «Республика бюджетни маблағлари» ҳисобрақамига ўтказилади ва нормативларга асосан маҳаллий бюджетларнинг банкларда очилган Ғазначилик ҳисобрақамига ажратилади»⁵⁵. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

⁵⁴ Статсборник СНГ. М., 2001.

⁵⁵ Постановление МФ №61 и правления ЦБ № 279-В, зарегистрированным МЮ 24.07.2006 г. №1599. «Временные правила по учету казначейского исполнения местного бюджета

Ғазначилик Бош Бошқармаси қарорига асосан ғазначиликнинг ҳудудий органи тайёргарлигидан келиб чиққан ҳолда, солиқ органи ҳисоби ёпилиши билан бир қаторда бюджет тушумини ҳисобга олиш ҳисоб-рақами очилади.

Ғазначилик органининг бюджет тушумини ҳисобга олиш ҳисоб-рақами Марказий банк муассасаларида, улар йўқ бўлган ҳолда, банк ҳисоб-рақамларга хизмат кўрсатиш учун танлов асосида тижорат банклари жалб этилади. Ҳисоб-рақамларни бир банкдан бошқа банкка ўтказиш Ғазначилик органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бюджет тушумларини тезкор аналитик ҳисобга олиш Ғазначилик органларининг солиқлар ва йиғимлар турлари бўйича амалга оширади. Ғазначилик органларининг счётлари очилган банк муассасалари тузилган шартномаларга мувофиқ, Ғазначилик органларига ҳар куни ҳисоб-рақамлардан кўчирмалар билан тўлов қоғозлари ҳужжатлари нусхаларини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари бўйича Ғазначилик бошқармасида тезкор ҳисоботлар деталлаштирилган маълумотлар асосида тузилади, бюджет харажатларини молиялаштиришга ўтказилиши керак бўлган бюджет тушуми суммаси ведомости тузилади. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан бюджет харажатларини молиялаштириш бюджет тушумлари миқдорини тўлов қоғозлари орқали ўтказиш йўли билан амалга оширади.


Шундай қилиб, Ғазначилик органлари томонидан бюджетнинг ғазначилик ижроси бюджет тушуми ҳисоби ва харажатлар баланс тизими орқали амалга оширилади. Бюджетнинг тушумлар бўйича ижросини ташкил этиб, ғазначилик органлари тушумлар тушишини қисқа муддатли прогнози ва бюджетнинг даромадлар қисми ижросини таҳлилини амалга оширади.

«Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўлов суммалари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади»⁵⁶.

Самаркандской области».

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \ \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр. 11-модда.

Давлат бюджети даромадлари ғазна ижроси схемаси



Ҳар куни хизмат кўрсатадиган банкдан Ғазначилик ҳисобрақамининг шахсий ҳисобрақамларидан кўчирмалар ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда молия органларига тақдим этилади»⁵⁷.

Ғазначилик тизимида бюджет даромадлари қонунчиликдаги бюджет ва солиқ ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилади.

Белгиланган тартибга кўра бюджет даромадлари бўйича асосий муомалалар қуйидагилардан иборат:

§ бюджетнинг ягона ҳисобрақамига барча даромадларни ўтказиш;

§ бюджетда тасдиқланган тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;

§ бюджетга нотўғри тўланган ортиқча даромадларни қайтариш;

§ бюджет даромадларининг ҳисоби ва барча даражадаги бюджетларнинг даромадлари бўйича ҳисоботни тайёрлашдан.

Ғазначилик тизимида даромадларни бошқариш усулларини такомиллаштириш, уларнинг ҳажмини оптимал ҳолатини таъминлаш, бюджетга маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ тушириш, бюджетлараро муносабатларни уйғунлаштиришга йўналтирилган.

Даромадларни бошқариш бўйича ғазначилик органларининг функцияси қуйидагилардан иборат:

§ бюджетнинг ягона ҳисобрақамига даромадлар тушишини ташкил этиш;

§ бюджетга тўланган нотўғри суммаларни қайтариш;

§ тасдиқланган меъёрга мувофиқ тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;

§ бюджет даромадларининг ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тайёрлаш.

Ғазначилик органлари томонидан бюджет ижроси давлат бюджети тўғрисидаги қонун асосида тегишли йилда амалга оширилади ва бунда параллел равишда амалга ошириладиган жараённи ўз ичига олади: бюджет даромадини туширади ва бюджет харажатини амалга оширади.

Бюджетни тушум қисмининг ҳар бир босқичи амалдаги қонунчилик асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқ ва солиқсиз тўловлар шунингдек, устама ҳақлар, жарималар ва хайрия тушумлари асосида амалга оширилади. Бюджет ту-

⁵⁷ Постановление МФ №61 и правления ЦБ № 279-В, зарегистрированным МЮ 24.07.2006 г. №1599. «Временные правила по учету казначейского исполнения местного бюджета Самаркандской области».

шумларини амалга оширишга уч гуруҳ иштирокчилари жалб этилади: солиқ тўловчилар, банклар, ғазначилик органлари.

Солиқ тўловчилар маълум тартиб асосида банкларга тўлов ҳужжатларини расмийлаштириб, топширадилар. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобрақами очилган тижорат банклари, Марказий банк муассасалари солиқ тўловчи ва солиқ олувчи орасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳудудда молиявий тушумларни олувчи Ғазначилик органи ҳисобланади. Бюджет таснифига асосан кодлар бўйича солиқ ва солиқ суммаси тўлов ҳужжатлари ҳар бир тушум ҳисобини Ғазначилик Бошқармаси ижро этади, сўнг бюджетга тушган тушум ҳақида ҳар кунлик ҳисоботни топширади. Ғазначиликка тушган барча солиқлар тасдиқланган меъёрлар асосида тақсимланиши керак.

Ҳар кунги тақсимланиш хулосаси турли даражадаги бюджетга ўтказилиши мўлжалланган сумма ҳисобланади. Ғазначилик Бошқармаси тўлов ҳисобларини тайёрлайди, бу ҳисобларда тўловчи томонидан тўланган маблағ ғазначиликка тушиши аниқланади.

Ғазначилик органлари ўтказилган маблағ юзасидан тўлов қоғозларини бюджет босқичлари бўйича бир кун мобайнида, кейингисини эса бир кун кейин тақдим этиладиган ҳисобга олинган кундан тушум қоғозларини тақдим этишлари лозим. Давлат бюджет ижроси мобайнида тушумлар бўйича ҳар куни ҳудудий солиқ қўмитасига йиғма реестр ва тўлов қоғоз нусхаларини топширишлари лозим.

Давлат солиқ қўмиталари ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ турлари бўйича тўғрилиги ва ўз вақтида тўланганлигини ҳисоблаб боради. Солиқ ортиқча тўланган бўлса, тўловчи Давлат Солиқ қўмитасига ёзма мурожаат қилади. Давлат Солиқ қўмитаси ортиқча ва кам тўланган солиқ бўйича қайтариш ёки қайтармаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга. Қабул қилинган қарор ва хулоса ижро учун ғазначиликка тақдим этилади.

Ғазначилик органлари солиқни қайтариш ёки ҳисобга олиш учун тўлов қоғози ёки чекни маълум шакл асосида ижро этиши шарт. Солиқ ортиқча тўланган бўлса, қайтариш ёки ҳисобга олиш пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Жисмоний шахсга солиқни қайтариш пул чекини шахс ҳисобига расмийлаштириш орқали амалга оширилади, у эса чек орқали банкдаги ғазначилик ҳисобидан нақд пул олади. Солиқни қайтариш ёки ҳисобга олишнинг

барча амаллари банк орқали марказлашган ғазначилик ҳисобида мавжуд маблағ асосида амалга оширилади ва ҳисоботда ёритилади.

Хорижий тажрибалар кўрсатадики, РФда Ғазначилик бошқармаси ҳисобрақамида ҳудудлардан йиғилган тушумлар Ғазначилик ҳисобига транзит шаклида тушади ва кейинчалик Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси ҳисоб рақамига кетади. Шундай қилиб, бюджетнинг тушумлар ижроси ҳар куни бутун молия йили давомида ҳисоб қилиб борилади. Молия вазирлиги ва Марказий банк буйруғи асосида молия йилининг охири куни белгиланади, бу кўп ҳолларда 4-5 январ бўлади. Бюджетнинг барча тушум ҳисоб рақамлари якуний айланмалари «0» га айланади, барча тушумлар эса Бош Бошқармада йиғилади ва кейинги молия йилида ишлатилади. Агар тушумлар Марказий Ғазначилик режалаштирган ҳажмда йиғилган бўлса, давлат харажатлари ҳам бюджетда тасдиқланган миқдорда амалга оширилади, шунингдек, ғазначилик харажатларини қисқартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Молия вазирлигининг Ғазначилик Бош Бошқармаси томонидан қарорлар қабул қилингандан сўнг, давлат бюджети бош тақсимотчиси томонидан ёзма равишда тақсимот амалга оширилади. Ғазначиликнинг бош тақсимловчилари ташкилотлар харажатлари таснифига мос равишда тақсимловчилар ва бюджетдан маблағ олувчилар орасида давлат бюджет молия маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга.

Бюджетдан маблағ олувчи – бюджет ташкилоти ёки бошқа муассаса бўлиб, у молия йили учун ажратилган бюджет маблағини олиш ҳуқуқига эга. Бюджет ташкилоти-давлат томонидан тузилган ташкилот ёки маҳаллий ҳокимият томонидан нотижорат ҳаракатларни амалга оширадиган ташкилот, унинг фаолияти маълум бюджет ёки давлатнинг бюджетдан ташқари маблағларидан тушумлар ва харажат сметаси асосида молиялаштирилади.

Ғазначилик Бош Бошқармаси бош тақсимловчилар томонидан ахборот олиб, бюджетдан маблағ олувчилар ва тақсимловчилар бўйича маблағ лимит реестрини шакллантиради ва ҳудудлардаги Ғазначилик бошқармаларига ва бўлимларига йўллайди. Ғазначилик бошқармалари ўз навбатида ўз ҳудудидаги тақсимловчилар рўйхатини тузиб, уларга тушган маблағ ҳақида хабар қилади.

Ғазначилик бўлимларига тақсимловчилар ўзларига қарашли тармоқдаги ташкилотлар ва корхоналар ўртасида тақсимланган маблағ тўғрисида ахборот беради. Ғазначилик бошқармалари бюджетдан

маблағ олувчилар бўйича молиялаштириш реестрини шакллантиради, ўз ҳудудидаги Ғазначилик бўлимларига ижро учун юборади.

Бюджетнинг барча маблағлари Ғазначилик Бош Бошқармаси реестри бўйича Ғазначилик бошқармалари ва Ғазначилик бўлимлари ҳудудидаги бюджет олувчилар орасида тақсимланиши лозим ва тегишли реестр билан тасдиқланади. Ғазначилик органларидан олинган реестр ҳали молиялаштириш дегани эмас. Реестрда кўрсатилган лимит пул маблағи билан таъминланиш ҳудуддаги тушумлар ва Ғазначилик Бош Бошқармасининг ягона ҳисобрақамидан бўлади.

Россия Федерацияси Федерал Ғазначилик Бошқармаси ҳудудидаги субъектлар томонидан тушумларни алоҳида ҳисоб рақамга (40103) туширади. «Харажатларни молиялаштиришга мўлжалланган федерал бюджет тушумлари», у ердан 40105 –ҳисобрақамга ўтказилади. Федерал бюджет маблағи тушган реестр бўйича бюджет олувчиларни молиялаштириш учун керакли ҳажмда йиғилган тушумларнинг харажатлардан ортиғи Москва шаҳридаги Россия Федерацияси Марказий банкининг ОПЕРУ-1 Федерал Ғазначилик Бош Бошқармаси ҳисобрақамига ўтказилади.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ҳудудидаги субъектларнинг бошланаётган ойнинг 1 санасигача тушган барча тушумлари юқоридаги ҳисобрақамга ўтказилади. Шунинг учун, агар ҳудудда тушумлар етарли бўлмаса, Россия Федерацияси Федерал Ғазначилик Бошқармаси тўлов қоғозлари орқали Федерал Ғазначилик Бошқармаси ҳисобига керакли суммани молиялаштириш учун ўтказилади. Федерал Ғазначилик Бошқармаси куйи ҳудуд ғазначилик реестри орқали Федерал Ғазначилик бўлими ҳисобига ўтказилади. Барча ўтказилган маблағ аниқ бюджет олувчиларга мўлжалланган ва уларнинг ҳисобига ўтказилиши керак.

Ғазначилик органлари даромадларни бошқариш вазифасини бажаришлари учун (40102 – счёт) «Федерал бюджет даромадлари» ва (40101 – счёт) «Ғазначилик органлари томонидан тақсимланадиган солиқлар ва йиғимлар» пассив счётлари очилган. Марказий банк, Молия вазирлиги ва РФ солиқлар ва йиғимлар вазирлигининг биргаликдаги буйруғи мазкур ҳисобрақамларни очиш учун асос ҳисобланади.

Солиқ тўловчилардан тўғридан-тўғри тушган Федерал даромадларни ҳисобини юритишда 40102 – «Федерал бюджет даромадлари» ҳисобрақами, тартибга солувчи солиқлардан федерал бюджет қисмини ажратиш учун 40101 – «Ғазначилик органлари томонидан

таксимланадиган солиқлар ва йиғимлар» ҳисобрақами ишлатилади. Россия Федерацияси Бюджет кодексига таъкидланишича, тартибга солувчи даромадлар-булар Россия Федерациясининг бюджет субъектларига ёки маҳаллий бюджетларга келгуси молия йилидаги ажратмалар-меъёри «фоизларда» белгиланадиган федерал, минтақавий ва маҳаллий солиқлар ва бошқа тўловлардир.

Россия Федерациясининг Молия вазирлиги ҳар йили Федерал Ғазначиликнинг ҳудудий органларига солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни 40101-ҳисобрақамга ўтказиш тартиби бўйича кўрсатмалар беради. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар ҳисобини юритиш ва таксимлаш қуйидагилардан иборат қатор ҳужжатлар пакети асосида амалга оширилади:

Ø давлат даромадлари ҳисобини юритиш бўйича 40101- ва 40102-ҳисобрақамидан кредит ташкилотининг кўчирмаси;

Ø солиқ тўловчиларнинг тўлов қоғозлари ва Федерал Ғазначилик органларининг шу суммани олганлиги тўғрисидаги банк кўчирмасига илова сифатидаги ҳужжат;

Ø алоқа ташкилотларининг пул ўтказишлар тушганлиги тўғрисидаги почта талонлари илова қилинган тўлов ҳужжатлари;

Ø Федерал Ғазначилик органларининг тўлов қоғозлари, кредит ташкилотларининг ҳисоб-китоб мемориал ордерлари, нотўғри ёки ортиқча тўланган суммани қайтарилганлик учун ҳисоб-китоб чеклари;

Ø агар даромадлар Россия омонат банкининг бўлимлари орқали нақд пул маблағлари тўлаш билан туширилган бўлса, квитанциялар илова қилинган Россия сбербанкнинг умумий тўлов қоғозлари;

Ø солиқ органлари томонидан қўйилган инкасса тўлов қоғозлари;

Ø даромаднинг тури аниқланилганидан кейин солиқ органларини ёзма билдиришномалари асосида ҳужжатлаштирилган Федерал Ғазначилик органларининг мемориал ордерлари;

Ø нақд бўлмаган ҳисоб-китоблар кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

Ғазначилик органлари томонидан кредит ташкилотлардан тўлов ҳужжатлари ёзма равишда қабул қилинаётганда кредит ташкилотининг масъул ходимининг имзоси ва ташкилот муҳри борлиги, юқоридаги илова қилинадиган барча ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади. Марказлашган Ғазначилик органлари томонидан кредит ташкилотлардан тўлов ҳужжатлари электрон кўринишда қабул

қилинаётганда бу ҳужжатларда барча реквизитлар берилганлиги, кредит ташкилотнинг электрон рақамли имзоси мавжудлиги текширилади.

Марказлашган Ғазначилик органлари тушган даромадлар билан қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- ✚ бир кун олдин тушган даромадларни бюджет таснифининг коди бўйича тақсимлайди;

- ✚ даромадларни айрим турлари бўйича белгиланган меъёрлар асосида турли даражадаги бюджетларга ўтказиладиган даромадлар суммасини аниқлайди;

- ✚ турли даражадаги бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширади, шу бюджетлар даромадларига бир кунда тушган даромадларни ўткази, шу кунги даромадлар етарли тушмаса, даромадларни тақсимлаш операцияларининг бир қисмини амалга оширади;

- ✚ солиқ органларининг хулосасига асосан солиқчиларнинг кўп ёки нотўғри тўлаган суммаларини қайтаради.

Давлат бюджетининг бюджет даромадларининг аналитик ҳисоботини юритиш бюджет даромадлари таснифига мувофиқ солиқларнинг турлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича амалга оширилади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлар режасининг ижросидаги барча операциялар Россия Федерацияси Молия вазирлигининг 91-сон буйруғи, «Федерал бюджет даромадларининг ҳисобини юритиш, Россия Федерацияси бюджет тизимидаги турли даражадаги бюджетлар ўртасида тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги» меъёрий ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Тўлов ҳужжатларига киритилган бошланғич маълумотлар жорий кун ахборотлари асосида ҳар куни 40101- ва 40102-ҳисобрақамларида ва даромадларнинг турлари бўйича алоҳида тушган даромадларнинг умумий реестрида шакллантирилади. Кўрсатилган ҳисобрақамларга тушган даромадлар бюджет таснифи кодлари бўйича гуруҳланади. Ҳар бир операциядан кейин банк кўчирмасида ифодаланган, ҳужжат чиққан кун, даромад коди, солиқ тўловчининг реквизитлари каби маълумотлар берилган биринчи тўлов ҳужжатида асосан умумий реестрига ёзув тушади. Умумий реестр ҳар куни ҳар бир ҳисобрақам бўйича икки нусхада тайёрланади, иккала нусха Марказлашган Ғазначилик органи раҳбари томонидан имзоланади. Биринчиси банкнинг кўчирмаси билан Федерал Ғазначилик

органида қолади, иккинчиси солиқ органидан келган вакилга у им-зо чеккандан сўнг, бошқа тўлов ҳужжатлари илова қилинган ҳолда солиқ органларига берилади. Шу кундаги мавжуд ҳужжатга асосан 40101-ҳисобрақамдаги аниқланмаган даромадлардан номаълум тушумлар ҳисоб-китоб ведомости, 40102-ҳисобрақамдаги аниқланмаган даромадлардан бюджет таснифи бўйича гуруҳланмаган даромадлар ҳисоби ведомости шакллантирилади. Ведомостлар маълумотлар берадиган назорат шакллари ҳисобланади, унда ҳар бир аниқланмаган даромадлар бўйича солиқ тўловчининг ИНН ни, тўлов ҳужжатининг куни ва номери банк кўчирмасида ўтган кун кўрсатилган ҳолда шакллантирилади. Шунингдек, нима учун ҳужжат шу ведомостда кўрсатилаётганлигининг сабаби, кўрилган чора-тадбирлар тури, ҳар кунги ведомостларда аниқланмаган даромадларнинг жами суммаси кўрсатилади. Ҳар кунги аниқланмаган даромадлар бўйича юқоридаги ведомостлардан ташқари, 40101- ва 40102-ҳисобрақамлар бўйича алоҳида қайтарилган тўловларнинг ҳисобини юритиш ведомости, 40101- ва 40102-ҳисобрақамлар бўйича банкдан ташқари операциялар ҳисобини юритиш ведомости тузилади.

Даромадларнинг умумий реестри, 40101-баланс ҳисобрақамига тушган суммалар асосида 40101-ҳисобрақамлар бўйича тақсимландиган даромадлар суммаси «Федерал ғазначилик томонидан тақсимланадиган солиқлар» ведомости шакллантирилади. Бу ведомост ўтган иш куни учун қайтарилган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, турли даражадаги бюджетларга тақсимланган ва ҳақиқий ўтказилган даромадлар ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, солиқ органлари хулосаларини рўйхатга олиш учун 40101- ва 40102-ҳисобрақамлар бўйича алоҳида қайтарилган тўловларни рўйхатга олиш журнали тузилади.

Солиқ тўловчиларга берилган имтиёзлар, солиқ кредитлари, солиқ кечиктирилиши тўғрисидаги маълумотлар ва турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб суммалари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш учун «Турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги даромадларнинг ўзаро ҳисоб-китобини юритиш ведомости» тузилади. Шунингдек, «Турли даражадаги бюджетларга ўтказишга мўлжалланган даромадлар суммаларнинг ведомости» тузилади. Ушбу ведомостнинг «жами» қаторидаги маълумотларга асосан, «ўтказиладиган суммалар жами» қаторида автоматлаштирилган режимда турли даражадаги бюджетлар даромадига ўтказиладиган тўлов ҳужжатлари шаклланади.

Юқорида айтиб ўтилган тезкор-аналитик шакллар натижалари асосида 40101-ҳисобрақами бўйича «Даромадлар ҳисобининг умумий ведомости» автоматлаштирилган режимда шаклланади. «Федерал бюджет даромадлари» 40102-счёти бўйича аналитик ҳисоб-китоб юритиш учун федерал бюджет даромадларининг турлари бўйича «Даромад турлари ҳисобини юритиш карточкалари» очилади. «Федерал бюджет даромадлари» 40102-счёти бўйича умумий ҳисоб-китоб юритиш учун «Федерал бюджет даромадлари юритиш карточкаси» очилади. Мазкур шакл маълумот берувчи хусусиятга эга, унда йил ва ой бошидан жами сумма ҳисобланади.

Қайтарилган тўловлар, 40101-ҳисобрақами бўйича тушган даромадларнинг умумий реестри ва 40101-ҳисобрақами бўйича «банкдан ташқари операцияларнинг ҳисобини юритиш ведомости»га асосан, бюджет таснифи кодларига мувофиқ, «Федерал бюджет даромадларини юритишнинг умумий ведомости» шакллантирилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисоб-китоб юритиш учун қуйидагилар шакллантирилади:

- бюджетга тўловларни ўтказишни белгиланган муддатларига риоя қилмаган кредит ташкилотларининг рўйхати;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш тўғрисида маълумотнома;
- ғазначилик органлари томонидан амалга ошириладиган даромадлар тушуми тўғрисида тезкор ҳисобот.

Федерал бюджет даромадлари тўғрисида ҳисобот РФ Молия вазирлиги белгилаган тартиб бўйича ғазначилик органлари томонидан амалга оширилади. Банк билан ғазначиликнинг ҳисобот кунлари ўртасидаги тушумлар молиялаштириш учун даромадлар суммаси ҳисобланади. Россия Федерацияси Марказий Банкнинг ҳудудий бошқармалари Федерал бюджет счётлари қолдиқлари суммалари тўғрисида Россия Федерацияси Молия вазирлигига беш кунда бир марта ойнанинг 1, 5, 10, 15, 20, 25 кунларида 912. Ф. шаклда ҳисобот топширади. Федерал Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси Россия Федерацияси Молия вазирлигига худди шу муддатларда 40102-ҳисобрақам тушумлари тўғрисида 604.Ф. шаклда ҳисобот топширади.

5.2. Бюджет харажатларининг асослилигини текшириш ва назорат қилиш

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, Федерал Ғазначилик органларига банкдаги ғазначилик шахсий ҳисобрақамларидаги федерал бюджет харажатларини бошқариш вазифаси юклатилади. Бюджет харажатлари давлатнинг ўз функция ва мажбуриятларини бажариши учун керак бўладиган сарфлардан иборат. Шу ҳудудда жойлашган барча бюджетдан маблағ олувчилар ва тақсимловчилар учун молиялаштириш ҳажмлари Россия Федерацияси Молия вазирлигининг Федерал Ғазначилик Бош Бошқармасидан Федерал Ғазначилик Бошқармасига реестр кўринишида тушади. Реестрлар пулли ёки тушган даромадлар ҳисобига пулсиз бўлиши мумкин. Бунинг учун маблағ олувчининг Федерал Ғазначилик бўлимида очилган шахсий ҳисобрақамига пул ўтказиш ва маблағ олувчига реестр учун фармойишлар шакллантирилади.

Агар тақсимловчилар учун реестрлар тушган бўлса, харажатлар бўлими федерал бюджетдан уларга олинган маблағни ташкилот ва идораларга қандай тақсимлаганлигини талаб қилган ҳолда, маблағ ажратиш тўғрисида билдиришнома тайёрлайди. Мазкур тақсимловчилардан маблағни ташкилот ва идораларга қандай тақсимлаганлиги тўғрисида маълумот олинганидан сўнг, Федерал Ғазначилик бўлимига реестрлар тайёрланади. Бир вақтнинг ўзида маблағ олувчининг Федерал Ғазначилик бўлимида очилган шахсий ҳисобрақамига пул ўтказилади.

Федерал Ғазначилик бўлимига пулли реестрлар маблағлар билан биргаликда Федерал Ғазначилик Бошқармасидан келади. Ўз даромадлари ҳисобига харажатларни молиялаштириш учун маблағларни шу ҳудудда йиғилган суммалар таъминлайди. Бунда маблағлар «Федерал бюджет даромад суммаларини ҳисоб-китоб ведомости»га асосан ва харажатларни бюджет ҳисоб-китобига тўлов қоғози билан ўтказилади, агар даромадлар ҳисоб-китобидаги маблағ етмаса, пулли реестрлар учун Федерал Ғазначилик Бошқармаси Федерал Ғазначилик Бош Бошқармасига мурожаат қилади.

Федерал бюджет харажатларини кассали ижросида ва буларни молиялаштиришни ташкил этиш жараёнида Федерал Ғазначилик органининг тўлов, операциялар, ҳисоб-китоб ва ҳисобот бўлими иштирок этади. Бу жараённи қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

**Федерал Ғазначилик бошқармаларидаги бюджет харажатлари
ижросида ҳужжатлар айланиши**

№	Ҳужжатнинг номи	Қабул қилувчи	Ижро қилувчи	Муддати
1	Бюджет харажатларини молиялаштириш учун реестрлар ва аренда тўловидан тушган тушумлар ҳисобига кўшимча молиялаштириш	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Харажатлар бўлими, ахборотларни ҳимоя қилиш бўлими	ФҒББ дан тушган кунининг эртасига
2	Ўзаро ҳисоб-китоблар учун билдиришномалар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Харажатлар бўлими	ФҒББ дан тушган кунининг эртасига
3	Маблағларни жорий ҳисобрақамдан ўтказиш учун фармойишлар	Бухгалтерия ҳисоб-китоб бўлими, операциялар бўлими	Харажатлар бўлими	Ҳар куни соат 16 гача
4	Операциялар ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ҳисобрақамлардан кўчирмалар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Операциялар бўлими	Ҳужжатларни ишлаш кунида ҳар куни
5	ФҒББ ҳисобрақамларидан нақд пулларни бериш мақсадида чекларни олиш учун ишончномалар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Харажатлар бўлими	Ҳар куни соат 14 дан 17 гача
6	Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари бўйича оборот сальдо ведомости	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Операциялар бўлими	Ҳужжатларни ишлаш кунида Ҳар куни
7	Ҳудуд бўйича даромадлар тушуми ҳақида маълумотлар	Харажатлар бўлими	Федерал даромадлар бўлими, Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Ведомост шаклантирилгандан кейин соат 11-30 гача

8	Бюджет харажатларини молиялаштириш учун федерал бюджет даромадлари ҳисобидан ўтказилган суммалар ҳақида маълумотлар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Федерал харажатлар бўлими	Ведомост шаклантирилгандан кейин соат 12 гача
9	Бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисоб-рақамига кетадиган маблағларни тасдиқлайдиган текширилган ҳужжатлар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоби бўлими	Операциялар бўлими	ФҒББ реестр тушиши билан
10	Бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисоб-рақамларини очиш ва ёпиш тўғрисида маълумотлар	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Операциялар бўлими, федерал харажатлар бўлими	Бюджетдан маблағ олувчидан ариза тушиши билан
11	Берилган ссуда ва кредитлар ҳисоб-китобини юритиш карточкаси	Бухгалтерия, ҳисоб-китоб бўлими	Кредит, заём ва қимматли қоғозлар бўлими	Кейинги ҳисобот ойининг 1 санасидан кечиктирмасдан

Федерал бюджет ижросининг операциялари бухгалтерия ёзувлари билан ҳужжатлаштирилади ва бухгалтерия ҳисоб-китоби рўйхатларида ифодаланади. Федерал бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш Россия Федерацияси Молия вазирлигининг белгиланган меъёрий ҳужжати асосида амалга оширилади. Бу ҳисобот таркибида қуйидаги шакллар мавжуд:

- федерал бюджет харажатларининг кассали ижроси ва молиялаштириш тўғрисида ҳисобот;
- Россия Федерацияси бюджет таснифига мувофиқ алоҳида кодлар бўйича федерал бюджет харажатларининг кассали ижроси ва молиялаштириш тўғрисида ҳисобот;
- Россия Федерацияси Молия вазирлигининг Федерал Ғазначилик Бош Бошқармаси томонидан молиялаштиришнинг умумий суммалари тўғрисида ҳисобот;
- бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига ижро қилинган мажбуриятлар тўғрисида ҳисобот;

– йил якунида Федерал Ғазначилик органларининг шахсий ҳисобрақамларида федерал бюджет маблағларининг қолдиқлари тўғрисида ҳисобот;

– РФ Молия вазирлигининг Федерал Ғазначилик Бош Бошқармасининг Россия Федерацияси бюджет таснифига мувофиқ алоҳида кодлар бўйича молиялаштириш ҳажми тўғрисида ҳисобот;

– Россия Федерацияси бюджет таснифига мувофиқ алоҳида кодлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига ижро қилинган мажбуриятлар тўғрисида ҳисобот;

– Россия Федерацияси бюджет таснифига мувофиқ алоҳида кодлар бўйича йил якунида Федерал Ғазначилик органларининг шахсий ҳисобрақамларида федерал бюджет маблағларининг қолдиқлари тўғрисида ҳисобот.

«Федерал бюджет харажатларининг кассали ижроси ва молиялаштириш тўғрисида» ҳисобот Россия Федерациясининг бюджет харажатлари барча таснифига мувофиқ алоҳида кодлар бўйича харажатларининг кассали ижроси ва молиялаштириш тўғрисида маълумотларни камраб олади. Мазкур ҳисобот бешта бобдан иборат.

Федерал Ғазначилик органлари федерал мақсадли дастурларни молиялаштиришда фаол иштирок этади. Федерал мақсадли дастурлар Россия Федерациясини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда, истиқбол режаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади. Тасдиқланишга ва федерал бюджет ёки бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштиришга тақдим қилинаётган дастурлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Жумладан:

- ▶ техника-иқтисодий жиҳатидан асосланган бўлиши;
- ▶ дастурда буюртмачининг номи бўлиши;
- ▶ йиллар бўйича дастурни молиялаштириш манбалари ва ҳажмини тақсимлаш тўғрисида маълумотлар бўлиши;
- ▶ дастурни амалга оширилиш натижаларидан кейин кутилаётган иқтисодий-ижтимоий ривожланиш истиқболлари қилиниши;
- ▶ тасдиқланиши зарур бўлган бошқа ҳужжатлар, материаллар ва ҳисоб-китоблар бўлиши керак. Барча дастурлар бир қанча дастурчаларни ўз ичига олиши мумкин.

Россия Федерациясининг «2002 йил бюджетномаси»да таъкидланишича, амалга оширилаётган федерал дастурларнинг сони камайтирилди, лекин бу қисқартиришда асосан олдин амалдаги дастурларни молиялаштириш ресурслари ва уларнинг ҳажми сақланиб

қолинади. Федерал мақсадли дастурлар аниқ мезонларга, тушунарли кўрсаткичларга таяниши ва улар етарли молиявий ресурслар билан таъминланган бўлиши керак. Федерал мақсадли дастурларда харажатларни молиялаштириш бюджет таснифларига асосан амалга оширилади.

Давлатнинг мақсадли дастурларда харажатларга тўлов учун ғазначилик органларига бюджетдан маблағ олувчилардан ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар, иловаси билан харажатлар сметаси, бажариладиган ишлар бўйича шартномалар ва кўрсатилган хизматлар, қилинган ишларнинг графиги тақдим қилиниши лозим.

Федерал адресли инвестиция дастури мамлакатнинг умумий ва ҳар бир Россия Федерацияси субъектининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларининг таркибини аниқлайди. У федерал бюджет тўғрисидаги қонунга киритилган. Дастур икки бўлимдан иборат: инвестицияни тармоқларга йўналтириш ва келгуси молия йилида молиялаштириладиган қурилишлар ва объектларнинг рўйхати.

Федерал бюджет маблағлари ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаштиришда давлат буюртмалари Федерал Ғазначилик органларига тасдиқланган лойиҳалар рўйхатига бюджет ажратмаларини тақсимлаш тўғрисида ҳужжатлар тақдим қиладилар. Федерал Ғазначилик ҳудудий ғазначилик органларига қурилиш ва объектларни молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағларини ресстрлар, билдиришномалар, тўлов қоғозлари ва бошқа ҳужжатлар билан етказадилар ва ўз навбатида бу ҳужжатлар Федерал Ғазначилик Бошқармаларига етказилади.

Федерал бюджет маблағлари ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаштириш операцияларини амалга ошириш учун давлат буюртмачилари қайтармаслик шарти билан Федерал ғазначилик органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

§ янги бошланган қурилишларнинг йилларга бўлинган титул рўйхати;

§ қурилиш қийматининг йиғма смета ҳисоб-китоблари;

§ капитал қўйилмалар ва қурилиш-монтаж ишларининг аниқланган ҳажми;

§ бутун қурилиш бўйича бажариладиган ишларнинг ҳисоб-китоблари кўрсатилган давлат контрактлари;

§ қонун ҳужжатларида ва норматив актларда кўзда тутилган ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 120-моддасига мувофиқ, федерал бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган ташкилотлар сингари, Федерал Ғазначилик органлари томонидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш ажратилган бюджет маблағлари чегарасида федерал бюджет маблағларини тақсимловчиларини-буюртмачиларнинг ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Қурилиш буюртмачилари-бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг харажатларининг тўловлари Федерал Ғазначилик органларининг масъул ходимлари томонидан ҳужжатлар текширилган кейин амалга оширилади. Эслатиб ўтамиз, бюджет маблағлари шахсий ҳисобрақамлари ҳудудий ғазначилик органларида очилади, шахсий ҳисобрақамларда тақсимловчилар бошқарадиган федерал бюджет маблағларининг ҳажми ифодаланади.

Бюджет харажатларининг ижроси бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

Ø бўлимларга бириктирилган маъмурий ҳудуд ва минтақа бўйича бюджетдан маблағ олувчилар рўйхати тузилиши, шунингдек, уларнинг реквизитлари киритилган реестр, банк хизматидан фойдаланиш бўйича ахборотларни ҳам қўшиш;

Ø ҳудуд бўйича инвестиция дастурларини, шунингдек, минтақа маъмурияти, вазирликлар ва ташкилотлар томонидан уларнинг ижроси бўйича буюртмачиларнинг рўйхатини аниқлаш;

Ø ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш тартибини аниқлаш;

Ø ташкилотларни ғазначилик тизими томонидан босқичма-босқич молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш;

Ø банк ва бошқа ташкилотлар томонидан маблағ олувчилар билан биргаликда молиялаштириш механизмини ишлаб чиқишдан иборат.

Даромад ва харажатлар кўрсатилган ҳужжат-тушумларни деталларда кўрсатилиши қарз олиш маблағлари ва бюджет таснифига мос тасдиқланган бюджет харажатлари кўрсатилишидир. Кўрсаткичлар фақат йиллик эмас, балки чоракларда ҳам кўрсатилади. Мана шу ҳужжат асосида Молия вазирлиги бош тақсимловчиларга бюджет маблағлари тўғрисида ҳужжатдан кўчирмани чоракларга бўлинган ҳолда тақдим этади. Вазирликлар ва ташкилотлар ўз навбатида тасдиқланган маблағларни ўз харажатлари, марказлашган чора-тадбирлар, шунингдек, қуйи тақсимловчи ва маблағ олувчилар

орасида тақсимлайди. Сўнг тақсимот режаси вазирликлар ва ташкилотларнинг қўйи тақсимловчи ва маблағ олувчиларга тасдиқланган харажат сметаси шаклида юборади. Шунингдек, бюджет оқидамида жорий ва дастлабки давлат назоратининг ўз вақтида ўтказилиши, бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши такомиллаштирилади.

Ҳазначилик тизими орқали бюджетда кўзда тутилган давлат дастурларини, бошқа харажатларни ва чора-тадбирларни молиялаштириш ҳазначилик органлари счётлар тизими орқали амалга оширилади. Ҳазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тақсимоти ва бюджет олувчиларга молиялаштириш учун реестрлар пул ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат билан бирга юборилади. Бюджет ижросининг ҳазначилик тизимини ривожлантиришда, ҳудудий Ҳазначилик бошқармаларига бюджетда кўзда тутилган харажатлар ва чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ҳазначиликнинг Бош Бошқармаси томонидан шаклланган реестрга мос равишда тушум суммасидан келиб чиққан ҳолда, пул ўтказиш ваколоти берилган. Шундан кейин тўлов қоғозлари ҳудудий тушум ҳисобидан реестрлар илова қилинган ҳолда, юборилади ва фақат ўз даромадлари етишмаган ҳолда, пул реестрлари юборилади. Агар реестрлар пулли бўлса, Ҳазначиликнинг Бош Бошқармаси томонидан ҳудудий ҳазначилик бошқарма ҳисобига тушгандан сўнггина ҳазначилик бўлинмалари орқали пул ўтказишлар олиб борилади. Ҳазначилик бўлинмалари ҳисоб ва реестрларга пул тушгандан сўнг тақсимловчи ва маблағ олувчиларнинг ҳисобларига бюджет маблағларини ҳисобга олинганлиги тўғрисида тақсимот ва қарорлардан кўчирма тайёрлайди. Бюджет харажатларини ҳисоб тизими орқали молиялаштирилганда, бу жараён иштирокчиларининг алоқаси бир-мунча ўзгаради. Биринчидан, ҳазначилик органлари олувчиларнинг талабига биноан тўловларни амалга ошириш бўйича банк ташкилотлари ишини зиммасига олади. Иккинчидан, пул тўлашдан олдинги муолажаларни назорат қилиш йўлга қўйилди, бу нафақат ҳисобрақамдаги маблағлар, балки маблағларни мақсадли ишлатиш, шунингдек, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 23 майдаги 72-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Давлат бюджети ҳазначилик ижроси услугиёти бошқармаси фаолияти тўғрисида» Низом тасдиқланган. Мазкур Ни-

зомга асосан бошқарманинг асосий вазифалари жумласига бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш, Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси бўйича механизмларини жорий қилиш, молия органларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш бўлимларини мувофиқлаштириш киритилган.

Шунингдек, республикада «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом (2005 йил 21 май 1475-сон) қабул қилинди.

Низомда белгиланганидек, бюджет маблағлари олувчиларнинг иқтисодий тасниф бўйича IV гуруҳ харажатлари Ғазначилик орқали назорат этиб борилади.

Ғазначиликда бюджет рухсатномаларини бошқариш:

- Давлат бюджетини тайёрлаш, тасдиқлаш, ижро қилиш халқаро андозаларга мос келувчи янги бюджет таснифи асосида қабул қилинади;

- банк тизими билан боғлиқ операцияларни ўзгариши муносабати билан мавжуд тайинлаш сертификатлари бекор қилинади.

Тўртинчи гуруҳ, яъни “Бошқа харажатлар” бўйича молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва бюджет маблағларини уларнинг харажатларини тўлашга ўтказиш устидан назорат қилиш босқичларида дастлабки назорат ва жорий назоратга эришилди. Бу тажриба тариқасида яратилган дастурий таъминот ғазначилик органлари ходимларига хизмат кўрсатилаётган бюджет ташкилотларини рўйхатга олиш, ташкилотларнинг ҳисоб рақамларининг реквизитларини киритиш, товар етказиб берувчиларни рўйхатга олиш, бюджет ташкилотларининг харажатлари сметаларини рўйхатга олиш, ташкилотлар бўйича молиялаштиришни киритиш, касса харажатларини киритиш, юридик мажбуриятларни-шартномаларни рўйхатга олиш ва товар етказиб берувчининг реквизитлари тўлдириш имкониятларини беради.

Бюджет харажатларини амалга оширилишини бошқаришни муҳассамлаштириш мақсадида:

1. Тегишли бюджет ва Давлат мақсадли жамғармаларидан харажатларнинг тегишли рухсат орқали амалга оширилиши ҳамда улар-

нинг ҳажми йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсати миқдоридан ошмаслиги керак.

2. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари тегишли рухсат асосида амалга оширилиши ҳамда бюджетдан ташқари даромадлар ҳажми доирасида амалга оширилади.

3. Мақсадли грантлар ва давлат қарзлари ҳисобига молиялаштирилувчи харажатлар учун харажатлар тегишли рухсат, амалдаги меъёр ва қўлланмалар ҳамда мавжуд маблағлар доирасида Ғазначилик органларининг тегишли рухсати асосида амалга оширилади.

Мавжуд Ғазначиликда тўловлар уч босқичда амалга оширилади:

1. Юридик мажбуриятлар: шартномалар, битимлар, қарорлар (суд органлари, имтиёзлар), бир тарафлама қарорлар (грантлар).

2. Молиявий мажбуриятлар: ҳисоб-фактуралар, иш ҳақи ведомостлари, бошқалар.

3. Тўловни амалга ошириш.

Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятларни олиши асосида молиявий мажбуриятларни бажариши деб тушунилади.

Ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки чора-тадбири сифатида маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларига ҳамда республика бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотларига бюджетдан маблағлар олувчилар билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказиш ва тузилган шартномаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни назорат қилиш бошланди.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Молия вазирлигининг 2005 йил 6 апрелдаги 51-сон буйруғига асосан Молия вазирлигида Давлат бюджети ғазначилик ижроси услубиёти, бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг харажатлари тўловини назорат қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси, Самарқанд вилояти Молия бошқармасида, Самарқанд ва Тойлоқ туманлари молия бўлимларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш бўлимлари, маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотларига ҳамда Республика бюджетидан молиялаштирилувчи айрим бюджет ташкилотларига бюджетдан

маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш механизми ишлай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджетни ғазначилик ижроси услубиёти бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг тўловларини назорат қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 74-сон буйруғига асосан 2005 йил 1 июндан бюджетдан маблағ билан таъминланувчи бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бюджетдан маблағ олувчилар смета харажатларида кўзда тутилган ва режалаштирилган бюджет маблағлари доирасида маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек, қўшимча ва ўзгартиришлар қиладилар. Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларга рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида рақам берилиб, рўйхатдан ўтган санаси кўрсатилган ҳолда ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Ғазначилик бошқармаси уч кун ичида шартномадаги маҳсулот нархи, сони, шартноманинг амал қилиш муддати, реквизитлари ва тузилган шартномага асосан тўланиши лозим бўлган сумма бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган режалаштирилган бюджет маблағларига мослигини текширади, агарда шартномадаги сумма харажатлар сметасидаги маблағдан ортиқ бўлса, ушбу шартнома ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилмасдан, бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

Шартномалар бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида рўйхатдан ўтказилади ва бунда ғазначилик бошқармасининг мансабдор шахси томонидан шартноманинг асли ва нусхасининг биринчи бетига «Рўйхатдан ўтказилди» ёзуви, шартномани рўйхатдан ўтказиш номери ва санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиб, ғазначилик бошқармасининг муҳри қўйилади. Шартномаларга тўловлар гарафиги илова қилинади. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг шартноманинг асли бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади ва шартнома нусхаси эса ғазначилик бошқармасида ҳисобга олиш ва сақлаш учун қолдирилади.

Шартномаларни рўйхатдан ўтганлигини ҳисобга олишда бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида унинг ўтказилган ра-

қам ва санаси кўрсатилиб, бюджетдан маблағ олувчилар ва етказиб берувчиларнинг номи, реквизитлари, шартнома суммаси, унинг номери ва тузилган санаси кўрсатилган ҳолда ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлими томонидан қайд қилинади ва юритилади.

Харажатлар тўловини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Бюджетдан маблағ олувчилар молия органларида ўтказилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харажатларини ҳамда бўнак тўловларни тўлаш учун эртанги кун тўловига бир кун олдин етказиб, бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига битта банк муассасаси томонидан хизмат кўрсатилса, тўрт нусхада, турли банк муассасалари томонидан хизмат кўрсатилса уч нусхада, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини ғазначилик бошқармасига тақдим этади. Товарларнинг етказиб берилганлигини тасдиқловчи счет-фактуралар ёки бошқа ҳужжатларни, бюджетдан маблағ олувчиларнинг етказиб берувчилар олдидаги қарздорлигини ҳамда бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчига бўнак тўлови ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган топшириқномалар талабларига мос келса, тўлов топшириқномасининг биринчи ва тўртинчи нусхаларининг орқа томонига ғазначилик бошқармаси мансабдор шахси томонидан «Текширилди» деган ёзув белгиси қўйилиб, имзоланади ва ғазначилик бошқармаси муҳри босилиб, банкка топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида ва банкдаги бюджет маблағлари учун очилган ҳисобрақамдаги маблағларнинг тегишли харажат гуруҳлари қолдиғи доирасида бўлса, тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органларида рўйхатдан ўтказилган шартномада кўрсатилган тўлов суммасидан ортиқ бўлмаса, товарнинг етказиб берилганлиги тасдиқловчи счет-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар, бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарздорлиги ҳамда бўнак тўловини ўтказиш лозимлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлганда, тўлов топшириқномасида кўрсатилган етказиб берувчининг номи ва реквизитларига мос келганда, бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилганда қабул қилинади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни текшириш,

шунингдек, хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномаларини ижро этиш учун тақдим қилиш, одатда улар тақдим қилинган куннинг ўзида ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бунда ресстрлар ғазначилик бошқармасининг тармоқ бўлими томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатувчи банклар бўйича алоҳида тузилади. Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг барча нусхалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари реестрининг икки нусхаси ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлими томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатувчи банкларга берилади.

Тўлов амалга оширилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи банкка тўрт нусхада тўлов топшириқномаси тақдим этилганда, биринчи нусхаси реестр билан кунлик банк ҳужжатларига тикилади, иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисоб рақамидан банк кўчирмаси илова қилинади. Учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг ҳисоб рақамидан банк кўчирмасига илова қилинади ва бюджетдан маблағ олувчига бериш учун ғазначилик бошқармасига берилади.

5.3. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нархлар мониторинги

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

Шартномаларнинг тузилиш ва бажарилиш жараёни бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Фуқаролик кодекси ва 1998 йил 29 августдаги N 670-I-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни бу жараённи тартибга солувчи энг асосий қонуний ҳужжатлардир. «Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шартномаларда ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади»⁵⁸.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Шартнома тушунчаси. 353-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига кўра, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

- Ø хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
- Ø тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- Ø шартнома интизомига риоя этиш;
- Ø тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак.

Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади. Хулосада қоида тариқасида куйидагилар кўрсатилади:

Ø хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

Ø хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши;

Ø тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши.

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Мажбурият – фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатлари бўлиб, маълум бир шахс (қарздор) бошқа бир шахс (кредитор) манфаати ҳисобига маълум бир ҳаракатларни амалга оширишидир. Масалан, мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўловларини амалга ошириш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, мажбурият – бу ёзма равишда рас-

мийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Шартномаларга асосан вужудга келадиган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқади.

Бюджет тизимида:

- мажбуриятларни қабул қилиш – бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблағлар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш ҳаракатидир;


- мажбурият ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга асосан мажбурият қабул қилиш ҳуқуқи бўлган шахс томонидан амалга оширилади (ташкilot раҳбари ёки унинг буйруғи билан ваколат берилган масъул шахс);

- қабул қилинадиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблағлари меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

«Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди»⁵⁹.

Шартномаларда мажбуриятларни ҳисобга олишдаги омиллар қуйидагилардан иборат.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августда қабул қилинган N 670-I-сонли Қонуни.



Мажбуриятларни қабул қилиш асослари:

- контракт ва шартномалар имзолаш асосида (тендер бўйича харидлар, товар ва хизматлар сотиб олиш, қарздорлик бўйича шартномалар, патентлар, лицензиялар, суғурта ва бошқалар);
- қонуний асос мавжудлиги (стипендия, нафақа пуллари ва бошқалар);
- давлат ваколатли органлари қарорлари (жарималар ва суд қарорларига асосан пенялар);
- бир томонлама қарорлар (дотациялар, грантлар, мукофотлар).

Мажбуриятларни қабул қилиш ҳуқуқига эга жавобгар шахслар:

- мажбуриятларни қабул қилиш бюджет маблағларини олувчи вазифасига киради;
- бюджет маблағлари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки бу вазифа юклатилган шахслар ҳисобланади;
- ғазначилик бўлимларида ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган барча бюджет маблағ олувчи ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчи имзо намуналари, ҳамда бюджет ташкилоти муҳри намуналари бўлиши керак. Ушбу намуналар ғазначиликнинг махсус карточкаларида сақланади.

Юридик мажбурият:

- шартнома рўйхатдан ўтгандан кейин вужудга келади;
- шартномани имзолашдан олдин бюджет маблағлари мавжудлиги текширилади;
- шартнома тўлиқ юридик кучга эга бўлиши учун ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтилади.

Молиявий мажбурият:

- товар ва хизмат етказиб берилгандан кейин счет-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган шароитда вужудга келади;
- молиявий мажбурият ғазначиликнинг Бош китобида қайд қилинади;
- молиявий мажбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар қопланади.

Юридик мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади – бюджет назоратини таъминлаш, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига йул қўймасликдир. Шунингдек, молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади – қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси меъёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилишдир.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилишни тақозо этади. Бюджет ташкилоти контрагентдан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) қабул қилиб олганидан сўнг, шартномани акцептлайди (имзолайди) ва ғазначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вужудга келиши учун бу шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Қуйидаги чизмада бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобининг тузилиши берилган.

Бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китоби

(сўмларда)

N	Шартномани рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси	Номи ва реквизитлари		Шартномани тузиш рақами ва санаси	Сумма
		бюджетдан маблағ олувчида	товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчида		
1					
2					
3					
...					

Ғазначиликда юридик мажбурият вужудга келишидан аввал дастлабки назоратни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, бу нархлар мониторинги орқали таъминланади. Бунда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хом ашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари олиш, оммавий ахборот воситалари ва ихтисослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назорат турлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет маблағлари олувчилар ва бошқа жавобгар шахсларнинг имзо ва муҳрларини солиштириш;
- юридик мажбуриятнинг рўйхатдан ўтиш рақами мавжудлигини текшириш;
- бюджет таснифидан тўғри фойдаланилганлигини назорат қилиш;
- ҳисоб - китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш;
- кредиторнинг реквизитлари аниқлигини назорат қилиш;
- бюджет маблағлари мавжудлигини назорат қилиш.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 4 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон рақамлари,

рахбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юқори мавқели корхоналар бўлиши тавсия этилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олади.

Бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида тузилган шартномаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.05.2005 й.да 1475 рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 05.05.2005 йилдаги 63-сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик Низом” ҳисобланади. Низомга кўра, бюджетдан маблағ олувчилар етказиб берувчилар билан шартномалар тузатилар, шунингдек, шартномаларга бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган тегишли режали бюджет маблағлари доирасидагина қўшимча ва ўзгартиришлар киритадилар. Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли молия органларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиб, уларга тегишли рақамлар берилиши ва рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилиши керак.

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади.

Шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда

шартноманинг шарти диспозитив норма билан белгиланади. Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади. Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади. Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади. Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

Шартнома тузилган пайдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин. Бундай шарт ёзиб қўйилмаганда тарафлар мажбуриятни бажарининг шартномада белгилаб қўйилган охириги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.


Қўйидаги расмда Ғазначилик орқали харажатлар тўловининг амалга оширилиши кўрсатилган.

Ғазначилик орқали харажатлар тўловининг амалга оширилиши



1. Ғазначилик томонидан бюджет ташкилотларига ҲАОР берилади, бюджет ташкилоти эса шу асосда тўлов аризаси олиб келади

2. ҒАЗНАЧИЛИК ХОДИМИ ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН ОЛДИН ТЎЛОВ АРИЗАСИ СУММАСИ ВА ҲАОР СУММАСИНИ СОЛИШТИРАДИ + МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИНИ ТЕКШИРАДИ



Молия органларида нархлар мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳисобланади.

Мазкур Низом Давлат бюджети, Давлат бюджетда консолидациялашувчи давлатнинг мақсадли фондлари маблағлари, ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, Жаҳон банки гуруҳи, ЕТТБ, ОТБ, Халқаро ҳамкорлик Япон банки, «KfW» банки каби халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан тақдим этилган хорижий грантлар маблағлари эвазига импорт қилинган ёки Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил қилиш механизмини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача тартиб белгиланган бўлса ёки хорижий грантлар ва кредитлар тақдим этилишида бошқача шартлар белгиланган бўлса, бундай ҳолларда мазкур Низом тартиби қўлланилмайди.

Тендерларни ўтказиш мақсади қуйидагилардан иборат:

– хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилган давлат бюджети, давлат бюджетда консолидациялашувчи давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, ҳукумат кафолати бўйича олинган хорижий кредитлар, хорижий грантлар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигин орттириш;

– сотиб олинаётган хом ашёлар, материаллар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларнинг сифат даражасини орттириш.

Республикамиздаги корхоналар билан ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада амалга оширилади. Тендерларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ошкоралик, қарорларни қабул қилишнинг объективлиги, тендер қатнашчиларига тенг шароит яратиш, шу билан бирга маҳаллий корхоналарга устуворлик бериш бўлиб ҳисобланади.

Тендер савдолари харажатларни амалга ошириш рухсат берилган сумма (тасдиқланган сметалар, молия органлари ёки бюджетдан ташқари фондлар маблағларини тасарруф этувчилар кўрсатмалари ёки ҳукумат кафолати остида олинувчи кредитлар бўйича кредит шартномаси, хорижий грантлар бўйича шартномалар) доирасида амалга оширилади.

Битта контракт бўйича 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўпроқ суммага товар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) режалаштирилганда тендер савдолари ўтказилади. Бундан кам суммадаги контрактлар энг яхши таклифларни конкурс асосида танлаб олиш йўли билан тузилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилади. Бунда ғазначилик ҳудудий бўлинмаларининг бюджетдан маблағ олувчилари томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари мониторинги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим қиладиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиши жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.

Келгусида ғазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинувчи товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилаб боришда Республика товар хом ашё биржасидаги нархлар котировкасини, Давлат Божхона Қўмитаси маълумотлар базасини, республикадаги юқори мавқега эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ва ихтисослаштирилган реклама нашрлари маълумотларини ҳисобга олиш тавсия этилади. Бюджет ташкилоти ва таъминотчи ўртасида тузилган шартнома Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, таъминотчи рўйхатдан ўтган шартномани олгандан кейин, шартнома шартларига асосан товар ва хизматлар етказиб беришни бошлайди. Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича таъминотчи товар ва хизматлар етказиб бермайди.

Ғазначилик органлари билан молия органларининг ўзаро муносабатлари

Ғазначилик органлари билан молия органларининг ўзаро муносабатлари



Товар ва хизматлар етказиб берилгандан сўнг таъминотчи бюджет ташкилотига счет-фактура (бажарилган ишларни топшириш қабул қилиш далолатномаси)ни тақдим этади. У ёки бу томон шартнома шартларини бажармаган тақдирда шартнома суммаси камайтирилиши ёки у бекор қилиниши мумкин. Масалан, етказилган товар ва хизматлар шартномада кўрсатилган товар ва хизмат талабларига (сифати, ҳажми ва бошқалар) жавоб бермаган тақдирда бюджет ташкилоти ғазначилик бўлимларига шартномани бекор қилиш ҳақида сўров ҳужжати тайёрлаб, тақдим этиши керак. Бекор қилиш ҳақидаги сўровномада кўзда тутилган шартномани бекор қилиш мақсадида, рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича барча маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши лозим. Шартномани бекор қилиш сўровномаси қабул қилинган мажбурият суммасини қисман ёки умуман бекор қилади. Маълум суммага бекор қилинган юридик мажбурият шу суммага бюджетга тикланади.

Тўлов аризаси – счет фактура асосида тайёрланадиган бухгалтерия ҳужжатидир. Тўлов аризаси – бу бюджет ташкилотини кредиторга маълум суммани тўлаш учун ғазначиликка тақдим этиладиган топшириқномадир. Тўлов аризасини тайёрлаш бюджет ташкилоти вазифасига киради. Бюджет ташкилоти счет – фактурани қабул қилган пайтнинг ўзида икки нусхада тўлов аризасини тегишли ғазначилик бўлимларига қонунчиликда назарда тутилган вақтда тақдим этиши лозим. Аризага қонунчиликка асосан мажбурий ҳужжатлар, масалан, счет – фактура, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва бошқалар илова қилинади. Бюджет ташкилоти счет фактурани қабул қилган санасини ёзиб қўйиши шарт.

5.4. Банк-мижоз тўлов тизими

Бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатларини ғазначилик бўлимлари томонидан тўлаш бўйича электрон тўлов ҳужжатлари бюджет маблағларини олувчиларнинг икки нусхада тақдим этилувчи тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги аризаси ва тўлов топшириқномаси асосида шакллантирилади.

Тегишли тартибда тўлдирилган тўлов топшириқномаси бюджет маблағларини олувчилар томонидан ғазначилик бўлимларига тақдим этилади. Бунда тўлов топшириқномасининг суммаси тегишли харажат гуруҳлари ва харажатларни амалга оширишга рухсатномалар доирасида бўлиши таъминланади. Тўлов топшириқномасининг “Тўловчи” графасида ғазначилик бўлими, “Тўловчи счети” графа-

сида ғазначилик смети, “Тўлов тафсилотлари” графасида бюджет маблағини олувчининг ғазначиликдаги шахсий смети ҳамда тўлов мақсади, тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланувчи юридик ҳужжат, бюджет таснифи бўйича мос кодлар кўрсатилади.

Аризада ва тўлов топшириқномасида кўрсатилган маълумотлар ғазначилик бўлимларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими масъул ходимлари томонидан электрон тўлов топшириқномасини шакллантириш, тизимли назоратни амалга ошириш учун “Ғазначилик” дастурига киритилади.

“Ғазначилик” дастури маълумотларни киритиш жараёнида қуйидаги талабларга мослигини тизимли равишда текширилади:

- “Ғазначилик” Дастурида харажатлар сметаси, калькуляциялар, шунингдек, харажатларни амалга оширишга рухсатномалар бўйича бюджет ассигнациялар мавжудлиги;

- Республика ғазначилик сметида муайян бюджет маблағини олувчи учун тегишли харажатлар гуруҳи бўйича етарли бюджет маблағлари қолдиғи мавжудлиги;

- тўлов топшириқномаси суммасининг ғазначиликда рўйхатга олинган шартнома ва тўловлар жадвали суммасидан кўп эмаслиги;

- счет-фактуралар ва бюджет маблағини олувчиларга маҳсулот етказиб берилганлиги (ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги) ҳамда бюджет маблағлари олувчиларининг маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи борлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бюджет маблағларини олувчиларни маҳсулот етказиб берувчиларга аванс тўловини тўлаш мажбурияти мавжудлигини исботловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

- тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб берувчининг номи ва реквизитлари рўйхатдан ўтказилган шартномада кўрсатилган ном ва реквизитлар билан мослигини.

Мазкур талаблар қондирилгач, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг масъул ходими тўлов топшириқномасини “Ғазначилик” дастурига киритади ва «СОХРАНИТЬ» тугмачасини босиш орқали сақлайди.

Молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимининг ваколатли масъул ходими аризадаги маълумотларнинг тўлов топшириқномасидаги маълумотларга мослигини текширади, аризага “текширилди” деб ёзиб, текшириш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Шундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимнинг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлими бошлиғига тақдим этади, у эса бу ҳужжатлари текшириб, “Ғазначилик” дастурида шакллантирилган электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва ғазначилик бўлими бошлиғига тақдим этади.

Ғазначилик бўлими бошлиғи ҳам ўз навбатида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, тўлов топшириқномаси ва аризининг электрон тўлов топшириқномаси билан мослигини текширади, хато ва камчиликлар аниқланмаса, электрон тўлов топшириқномасини ўзининг электрон имзоси билан тасдиқлайди ва ижро учун хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади.

Ваколатли банк бўлимидан тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилиб олганидан сўнг, “Ғазначилик” дастури автоматик равишда электрон тўлов топшириқномасини “тўланди” деб белгилайди. Шундан сўнг, молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловлар бўлимнинг масъул ходими тўлов топшириқномаси ва аризани тегишли ёзувларни киритиб, санани кўрсатган ҳолда ўз имзоси билан тасдиқлаб, бюджет маблағларини олувчига топширади.

Молия органи белгилар қайд этилган тўлов топшириқномалари асосида икки нусхада бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг реестрини (бундан кейин – Реестр) тузиб, унда Вақтинчалик низомга биноан шаклда бюджетдан маблағ олувчиларнинг номлари, банк ҳисобрақамларининг рақамлари, шунингдек, тўланадиган тўлов топшириқномалари рақамлари, сана ва суммаларини кўрсатади. Бунда молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган ҳар бир банк бўйича реестрларни алоҳида тузади.

Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг барча нусхалари ва Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномалари реестрининг икки нусхасини молия органи бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатадиган тегишли банкка топширади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов топшириқномалари реестрлар маълумотлари билан солиштирилганидан ва молия органининг бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномаларида белгиси мавжудлигини текширганидан сўнг, реестрнинг биринчи нусхаси тегишли тўлов топшириқномалари билан бирга

банкда қолади, банк штамп ва банк масъул ходимининг имзоси кўйилган иккинчи нусхаси эса молия органига қайтарилади.

Тўлов топшириқномаси ижросидан кейин хизмат кўрсатувчи банк тўлов топшириқномаларининг ҳамма нусхаларига ва реестрининг тегишли сатрларида ижро этилган тўлов топшириқномалари қаршисига тўлов тўғрисида штамп қўяди.

Тўловдан сўнг:

а) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномаларининг тўрт нусхаси тақдим этилган тақдирда:

Ø биринчи нусхаси реестр билан бирга банкнинг кундалик ҳужжатларига тикилади;

Ø иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

Ø учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига бериш учун молия органига топширилади;

Ø тўртинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек, тўлов топшириқномасининг учинчи ва тўртинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг учинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси нусхаси ва тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси молия органида қолади;

б) хизмат кўрсатувчи банкка тўлов топшириқномасининг уч нусхаси тақдим этилган тақдирда:

Ø биринчи нусхаси Реестр билан бирга банкнинг кундалик ҳужжатларига тикилади;

Ø иккинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобрақамидан кўчирмага илова қилинади ва кейин бюджетдан маблағ олувчига бериш учун молия органига топширилади;

Ø топшириқноманинги учинчи нусхаси молия органига топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчининг банк ҳисобрақамидан банк кўчирмаси, шунингдек, тўлов топшириқномасининг иккинчи ва учинчи нусхалари олинганидан кейин молия органи бюджетдан маблағ олувчига унга тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхасини илова қилган ҳолда банк кўчирмасини топширади. Банк кўчирмаси

нусхаси ва тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси молия органида қолади.

Бюджетдан маблағ олувчилар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва уларга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва донорларга тўловларни тўлашга нақд пулларни олгандан сўнг кейинги кунда молия органига Вақтинчалик низомга биноан ана шу мақсадларга ва харажатларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳлари бўйича амалга оширилган бошқа харажатларга олинган нақд пул маблағларининг суммалари тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

Россия Федерациясида нақд пулни бериш шахсий ҳисобрақамида: иш ҳақини, стипендияни, йўл харажатларини тўлаш, почта-телеграмма харажатларини тўлаш, хўжалик ва канцелярия харажатларини тўлаш каби операциялар ифодаланади. Бир вақтнинг ўзида маблағ олувчи Федерал Ғазначилик органига иш ҳақиға нақд пул олиш учун пул чекини, бюджетдан ташқари фондларга ва аҳоли даромадидан олинган солиқ тўғрисида пул ўтказиш тўловномасини тақдим қилади. Чек китобчаларини олиш мураккаб жараён ҳисобланади, у пул чеклари китобчаси бланкасини ҳисоб-китоб журналида рўйхатдан ўтади. Чек китобчаларини сақлашга Федерал Ғазначилик органи бош бухгалтери жавоб беради ва у металл шкафчада сақланади. Чек китобчаларини олиш учун ариза тақдим қилинади. Федерал Ғазначилик органи ташкилот кассирига ёки ваколат берилган ходимга «пул чеклари китобчаси бланкасини ҳисобга олиш журнали»да имзо чекади, кейин бепул берилади.

Федерал Ғазначилик органига белгиланган муддатда маблағ олувчи бир нусхада келгуси чорак учун касса сўровномасини тақдим қилади. Федерал Ғазначилик органи томонидан қабул қилинган касса сўровномалари умумлаштирилади ва белгиланган муддатда банкка тақдим қилинади, улар Федерал Ғазначилик органининг махсус ҳужжатлар китобида сақланади.

Бюджетдан маблағ олувчи пул олиш учун иш куни бошланишида Федерал Ғазначилик органига белгиланган тартибда тўлдирилган чекни тақдим қилади. Чек бюджет классификациясига асосан олинган сумма ёзма равишда ёзилади. Кун охирида ҳужжатлаштирилган чеклар ва тўлов қоғозлари учун икки нусхада алоҳида рўйхат тузилади. Рўйхатга Федерал Ғазначилик органи томонидан имзо ва муҳр қўйилгандан кейин у чеклар ва тўлов қоғозлари билан банкка берилади. Федерал Ғазначилик органи ўзининг банк ҳисоб-

рақамлари кўчирмаси берилган нақд пулларга тенг асосда касса харажатларини ифодалайди.

Тушган ҳисоб-китоб пулининг ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш учун Федерал Ғазначилик органининг билдиришномаларини, мемориал ордерларни федерал бюджет харажатлари ижросининг бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишда ифодалаш учун ва шахсий ҳисобрақамларни ҳар кунги балансини қилиш учун ҳужжатлаштиришда барча операцияларнинг ҳужжатларини белгиланган график асосида қабул қилиш ва федерал бюджет харажатлари ижросининг бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш учун функциялар барча ходимлар ўртасида тақсимланади.

Федерал Ғазначилик органига иш кунининг биринчи ярмида операция кунда тушган ҳисоб-китоб пул ҳужжатлари ва билдиришномалар қабул қилинади, операция куни соат 13 гача давом этади. Соат 13 дан кейин тушган ҳужжатлар кейинги кун санаси билан ҳужжатлаштирилади. Федерал Ғазначилик органига тушган барча тўлов қоғозлари ва билдиришномага мажбурий равишда Федерал Ғазначилик органининг штамп ва ҳужжат қабул қилинган кун санаси кўйилади. Ҳужжатлар операция куни мобайнида ваколат берилган ходимлар томонидан қабул қилиб олинади. Агар қабул қилинган ҳужжатнинг камчилиги бўлиб, у ижро қилинмаса, эртаси кунидан сабаби ёзма ҳолда кўрсатилиб, мижозга қайтарилди.

5.5. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар

Ғазначилик тизими самарали ишлаб туриши учун асос бўладиган ҳужжат мамлакатнинг барча йўналишлар бўйича харажатлар батафсил ажратиб чиқилган, барча режаларни ўз ичига олган сифатли бюджетдир. Шунини таъкидлаш зарурки, мамлакат бюджети бюджет йили бошлангунга қадар имкони борича батафсил ҳолда қабул қилиниши керак. Акс ҳолда, ғазначиликнинг меъёрий фаолияти беқарорлашуви, унинг самарадорлиги пасайиши мумкин. Шунингдек, давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимида бюджетнинг вазифасига оид ва иқтисодий аниқ таснифи бўлиши зарур. Бу талаб қилинадиган фискал очиқ -ойдинликни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон ғазначилигида бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги концептуал усуллардан фойдаланилади.

Касса усули.

Бунда пул маблағлари банкка келиб тушган пайдан бошлаб даромад, уларнинг тўлови амалга оширилгандан кейин харажат ҳисобланади. Бу усул ўтиш даврида қўлланилади.

Ҳақиқий харажат усули.

Бунда пул маблағларининг қачон ҳаракатланишидан қатъий назар, даромад ёки харажат улар билан боғлиқ воқеа ёки операция содир бўлган вақтдан бошлаб ҳисобга олинади.

Ғазначиликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш:

- бюджет ҳисоби ва ҳисоботини компьютер дастури орқали юритиш;

- ДМС 2001 га мувофиқ тасниф ва ҳисоботни татбиқ қилиш;

- бюджет ижроси ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларни касса усули ёрдамида юритиш;

- босқичма-босқич ҳақиқий харажат усулига асосланган молиявий ҳисоботни татбиқ қилиш;

- Бош ғазначилик китоби тизимининг янги ягона ғазначилик ҳисоблар режасини татбиқ қилишдан иборат.

Юқорида қайд этилганидек, Ғазначиликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга ушбу ҳисоботларни тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилади ва уларни тақдим этиш муддати камаяди.

1. Тизим қуйидаги ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайди:

- давлат молияси статистикаси ҳақидаги йўриқномалар стандартлари (GFS 2000) асосида республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳақидаги ахборотларни ўзида акс эттирадиган, ҳукуматнинг жамлаштирилган молиявий операциялари бўйича аналитик ҳисобот;

- бюджет ташкилотларининг кредитор қарзлар субъектлари бўйича тақсимланган қарзлар ҳақидаги ҳисоботи;

- функционал тасниф асосида ва кўп йиллик давлат дастурлари бўйича бюджет ижроси. Ҳисоботда ўтган йил ва дастурлар ажратмалари қолдиқлари бўйича маълумотлар берилади;

- ҳукумат томонидан кафолатланган қарзлар ва келгуси 5-10 йилларга қарзларни маблағ билан таъминлаш қийматлари тўғрисидаги маълумотларни қўшган ҳолда давлат қарзлари ҳақида ҳисобот;

- молиявий бозорларда давлат томонидан олинган қарзлар ҳақида маълумот;

- ҳукумат томонидан ажратилган кредитлар ҳақида ҳисоботлар;

- ҳукумат ҳисоб рақамлари бўйича нақдлилик (даромадлар ва харажатлар) ҳақидаги ҳисобот;
- солиқ имтиёзлари ва субсидиялар ҳақида ҳисобот;
- шартли ва ўзга мажбуриятлар ҳақида ҳисобот;
- бюджет ташкилотлари активлари ҳақида ҳисобот;
- грантлар ҳақида ҳисоботлар.

2. Тизим ҳисоботни давлат молияси статистикаси йўриқнома-ларидаги давлат секторини бошқариш қисми доирасида ажратиш-лар услуби асосида тайёрлайди.

3. Тизим бюджет маблағлари эвазига капитал қўйилмалар бўйи-ча ҳисоботларни тайёрлайди. Лойиҳа бир неча йилда амалга ошири-ладиган ҳолларда келгуси йиллар учун қурилиш билан боғлиқ хара-жатлар келтирилади. Ахборот бухгалтериянинг касса услуби бўйи-ча ва ажратишлар услуби бўйича берилади.

18-чизма

Ғазначилик тизимида Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботларининг афзалликликлари

	Банк тизими	Ғазначилик тизими
1	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тузиш кўп меҳнат талаб қилади.	Ҳисобга олиш ва ҳисобот тузиш жараёни АТ ёрдамида тез ва аниқ амалга оширилади
2	Халқаро талабларга мувофиқ ҳисоботларни тайёрлаш имконияти чекланади.	Ҳисоботлар ДМС-2001 талабларига мувофиқ келади
3	Молиявий ҳисоботлар касса усулида тузишга асосланади	Молиявий ҳисоботлар ҳисоблаш усулида тузишга асосланади
4	Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида тезкор маълумот олиш имконияти чекланади	Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида аниқ ва тезкор ҳисобот ва кундалик баланс маълумотлари олиш имконияти яратилади

Қуйида келтирилган 8-жадвалда ғазначилик тизими жорий қилиниши муносабати билан ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларида кутилаётган ўзгариш-лар кўрсатилган.

**Ғазначилик тизими жорий қилиниши
муносабати билан ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг ўзгариши**

Харажатлар айланиш даври	Масъулият ва ҳисоботлар даврийлиги	
	Ҳозирги ҳолат	Ғазна тизимидаги ҳолат
Ажратмалар	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари
Тақсимлаш (смета-ёйилма)	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари
Бюджетни йил ичида қайта кўриб чиқиш	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари	Бюджет бошқармалари-худудий молия органлари
Мажбуриятлар (шартнома, буюртма)	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда, қисман (Кредитор қарзлар ва ҳақиқий харажатлардан фарқ қиладиган мажбуриятлар ҳисоботларда кўрсатилмайди)	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда. Ғазнада рўйхатдан ўтказиш керак. А. ҳар ойлик ҳисобот
Верификациялаш (етказиб бериш)	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда: чорак ҳисоботлари	Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда. Шу билан бирга Ғазнада рўйхатдан ўтказиш керак (Мумкин бўлган рўйхатга олиш режимлари: мажбуриятларга нисбатан). В. ҳар ойлик ҳисобот
Касса лимитлари (масалан, йўриқнома/сертификатлар)		Ғазна ҳар ойлик/ҳар кунлик ҳисоботлар
Тўлов хабарномалари		Ғазна ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда ҳар ойлик / ҳар кунлик ҳисоботлар
Тўловлар (банкка жўнатиладиган ўтказиш ҳақидаги топшириқ)	Банклар: касса баланси: ҳар кунлик ҳисобот Белги-тармоқ-параграф: ҳар ойлик ҳисобот	Ғазна. ҳар ойлик/ҳар кунлик ҳисоботлар Бюджет ташкилотлари (Ахборот ғазнага электрон йўл билан узатилади) Д. ҳар ойлик/ҳар кунлик ҳисоботлари Банклар. Касса баланслари ҳар кунлик ҳисоботлар 2

1 Ғазна тизими ичида рўйхатдан ўтказиш услублари: катта ҳажмдаги мажбуриятлар бўйича алоҳида транзакциялар; бошқа шартномавий мажбуриятлар бўйича ҳисоблар режалари асосида намойиш этиш.

2 Банклардан белгилар, тармоқлар ва абзацлар классификацияси бўйича ҳисоботлар энди керак бўлмайди. Аммо хавфсизлақ ва ҳисобот тизимидаги муддатларни бузмаслик учун қисқа муддатли ўтиш даврига мавжуд банк тизимини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисоботларни тайёрлашдаги асосий ўзгаришлар шулардан иборатки, бюджет классификацияси бўйича касса ҳисоботи ғазна томонидан амалга оширилади. Банклар солиштириш ва ҳукуматнинг умумий касса ҳолатини баҳолаш учун ўзларининг операциялари бўйича ҳар куни ҳисобот бериб борадилар, бироқ, бошқа бюджет классификациялари бўйича ҳисобот бермайдилар (қисқа муддатли ўтиш давридан ташқари). Шартномавий мажбуриятлар ва солиштириш (верификация) натижалари ғазна журналларида рўйхатдан ўтказилиб борилиши керак. Яқин ёки узоқ келажак учун махсус амалиётни жорий қилишга тўғри келади, чунки бюджет ташкилотларининг бухгалтерия тизими ғазнанинг молиявий тизими (ғазнанинг АТ)га боғланмайди. Масалан, бундай амалиётлар ғазна тизими АТда рўйхатдан ўтиш: йирик ҳажмдаги алоҳида мажбуриятлар ва бюджет таснифи бўйича кичкина ҳажмдаги операциялар бўйича ҳар ойлик якуний ҳисоботлар тайёрланади. Муассасаларни бошқариш ва ҳисоботларни юртиш мақсадида бюджет ташкилотлари бухгалтерия фаолиятини давом эттириши керак ва ғазна ҳисоб рақамлари билан солиштириш амалиёти белгиланиши керак.

Шартномавий мажбуриятлар ва “верификацияланган харажатлар” (етказиб бериш) бўйича ҳисобот бўлиши керак. “Верификацияланган харажатлар” бўйича ҳисобот ёпилмаган шартномавий мажбуриятларни баҳолашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бундай ҳисоботларнинг услубиёти таҳлил қилиниб борилиши керак (ҳисобот етказиб берилган ёки мажбурий тўловлар амалга ошириш кунда ёки иккала ҳолатда ҳам қилиниши мумкин). Харажатлар категориясига нисбатан “верификацияланган харажатлар” “ҳақиқий харажатлар” га тенглаштирилади, аммо истиснолар ҳам мавжуд, улар асосий фондларга алоқадор (қайсики “верификацияланган харажатлар” тенг “ҳақиқий харажатлар” минус моддий - ишлаб чиқариш захираларининг соф ортиши).

Шартномавий мажбуриятлар бўйича ҳисоботлар кассавий режалаштиришга ҳам, келажак учун қабул қилинган қарорларнинг таъсирини назорат қилиш учун ҳам жиддий масала ҳисобланади. Умуман

олганда, баённинг қулайлиги учун шартномавий мажбуриятлар бўйича ҳисоботлар қоидалари харажатлар табиати орқали аниқланади. Мазкур қоидаларга аниқлик киритиш керак. Персоналлар ва коммунал хизмати харажатлари шартномавий мажбуриятлар мазкур сўзнинг бюджет нуқтаи назаридан “верификацияланган харажатлар” ва “ҳақиқий харажатлар”га тенглаштирилади. Кичкина ҳажмдаги бошқа сотувларга нисбатан ҳар ойлик касса режаси (ёки йўриқнома орқали эгалаштирилган касса режаси) бюджет нуқтаи назаридан мажбурият сифатида кўрилиши мумкин. Аммо катта ҳажмдаги мажбуриятлар бўйича ҳисоботлар алоҳида ташкил қилиниши мумкин. Ҳазначилик бўғинлари ҳар ойда бюджет ташкилотлари бухгалтериялари томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиб бориши керак (19-чизма).

Ҳазна тизими тўла жорий қилинганда, ҳозирги тармоқ вазирликлари ичида ҳисоботларни қўлда тайёрлаш услубияти ғазначиликнинг ҳисоботлар тизимида ортиқча бўлиб қолади. Тармоқ вазирликлари ички молиявий ҳисоботларини барча зарурий бухгалтерия ахборотлари (масалан, шартномавий мажбуриятлар ва верификацияланган харажатлар) билан биргаликда ғазнага топширишнинг қониқарли амалиёти жорий қилинганда бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини фақат ғазна орқали марказлаштириш имкони пайдо бўлади. Бу вақт талаб қилади, албатта.

Шундай қилиб, ўтиш даврида тармоқ вазирликлари ичидаги анъанавий ҳисобот тизими ва ғазначиликнинг компьютерлаштирилган ҳисобот тизими параллел равишда ишлаб туради.

1. Смета асосида ғазна хабар берадиган ҳар ойлик харажатлар лимити (ваколатлар).

1. 2-даражадаги ташкилотлар орасида тақсимланадиган ойлик харажатлар лимитлари


2а. Буюртма

3б. Суб-ваколатлар

2. Тўлов хабарномаси

3. Банк ўтказуви учун фармойиш.

Туманлар даражасида тўловларни ўтказиш



1. Ғазначиликнинг молиявий тизими

а) Функциявийлиги

Ғазначиликнинг молиявий тизими (ҒМТ) қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- молиявий ҳисобга олишнинг база тизими. ҳисоблар режасига асосан тайёрланган барча давлат молиявий операциялари ва ҳодисалари молиявий ҳисобга олишнинг база тизимида рўйхатга олинади ёки электрон кўринишда узатилади. Молиявий ҳисобнинг база тизими ва қайта кўриб чиқилган ҳисоблар режаси барча мавжуд ва

келгусидаги давлат молияси тизимларининг (бюджетни тайёрлаш тизими, солиқ тизими, бюджет ижроси тизими) маълумотлар базасини алмаштириш стандартларини белгилайди.

- бюджет ижроси тизими: барча тўлов операциялари, ҳақиқий харажатлар ойлик якуни ва шартномавий мажбуриятларни рўйхатга олади; ажратмаларни рўйхатга олади ва тарқатади; ажратмалардан фойдаланишни уларнинг харажат қилиш ҳуқуқларига нисбатан назорат қилиш; бюджет ижроси бўйича барча талаб қилинган ҳисоботларни тайёрлаш. Бу харажатлар транзакциясини жойлардаги ғазна бўғинлари доирасида автоматлаштиришни талаб этади (туманлар, вилоятлар молиявий бўғинлари даражаси).

Бюджет бўйича департамент ва ҳудудий молия органлари бюджет ижроси тизимига қўшилади ва бюджет, бюджет ижроси режаларини (ёйилма-смета) рўйхатга олиш, зарур бўлганда уларга ўзгартиришлар киритишда фойдаланилади.

Мукамал равишда ғазначиликнинг молиявий тизими харажатларни амалга ошириб бўлингандан кейин алоҳида транзакцияларни (ажратмалар, тақсимлаш, шартномавий мажбуриятлар, солиштирма, тўловлар) ҳар бир босқичда рўйхатга оладиган интеграциялашган тизим ҳисобланади. Аммо Ўзбекистонда тизим ҳозирча бюджет ташкилотларини ўз ичига олмаслигини эътиборга олган ҳолда бу характеристикалар тизими, албатта, ўзгаради.

Шартномавий мажбуриятлар ва солиштирма харажатлар (ёки транзакциялар якуни) ҳамда тўлов хабарномалари тизимда уларни бюджет ташкилотларига топширилгандан кейин эмас, ғазначиликнинг маҳаллий бўғинларига жўнатилгандан кейин рўйхатга олинади. Айнан шу сабабли касса лимитлари/йўриқномаларини бюджет ташкилотларига етиб борганлигини тўла автоматлаштиришнинг имконияти йўқ. Яқин келажакда мана шу назарий услубиятга жавоб берадиган тизимни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга бюджет ташкилотлари бюджетини ғазна тизими билан боғлиқ умумий стандартлар бўйича маълумотлар алмашишга мослаштирилган бошқариш тизими яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунга қарамасдан, тизим дизайни келажакда бюджет ташкилотларини қамраб олиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериши керак.

ҒМТ қуйидаги назорат ва солиштириш ишларини амалга оширади: шартномавий мажбуриятлар, солиштирилган харажатлар (муайян амалиётга асосан) ва алоҳида тўловларни уларни харажат қи-

лиш ҳуқуқига нисбатан ўтказиш (сметалар, ёйилма, касса бўйича режа/йўриқномалар); банк-молиявий ҳисоботи билан солиштириш; бюджет ташкилотлари ҳисоботлари билан солиштириш. Аслида ҒМТ банклар билан электрон тўлов операциялари амалга ошириш учун электрон алоқа тизимига эга бўлиши керак. ҒМТ бюджет таснифи асосида харажатлар даври барча босқичларида сметалар, касса режалари, ажратмалардан фойдаланишнинг барча талаб қилинадиган ҳисоботларини амалга ошириши керак. Тўлов операциялари бўйича мазкур ҳисоботлар ҒМТ жорий қилинишидан бошлаб ҳар кун тайёрланиб бориши мумкин. Шартномавий мажбуриятлар ва солиштирилган харажатлар учун бюджет ташкилотлари тўла ҒМТ га бирлаштирилмаслигини эътиборга олган ҳолда ҳисоботлар ҳар ойда тайёрланиб борилади.

б) Ижро масалалари

ҒМТ жорий қилиш учун ҳукумат қуйидагиларни амалга оширади:

– ғазна ташкил қилиши ва норматив базада тегишли ўзгартиришлар киритилиши (бюджет ташкилотларининг банк ҳисоб рақамларини ёпиш, янги амалиётлар);

– компьютерлаштиришга тайёргарлик кўриш (ишлаш дизайни, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ёки тайёр пакетга буюртма бериш ва уни республика шароитларига мослаштириш, тажриба-тақдимот лойиҳаларини тайёрлаш, жиҳозлар сотиб олиш, тажриба-намойиш лойиҳаларини такрорлаш).

Республикада ғазначилик тизими уни компьютерлаштириш билан биргаликда амалга оширилади. Бу эса ўтиш даврини анча енгиллаштиради, аммо барибир айрим муаммолар сақланиб қолади. Жумладан, ўтиш даврида икки турли амалиёт тизими сақланиб туради. Шу сабабли ижро тизими диққат билан ишлаб чиқилиши ва муҳими, ўтиш даври имкони борича қисқа бўлмоғи керак. ҒМТнинг харажатлари бир неча омилга боғлиқ бўлади, жумладан, дастурий таъминот операцияларидан (масалан, тайёр лицензиялаштирилган маҳсулот ёки янги дастурий маҳсулот яратиш) ва ғазна билан банклар бўғинлари ўртасидаги ҳимоя қилинган электрон линиялари бўлиши мумкин. Янги амалиётлар компьютерлаштирилган ғазна бўғинлари бор бюджет ташкилотлари учун, эскиси эса компьютерлаштирилмаган ғазна бўғинлари бор бюджет ташкилотлари учун қўлланилади.

Айрим турли ҳудудларда муайян бўғинлари бор тармоқ вазирликларининг тўловлари уларнинг қарамоғидаги ташкилотларнинг

худудий жойланишига қараб уларни ташкил қилиш даврида турли амалиётларни қўллаш орқали амалга оширилади. Битта муқобил ёндашиш амалиёт ислоҳотлари ва компьютерлаштириш каби ишларни битта босқичга жипслаштириш имконини беради. Масалан:

- Молия вазирлиги ғазначилик тизими ва унинг бўғинларини автоматлаштирилган тизимини яратиш;

- касса нақдлилигини ажратиш амалиётини ислоҳот қилиш;

- Ғазначилик бўғинларининг тўла компьютерлаштириш ва тўлов операцияларини амалга ошириш.

Ғазначилик бўғинларининг ҳар бири доирасида кутилаётган транзакциялар (турли элементар операциялар)нинг тўла ҳажмини эътиборга олиш керак бўлади. Ғазначилик тизими бўғинларида юқори даражадаги фаол ишлайдиган, кенг қамровли интеграциялашган ва ҳимояланган тизимлар бўлиши кераклигини эътиборга олганда кунда бир неча транзакция амалга оширадиган ғазна бўғинларида ҳеч бўлмаганда бошланғич босқичда соддароқ тизимларни қўллашни кўриб чиқиш мумкин. Масалан, туман ғазначилик тизими бўлими бир кунда фақат маълум кўрсаткичдан кам транзакциялар амалга оширса, ундай ҳолда уни туман даражасида эмас, вилоят ғазначилик бўғини маълумотлари базасида рўйхатдан ўтказишни кўриб чиқиш мумкин. Унда туман ғазначилик тизими бўғини ҳар куни электрон почта орқали вилоят бўғини маълумотлар базасида рўйхатга олиш учун бир неча транзакциялар жўнатади. Бюджет ижроси ва молиявий ҳисобот тизими амалиёти ўзгармай қолади. Бошланғич маълумотлар амалиёти ижроси Молия вазирлиги электрон тизими ва ғазначиликнинг “кичкина” худудий бўғинларини компьютер билан таъминлашни талаб этади. Буни эътиборга олган ҳолда дастурий таъминот лицензияларини олиш қиймати камаюди ва у кўп ҳолатларда ғазначилик ахборот тизимининг қийматини аниқлашда асосий мезонлардан бири бўлади. Бундай ёндашиш лойиҳадан кутилаётган манфаатни камайтирмайди. Биринчи босқичда фақат ғазначилик тизими учун катта ҳажмдаги транзакциялар ҳамда банкларга боғлайдиган ҳимояланган электрон линиялар ўтказиш билан чегараланиш мумкин. ҒМТ харажатларини асосланган таҳлили амалга оширилмагунча таклиф этилаётган вақтинчалик ёндашишлар тўғри келиши ёки келмаслигини айтиш жуда қийин. Бундан ташқари, барча туманларда қилинаётган транзакциялар сони бўйича майдалаштирилган маълумотлар базасини яратиш керак. Бу

эса молиявий чегаралашларга қарамасдан ислохотларни тўлақонли камраб олишга ёрдам беради.

Бундай муаммолар ғазначилик тизимининг асосини ўзгаришига таъсир этмаслиги керак. Бунинг учун минимал талаблар бўлиб: ғазначиликнинг тўла назоратида ҳисоб рақамларидаги маълумотларни очиш ва уларни бюджет ташкилотларининг чақариб олишга имзо ваколоти билан ғазначилик ҳисоб рақамларига айлантириш; энг кам молиявий ҳисобот стандартларини ўрнатиш ҳисобланади. Жумладан, бюджет ижроси тизимидаги турли хато ёки ноқонуний ҳаракатларга туртки бериши мумкин бўлган камчиликлардан қочиш мақсадида ғазначилик фаолияти ва унинг ваколатлари бюджет ташкилотларининг нобюджет банк ҳисоб рақамларига ҳам ёйилиши аниқ белгиланиши керак.

Бундай ҳолда агар бюджет ташкилотларига ўз тушумларидан молиялаштиришга транзакциялар учун банк ҳисоб рақамларини сақлаш ваколатлари берилган бўлса, мазкур ҳисоб рақамлари бўйича молиявий ҳисоботлар бошқа давлат молиявий ҳисоботларга бўлган талабларга тўла жавоб бериши кераклигини таъминлаш зарур. Ундан ҳам муҳимроқ равишда мазкур ҳисоб рақамлари бўйича молиявий тушумлар ва харажатлар бюджет ҳужжатларида намоён бўлиши керак.

Илгари амал қилган таснифнинг таҳлилий тўлиқлиги бозор тизимида макроиқтисодий бошқарувга мўлжалланмаган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалга оширилаётган давлат тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида харажатларнинг иқтисодий хусусиятига асосий эътибор қаратилган. Харажатларнинг иқтисодий тоифалар бўйича таснифини ишлаб чиқиш биринчи даражали вазифа бўлади.

Россия Ғазначилик органи билан солиқ органлари ўртасида алоқаларда энг аҳамиятли жойи шундаки ҳудудий органлар билан беш кунда бир марта федерал бюджетга тушадиган даромадлар бўйича маълумотларни таққослашдир. Ҳар ойда бир марта маҳаллий бюджет бўйича федерал бюджет даромадларининг тушуми, жумладан, тартибга солувчи солиқлар тўғрисида, мос келмаган сонларни сабабини кўрсатган ҳолда, Молия вазирлигига ва Солиқлар ва йиғимлар вазирлигига бериладиган таққослаш баённомаси тузилади. Бюджет тизимининг барча даражаларида солиқларни тўғри тақсимлаш мақсадида бюджетлараро муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатини кўзлаган ҳолда ғазначилик мазкур маълумотлардан ўз вақтида хабардор бўлиши керак.

Белгиланган тартибга биноан молия органлари ғазначилик органларига қуйидагиларни тақдим қилади:

- бюджет тизимидаги турли даражадаги бюджетларда бюджет ижроси ва бюджетга ўзгартиришлар киритиш, солиққа тортиш ва имтиёзлар, зачёт шакллари ва солиқ кредитлари бўйича қарор, фармойиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа меъёрий актлар;
- турли даражадаги бюджетларда тартибга солувчи солиқларнинг жорий йилнинг 1 январ ҳолатидан амалда ишлайдиган ва йил мобайнида киритиладиган ажратмалар меъёри;
- солиқ тўловчиларнинг реквизитлари кўрсатилаган рўйхатда имтиёз тури, имтиёз суммаси ва бошқалар кўрсатилади, маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа йиғимлар тўлайдиган солиқ тўловчиларга бериладиган имтиёзлар бериш бўйича қарорлар;
- ҳудуддаги молия ресурслари, маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари балансини тузиш тўғрисида, бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботлар.

Ўз навбатида ғазначилик органлари молия органларига федерал бюджет ижроси тўғрисида «Федерал бюджет даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот» беради. Ҳар ойда маҳаллий бюджет даромадларига тушган тушумлар бўйича ҳисобрақамлардаги суммалар, ғазначилик органлари томонидан ўтказиладиган федерал тартибга солувчи солиқлар таққосланади, бир вақтнинг ўзида ғазначилик ҳисобрақамидан ташқари ноқонуний равишда маҳаллий бюджет ҳисобрақамларига тушган федерал тартибга солинувчи солиқлар бўйича ҳолатлар аниқланади.

Россия Федерациясида бюджетдан ташқари фондларларнинг минтақавий органлари ғазначиликка банкда очилган ҳисобрақамларнинг реквизитлари тўғрисида, уларнинг бюджетига ўтказилган солиқ суммалари ва солиқ боқимандалиги тўғрисида маълумотлар етказилади. Ҳар куни ғазначилик органлари бюджетдан ташқари фондларга бюджет таснифининг кодларига мос равишда солиқ тўловчиларнинг тўлаган ҳужжатларининг умумий реестридан кўчирма беради. Ҳар ойда ғазначилик органлари бюджетдан ташқари ижтимоий фондларнинг ҳудудий органлари билан ғазначилик органларининг шахсий ҳисобрақамидан бюджетдан ташқари ижтимоий фондларга ўтказилган маблағлар таққосланади.

«Федерал мулкни ижарага беришдан олинган ижара ҳақи федерал бюджет даромадига ўтказилади».⁶⁰ Ижарага берилган мулкларни ҳисоби ва назорати Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий органларига юклатилган. Бундан Федерал Ғазначилик органларининг Давлат мулк қўмитасининг территориал органлари билан улардаги тушган ижара ҳақи суммаларини таққослаш учун яқин алоқада бўлиши зарурлиги келиб чиқади. Федерал ғазначилик органларининг ички ишлар органлари билан алоқалари паспорт бериш учун тўланадиган бож тўловлари масалалари бўйича бўлади.

Таянч сўз ва иборалар

Шахсий ҳисобрақамлар, тўлов қозғозлари, солиқ сиёсати, солиқ юки, бюджет тақсимоти, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, молиявий ҳисобот, пулли реесстрлар, солиқ тўловчилар, банк, транзит ҳисобрақамлар, ғазначилик органлари.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ғазначилик ишлари шароитида давлат бюджети даромадлари қандай тўпланади?
2. Ғазначилик органлари орқали бюджет ташкилотларини молиялаштириш қандай амалга оширилади?
3. Бюджет харажатларининг асослилиги қандай текширилади?
4. Бюджет ижроси жараёнида қандай ҳисоботлар тузилади?

⁶⁰ Бюджетный кодекс РФ СТ.51; ФЗ «О федеральном бюджете на 2001 год» от 27.12. 2000. № 150ФЗ.


VI бoб. ҒАЗНАЧИЛИКДА БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

6.1 Ғазначилик тизими фаолиятининг элементлари

Ғазначилик тизимида ҳисоботлар, оддий ҳужжатлаштириш ва соддалаштирилган ғазначилик муомалалари орқали давлат молиясини бошқаришда ошқораликка эришилади. Ғазначилик тизими фаолият кўрсатиши учун унинг элементлари мавжуд бўлади.

Турли босқичдаги ғазначиликнинг бошқарув органлари- Молия вазирлигининг Ғазначилиги, Ғазначилик Бошқармалари, Ғазначиликнинг туман бўлимлари фаолият кўрсатади. Бюджет тизимида ўтказилаётган ислохотлар бюджетни кенг маънода қамраб олинишини кўзда тутади. Ислохотлар жараёнида бюджет ташкилотлари, юридик шахс мақомини олган ташкилотлар аниқланади. Ғазначиликда ҳар томонлама ахборот билан таъминлаш учун бюджет таснифидан ҳам фойдаланилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳукуматнинг молиявий маблағларини янада самарали ишлатишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг янги Бошқармаси ҳисобланган Ғазначиликнинг ҳуқуқий масъулияти белгиланади.

Ғазначилик бюджетдан маблағ олувчилардан бошқариш функцияларини тортиб олмайди. Ғазначилик бюджетнинг бажарилиш жараёнини яхшилаш учун уларни янада кенгроқ ахборотлар билан таъминлайди. Бюджет таснифи бўйича берилган харажатлар тўғрисидаги ахборотлар йил бўйи харажатлар тенденциясини ва харажатларни амалга ошириш учун керак бўладиган қўшимча эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Ғазначиликнинг фаолият кўрсатиши нақд пулларни тўғри ва самарали бошқариш йўли билан бюджетга ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даромадлар режаси бажарилмаганда боқимандалик муаммосини ечишга ҳаракат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бошқармаларида очилган Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи фаолият кўрсатади. Ҳар куни Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағига республика ва маҳаллий бюджетга солиқлар ва солиқсиз тушумлар тушади. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағида вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг ва маҳаллий ҳокимият органларининг шахсий ҳисобрақамлари очилади. Давлат бюджетининг барча харажатлари, жумладан, маҳаллий бюджет харажатлари Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағидан молиялаштирилади. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағида маблағларга тақчиллик бўлганда, Ғазначилик органи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ёки молия бозоридан маблағ жалб қилиши зарур. Бюджет маблағи олувчиларининг бошқа молия институтларида ҳисобрақамлари бўлмайди.

Албатта, ғазначиликда қисқа муддатли молиявий режалаштириш тизими ишлаши керак. Даромадларни ва харажатларни режалаштириш ва назорат қилиш учун бюджетдан самарали фойдала-

нилади. Бюджет ижросининг амалдаги тизимида қисқа муддатли молиявий режалаштиришни яхшилашга зарурият туғилади. Молиялаштириш лимитларини тақдим қилиш тартиби тизимга солинади. Ғазначилик тизимида бюджетни режалаштириш қўллаб-қувватланади. Бюджетни режалаштиришни қўллаб-қувватлаш механизми қуйидагилардан иборат:

- ✓ доимий равишда даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоботларни, бухгалтерия ҳисоботларини тақдим қилиш;

- ✓ зарур бўлган ҳолларда махсус ҳисоботларни тақдим этиш;

- ✓ тушуми лойиҳаси бўйича даромадларнинг ахборотларини алмашиш.

Ғазначиликда кассани режалаштириш ва бошқариш белгиланган вақт параметрлари билан чегараланади:

1. Касса режалари вақт давомийлиги 57 ҳафтани ташкил қилади.


2. Касса режалари ҳар ҳафтада расман янгиланиб турилади.

3. Касса режалари йилнинг бошланғич 3 ойига ҳар бир иш куни бўйича ҳамда қолган 57 ҳафтагача бўлган муддатга ҳар ҳафтага аниқланиши керак.

Режадаги маблағларни тушириш ва харажатларни амалга ошириш жараёнлари тезлаштирилади. Бюджет ажратмалари ва амалга оширилган харажатларни таққослаш учун харажатларнинг мониторинги қилинади. Ғазначилик органлари бюджетнинг тушумлар бўйича ижросини ташкил этиб, тушумлар тушишини қисқа муддатли башоратини ва бюджетнинг тушум қисми ижросини таҳлилини амалга оширади. Бюджет тақчиллигини белгиланган чегарадан ошишини олдини олиш учун бюджет мажбуриятлари ва бюджет харажатлари мониторинги қилинади.

Давлат бюджет харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ва қарз маблағларини жалб қилишни камайтириш мақсадида қисқа муддатли молиявий режалаштириш тизимини амалга татбиқ этиш режалаштирилади. Ғазначилик фаолиятида бюджет ижросининг ва молиявий маблағлар оқимининг бошқариш кўзда тутилади. Нақд пулларни прогноз қилиш, мавжуд нақд пуллар билан харажатларни боғлаш, нақд пулларни оптималлаштириш бўйича бюджетнинг стратегик режасини қилиш керак бўлади.

Ғазначиликда касса оқимини режалаштириш



Мутахассисларнинг фикрича, “ғазначилик тизимини жорий қилиш учун унинг тўртта асосий компонентлари бўлиши талаб этилади: Молия вазирлиги таркибида вилоятлардаги бўлинмалари орқали давлат тушумларини йиғиш ва тўловларни амалга ошириш билан шуғулланадиган Ғазначилик Департаментини тузиш, давлатнинг молиявий ресурсларини Марказий Банкдаги Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағида жамлаш, Ғазначиликнинг Бош китобидан фойдаланган ҳолда, давлат маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисоб-китобини юритишни такомиллаштириш, давлат сектори учун молиявий бошқариш ва режалаштиришни ишлаб чиқишдир”⁶¹.

Ғазначилик тизими марказий ҳукуматни марказлашган ва ҳамма томонларни қамраб олган ҳолда, тўлов қоғозларини ишлашни, ҳисоб-китоб юритишни, ҳисоботлар тайёрлашни ўз ичига оладиган асосий молиявий хизматлар билан таъминлайди.

Миллий иқтисодиётнинг ривожини таъминлаётган мамлакатларда компьютерлар тизими тармоғи фаолияти йўлга қўйилган, бу тизим Молия вазирлиги ва тармоқ вазирликлари учун ғазначиликнинг функцияларини бажаради. Шунингдек, мазкур тизимга бюджет тайёрлаш учун модуллар киритилади, давлат қарзларини, мақсадли фондларни ва маҳаллий бюджетнинг маблағларини бошқариш каби функциялар юклатилади”⁶².

«Республикада ғазначилик тизимига босқичма-босқич ўтишнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий-меъёрий база яратиш;
- ғазначиликнинг материал-техник базасини яратиш;
- ғазначилик тизими учун кадрларни тайёрлаш;
- «информацион-ахборот дастурлари таъминоти»⁶³.

⁶¹ Барри Поттер и Джек Даймонд. Создание системы казначейства. стр1.

⁶² Ўша жойда.

⁶³ Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси элементлари ва босқичлари В.Г. Кильберг – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси методологияси ва уни жорий этиш бошқармаси бошлиғи. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогноزلаш, ижро этиш ва назорат. Маъруза матнлари тўплами. Молия. 2006. -76 б.

6.2. Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи

Ғазначилик фаолиятида очиладиган Ягона ғазначилик ҳисобварағи муҳим аҳамиятга эга.

Ягона Ғазначилик ҳисобварағи бу сўм ҳисобидаги ҳисоб рақам бўлиб, у Марказий банкда очилади. У давлат бюджетининг барча даромадлари келиб тушадиган ҳамда барча харажатлари амалга ошириладиган ҳисоб рақамидир. Барча бюджет ташкилотлари ўз операцияларини ЯҒХР орқали амалга оширадилар. Мавжуд қонунчилик асосида, ғазначилик ЯҒХРга қўшимча равишда бошқа сўм ва валюта ҳисобидаги ҳисоб рақамларни МБда ёки Ўзбекистон ва чет мамлакатлардаги тижорат банкларида очиши мумкин. Бироқ бу ҳисобрақамлар ЯҒХРнинг ажралмас қисми ҳисобланмайди ва ундаги маблағлар ҳаракати алоҳида назорат қилинади.

ЯҒХРга қуйидаги тушумлар ва харажатлар келиб тушади:

ТУШУМЛАР:

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий бюджет даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг бюджетга тўловлари;
- божхона тўловлари;
- махсус йиғимлар маблағлари;
- давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари;
- муддатли депозитлар қайтарилган суммалар, шу жумладан, фоизлар;
- давлат қисқа муддатли облигацияларини ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган тушумлар;
- давлат бюджетининг валюта тушумлари.

ХАРАЖАТЛАР

- давлат бюджетининг режалаштирилган харажатлари;
- банк кредитлари учун фоиз тўловлари;
- нотўғри ёки ортиқча тўланган солиқларни қайтариш;
- бюджет ташкилотлари томонидан олинган нақд пул маблағларини қоплаш учун маблағлар;
- муддатли омонат жамғармаларига бюджет маблағларини қўйиш;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистонда ягона

ғазначилик ҳисобварғи (ЯҒХ)га асосланган ғазначилик тизимини тузишни белгилаб берган.

Давлат бюджетининг даромадлари ҳисобини юритиш учун Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварғи фаолиятининг концепцияси яратилади. Давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш, бюджет маблағларининг олувчиларига бўлган муддатларни қисқартириш, турли даражадаги бюджет тизимидаги тушумнинг марказлаштирилган ҳисоб-китобини юритишни таъминлаш, давлат бюджети ижроси тўғрисида тезкор ахборот олиш, давлат бюджети маблағлари оқимларининг ҳаракатини оптималлаштириш зарурияти пайдо бўлганлиги учун давлат бюджети маблағлари Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағида жамланади.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи фаолиятининг концепцияси компьютерлаштирилган ғазначилик тизимида ва Марказий Банк муассасаларида пул ўтказиш электрон тўловлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи – давлат бюджети пул маблағлари тўпланадиган ва миллий валютада давлат бюджети ижроси операциялари ифодаланадиган Марказий Ғазначиликнинг ҳисобрақамидир. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи Марказий банк муассасаларида очилади.

«Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишлича республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона Ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади»⁶⁴.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи фаолиятини амалга ошириш икки босқичдан иборат. Ўтиш босқичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр. 10-модда.

1. Ғазначилик органларида барча бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобрақамларини очиш ва унга ўтказиш яқунланади.

2. Давлат бюджети харажатларини амалга ошириш ва даромадларини ҳисобини юритиш операцияларини марказлаштириш амалга оширилади.

3. Ғазначиликнинг вилоят ва туман босқичида электрон ҳужжатларнинг айланиш тизими киритилади.

4. Белгиланган меъёрий тартибда Марказий банк муассасалари ва ғазначилик органлари ўртасида электрон кўринишдаги ҳужжатларнинг айланиш тизими ўрнатилади.

5. Бошқаларига нисбатан тайёргарлиги юқорироқ, маълумотларни етказишнинг асоси бўлган ахборот тизими мавжуд бўлган ва Марказий банк муассасалари ўртасида электрон кўринишдаги ҳужжатларнинг айланиш тизими ўрнатилган Ғазначиликнинг вилоят босқичида даромадларнинг ҳисоби ва давлат бюджети харажатларини амалга ошириш технологияларнинг ишлаши бўйича эксперимент ўтказилади.

Яқунлаш босқичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Давлатнинг молиявий ресурсларини ҳисобини олиш, ишлатилиш ва мобилизация қилиш механизми такомиллаштирилади.

2. Марказлашган Ғазначилик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ғазначилик органларига юклатилган функцияларни бажаришга етарли шароит яратиш мақсадида ихчамлаштирилади.

3. Марказлашган Ғазначилик органларини ташкилий, моддий, техник таъминоти яхшиланади.

4. Марказлашган Ғазначилик органларида ахборотлар хавфсизлигини таъминланишини ҳисобга олган ҳолда ягона ахборотлардан самарали фойдаланиш ва телекоммуникация тизимини кенг кўламда амалиётга татбиқ этилади ва ривожлантирилади.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи қуйидагиларни таъминлайди:

✓ ғазначилик томонидан очилган Ғазначиликнинг Ягона ҳисобрақамида Давлат бюджети даромадларини ва маблағларини марказлаштириш.

✓ турли даражадаги бюджетларда даромадлар ҳисобини олиш операцияларини марказлаштириш, даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш ва давлат бюджети харажатларини амалга ошириш.

✓ марказий Ғазначиликнинг Бош китобида давлат бюджети даромадлари ва харажатлари операцияларини ифодалаш.

Бошқача қилиб айтганда, Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағидан фойдаланиш шароитида Марказий Ғазначилик органлари тизимининг фаолияти Давлат бюджети ижросининг янги технологиясидан фойдаланишдир.


Ғазначиликни ягона ҳисобварағини жорий этиш – давлат бюджетини ғазначилик ижросидаги даромадларни бошқаришнинг асосий тамойилларидан бирини амалга ошириш натижасидир. Шунингдек, турли даражада бюджетларнинг тушуми ҳамда бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг маблағларини оптимал ишлатилишини комплекс назоратини амалга оширишни таъминлаш имконияти яратилишидир.

Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи – марказлаштирилган ҳисобварағ бўлиб, барча даромадлар тўпланадиган ва давлат бюджет харажатлари молиялаштириладиган ҳисобрақамдир. У Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ва унинг ҳудудий бошқармаларида очилади. Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи бюджет ташкилотлари субсчётлари йиғиндисидан иборат. Ғазначилик тизимида бюджет ташкилотларининг тижорат банкларида асосий ҳисобварақлари бўлмайди, бу билан бюджет бирликларининг ҳисобрақамларида фойдаланмаган қолдиқ муаммоси ечилишига ёрдам беради.

Харажатларни молиялаштиришда Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағидан маҳсулот етказиб берган ва хизмат кўрсатган хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобварағига бюджет маблағлари тўғридан-тўғри ўтказилади. Нақд пулларни ишлатиш яхшиланади, ўзаро ҳисоб-китоб қисқартирилади ва камайтиради. Ғазначилик банкдан фарқли равишда молиявий операциялар ҳисобини юритиш учун асос сифатида субсчётлардан фойдаланади, бюджет стратегиясини ривожлантиради.

Бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси ва тақсимловчиларнинг ҳисобрақамлари пул маблағларини қуйи бюджет ажратмаларини тақсимловчиларига ўтказиш каби транзит операциядан озод бўлади. Бюджет маблағлари олувчилари ҳисобрақамларида фойдаланилмаган қолдиқ сифатида бўлмайди, бу эса бюджет маблағларини ишлатиш самарадорлигини оширади.

Тасдиқланган бюджет ажратмалари лимитини ғазначилик органлари ва бюджетдан маблағ олувчиларга етказилиши



Шундай йўл билан бюджет маблағларини тезкор ишлатилиши ва бошқариш имконияти кўпаяди, натижада бир поғонадан иккинчи поғонага ўтишда пул маблағларининг ҳаракати соддалашади. Бошқа сўз билан айтганда, кўп томонли назорат барча бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини қамраб олади.

6.3. Ғазначиликнинг Бош китоби

Ғазначиликнинг Бош китобида ҳукумат ресурсларининг ҳисоб-китобини юритилади ва молия тизимининг ахборот тизими фаолият кўрсатади. Ғазначиликнинг Бош китоби-бюджет операцияларини бухгалтерия ҳисоб-китоби юритишнинг компьютерлашган тизимидир. Ғазначиликнинг Бош китобида давлат муассасалари билан бўладиган барча молиявий операциялар ифода этилади.

Ғазначиликнинг Бош китоби давлатнинг барча асосий счётларини ўз ичига олади. Ягона бюджет таснифига мувофиқ, Ғазначиликнинг Бош китоби барча бюджет бирликларининг субсчётларини қамраб олади. Субсчётлардаги операциялар сана, даромад, харажат, иқтисодий код, функционал дастур, ташкилий бюджет бирлиги сингари кодларни ўз ичига олади.

Ғазначиликнинг Бош китоби Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағи ва субсчётлари билан бўладиган операциялардаги барча бухгалтерия проводкаларини ифодалайди.

Ғазначиликнинг Бош китоби ҳам республика бюджетидан, ҳам маҳаллий бюджетдан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китобини юритишни таъминлайди. Ғазначиликнинг Бош китоби жуда кўп бюджет бирликларини ўз ичига бирлаштиради. Ғазначиликнинг Бош китобда бюджет даромадлари ва харажатлари аниқ кўринади.

Давлат операцияларининг бухгалтерия ҳисобини банк тизимидан Молия вазирлигига ўтказилиши билан барча операциялар ягона ғазначиликнинг тизимининг Бош китобида акс эттирилади. Ушбу Бош китобдаги ҳисобрақамлар барча харажатларнинг ҳисобини, бюджет ташкилотларини қамраб олади, уларнинг ягона бюджет таснифини ва бюджет маблағларининг сарф қилинишини барча жараёнларини акс эттиради.

Ғазначиликнинг Бош китоби бюджет маблағлари ишлатилишини барча жараёнларини ўзида ифодалайди. Бундан ташқари, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини дастлабки ва жорий назоратини таъминлайди. Ғазначиликнинг Бош китоби тезкор

ҳисоботни тайёрлаш имконини беради. Тезкор молиявий ахборотларни олиш бир қанча имконият йўлини очади.

Ғазначиликнинг Бош китоби-ҳудудлардаги ғазначилик бўлимида фойдаланилаётган барча бирламчи ҳужжатлар ғазначиликнинг ахборот тизимига киритилганда тегишли бухгалтерия ёзувлари (проводкалар) билан расмийлаштирилади ва Ғазначиликнинг Бош китобида акс эттирилади.

Ғазначиликнинг Бош китоби ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисоби маҳаллий бюджетлар ижросида барча ҳисобларни инобатга олади, яъни барча даромадлар ва харажатларнинг молиявий оқимларини, бундан ташқари, барча молиявий ва номолиявий қолдиқларни ҳисобини ҳам юритади. Ғазначиликнинг Бош китоби қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Бухгалтерия ҳисоботи база тизими.

Ҳисоблар режасига асосан бухгалтерия ҳисоботи тизими қуйидаги молиявий операцияларни акс эттириши керак:

- ✓ тасдиқланган бюджет параметрларини;
- ✓ бюджетга киритилган ўзгартиришларни;
- ✓ тасдиқланган харажатлар лимити ва бюджет маблағи олувчилар мажбуриятлари асосида харажатларни ҳисобга олиш;
- ✓ ҳисоб рақамлари режаси бўйича даромадлар ва ўзга тушумлар ҳисоби.

Бухгалтерия ҳисоби база тизими ва ҳисоб рақамлари режаси бутун давлат молиясини бошқариш тизими (бюджет ижросини тайёрлаш тизими, солиқ ва бож тизимлари) учун маълумотлар базасини алмаштириш стандартларини аниқлайди.

2. Бюджет ижроси тизимини:

- ✓ ажратмаларни рўйхатга олиш ва тарқатиш;
- ✓ ажратмаларни ишлатишни назорат қилиш;
- ✓ барча талаб қилинаётган ҳисоботларни тайёрлаш;
- ✓ талаб даражасидага ахборотларни бирлаштириш ташкил этади.

Ғазначиликнинг Бош китоби орқали шартномавий мажбуриятлар ва жорий тўловларни белгиланган молиялаштириш лимитларига мос келишини назорати амалга оширилади.

6.4. Ғазначиликда бюджет ҳисобини юритиш

Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағида ва субсчётлардаги даромадлар ва харажатларни бир-бирига мувофиқлигини таққослаш мумкин. Бу бюджетни шакллантиришда, ходимларни бюджетнинг самарадорлигини баҳолашда қўшимча ахборотларга эга бўлиш имконияти берилади. Молиявий бошқаришнинг ғазначилик тизими барча давлат ресурсларининг Ғазначиликнинг Ягона ҳисобварағида жамланишини назарда тутаяди.

Давлат бюджетининг ижроси Ғазначилик тизими орқали амалга оширилганда вақтинчалик касса тафовутлари барҳам топади ва бирламчи тўлов ҳужжатлари айланиши ғазначилик органи қўлида тўпланади ҳамда бюджетнинг ижро этилишини ойдинлаштиради, таҳлил сифати ва тезкорлиги ошиб боради.

Ғазначиликнинг ягона тушуми вужудга келиши билан бюджетга тушган йиғим ва ортиқча тўпланган солиқларни қайтариш ва бюджет босқичлари орасида бошқариладиган солиқларни тақсимлаш бўйича фаолият билан бир қаторда ғазначилик органининг ҳудудий бюджет тушумини ҳисобга олиш бўйича счётларни бериш зарурияти туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига асосан, ғазначиликнинг ҳудудий органини тайёргарлигидан келиб чиққан ҳолда, солиқ органи ҳисоби беркитилиши билан бир қаторда бюджет тушумини ҳисобга олиш счёти очилади. Счётларни бир банкдан бошқа банка ўтказиш ғазначилик идоралари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ғазначилик ҳисобрақамлари очилган банк муассасалари тузилган шартномага мувофиқ, ғазначилик идораларига ҳар куни ҳисобрақамлардан кўчирмалар билан тўлов қоғозлари ҳужжатлари нусхасини тақдим этади.

Ғазначилик тизими бюджет маблағларининг молиявий оқимларини изчиллик билан бошқариш, бюджет харажатларини ижро этишда бюджет ресурсларининг нисбатан оз касса қолдиқлари билан қаноатланиш натижасида давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатларнинг тезкор ва яқуний мувозанатлаштирилган бўлишига эришиш имкониятини беради. Бунинг натижасида Ғазначилик Марказий аппаратнинг банк тизимидан қарзга маблағлар олиш ҳажмларини камайтириш имконини беради.

Бюджет ҳисоботи бюджет ташкилотларини қамраб олади, уларнинг ягона бюджет маблағлари тушумининг барча жараёнларини акс

эттириши керак. Мавжуд механизмлар орқали бюджет ижроси масъулияти тўлалигича назорат қилинади.

Ғазначилик тизимининг муҳим қирраси шундаки, давлат бюджетети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларни ғазначилик ягона ҳисобрақамида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамланишини ташкил этади. Ғазначилик ягона ҳисобрақамдаги пул оқимларининг устидан назорат ўрнатади ва бу ҳисобрақамда вақтинча бўш турган маблағларни бошқа банклар ёки молия бозорига жойлаштиради.

Ғазначилик тизимида ғазначилик давлат бюджетети даромадлари ва харажатлари таснифини ишлаб чиқиш ва янгилашда иштирок этади, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетети, республика бюджетети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетети ва маҳаллий бюджетларнинг ғазначилик ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тайёрлайди. Тегишли молиявий активлар ижроси бўйича бошқа ҳисоботларни ишлаб чиқади. Ғазначилик тизими ва ғазначилик операциясини бухгалтерия ҳисобига тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида қатнашади. Бюджетдан маблағ олувчилар ва давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоби ва ҳисоботини таъминлайди. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман бюджетига нотўғри ёки ортиқча ўтказилган маблағларни солиқ тўловчиларга қайтариш ёки келгуси тўловлар ёхуд бошқа тўловлар ҳисобига ўтказади.

Ғазначиликни жорий этиш молияни бошқаришнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашади ва ғазначилик муассасасидан ўз вақтида ва муҳим ахборот олиниши туфайли Молия вазирлиги томонидан молия тизими ҳамда иқтисодиётдаги қисқа муддатли кундалик ҳолатларни тезкор аниқлашга ёрдам берган ҳолда, мамлакат бюджетининг таъсирчан ролини кучайтиради. Бундан ташқари, Давлат бюджетидан самарали фойдаланиш ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш ва унинг тақчиллигини бошқариш таъминланади.

Республикамизда ғазначиликни жорий қилишнинг ташкилий ва бошқарув тизими қуйидагича бўлиши кўзда тутилмоқда.

1. Операциялар бўлими. Операциялар бўлимига ғазначилик тармоқ бўлимларининг молиявий бошқариш тизимида хизмат кўрсатишни ишлаб чиқиш мажбурияти юклатилади.

1.1. Операцияларни ҳисобга олиш сектори:

– Ғазначилик бош китобини ва бошқа иккиламчи ҳисоб-китобларни ёки маълумотлар базасини қўшган ҳолда, молиявий тизимни бошқаришни олиб боради;

– молиявий тизимни бошқаришда таркибий қисмларни алмаштириш ва янгилашни такомиллаштиришни олиб боради.

1.2. Ғазначилик операциялари сектори. Бу секторга барча марказий доирадаги Ғазначилик операцияларининг мувофиқлаштириш устидан назоратни амалга ошириш юклатилади, шунингдек, мажбуриятлар доирасида қуйидагилар киритилади:

– ғазначиликнинг барча бўлимларига самарали ва тезкор хизмат кўрсатиш бўйича умумий жавобгарлик;


– ғазначилик операциялари жараёнлари учун керакли бўлган йўриқномаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– ғазначилик ходимларининг бошқарилиши ва тайинланиши тартибини белгилаш;

– ғазначиликнинг барча бўлимлари ишининг натижалари бўйича мониторинг ўрнатиш.

2. Активлар ва қарзларни бошқариш бўлими. Бўлимга умумий молиявий активлар ва давлат қарзларини бошқариш ҳамда молиявий режалаштириш мажбурияти юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг ғазначилик тузилмаси



2.1. Пул операцияларини тартибга солиш ва назорат қилиш сектори:

- харажатлар ва даромадлар режаларининг бажарилиши бўйича маълумотлар йиғиб, таҳлил қилиб, ҳафталик, ойлик, ва чораклик аниқланади;

- давлат бюджети Бош Бошқармаси билан биргаликда ҳафталик ва ойлик мавжуд пул маблағларининг лимитини аниқлайди;

- молиявий активлар ва қарзларни бошқариш сектори билан биргаликда ҳафталик ва ойлик пул маблағларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун керак бўлган қисқа муддатли қарздорликлар таркибини аниқлайди;

- республика ва маҳаллий бюджетларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондирилишини амалга ошириш учун давлат бюджети Бош Бошқармаси, Худудлар молияси Бош Бошқармаси ва Молия вазирлигининг тармоқ бошқармалари билан биргаликда ишлаши керак.

2.2. Қарзларни бошқариш сектори:

- бюджетдан молиялаштиришга керакли бўлган истиқбол режаларини тузишда Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош Бошқармаси ҳамда тармоқ бошқармалари билан биргаликда иш олиб боради;

- келгуси йилга ички ва ташқи мажбуриятларни тузиш режаси доирасида ҳамда ички ва ташқи қарзларни энг қулай таркибини аниқлашда йиллик режани тайёрлайди;

- ташқи қарздорликни қоплаш ва бошқариш юзасидан ташқи кредит берувчилар билан ҳамкорлик қилади;

- кредиторлар томонидан ишлатиладиган кафолатларнинг ҳисобини юритиш ва бериш бўйича ҳукуматга таклифлар киритади.

2.3. Молиявий активларни бошқариш сектори:

- пул операцияларини тартибга солиш ва назорат қилиш сектори билан маслаҳатлашган ҳолда, инвестиция истиқболларини ишлаб чиқиш ва молиявий нақд активлар ҳажмини аниқлайди;

- молиявий активлар ва инвестициялар ҳисобини юритади.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими. Ушбу бўлимга ойлик, чораклик ва йиллик бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашдаги бухгалтерия ҳисоби стандартларини тузиш юклатилади. Шунингдек, бўлимга Низомни ва стандартларни тайёрлаш ва тарқатиш мажбурияти ҳам юклатилади.

3.1. Молиявий ҳисобот сектори:

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни қаноатлантирувчи ҳисоботларни Ғазначилик Бош китоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда тайёрлайди;

- молиявий ва бошқарувчилик ҳисоботларни тузади;

- йиллик бюджет ижроси бўйича ва йиллик молиявий ҳисоботларни ташқи аудитлар ва кейинчалик Олий Мажлисга тақдим этиш учун тайёрлайди. Кўп ҳолларда Ғазначилик тизимига ҳисоботларни тайёрлаш юклатилади. Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни Олий Мажлисга тақдим этилиши Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3.2. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари сектори:

§ бухгалтерия ҳисоби стандартларини ва бухгалтерияга оид йўриқномаларни ишлаб чиқади.

§ рискни бошқариш, сотиб олиш бўйича жараёнларни ва стандартларни ишлаб чиқади.

4. Қўшимча хизматлар сектори:

§ ахборотлар технологиясини таъминлаш;

§ юридик хизматлар кўрсатиш;

§ ғазначиликнинг бошқарув аппаратини сақлаш учун керакли бўлган ишларни амалга ошириш;

§ асосий воситаларни бошқариш ва бошқалар. Бундан ташқари, Марказий аппаратнинг структурасига фақат Давлат Ғазначилигига бўйсунадиган ички аудит бўлими киритилади.

Молия вазирлиги Ғазначилиги ғазначиликнинг Бош китобини юритади, бюджет тушумларини бошқаради, харажатларни молиялаштиришга рухсат беради, бюджет ташкилотлари шартномаларини, нақд пулларини, тўловларни бошқаради, давлат қарзини ва шартли мажбуриятларини ҳисоблайди, молиявий ҳисоботларни тайёрлайди. Ғазначиликнинг Бош китобидан ташқари, ғазначиликнинг маълумотлар базасида барча маълумотлар бюджет таснифига асосан тузилмавий тарзда бўлади.

1. Даромадларни бошқаришда солиқ тўловчи солиқ тўлаш ҳақида тўлов топшириқномасини тўлдиради, бевосита Ягона ғазначилик ҳисобрақамига ўтказилади. Даромадлар учун тўлдирилган топшириқномада тўлов тури ва йўналиши иқтисодий тасниф бўйича кўрсатилиши керак.

2. Ғазначиликнинг юқори босқичига Ягона ғазначилик ҳисобрақамига келган маблағ ҳақида маълумот жўнатади.

3. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси Марказий банк берган маълумот асосида белгиланган меъёрлар доирасида бу маблағларни республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлайди.

Бюджет маблағлари олувчиларининг мажбуриятларини ҳисобкитобига бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномавий мажбуриятларини бошқариш ҳам киради. Ғазначилик тизими бюджет маблағи олувчилари шартномавий мажбуриятларини бошқариш, бажарилишини назорат қилиш ҳисобини олиб бориш ва бюджет маблағлари етишмай қолганда, уларни навбатини таъминлаши керак. Ғазначиликнинг молиявий ҳисобот тизими давлат молияси тизимини бошқарув самарадорлиги ва сифатини яққол кўришга имкон бериши керак.

Ғазначиликнинг молиявий ҳисобот тизимини тузишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: тўлиқ қамраб олиш ва ахборот ишончлилиги, шаклларнинг стандартга мослиги, фойдаланишда тезкор ва қулайлиги.

Ғазначилик тизимида молиявий ҳисобот икки асосий йўналиши бўйича тайёрланади: бюджет ижроси бўйича ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоботи.

Бюджет ижроси бўйича ҳисоботлар қуйидаги кўринишда тайёрланади:

- даромад ва харажатлар иқтисодий таснифи бўйича ҳамда пул оқими бўйича кунлик ҳисобот;
- тузилган контракт ва тўловлар бўйича бюджет ташкилотлари мажбуриятлари;
- ажратилган молиялаштириш лимитлари;
- дастлабки ва ўзгартирилган бюджет ажратмалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ойлик бюджет бажарилиши ҳисоботи;
- жорий йил тугаши билан бюджет ажратмалари ҳисоботи ташқи аудит ва ҳуқуқий органларга топширилиши лозим бўлган ҳисобот.

Ғазначилик тизими қошида қуйидаги ҳисоботларни тайёрлаш таъминланади:

- давлат маблағлари статистикаси стандартларига мувофиқ, бюджетдан ташқари жамғармалар, маҳаллий ва республика бюджети ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган умумлаштирилган ҳукумат молиявий операциялари ҳақидаги аналитик ҳисобот;
- қарз субъектлари бўйича бюджет ташкилотларининг кредиторилик қарзлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи;

– давлатнинг кўп йиллик дастурларига бўлинган функционал тасниф бўйича бюджет бажарилишининг ҳисоботи. Ҳисобот бюджет ажратмаларининг дастурлар бўйича қолдиғи ва ўтган йил маълумотларини ҳам ўз ичига олади;

– ҳукумат кафолатидаги заёмлар ва қарзларнинг келгуси 5-10 йилда хизмат кўрсатиш нархи ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган давлат қарзининг ўрта муддатли ҳолати ҳақида ҳисобот;

– давлатнинг молия бозоридаги қисқа муддатли фаолияти ҳақида ҳисобот;

– давлат томонидан ажратилган кредитлар ҳақида ҳисобот;

– ҳукумат ҳисобрақамидаги пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;

– солиқ имтиёзлари ва субсидиялари ҳақида ҳисобот;

– шартли ва бошқа мажбуриятлар ҳақида ҳисобот;

– бюджет ташкилотлари активлари ҳақида ҳисобот;

– грантлар ҳақида ҳисобот.

Давлат молияси статистикаси кўрсатмалари аналитик мезонига мувофиқ, касса ва ҳисоблаб, қўшиш усулида ҳисобот тайёрланади. Мазкур ҳисоботлар ғазначиликнинг ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Ғазначилик тизимининг модуллариини келгусида такомиллаштириш йўналишлари асосан ахборот тизимининг ривожланиши, молиявий режалаштириш ва пулларни бошқариш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлади. Яъни ушбу соҳадаги фан-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий ғояларнинг ривожланиши билан бирга юксалиб бораверади. Бундан ташқари, ғазначилик тизимида бошланғич поғоналарда ҳисоб-китоб касса усули билан амалга оширилса, келгусида бу ишлар ҳисоблаш усулига ўтказилиши керак. Ғазначиликнинг актив ягона ҳисобрақами ва марказлашган ҳисобчилик назорати олиб борилади. Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида йиғилади, тўловни амалга ошириш сўровномаси ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар ғазначиликка жўнатилади, ғазначилик тўловларни режалаштиради ва назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ солиқли ва солиқсиз давлат тушумларини тўплаш, сақлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш учун ғазначилик томонидан ягона ҳисобрақам очилади. Ғазначилик алоҳида операцияларни, шунингдек, давлатнинг мақсадли фондларининг маблағлари билан операцияларни амалга ошириш учун ғазначилик доирасида субсчётларини очиш ҳуқуқига эга. Бу субсчётлардаги

қолдиқлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами қолдиғининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Республика минтақаларида давлат харажатларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида Ғазначиликнинг топшириғи билан Марказий банк томонидан бутун иш куни мобайнида субсчётларга ва пул маблағларини ўтказиш ташкил этилади. Маблағ ўтказиш ва давлатнинг пул маблағларини харажат қилиш учун фақат Молия вазирлиги рухсати билан банк счётларини очиш мумкин. Бу ҳуқуқ Молия вазирлигининг буйруғи билан давлат ғазначисига юклатилган.

- Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Ғазначилик ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли масалалар улар ўртасида тузилган шартнома асосида тартибга солинади. Ғазначилик йилда камида бир марта ушбу шартномалар таҳлилинини ўтказиши шарт, агар Ғазначилик қондириш мақсадида шартномаларни қайта тузиш тадбирлари фикри бўйича шартномаларни кўриб чиқиш талаб этилса, иккала томон талабларини кўрилади. Давлат бюджетини кассали ижросини амалга ошириш жараёнида тижорат банклари билан ҳам шартнома тузади.

Ғазначилик давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган, солиқли ва солиқсиз тушумларни, давлатнинг мақсадли фондларига тушган тушумларни, бюджет ташкилотлари даромадларини, жорий ва жорий бўлмаган даромадларни, ҳомийлардан махсус мақсадга қаратилган фондларга тушган маблағларни, грантларни қўшганда ва бошқа турдаги давлатнинг даромадлари тўлиқ ва тўғридан-тўғри ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига, шунингдек, турли даражадаги давлат бошқаруви ўртасида тушумларни тақсимотини тартибга соладиган бошқа қонунларга мувофиқ, Ғазначилик тушумларни турли даражадаги давлат бошқаруви ўртасида тақсимлаш учун жавобгар ҳисобланади. Ғазначилик белгиланган бюджет таснифига мувофиқ, барча давлат тушумларини алоҳида ва аниқ рўйхатга олади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатлари устидан назорат қонун асосида ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан барча тўловларни амалга оширишга Ғазначилик жавобгар ҳисобланади.

6.5. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари

Ғазначилик органлари бюджет ташкилотлари ва олувчилар учун муҳим рол ўйнайди. Бюджетдан маблағ олувчилар тасдиқланган тартибда ғазначилик органларида ҳисоб очадилар, бу ҳисобларда давлат бюджет томонидан ажратилган маблағ сақланади. Давлат бюджетнинг барча харажатлари ҳар бир бюджет олувчи учун ўзининг қатъий йўналишига эга, бу йўналиш бюджет таснифи кодларига эга: боб, бўлим, бўлинма, мақсадли бўлинма, харажат тури. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир бюджет олувчига бир неча шахсий ҳисоб рақами очилади. Бундан ташқари, ҳар бир ҳисоб рақам бўйича иқтисодий таснифга асосан бир неча йўналиш берилади.

«Ғазначилик органлари молия органининг топшириғи бўйича юқори бюджетларда назарда тутилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари суммасини ва бошқа тўловларни қўйи бюджетларнинг шахсий ғазначилик ҳисобрақамларига ўтказди»⁶⁵.

Давлат бюджетининг маблағларини тўғри сарфлаш ва уни мақсадли ва фойдали ишлатилишига жавобгарлик бюджет олувчи зиммасига юкланади. Харажатларни амалга ошириш учун бюджет олувчи ҳисоб-молия харажатларини тўлдиради, тўловчининг реквизитлари ғазначилик номидан тўлдирилади: ИНН, тўловчи банк ҳисоб рақами ва бошқа маълумотлар. Олувчининг реквизитлари, маблағ ҳажми ва мўлжалланган тўловнинг иқтисодий таснифи бўйича харажат моддалари кўрсатилган ҳолда, бюджет ташкилоти кўрсатилади ва тўлов харажатларида маълум тартибда берилади. Барча расмийлаштирилган ҳужжатлар Ғазначилик бўлимларига топширилади.

Ҳар бир бюджет ташкилоти ажратилган бюджет маблағлари чегарасида харажатларни амалга ошириш учун сертификат бериш асосида тўлов топшириқномасини керакли ҳужжатлар билан биргалликда ўзининг ғазначилик бўлимига тақдим қилади. Харажатларнинг асослилиги текширилгандан ва ресурсларнинг мавжудлиги тасдиқлангандан кейин тўлов ҳужжатини йўналтириш билан тўловни амалга оширади.

Россия Федерацияси Молия вазирлигининг 1999 йил 30 декабрдаги 106-сон буйруғи билан белгиланган «Россия Федерацияси


⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон қарори. 9-банди.

Молия вазирлигининг Федерал Ғазначиликнинг ҳудудий органларида Федерал бюджет харажатларининг ижросидаги операцияларни ҳисобга олиш учун ҳисобрақамларни юритиш тартиби тўғрисида»ги меъёрий ҳужжатга асосан амалга оширилади. Федерал бюджет харажатларининг ижросидаги операцияларни ҳисобга олиш учун Федерал Ғазначиликнинг ҳудудий органларида қуйидаги шахсий ҳисобрақамларлар очилади ва юритилади:

- маблағларни бош тақсимловчилари операцияларини ҳисобини юритиш учун мўлжалланган шахсий ҳисобрақамлар;
- маблағларни тақсимловчиларнинг бюджет мажбурияти лимити ҳажмини тақсимлаш ва етказиш, тақсимловчиларни ва маблағ олувчиларни молиялаштириш операцияларини ҳисобини юритиш учун мўлжалланган шахсий ҳисобрақамлар;
- Федерал Ғазначилик идоралари бюджет мажбурияти лимити ҳажмини тақсимлаш ва етказиш ҳисобини юритиш учун мўлжалланган шахсий ҳисобрақамлар, шунингдек, РФ Молия вазирлиги маблағларни бош тақсимловчиси бўлган;
- Федерал бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета даромадлари ва харажатларини ижросини амалга оширишда бюджет мажбуриятлари лимити ҳажмини, қабул қилинган пул мажбуриятларини, молиялаштириш ҳажмини, касса харажатларини ҳисобини юритишга мўлжалланган шахсий ҳисобрақамлар;
- РФ Молия вазирлиги маблағларни бош тақсимловчиси бўлган бюджет мажбурияти лимити ҳажмига ва федерал тадбирларни касса харажатларини молиялаштиришга алоқаси бўлган операцияларни ҳисобини юритиш учун мўлжалланган шахсий ҳисобварақлар.

Қуйидаги чизмада шахсий ҳисобрақамларнинг турлари берилган. Бу ҳисобрақамлардаги ифодаланган операциялар ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари асосида ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Федерал Ғазначилик органлари билдиришномалари шаклида, Россия Федерацияси валютасида амалга оширилади.

Ғазначилик органларида очилган шахсий ҳисобрақамларнинг турлари



Агар юридик шахсининг номида ўзгаришлар бўлса, у бир ой ичида Федерал Ғазначилик органларига маълумот бериши керак. Агар юридик шахс ликвидация қилинаётган бўлса, у Федерал Ғазначилик органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади: ликвидация комиссиясининг тузилиши ва ликвидация қилинганлиги тўғрисида маълумот, ликвидация комиссияси тасдиқлаган муҳр ва имзолар нусхаси.

Федерал Ғазначилик органларида маблағ олувчиларнинг ҳисоб-рақамлари мижознинг ташкилот тугатилаётганлиги ёки раҳбариятнинг ўзгарганлиги, ликвидация комиссиясининг иши тугаганлиги тўғрисида аризага асосан, агар жорий йилда шахсий ҳисоб-рақамларида операциялар амалга оширилмаган бўлса, молия йили тугаганлиги сабабли ва РФ Молия вазирлигининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда шахсий ҳисоб-рақам ёпилади.

Шахсий ҳисоб-рақамни ёпишда мижоз ва унга хизмат кўрсатаётган Федерал Ғазначилик органи шахсий ҳисоб-рақамни ёпилиш санасига молия йилининг бошидан бюджет мажбуриятлари ва молиялаштириш ҳажми суммаларини қолдиқ суммаларга таққослашлари лозим, натижалар ёзилган далолатнома Федерал Ғазначилик органи раҳбари ва мижоз томонидан тасдиқланади.

Бюджет харажатлари ижросидаги шахсий ҳисоб-рақамда ифодаланган операцияларнинг РФ бюджет таснифига асосан ҳисоб-китобини жами молия йилининг бошидан ўсиб боровчи сифатида амалга оширилади. Федерал Ғазначилик органи маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисоб-рақамларини очганда, уларга идентификацион номер беради, Ғазначилик органининг ахборот тизимида бу номердан фойдаланилади.

Ҳар бир шахсий ҳисоб-рақамга код берилади:

- 01-мблағ тақсимловчининг шахсий ҳисоб-рақами;
- 02-Федерал Ғазначилик органининг тақсимловчи шахсий ҳисоб-рақами;
- 03-мблағ олувчининг шахсий ҳисоб-рақами;
- 04-Федерал Ғазначилик органининг шахсий ҳисоб-рақами.

Федерал Ғазначилик органиларида очилган шахсий ҳисоб-рақамларни номерлаш 11та разряддан иборат бўлади:

1-2 разряд шахсий ҳисоб-рақамнинг белгиси; 3-10 разряд маблағ олувчининг ҳисоб номери, ундан 3-5 разряд федерал бюджетдан тўғри маблағ олувчининг коди, 11-разряд назорат калитидир.

Федерал Ғазначилик органиларида маблағ олувчилар ва маблағ тақсимловчиларга шахсий ҳисоб-рақамлар улар жойлашган жойига

қараб очилади. Федерал Ғазначилик органларида ҳар бир миждозга ҳисобрақамлар тури бўйича битта шахсий ҳисобрақам очиш мумкин. Бунда миждоз билан икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган шартнома тузилади. Федерал Ғазначилик органларига шахсий ҳисобрақамни очиш учун миждоз барча керакли ҳужжатларни тақдим қилади, кейин Федерал Ғазначилик органларининг раҳбари ва бош бухгалтери миждоз аризасига ўзининг розилигини ёзма равишда беради. Бунда тақдим қилинадиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- Ø белгиланган шаклда шахсий ҳисобрақам очиш учун ариза;
- Ø таъсисчи ҳужжатининг нусхаси;
- Ø давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжатнинг нусхаси;
- Ø икки нусхада юқори бошқарув ташкилоти томонидан тасдиқланган муҳр ва имзолар намунаси карточкаси;
- Ø миждозни солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида шаҳодотнома.

Федерал Ғазначилик органлари маблағ олувчига шахсий ҳисобрақам очилгандан кейин беш кун ичида ҳудуддаги қуйидаги органларга маълумот беради:

- РФ солиқлар ва йиғимлар вазирлигига;
- РФ Пенсия фондига;
- РФ меҳнат ва ижтимоий ривожлантириш вазирлигига;
- РФ ижтимоий суғурта фондига;
- Мажбурий тиббий суғурта фондининг ҳудудий филиалларига.

Бу шахсий ҳисобрақам шахсий ҳисобрақамларнинг рўйхати китобига ёзилади, бунда қуйидаги реквизитлар мавжуд:

- шахсий ҳисобрақам очилган сана;
- хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома номери ва санаси;
- миждоз реквизитлари;
- Федерал Ғазначилик органи хатининг бюджетдан ташқари фондларга ва солиқ органларига шахсий ҳисобрақам очилганлиги тўғрисидаги номери ва санаси;
- шахсий ҳисобрақам номери;
- шахсий ҳисобрақам ёпилган сана.

Турли кўринишдаги харажатларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маблағларни ўтказиш амаллари Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. Марказий Ғазначилик органларига банкдаги ғазначилик шахсий ҳисоб-

рақамларида бюджет харажатларини бошқариш вазифаси юклатилади.

Таянч сўз ва иборалар

Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами, газначилик тизими фаолияти элементлари, газначиликнинг Бош китоби, газначиликнинг бухгалтериясининг субсчётлари, кассали режаслаштириши, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ғазначилик органлари томонидан тасдиқланган бюджет ажратмаларининг лимити бюджетдан маблағ олувчиларга қандай етказилади?

2. Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами фаолиятини тушунтиринг.

3. Ғазначиликнинг Бош китоби қандай юритилади?

4. Ғазначилик бухгалтериясининг субсчётлари фаолиятини изоҳланг.

5. Ғазначилик тизимида бюджет ижроси ҳисоботлари қандай тузилади?

6. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари туркумланиши кўрсатилган кластер чизинг.

7. Ғазначилик тизими фаолиятининг элементлари кўрсатилган слайдлар тайёрланг.

VII боб. ҒАЗНАЧИЛИК БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИДИР

7.1. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари

Давлат молиясини бошқаришда ислохотларни ўтказиш жараёни, аввало, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда уларнинг ролини оширишни талаб этади. Шу билан бир вақтда молиявий базани мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия-бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ҳамда бюджет ижроси самарадорлигини таъминлашнинг янги услубиётини шакллантиришни ўз ичига олади.

Республикамизда бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида амалга ошириш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бюджет жараёнларида, жумладан, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Барча ислохотларнинг мақсади бюджет сиёсатида давлат бюджети тақчиллигини белгиланган меъёридан ошиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдир. Республикамизда давлат молиясини бошқариш тизими иш жараёнида юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал қилиш учун у янада такомиллаштирилиши керак.

Турли давлат дастурлари ва лойиҳаларни бюджет маблағлари билан молиялаштиришнинг таркиб топган амалиёти молияловчи орган томонидан бир олувчига йўлланган молиявий маблағлар бошқасига тушиши мумкин бўлган вазиятни истисно этмайди. Агар давлат маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш улар ажратилгандан кейингина бошланса, давлат бюджети кўп нарсани бой беради. Кейинги молиявий назоратнинг самарасизлиги шундаки, унинг хулосалари бюджетдан маблағ олувчи ўзига ажратилган маблағларини амалда сарфлаб бўлганидан кейин чиқарилади. Ваҳо-

ланки, жорий назоратни, яъни бюджет маблағлари ўзлаштирилиши жараёнининг ўзи назорат қилинишини таъминлаш муҳимдир.

Юқоридаги ҳолатнинг асосий сабабларидан бири жорий бюджет ижроси тизимида, молия органлари сушт ролга эга бўлганлиги ва шу билан бир вақтда банк ва бюджет ташкилотларига юклатилган функцияларни мустақил бажариб, молия органларини амалга оширилган бюджет жараёни фактларидан кейингина хабардор қилинганидир. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетларда маблағ етишмовчилиги юзага келиб, юқори турувчи бюджетдан бюджет ссудасини олишга тўғри келади.

Маҳаллий бюджетлар таркибида, республикамиз аҳолисига қаратилган ўта муҳим ижтимоий тадбирлар бўлганлиги учун долзарб масалалардан бири даромадларнинг тушиши билан харажатларни амалга ошириши керак бўлган вақт ўртасидаги номутаносибликни бартараф этишдир.

Демак, давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислохотларининг йирик йўналишларидан бири десак хато бўлмайди, чунки давлат молиясини самарали бошқариш зарурияти мавжуд. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун бюджет харажатларининг назоратини кучайтириш талаб этилади. Давлат молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар давлат харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутаяди.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш дегани бу – бюджет маблағлари, бюджет тизимининг ҳар бир бўғинида амалдаги қонунчиликка мувофиқ қандай мақсадга мўлжалланган бўлса, ўша мақсадни амалга ошириш учун ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, аниқ сарфланиш демакдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ислохотларнинг мақсади бюджет сиёсатида давлат бюджети тақчиллигини белгиланган меъёрдан ошиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллаштирилиши ва ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бори-

ши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Бюджет жараёнини мавжуд қонунчилик асосида, бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бюджет жараёнлари, жумладан, бюджет ижроси уни бажарилишини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаштириш, улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Бюджет ижроси шундай жараёнки, у молия йили мобайнида тўлиқ ва ўз вақтида, ҳар бир манба бўйича даромадларни тушишини, шунингдек, корхона ва ташкилотларни тасдиқланган бюджет суммаси чегарасида молиялаштирилишини таъминлайди. Бюджет ижроси касса бирлиги, бюджет ташкилотларини молиялаштириш ҳисобини юритиш, бюджет тиниқлиги, бюджет мажбуриятларини лимити, шартномаларни рўйхатга олиш каби тамойилларга асосланади. Бюджет маблағларини тақсимловчилари, тақдим қилинган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобкитобни амалга оширувчилар – бюджетдан маблағ олувчилардир ёки бюджет ташкилотларидир.

Бюджет амалиётида маблағларни сарфлаш жараёни уч босқичга бўлинади.

1. Тасдиқланган бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичи

Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган миқдори етказилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси – харажатларни амалга оширишдаги мажбуриятларни қабул қилишда бюджет ташкилотларига бюджет мажбуриятларини лимитини белгилаш ва етказишдир. Бюджет мажбуриятларининг лимити-бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ва тасдиқланган бюджет мажбуриятларининг йиғиндисидир.

2. Бюджет харажатларини молиялаштириш босқичи

Бюджет ташкилотларининг молиялаштириш лимити – жорий

молия йилида бериладиган пул маблағларининг чегарасидир. Бюджет ташкилотлари фақат юқори бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан чегараланган маблағларнинг сарфлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларини молиялаштириш режасининг ҳажми давлатнинг бюджетдан маблағ олувчига бюджет мажбуриятларини қабул қилиш ҳуқуқининг берилишидир.

3. Бюджет харажатларини кассали ижро этиш босқичи

Бу босқичда белгиланган тартибда ва чегараланган маблағлар доирасида, тасдиқланган харажатлар сметасига асосан қабул қилинган бюджет мажбуриятларини тўлови амалга оширилади. Давлат бюджетидан мажбуриятларнинг тўлови белгиланган тартибда расмийлаштирилган бюджет маблағи олувчиларининг тақдим қилган ва бюджет мажбуриятларни ижросини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида харажатлар амалга оширилади.

Бюджет ижроси жараёнининг ҳар бир босқичи молиявий назорат билан биргаликда олиб борилади. Бюджет маблағларининг ишлатилиши назорати орқали давлат ва маҳаллий бошқарув органлари мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чоратадбирлар белгилаш имконига эга бўладилар.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Бу шароитида молиянинг ўзи каби молиявий назоратнинг ҳам мақсади, вазифалари ва шакллари тубдан ўзгаради. Энди у фақат жазоловчи орган сифатида эмас, балки давлатнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур маблағларни таъминлаши, бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали харажат қилишни назорат қилиш, маслаҳат бериш каби вазифаларни бажаради. Давлат маблағлари ҳисобига олинган давлат мол-мулкани тўлиқ сақланишини таъминлашда ҳам назорат муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз даромадларини мустақил тасарруф этадиган, ўз харажатларини ўзи қоплайдиган бўлди. Демак, республика ўз бюджетига эга бўлиши билан бирга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга эътибор берган ҳолда, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашда Давлат бюджетининг устувор вазифалари қилиб қўйил-

ди. Бундан кўзланган мақсад республикамизнинг келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш равнақи, улкан иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш, сарфланаётган ҳар бир сўм бюджет маблағи республиканинг келажак равнақи ва истиқболи учун ўз натижа ва самарасини бериши кераклигидир.

7.2. Давлатнинг молиявий назоратини амалга ошириш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мадомики, республикамизда давлат бош ислохотчи ҳамда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш энг асосий вазифалардан деб белгиланган экан, ўз навбатида иқтисодиётни бошқаришнинг таъсирчан дастаги ҳисобланган давлат бюджети маблағлари доимо аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда, албатта, бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва тўғри юритиш, бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айтилган пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Маълумки, бюджет жараёнининг асосий босқичларидан бири давлатнинг молиявий назорати ҳисобланади. Молиявий назорат мамлакатимизда амалга оширилаётган назорат фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган ҳеч бир мамлакат йўқки, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин. Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади.

Молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўп сонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлатнинг молиявий назоратини кучайтиришнинг зарурлигини кўрсатмоқда.

Бюджет назоратининг асосий объекти Давлат бюджети ва мақ-

садли жамғармалари маблағларидан тўғри, тежамкорлик режимига амал қилинган ҳолда, оқилона фойдаланилганлиги, амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилинаётганликни назорат қилишдан иборатдир.

Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий бошқарув органлари мунтазам равишда бюджетнинг даромадлар ва харажатларни тасдиқланган режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имконига эга бўлади.

Бюджет ижросининг назорати тўлиқ ва қисман, комплекс ёки мавзули, ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган назорат турларига бўлиш текшириш ҳажми ёки текшилаётган объектнинг тўлиқ камраб олинишига боғлиқ. Дастлабки назорат-тахминлаштириш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида, молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилади, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади. Унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир. Жорий назорат молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилади, текширилаётган ҳужжатлар ва муассасанинг молиявий фаолияти ўрганилади.

Дастлабки назорат харажатлар режасини тузиш вақтида ўтказилади. Бу бюджет ташкилотларининг мажбуриятлар ҳисобини юритиш босқичида амалга оширилади ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг кўзда тутилмаган харажатлар бўйича бюджет мажбуриятлари олинишига қаршилик кўрсатилади. Дастлабки назорат-тахминлаштириш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида, молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилади, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади, унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир.

Жорий назорат молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилади, текширилаётган ҳужжатларни ва муассасанинг молиявий фаолияти ўрганилади. Жорий назорат ҳам молиялаштириш босқичида амалга оширилади. Бюджет ташкилотлари бюджетни ижро қилувчи органга мажбуриятларни қабул қилинганлик ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текширув учун тақдим қилади. Бундан ташқари, аниқ харажатларни тўловига ҳужжат тайёрлаш қоидасига жавоб берилиши, мавжуд талабларга риоя қилиниши ке-

рак. Шу босқичда бюджет ташкилотларининг кўзда тутилмаган харажатларига қаршилик кўрсатилади.

Якуний назорат ўтказилишида бюджет мажбуриятларини қабул қилишдаги товарлар ва хизматларнинг реал қиймати товарлар ва хизматлар учун тўланган суммага мослиги билан белгиланади. Якуний назоратда бюджет лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш учун жавобгар молия ва назорат органлари, давлат бошқарув органлари, шунингдек, Ҳисоб Палатаси томонидан назорат амалга оширилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратнинг яна бир тури қўлланилади. У 1960 йилларда Швецияда вужудга келган бўлиб, самарадорлик назорати деб аталади. Унинг моҳияти шундаки, бунда расман қонунга мослик ва бухгалтерия ҳужжатларининг тўғрилиги пировард мақсад эмас, балки текширувнинг асосий вазифаси давлат операцияларининг таъсирчанчилиги ва маҳсулдорлигини аниқлашдан иборатдир. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига хизмат қилмайдиган, фойда келтирмайдиган ва таъсирчан бўлмаган операциялар назорат хизмати томонидан қораланади. Ривожланган давлатларда давлат, бюджет-молия назоратларининг юқори самарадорлиги мустақиллик, ҳужжатлилиқ ва ошқоралиқ каби омилларга боғлиқдир.

Текширув ва тафтишлар натижасида мазкур идоралар катта миқдордаги ноқонуний тарзда ишлатилган давлат маблағларини аниқлашга ва бюджетга қайтаришга эришмоқда. Назорат тафтиш муассасаларининг бошқарув идораларидан мустақиллигини ишончли ҳуқуқий кафолатлари, уларга сиёсий тазйиқ ўтказиш имконининг йўқлиги қонун билан белгилаб берилган. Назорат тафтиш идораларининг раҳбарлари парламентлар томонидан узоқ муддатга тайинланади ва тасдиқланади. Масалан, бу муддат Буюк Британияда 18 йилни, АҚШда 15 йилни, Австрияда ва Венгрияда 12 йилни, Канадада 10 йилни ташкил этади, улар касбга лаёқатсиз, суиистеъмолчиликка йўл қўйган тақдирда парламент қарорига кўра ўз вазифасидан озод этилади.

Нazorat тафтиш идоралари парламентлар билан узвий алоқада бўлади, ўтказилган тафтиш яқунларига доир материалларни мунтазам равишда таҳлилдан ўтказиши ва уларга юбориб туради, давлат маблағларидан фойдаланишнинг бюджет масалаларига доир ҳулосаларни парламент кўмиталари, комиссиялар ва палаталарга кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Ривожланган давлатларда давлат маблағлари сарфланиши усти-

дан махсус парламент назорати муассалари мавжуд. АҚШ да Конгресснинг бош назратчиси бошчилигидаги Бош назорат молия бошқармаси ва Халоллик ва самарадорлик кенгаши, Буюк Британияда бош тафтишчи бошчилигидаги Миллий тафтиш кенгаши, Японияда Назорат тафтиш бошқармаси, Ҳиндистонда Парламентнинг давлат ҳисоботи ва бюджет ажратмалари масалалари бўйича кўмитаси, Хитойда Давлат кенгаши ҳузуридаги назорат вазирлиги, Австрия, Германия, Франция ва Венгрияда-бундестаг ёки парламент қошидаги Ҳисоб палаталари, Россияда Ҳисоб палатаси, Президент ҳузуридаги Назорат тафтиш департаменти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик кўмитаси шундай фаолият кўрсатади.

Молиявий назоратнинг асосий вазифалари бир-бирига ўхшаш давлат маблағлари сарфланиши ва давлат мулкидан фойдаланишнинг назоратидир.

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, мамлакат Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари, тартиблари, меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқан ҳолда, уларда мавжуд бўлган молиявий назорат тизимига ўтиш борасида муҳим бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони 2002 йил 4 ноябрда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари жумласига Давлат бюджети ижроси ҳамда давлат маблағларининг сарфланиши, биринчи навбатда, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ва таъминлаш, давлат харажатларини қисқартириш захираларини аниқлаш киради.

Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан мақсадли ва қонуний фойдаланишни текширади, улардан фойдаланишдаги қоидабузарлик ва суиистеъмолчилик фактларини аниқлаш ҳамда бундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини амалга оширади. Маҳаллий бошқарув органлари идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жойларга топширилган ҳокимият ваколатларини амалга оширишлари учун уларга реал молиявий ресурслар ажратиб бериш, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда уларнинг ролини ошириш вазифасини ҳал этишдан келиб чиққан

ҳолда, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Давлат бюджети тўлдирилиши устидан назоратни амалга оширади, бюджетнинг даромад қисми моддалар бўйича ижро этилишига баҳо бериб, белгиланган истиқбол кўрсаткичлар бажарилмагани ҳақида ўз вақтида хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради. Ҳисоб палатаси мустақил орган бўлиб, баҳо беришда мустақил ва холисдир. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, олтин-валюта захиралари ва ташқи қарзларни бошқариш ҳамда тасарруф этиш мониторинги ва давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 11 февралда «Бюджет интизомига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 66-сонли қарор қабул қилди. Қарорда вилоят, шаҳар, ва туман ҳокимлари, молия органлари ва бюджет муассасалари раҳбарларига бюджет интизомига қатъий амал қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилди, бюджет маблағларини бошқа мақсадларда ноқонуний сарфлаш ҳолатлари юз берганда, улар шахсан жавобгар эканликлари огоҳлантирилди.

Молия органлари бюджет муассасалари, тижорат банкларини биринчи навбатда маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош Бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифаси деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўрисидаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 175-2 ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 184-1-моддалар орқали «Бюджет интизомини бузиш» тўғрисидаги бандлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-2 моддасига асосан, бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларини бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш - каби хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солиш, шунингдек, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асосиз равишда кечиктирилганлиги учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солиш каби маъмурий чоралар кўриш ҳуқуқи назорат-тафтиш Бош бошқармасига берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184-1-моддасига асосан бюджет интизомини бузиш, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай ҳолатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳолат кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу ҳолатлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар, ташкилотларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, ташкилотларнинг харажатлари бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитларидан ортиб кетиши, меъёрдан ортиқ штат бирликларини

сақлаш, штат-смета интизомини бузиш каби хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўриш ҳуқуқи Назорат-тафтиш бош бошқармасига берилди.

Маълумки, бюджет жараёнининг босқичлари шакллантириш, қўриб чиқиш, тасдиқлаш ва бюджет ижросидан иборат. Ҳар бир поғонада бюджет кўрсаткичлари назорати амалга оширилади ва иқтисодий таҳлил ўтказилади. Бюджет жараёнларини бошқариш учун бир қатор органларга бюджет ваколатлари берилган. Жумладан, қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият органлари ҳисобланади, булар бюджетни ҳамда бюджет ҳисоботларини қўриб чиқади ва тасдиқлайди, бюджетни шакллантириш ва ижро қилишнинг асослиги назоратини амалга оширади, давлатнинг бюджет тузилиши поғонасига мувофиқ бюджет ижросини назоратини амалга оширадиган органларни шакллантиради ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлайди. Бундай назоратнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 8-бандида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, унинг қўмиталари ва комиссияларига, айнан, Бюджет ва молия қўмитасига барча давлат идоралари фаолияти устидан молиявий назоратни амалга ошириш юзасидан ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ маҳаллий ҳокимият идоралари ҳокимлари ва уларнинг ижроия маҳкамаларига ҳам молиявий назорат соҳасида муайян ваколатлар берилган.

- Марказий Банк пул-кредитни тартибга солувчи орган ҳисобланади;
- давлат, маҳаллий ҳокимиятнинг молия бўлимлари ва бошқармалари назорат органлари ҳисобланади;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия органларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш юзасидан назорат ишларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижроси назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетдаги молия органлари назорат қилинади.

2. Бюджет ассигнацияларини бюджет маблағларини бош тақсимловчилар томонидан қуйи тақсимловчиларга ўз вақтида ва тўғри етказилишининг назорати қилинади;

3. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бюджет мажбурияти олганлиги назорат қилинади;

4. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг фаолиятини, бюджет, молия ва штат-смета интизомига риоя қилинишининг тизимли назорати олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маҳаллий молия органлари молиявий назоратни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- корхоналардан давлат бюджетини ва маҳаллий бюджетларни лойиҳаларини тузиш учун зарур материаллар олади;

- молия-бюджет режасини тайёрлаш, молиялаштириш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг давлат олдидаги молиявий мажбуриятларини бажарилишининг назоратини амалга ошириш, қолаверса, давлатнинг молиявий интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслар, шунингдек, бошқа материаллар олади;

- бюджетдан маблағ оладиган муассасалар, ташкилотларнинг ҳисобрақамлари ва улар билан қилинган операциялар тўғрисида кредит ташкилотларидан маълумотлар олади;

- бюджет ижросининг назорати бўйича бошқа бир катор тadbирлар ўтказди.

Республикамиздаги ҳозирги шароитда бюджет амалиётига қўйилаётган янги талаблар, бюджет ижроси самарадорлигини таъминлашни, ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини мустаҳкамлашни; бу борадаги муаммолар аҳамиятининг ўсиши ушбу жараёнларни янада чуқур тадқиқ этишни ва шу куннинг долзарб муаммоларига ечим топишни талаб этади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий маблағлар билан таъминлашда, республикамизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва ёшларни аниқ молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетларни самарали ижросининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Албатта, бюджет маблағларини сарфлашда бюджетдан қилинадиган харажатларнинг чекланганлиги, бюджет тақчиллигининг мавжудлиги, бюджетда ижтимоий соҳалардан ташқари бошқа хара-

жатларга-аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, иқтисодиёт тармоқларининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам зарурият мавжудлигини ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Бюджет маблағларини сарфлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабаби молия ҳамда назорат тафтиш идоралари ходимларининг улар олдида қўйилган асосий вазифа-бюджет интизомига риоя этишни таъминлашга масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ижроси чуқур таҳлил қилиниши, талаб даражасида назорат ўрнатилиши, бюджет ташкилотларида маблағларни мақсадли сарфлаш тўғрисида кенг доирадаги тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг харажатларни катта қисмини коммунал хизмат ҳақлари эгаллайди ва улар билан шартномаларни аниқ, тўғри ҳисоблар билан тузиш муҳимдир. Бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар (иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув, канализация), газ ва электр энергия сотиб олиш харажатлари лимитларига қатъий риоя этиш талаб этилади.

Банк тизимида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тасдиқланганидан сўнг бир ҳафта ичида коммунал хизматлари кўрсатувчи, газ, ва электр энергияси сотувчи корхоналар билан шартномаларни ушбу хизматларга сметаларида кўзда тутилган лимитлар доирасида тузишни таъминлаш, ҳисоб-китобларни ойма-ой амалга ошириб бориш, лимитдан ортиқча кўрсатилган хизматларга ҳақ тўламаслик муассасаларда ушбу харажатларга масъул бўлган ходимларни буйруқ билан бириктирилади. Коммунал хизматлар газ ва электр энегиясини сотиб олишга тузилган икки томонлама шартномаларни ҳудудий молия идораларида назорат-тафтиш бошқармалари текширгандан сўнг рўйхатдан ўтказиш ва бу жараёндаги интизомга, таърифларга ва ҳақиқий эҳтиёжларга қараб харажат қилинишининг доимий мониторинги олиб борилади. Сув, иссиқлик, газ, ва электр энергияси исътемом қилинаётган бюджет ташкилотларида ўлчов асбобларининг тўлиқ ўрнатилиши ва ишлаши назорат қилинади.

Ҳозирги вақтда бюджет муассасаларида ортиқча маблағ сарфланишини бартараф этиш мақсадида газ, совуқ сув, иссиқ сув, электр энергия тармоқлари бўйича мутахассислар шартнома тўғри тузилиши ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини назорат

рат қилиб, маблағларни иқтисод қилиши мумкин. Коммунал хизматлар бўйича шартномалар тузилиш даврида шартномаларни сифатли ва асосли тузишни таъминлаш мақсадида малакали ходимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини бюджет маблағларини тақсимловчиларига ва бюджет маблағи олувчиларига Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий, вазифа жиҳатидан, ташкилий таснифлари кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда, етказишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда дастурларни молиявий таъминлаш ва давлат маблағларидан фойдаланилиш устидан назорат ўрнатиш ишида ғазначиликсиз муфакқиятга эришиб бўлмайди. Ғазначиликни жорий этиш давлат маблағларини бошқариш тизимининг самадорлиги ошишига кўмаклашади. Ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларни энг юқори даражадаги «тиниклиги»га эришилади.

Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади. Ўзбекистонда яратилаётган марказлаштирилган Ғазначилик тизими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида нақд пулларни марказлаштиришни, шунингдек, бюджет ижросининг назоратини ва ҳисоб-китобини кўзда тутуди.

Ривожланган мамлакатлардаги амалда ишлаётган ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами концепциялардан ва кассадаги нақд пул оқимларини ва пулли операцияларни бошқариб, амалга оширилади. Бунда фаол ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами фаолият кўрсатади ва марказлаштирилган бухгалтерия назорати амалга оширилади. Барча бюджет маблағлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади, тўловни амалга ошириш учун сўровнома ва уни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ғазначиликка йўналтирилади, ғазначилик дастлабки назоратни амалга оширади, тўловларни режалаштиради ва амалга оширади.

Республикамизда Ғазначилик тизими фаолияти бошланиши билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-текширув Бош бошқармаси назорат ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида хўжалик субъектлари билан ўзаро алоқадорликнинг ҳамда ревизия ва текширувларни ўтказишнинг янги тартиби ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Давлат бюджетининг ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилганда жорий ва якуний назорат Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Ғазначилик органига юклатилади. Кунлик жорий назорат ғазначилик зиммасига ўтгач, молия органлари ва бюджет муассасаларининг пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни сақланиши, улардан тўғри, самарали фойдаланиш, иш ҳақларини тўғри ҳисобланиши ва тўланиши каби масалаларни назорат қилишнинг янги йўллари топилади.

Давлат бюджети маблағларини мақсадли ишлатилишининг якуний назорати Ғазначиликнинг минтақавий органлари томонидан Молия вазирлиги иқтисодий ва назорат ишларининг асосий масалалари режасига мувофиқ, бошқа ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Чет мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, Ғазначилик бошқармаси ҳар йили назорат-текширув бошқармасига ҳудудларда жойлашган хўжалик субъектлари, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган ташкилотлар фаолияти тўғрисида, шунингдек, ўтган йил мобайнида Давлат бюджетидан маблағ олган ташкилотлар тўғрисида бошланаётган йилнинг 01.01. ҳолатига ахборотлар тақдим қилади.

Назорат-текширув бошқармаси текшириш натижаларига кўра материалларни Ғазначилик бошқармасига Давлат бюджети даромадларини тўлдириш учун, жарима санкциялари қўллаш учун мақсадли ишлатилмаган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни йўналтиради. Ғазначилик органлари тақдим қилинган материалларни кўриб чиқиб, жарима санкциялари қўлланилгандан кейин бюджетдан маблағ олувчиларга жорий йилнинг молиялаштириш режаси шу миқдорда камайтирилганлиги тўғрисида маълумот юборади. Ғазначилик органлари текширув натижаларини тўлиқ амалга ошириш ва масъул раҳбар ходимларни, шунингдек, қонунни бузган шахсларни жазолаш мақсадида бюджет маблағларини ноқонуний ишлатиш ҳолатлари бўйича суд, прокуратура органларига ахборот беради.

Шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш механизмини соддалаштириш бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритишда кучли молиявий назоратини таъминлашни тақозо этади.

Келгусида давлат бюджети харажатларини бошқаришда маблағларни мақсадли тақсимлаш, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш, давлат молия-бюджет, штат-смета интизомига риоя қилиш

кучайтирилиши керак. Белгиланган ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ғазначилик тизимидаги молиявий назорат орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

7.3. Ғазначиликда бюджет тиниқлигига эришиш

Давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ғазначилик шароитида бюджетнинг кас-сали ижроси деганда бюджетнинг даромадлари мазкур бюджетни ижро этувчи тегишли кассада жамғарилиши тушунилади.

Шунингдек, ушбу бюджетдан маблағ билан таъминланувчи барча ташкилотларга пул маблағлари ушбу касса орқали берилади. Бунда консолидациялашган бюджетни ижро қилиш мақсадида ва давлат молияси билан қилинадиган барча жараёнларни ўз вақтида ва аниқ ҳисобини қилиш учун ғазначиликнинг ҳисоб-китоб счётлари Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тасниф тизимига мос келиши керак бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини ижро этиш юридик ва жисмоний шахслардан солиқ ва солиқсиз тўловлар ундириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар тегишли тўловларни қонунда белгиланган муддатлар ва тартибларда мустақил равишда ҳисоблайдилар ва бюджетга тўлайдилар.

Бюджетнинг даромадлар қисмининг ижросида солиқ органларининг функцияси тартибга солувчи солиқларни тақсимлашдан, нотўғри тўланган суммаларни қайтаришдан ва бюджет даромадлари тушумини ҳисобини олиб боришдан иборат бўлади.

Бюджетнинг тушумлар бўйича ижросини ташкил этиб, ғазначилик органлари тушумлар тушишини қисқа муддатли прогнози ва бюджетнинг даромадлар қисми ижросини таҳлилини амалга оширади.

Республикамизда ғазначилик тизимини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Дастлабки босқичда ғазна тизимида барча бюджет ташкилотлари ва бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш тўла марказлаштирилади. Тижорат банклари орқали иш олиб борадиган бошқа бюджет ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар учун бюджет ижросининг мавжуд тизими маълум даражада ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

Айни пайтда амалга ошириладиган операциялар салмоғига қараб лицензиялар сотиб олиш ва уларни бошқариш харажатларини камайтириш мақсадида компьютерлаштириш ва дастурий маҳсулотларни турли даражадагилари қўлланилади. Аралаш тизимни

дастлабки босқичларда қўлланилиши мавжуд тизим ва ходимлардан унумли фойдаланиш, бу эса ислохот харажатларини камайтириш ва айти пайтда унинг олдиға қўйилган асосий вазифаларни амалға ошириш имконини беради.

Ғазначилик – давлат бюджетининг ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда махсус идора давлат солиқларини йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назорат амалға оширилади, шунингдек, давлат ташқи ва ички қарзларини бошқаради ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

«Ғазначилик органларининг мақсади – бюджет соҳаларини узлуксиз молиялаштириб бориш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ажратилган ресурсларни бюджет тизими тўғрисидаги қонун талабларидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларига етказиш ва уларнинг топшириғига асосан касса операцияларини юргизишдан иборатдир»⁶⁶.

Ғазначиликда Давлат бюджети ижроси устидан ички (жорий) назорат ва ички аудит амалға оширилади.

Ички (жорий) назорат (ИН) ва уни субъекти:

1. ИН ғазначилик бўлимларининг тегишли ходимлари томонидан юридик мажбуриятларни рўйхатға олишда амалға оширилади;

2. ИН объекти:

ИН объектлари бу бизнес-жараёнларда фойдаланиладиган бошланғич ҳужжатлар (кирувчи ва чиқувчи) бўлиб, улар қуйидаги мақсадларда текширилади:

а) ҳужжатлар тўлдирилишининг белгиланган тартибларға мувофиқлиги;

б) бюджет таснифи кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилганлиги;

в) белгиланган режали ажратмаларға (лимитлар) мувофиқлиги;

г) назоратнинг бошқа кўрсаткичлари.

Ички назоратнинг мақсадлари:

1. Бюджетнинг тасдиқланган параметрлар (лимитлар) доирасида ижро этилиши;

2. Бюджет ташкилотлари томонидан амалға оширилиши мумкин бўлган суистеъмоллик ҳолатлари олдини олиш.

Ғазначиликда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит (ИА) нинг субъектлари ғазначилик департаментининг Ички аудит бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар

⁶⁶ Малышева В.И. Казначейство: цели, задачи и функции. // Финансы. 2001. №12. стр. 24-26.

Ғазначилик бошқармаларининг бўлим (сектор) ходимлари томонидан амалга оширилади. ИАнинг объектлари бу Давлат бюджети ижроси мобайнида ғазначилик томонидан бюджет ижроси жараёни билан боғлиқ операциялар ҳисобланади.

Ички аудитнинг мақсади:

1. ДМБАТда рўй берадиган жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш ва бюджет ижросида турли суиистеъмолликни олдини олиш ва бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш.

2. Давлат бюджетини ижро қилиниши жараёнида қўлланиладиган ҳужжатларнинг айланиш жараёнини мукамаллаштириш ва мужассамлаштириш.


3. ДМБАТнинг барча тизимлари фаолиятларининг самарадорлигини ошириш.

Ғазначилик тизимида кассали назорат бюджет мажбуриятларини назоратигача ишлаб чиқилади, давлат маблағларини ишлатилишининг самарадорлигини оширишда кассали назорат ва давлатнинг молиявий ресурсларини марказлаштиришни умумлаштиришнинг афзаллик томонлари мавжуд.

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлардан харажатларни молиялаштириш пайтида ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширишда барча бюджет ташкилотлари ва муассасалар қамраб олиниши кўзда тутилмоқда. Ҳар куни банк ғазначилик органига маълумот тақдим этади, ўз навбатида ғазначилик органи ҳар бир ҳисоб бўйича бюджет олувчига маълумот беради, тўлов харажатларининг нусхаларини расмийлаштиради, бу ҳужжат харажат этилганлиги тўғрисида далолат беради.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини самарали бошқариш имкониятини яратиб, улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

Ғазначиликда бюджет тўловларини амалга ошириш



Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини самарали бошқариш имкониятини яратиб, улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

“Бюджет мажбуриятларини назорат қилишнинг “тушиб қолиши”, молиявий режалаштириш, бундан ҳам муҳимроқ, реал бюджетни тайёрлаш учун жуда кўп мамлакатларда кассали меъёрлаштириш йўли билан ҳаттоки, бюджетни секвектрлаш-тасдиқлаган бюджет харажатларини қисқартиришдан фойдаланган ҳолда, бюджет ижросини ғазначилик тизимида амалга оширишга ўтилди. Ўтмишга назар ташласак, умумий ғазна муаммоларини ва бошқа бюджет харажатларини бошқаришга оид муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, самарали ғазначилик тизимини жорий қилиш қийин эканлиги аниқ бўлади. Ҳеч бир ғазначилик тизими 90- йиллардаги собиқ Совет Иттифоқи кўпгина мамлакатлари учун характерли бўлган нореал бюджет ва эски бошқариш услублари уйғунлигидаги муаммолар билан келиша олмайди.”⁶⁷

Кунлик жорий назорат ғазначилик зиммасига ўтгач, молия органлари ва бюджет муассасаларининг пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни сақланиши, улардан тўғри, самарали фойдаланиш, иш ҳақларини тўғри ҳисобланиши ва тўланиши каби масалаларни назорат қилишнинг янги йўллари топилади.

Бюджет ижросининг ғазначилик тизимида, «Бюджет ташкилотларининг банк муассасаларидаги маблағлари» бухгалтерия ҳисоби «Бюджет маблағлари олувчиларининг шахсий ғазначилик ҳисобварақлари» билан алмаштирилади:

Ғазначилик органларининг ягона ҳисобварағида бюджет муассасаларининг маблағлари

- бюджет маблағлари бўйича ғазначилик органларидаги ғазначилик шахсий ҳисобварақлари;
- бюджетдан ташқари ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятдан келиб тушадиган маблағлар бўйича ғазначилик органларидаги ғазначилик шахсий ҳисобварақлари;
- депозитлар ва бошқалар.

⁶⁷ Барри Поттер ва Джек Даймонд. Создание системы казначейства. стр3.

Бундан ташқари, бюджет ижроси бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан амалга оширилиши сабабли, бюджет муассасалари томонидан олинган юридик мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган харажатларни ҳисоб-китобини юритиш учун қуйидаги тартиб назарда тутилади.

Мажбуриятлар ва амалга ошириладиган харажатларни ҳисоб-китобини юритиш бўйича ҳисобварақлар:

- ✓ Бош тақсимловчиларда
- ✓ Бюджетдан маблағ олувчиларда
- ✓ Тегишли бюджетни кассали ижросини амалга оширувчи органларда

Бюджет маблағларини бош тақсимловчиси томонидан ажратилган бюджет ҳамда тасдиқланган ва бюджетдан маблағ олувчиларга етказилган бюджет маблағлари миқдорлари ҳисоб-китоби юритилади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ажратилган бюджет миқдори ҳамда олинган мажбуриятлар ҳисоб-китоби юритилади. Бундай тартиб, бухгалтерия ҳисоблари даражасида назоратни таъминлаб беради ва Ғазначилик Бош китоби тартибида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоби юритилади:

- ◆ фойдаланилмаган бюджет ажратмалари;
- ◆ бюджетдан маблағ олувчилар томонидан олинган умумий мажбуриятлар;
- ◆ фойдаланилмаган маблағ миқдори.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ғазначилик органи фаолиятининг узлуксиз қисми-бу назоратдир деб айтиш мумкин. Ғазначилик органлари бюджет олувчилар томонидан давлат бюджетининг маблағларини мақсадли ишлатилиши устидан доимий назорат олиб боради. Бунда бюджет ижросида ғазначилик тизимининг махсуслиги кўринади.

Банклар томонидан миқдорнинг молия ҳисоби хужжатлари, ҳисоб рақамида қолган маблағ миқёсида операцияларни бажаради ва тўлов манзилени назорат этилмайди. Ғазначилик органи эса қолган маблағ миқёсида иқтисодий тасниф моддалари бўйича тўлов мўлжалланганлиги устидан назорат олиб боради.

Давлат бюджети даромад ва харажатлар режасини ижро этувчи барча банклар, бюджет маблағларини ҳисобдан чиқариш, кўчириш ва ҳисобга олиш муддатларига амал қилишлари лозим. Банк томонидан қонунбузарлик содир этилса, ғазначилик томонидан жарималар белгиланади, ҳатто, Марказий банкка мазкур банкни лицензиядан маҳрум этиш тўғрисида таклиф киритилади. Бундан ташқари, ғазначилик барча бюджет олувчилар томонидан олинган маблағнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат олиб боради, ғазначилик органлари томонидан шу мақсадда барча ҳисобхоналар, молиявий ва бошқа ҳужжатлар маблағнинг мақсадли ва қонун асосида ишлатилиши текширилади. Ноқонуний ишлатилганлиги аниқланса, бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади ва мақсадсиз ишлатилган маблағ жорий йил бюджетини қисқартириш йўли билан олиб қўйилади.

Марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ишлатилишини назорат қилиш, маҳаллий бюджетларни бажарилишида инвестиция ва капитал қўйилмаларга йўналтирилган харажатлар устидан назорат қилиш тартибини мукамаллаштириш лозим.

Ғазначилик тизимининг фаолияти давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харжатларини мунтазам бошқариш имкониятинигина яратиб қолмай, улар устидан самарали назорат ташкил қилиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини жорий қилиш масаласи яқин беш йилликларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Ғазначилик тизимини жорий қилиш эвазига республикада давлат молиясини бошқариш самарасини юқорига кўтариш йўлида жиддий илгари силжиш юз бериши муқаррар. Қолаверса, шу орқали мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича халқаро молиявий институтларнинг тавсиялари ўзининг реал кўринишига эга бўлади.

Республикада ғазначилик тизимини жорий қилиниши бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, ўрта муддатли фискал истиқболлаш ва бюджет сиёсатининг олиб боришни жорий қилиш, бюджет ижроси сифатини, солиқлар йиғиш фаолиятини такомиллаштириш ва харажатларни Ягона Ғазначилик тизими ҳисоб рақами принципи асосида амалга ошириш, қисқа муддатли молиявий режалаштириш, яъни “тўловлар режаси”ни жорий қилиш, ягона ахборотлар тизими жорий қилиш эвазига бюджет ижросини ҳисобга

олиш ва ҳисобот тайёрлашни яхшилаш, давлат қарзини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва режалаштиришни такомиллаштириш имконини беради. Харажатларни ўз вақтида қопланишига эришиш ва Молия вазирлигинининг қарз олишини камайтириш мақсадида қисқа муддатли молиявий режалаштиришни жорий қилиш кўзда тутилади.

Бугунги кунга келиб, МДҲ Республикаларининг барчасида ушбу тизим жорий қилинди ва айни пайтда улар мавжуд тизимни такомиллаштириш ишлари билан банд.

Айрим давлатларда ғазначилик органлари молия вазирликлари қошида ташкил топган, мазкур молия ташкилоти муайян ҳуқуқларга эга ва ўз фаолиятини амалга оширишда молия вазирлигига бўйсунди. Бошқа давлатларда ғазначилик органлари давлат молиясини бошқаришда асосий вазифани бажаради, бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширадиган департаментлар ва бошқармаларни ўз ичига олади. АҚШда бюджет тузиш ва уни ижро қилишда Молия вазирлиги ёки Ғазначилик департаменти кўпгина ваколатларга ва кенг маъмурий ҳуқуқларга эга. Германияда эса иқтисодий шароитлар талаб қилган ҳолатларда Молия вазирлиги ҳаттоки, харажатларни камайтириш ҳуқуқига ҳам эгадир. Жаҳон Банки экспертларининг фикрича, МХД ичида Латвия ва Қозоғистон бугунги кунда бу соҳада ижобий натижаларга эришмоқда (9-жадвалга қаранг).

Маблағлар ҳаракати ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан жорий ва кейинги назоратни, молияга оид қонунларни, меъёрий ҳужжатларни, йўриқномаларни билмасдан туриб, мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис кадрлар масалаларини ҳал этиш учун жойлардаги ғазначилик бўлимларида, молия органларида ёки бошқа иқтисодий хизматларда иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Ғазначилик тизими ҳолатини баҳолаш

Давлатлар	Ҳуқуқий ва меъёрий базанинг яратилиши	Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг мавжудлиги	Ғазначилик тўғрисидаги қонуннинг мавжудлиги	Қонунчилик ва ижро органлари функцияларининг ажратилиши
Украина	қисман мавжуд	етарли даражада	эга эмас	етарли даражада
Туркменистон	етарли даражада	юқори даражада	етарли даражада	етарли даражада
Тожикистон	эга эмас	қисман мавжуд	қисман мавжуд	қисман мавжуд
Россия	етарли даражада	етарли даражада	етарли даражада	етарли даражада
Молдавия	қисман мавжуд	етарли даражада	эга эмас	етарли даражада
Литва	етарли даражада	етарли даражада	етарли даражада	юқори даражада
Латвия	юқори даражада	юқори даражада	юқори даражада	юқори даражада
Қирғизистон	етарли даражада	қисман мавжуд	эга эмас	етарли даражада
Қозоғистон	етарли даражада	юқори даражада	юқори даражада	етарли даражада
Грузия	етарли даражада	юқори даражада	қисман мавжуд	етарли даражада
Озарбайжон	етарли даражада	қисман мавжуд	эга эмас	етарли даражада
Арманистон	қисман мавжуд	етарли даражада	етарли даражада	етарли даражада

Манба. Джонатан Данн и Дебора Ветцель. Доклад «Бюджетная децентрализация в бывших социалистических странах: результаты и перспективы. 2003.

Маблағлар ҳаракати ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан жорий ва кейинги назоратни, молияга оид қонунларни, меъёрий ҳужжатларни, йўриқномаларни билмасдан туриб, мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис кадрлар масалаларини ҳал этиш учун жойлардаги ғазначилик бўлимларида, молия органларида ёки бошқа иқтисодий хизматларда иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджет штатлари сонини кўпайишига олиб келмаслиги кутилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ғазначилик тизими жорий қилиниши муносабати билан бюджет ташкилотларидаги ҳисобхона ходимлари сони камаяди ва улар ғазначилик тизимига ўтадилар. Қолаверса, банк сектори функцияларининг камайиши эвазига тижорат банкларидаги ходимлар сони оптималлаштирилади. Молия органлари, бюджет ташкилотлари ва тижорат банкларида ғазначилик тизимининг жорий қилиниши муносабати билан ходимлар умумий сонининг қисқариши 10-жадвалда акс эттирилган.

10-жадвал

Давлат молиясини бошқариш тизими мутахассислари сони⁶⁸

	Амалдаги	Таклиф қилинган	Ўзгариши (+,-)
1. Молия вазирлиги ва Марказий ғазна:	280	320	40
Молия вазирлиги	280	250	-30
- Марказий ғазна	-	-	70
2. Вилоят молия бошқармалари ва ғазначилик органлари	777	755	-22
- вилоят молия бошқармалари	777	587	-190
- вилоят ғазначилик органлари	-	168	168
Туман, шаҳар молия ва ғазначилик бўлимлари	2522	3392	870
- туман, шаҳар молия бўлимлари	2522	1780	-742
- туман, шаҳар ғазна бўлимлари	-	1612	1612
3. НТБ – жами	837	683	-154
ЖАМИ:	4416	5150	734
Бюджет ташкилотлари ходимларининг камайиши	x	X	1000-1050
Банклар тегишли ходимларининг камайиши	700-900		

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, республикада ғазначилик тизимининг жорий қилиниши эвазига Молия вазирлиги ва унинг бўғинларида ишлаётган ходимларнинг сони 734 тага ортади. Айти пайтда бюджет ташкилотларининг ҳисобхоналарида банд бўлган ходимлар сони 1000-1050 тага ва тижорат банкларида бюджет операцияларига хизмат кўрсатаётган ходимлар сони 700-900 тага камаяди

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Ғазначилик органлари ходимлари савиясини ошириш мақсадида 2005 йилнинг апрел ойида молия ва Ғазначилик органлари ходимлари ўқув-семинари ўтказилди. Ҳозирги пайтда Ғазначилик органлари ходимларини қайта тайёрлаш Республика банк-ўқув Марказида бир ҳафталик ўқув дастури асосида амалга оширилди. Республикада ғазначилик тизими, молия органлари ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот-молия ходимларини қайта тайёрлашни ташкил этиш учун Ўқув маркази ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, республикада бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросининг бажарилишини қатъий таъминлашда, бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаштиришда ва бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш лозим.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджет тиниқлиги, тасдиқланган бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичлари, бюджет харажатларини кассали ижро этиш, дастлабки назорат, жорий назорат, якуний назорат.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Бюджет маблағларидан фойдаланиш йўллари айтинг.
2. Ғазначиликнинг махсус назорат функциясини тушунтиринг.
3. Бюджет мажбуриятларини ҳисобини юритиш қандай амалга оширилади?
4. Бюджет амалиётида маблағларни сарфлаш жараёни босқичларини изоҳланг.
5. Ғазначилик фаолиятида бюджет «тиниқлиги» деганда нима ни тушунаси?

VIII боб. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ

8.1. Давлат қарзларини бошқариш

Республика ҳукумати бошланган иқтисодий ислохотларни давом эттириб, давлат бюджети тақчиллиги ҳажмини ва инфляция суръатларини пасайтириш, саноат ишлаб чиқаришни ва экспорт ҳажмини, аҳолини реал даромадларини ошириш сиёсатини юритмоқда.

Давлат ўз харажатларини солиқлар ва солиқсиз даромадлар ёрдамида молиялаштиради, аммо бюджетда тақчиллик мавжуд бўлганда, ҳукумат қарзлар олишга ҳам мажбур бўлади. Кўпчилик ҳолатларда, керакли маблағлар билвосита йўллар билан, яъни инфляцион солиқлар ёрдамида йиғилади. Инфляцион солиқлар деганда ҳукуматнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиши учун зарур маблағларни тўплаш, бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун пул таклифини ошириш йўли билан аҳолининг пул маблағларини билвосита олиши тушунилади. Бу усул ҳақиқатда давлат томонидан аҳолини солиққа тортиш бўлиб, бунда аҳолининг ҳақиқий даромадлари қисқаради. Давлатнинг бу усули орқали оладиган даромадларининг ҳам маълум чегараси бўлиб, хаддан ортиқ пул таклифи гиперинфляцияга олиб келади. Бундай шароитда товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда пул белгиларига бўлган ишончнинг йўқолиши натижасида иқтисодиёт таназзулга юз тутади.

Иқтисодий адабиётларда тақчилликни молиялаштириш учта йирик гуруҳга бўлиб, акс эттирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг эмиссияли ва қарзли молиялаштириш усули билан бирга, яна бир ноинфляцион усул давлат активларини сотиш орқали тақчилликнинг маълум қисми молиялаштирилади. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ҳар қайси ҳолатини иқтисодиётга таъсири бир хил бўлмайди, шунинг учун манбаларни таҳлил қилиш ва ҳар бир манбани алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади.

Давлат томонидан олинаётган қарзлар бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан жалб қилишдаги давлат фаолиятидир. Давлат олаётган қарзлари – давлат номидан қарз олишни амалга ошириш ваколатини олган давлат органларининг қарз мажбуриятлари ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, улар давлатнинг қарздорлик қимматли қоғозлари бўлади ва бозорда эркин айланиши мумкин бўлади. Давлат қарздорликлари иккита вазифани

бажаради: давлат ғазнасига пул маблағларини жалб этиш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш.

Америкалик иқтисодчи олим Линвуд Гайгернинг фикрича, «қарз ҳисобига тақчилликни молиялаштириш иқтисодиётга қуйидагича таъсир кўрсатади: пул массасини қисқартиради ва фоиз ставкаси даражасини кўтаради, шунга боғлиқ ҳолда бир томондан хусусий инвестициялар даражасини пасайишини келтириб чиқаради(сиқиб чиқариш омили), ташқи савдо балансини ёмонлаштиради, бошқа томондан инфляция босимини пасайтиради, миллий валюта курсини кўтаради, сақлаб қўйилган маблағларни ишлатади»⁶⁹.

Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ички ва ташқи қарзлардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси амалиётида ички манбалар – Марказий банк кредитлари, давлат қоғозларини жойлаштиришдан олинадиган маблағлар ва бошқа манбалар бўлиши мумкин. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришда қарзли молиялаштириш ноинфляцион манба ҳисобланади.

Давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Давлатнинг қимматли қоғозларини муомалага чиқаришнинг асосий шарт-шароитлари», «Давлатнинг қимматли қоғозларини муомалада бўлиши ва хизмат кўрсатиши тўғрисида»ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки монетар тартибга солиш мақсадида ўзининг ДҚМО портфелига эга ва уни бошқаради. Депозитарий ҳисоб-китоб ва савдо тизими функцияларини Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси бажаради. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси замонавий ахборот ҳисоблаш техникаси ва дастурлар таъминоти билан таъминланади. Бу тадбирлар давлатнинг қимматли қоғозларини чиқаришлари бўйича бир вақтда савдони амалга ошириш, депо ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китоб ва пул ўтказишларни бир кунда амалга ошириш имконини беради. Узоқда жойлашган савдо шохобчаларини электрон тизимини барпо қилиш бўйича иш олиб борилмоқда, бу дилерлар ишини янада самарали ва қулай бўлишини назарда тутди.

Давлат бюджети тақчиллигини ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириш жорий харажатлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун зарур бўладиган чет эл валютасини бюджетга келиб тушиши-

⁶⁹ Л.Гайгер. Макроэкономическая теория и переходная экономика. -М.: Инфра-М. стр. 218.

ни таъминлайди. Ташқи қарзлар таркибининг яхшиланиб бориши, Ўзбекистоннинг махсус халқаро кредит ташкилотлари олдидаги кредит рейтингини оширади. Ташқи қарзлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- Ø халқаро молия ташкилотларининг кредитлари;
- Ø чет мамлакатлар ҳукуматларининг кредитлари;
- Ø чет эл тижорат банклари ва фирмаларининг кредитлари;
- Ø бюджетнинг чет эл валютасидаги ҳисобрақамларининг банклардаги қолдиғининг ўзгариши;
- Ø бошқа ташқи молиялаштириш.

Дунё амалиётида давлат томонидан пул ресурсларини қарз олишни амалга оширишнинг бир нечта мақсадлари бўлади. Кўпинча давлат харажатларини молиялаштиришни солиқлар ва солиқсиз тушумлардан вақтинчалик ундирилмаган миқдорини қоплаш мақсадида ҳамда мажбуриятларни кўпайтириш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида қарз олинади. Давлат томонидан давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида олинган қарзлар инвестиция ва тақчиллик харажатларига бўлинади.

Ташқи қарзлар орқали молиялаштириш мамлакат учун зарур маблағларни ташқи манбалардан жалб қилишни назарда тутади ва бу капитал етишмовчилиги каби муаммони ҳал қилиш имконини беради. Шунинг билан бирга, ташқи қарзлар эвазига ишлаб чиқариш қувватларини замонавий жиҳозлар билан таъминлайди, халқаро ташкилотлардан паст фоизлар эвазига олинган қарзлар ички иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани яхшилайдди, ижтимоий тангликни юмшатишга таъсир этади.

Ташқи қарзлар орқали бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ижобий томонлари билан биргаликда, миллий иқтисодиётга жиддий салбий таъсирини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Биринчидан, ташқи қарзлар бўйича фоиз тўловларининг ортиши билан бюджетда бу қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича янги харажатларни келтириб чиқаради. Бу турдаги харажатларнинг ортиши бюджет тақчиллигини ортишига олиб келувчи жиддий омилга айланиши билан, ташқи қарзлар ва тақчиллик бир-бирини келтириб чиқарувчи ўзаро боғлиқ муаммо сифатида ёндашишни талб этади. Иккинчидан, мамлакат миллий бойлигининг маълум қисмини чет эллик фуқаро ва фирмалар қўлига ўтиб кетишига олиб келади. Ниҳоят, кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини пасайтириб, иқтисодий ўсишни чеклайди.

Мамлакат харажатларини қарзлар эвазига молиялаштириш масаласини ўрганишда, бу қарзли маблағларни қайси йўналишларга сарфланаётганлигини жиддий таҳлил қилиш лозим. Чунки олинаётган қарзларнинг инсон капитали ва ишлаб чиқаришга инвестициялаш ижобий натижалар беради, аммо олинган қарзларнинг самарасиз соҳаларга жалб қилиниши иқтисодий таназзулга ва чет мамлакатларга қарамликка олиб келади. Ўзбекистон Республикасида ташқи қарзлардан фойдаланишда, асосан, бу қарзларни инвестиция йўналишларида сарфланаётганлиги диққатга сазовордир, аммо кейинги йилларда бу қарзлар бўйича хизмат кўрсатишга сезиларли маблағларнинг йўналтирилганлигига жиддий масала сифатида ёндашиш зарур.

“Давлат қарзи – бу маълум вақтга фоизлар ҳисобланадиган ва белгиланган муддатда қопланадиган давлат заёмларининг умумий суммасидир. Давлатнинг ички қарзи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар олдидаги мамлакат миллий валютасида ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарз мажбуриятларидир. Давлат кредити, давлат заёмлари, ҳукумат ваколат берадиган ва унинг номидан чиқарилган қимматли қоғозлар қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Давлатнинг ташқи қарзи қопланмаган ва унга фоизлар тўланмаган қарзлардир.”⁷⁰

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига асосан давлат бюджетининг тақчиллигини ёки унинг бир қисмини маҳаллий ёки халқаро молия бозорларидан олган қарз мажбуриятлари ҳисобига ёки давлатнинг молиявий инструменти – эмиссия ҳисобига молиялаштириш ҳуқуқи мавжуд.

Бугунги кунда Давлатнинг ички қарзи қуйидаги шаклларда кўринади:

- ✓ ҳукумат томонидан олинадиган кредитлар;
- ✓ мамлакат номидан чиқариладиган қимматли қоғозлар;
- ✓ ҳукумат томонидан кафолатланган бошқа қарз мажбуриятлари.

Давлатнинг ички қарзлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Марказий банк ўртасидаги, Ўзбекистон ҳукумати билан маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги мулкӣ-пул муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8 Ковалева А. М. Финанси. Учебное пособие. Москва. Финанси и статистика. 1996. 32 с.

Ўзбекистон Республикаси «Марказий банк тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Марказий банк ўртасида давлат қарзлари юзасидан вужудга келадиган ўзаро алоқаларнинг асослари кўрсатиб берилган.

Бу муносабатларда ҳар доим икки тараф – давлат ва қарз берувчилар иштирок этадилар. Давлат бу муносабатларда бевосита ёки ўзининг ваколатли идоралари орқали қатнашади. Қарз берувчи сифатида юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кабилар қатнашиши мумкин.

Кредит муносабатларида давлат қарз олувчи бўлиб қатнашади, аммо кредит шартлари, муддати, фоизлари, қайтарилиши, ўзгартирилиши тартибларини унинг ўзи белгилайди ҳамда қарз берувчилар бу шартларни бажаришлари лозим бўлади.

Марказий банк ҳукуматга қарз бериш учун ўз молиявий маблағларидан, тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларининг жалб этилган маблағларидан ҳамда белгиланган мезонлар бўйича Марказий банк депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлардан, махсус келишувга кўра Халқ банкига жалб этилган аҳоли жамғармаларидан фойдаланиши мумкин. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш қийин бўлган, давлат даромадлари ва харажатлари ўртасида катта фарқ бўлган шароитда давлат қарз мажбуриятлари билан аҳолининг ҳамда юридик шахсларнинг омонатларидан самарали равишда фойдалана билиш ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сон «Ўзбекистон Республикаси 2008 йилги Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз қилиб белгиланди. Қарорда кўрсатилишича, Давлат бюджетининг тақчиллигини республика бюджетини эркин қолдиқлари ва ноинфляцион манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бюджет тақчиллигини ўрнини қоплаш мақсадида кредит олиниши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк тўғрисидаги Қонуннинг 48-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унда айтилишича, кредитлар ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тас-

диқланган давлат қимматли қоғозлари гаровга қўйилиш шарти билан берилади.

Давлат қарзларининг иккинчи шакли бу давлат заёмларидир. Давлат заёмлари деганда давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштириш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат заёмларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра қуйидагилар қимматбаҳо қоғозлар ҳисобланади: акциялар, облигациялар, ғазна мажбуриятлари, векселлар ва депозит сертификатлари. Давлат қимматли қоғозлари сотилишидан тушган маблағлардан белгиланган давлат эҳтиёжлари йўлида фойдаланилади. Қимматли қоғозлар эгаси ёзиб қўйилган ёки тақдим этувчига деб кўрсатилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги эса давлат ички заёмларини, уларни жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, давлат ички заёмларини белгиланган тартибда муомалага чиқариш, уларнинг ҳажми ва қопланиш тартибларини аниқлаш ишларини амалга оширади.

Давлат қарзларининг учинчи шакли ҳукумат томонидан кафолатланган қарз мажбуриятларидир. Ушбу қарз мажбуриятлари ҳар қандай кўринишдаги қимматли қоғозлар тарзида муомалага чиқарилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида давлат қарзи-давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси деб таъриф берилади.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси давлатнинг ички қарзлари дейилади. Давлат томонидан хориждан маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси давлатнинг ташқи қарзлари дейилади.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш- активларни ички манбалардан резидент-юридик ва жисмоний шахслардан жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитла-

рини-қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келишидир. Давлат томонидан хориждан маблағни жалб қилиш-активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини-қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг Давлат томонидан маблағ жалб қилиш деб номланган 40-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси келгуси молия йили учун давлат бюджетини қабул қилинаётганда давлат ички ва ташқи қарзининг энг юқори миқдорини тасдиқлайди. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, жумладан, давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш.

2. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан ички тафовутни тўғрилаш;

3. Мажбур қарзни қайта молиялаштириш.

4. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш.

5. Табиий офат ёки бошқа ғавқулда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

қисқа муддатли-бир йилгача даврга, ўрта муддатли бир йилдан беш йилгача даврга ва узоқ муддатли-беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган давлат қимматли қоғозлари;

қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар;

Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари;

бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сон «Давлат бюджетининг иқтисодий таснифини тасдиқлаш ва 2000 йил бюджет бланкасининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги буйруғига асосан бюджет муассасаларининг харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш, уларни бюджетдан молиялаштириш ва харажатларнинг ҳисоб-китобини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузиш ва харажатлар устидан назорат қилиш амалга оширилади.

11-жадвал

Давлат қарзлари таснифи

Харажат турлари	Харажатларни аналитик ҳисоби
Давлат томонидан кафолатланган қарзларни қоплаш учун тўловлар	08 1 40
Бошқа ички кредитлар	08 1 90
Ташқи кредитлар ва хорижий капиталда иштирок этиш	08 3 00
Хорижий давлатлар бошқарув органлари ва халқаро ташкилотлар капитални кредитлаш, унда иштирок этиш	08 3 10
Бошқалар	083 90
Қарзларни тўлаш	090 00
Ички асосий қарзни тўлаш	091 00
Ғазна векселлари бўйича қарзларни тўлаш	091 10
Узоқ муддатли қимматли қоғозларни тўлаш	091 20
Банк кредитларини тўлаш	091 30
Бошқа кредитларни тўлаш	091 90
Ташқи асосий қарзни тўлаш	092 00
Халқаро ташкилотлар кредитларини тўлаш	092 10
Чет эл бошқарув органлари кредитларини тўлаш	092 20
Тижорат банклари кредитларини тўлаш	092 30
Мол етказиб берувчилар кредитларини тўлаш	092 40
Ташқи товар кредитларини тўлаш	092 50
Бошқа ташқи қарз тўловлари	092 90

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сон «Давлат бюджетининг иқтисодий таснифини тасдиқлаш ва 2000 йил бюджет бланкасининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат томонидан амалга оширилаётган барча маблағ жалб қилишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ахборот тақдим қилади. Давлат томонидан маблағ жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган давлат қарзига хизмат кўрсатувчи ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширувчи агент вазифасини бажаришлари юзасидан банклар, молия ташкилотлари билан шартномалар тузиши мумкин.

Резидент-юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан берилади. Жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари берилмайди. Кафолатлар бериш тартиби, шунингдек, кафолатлар берилганлиги учун уни олувчидан ҳақ олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида Кафолат жамғармаси тузилади. Кафолат жамғармаси ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8.2. Давлат қарзларини бошқаришда ғазначилик фаолияти

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти механизми талаблари асосида ривожланаётган барча мамлакатларда ғазначиликнинг у ёки бу моделлари қўлланилмоқда. Ғазначилик тизимларининг турли давлатларда ранг-баранглигига қарамасдан, мазкур молиявий институтга умумлаштирилган таъриф бериш мумкин. Ғазначилик тизимидаги бюджет тузилмасида давлат ресурслари ва харажатлари ғазначилик ҳисобрақамларида жамланади. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, ғазначиликда алоҳида манбалардан тушган пул маблағлари махсус йўналишга эга бўлади ҳамда муайян ёки аввалдан белгиланган харажатларни қоплаш учун йўналтирилади, ягона умумий ва бўлинмас жамғарма ташкил қилинади ва ундан барча давлат харажатлари учун маблағлар олинади.

Айни пайтда давлат даромадлари ва харажатларининг ягоналиги барча маблағларнинг битта кассага тушиши ва ундан барча тўловлар амалга оширилишидир. Амалда давлатга тушаётган барча пул маблағлари ягона, умумий ҳисобрақамга кирим қилинади ва давлат ундан амалга ошираётган барча тўловлари учун йўналиши ва манзилдан қатъий назар, маблағ кўчиради.

Ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам бошқариш имкониятини яратади, балки улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

Бошқача қилиб айтганда, ривожланган молия тизимини шакллантиришда давлат молиявий ресурсларини малакали бошқариш ва бюджетни тўхтовсиз ижро этиш ҳамда бюджет маблағларини олувчилар томонидан маблағларни мақсадли ишлатишни назорат қилишни таъминлайди. Ғазначилик молия тизимини бошқариш жараёнида Марказий банкдан, умуман, банк тизимидан ёки хусусий сектордан олинadиган қарзлар ҳажмини кескин камайтиришга туртки беради.

Хориж мамлакатлари амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Япония, Франция, Австралия, Буюк Британия, Россия каби мамлакатларда давлатга қаршли маблағлар Молия вазирлигининг таркибий қисми бўлган Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамида тўпланади, давлат қарзларини бошқариш ғазначиликка юклатилган. Ғазначилик департаменти муомалага қимматли қоғозлар чиқаришни, уларни ҳажмини, таркибини ва тўлов муддатини назорат қилади ва уларнинг таркибига боғлиқ барча масалаларни ечади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, ғазначилик тизими таркибий тузилиши, ҳуқуқий асослари ҳамда бажарадиган вазифалари билан турли мамлакатларда турли хил кўринишга эга. Баъзи мамлакатларда ғазначилик тасдиқланган бюджет асосида бюджет ташкилотларига фақат ресурслар ажратиш билан чекланган тақдирда, бу ғазначиликнинг роли сустр бўлиши мумкин. Агар ғазначиликнинг роли фаол бўлганда харажатларни тўлаш, бюджет мажбуриятларининг лимитларни олдиндан кўзда тутилган мезонлар асосида белгилайди. Ғазначилик давлат қарзларини бошқаришда турли босқичларда қатнашиши мумкин ва ниҳоят, ғазначилик бажарилган ҳисоб-китоб операциялари учун жавоб беради.

Баъзи мамлакатларда ғазначилик давлат қарзи, қимматбаҳо металллар ва бошқа активларни бошқариш масалаларига жавоб берса, бошқаларида у тўловларни амалга оширишдан аввал назорат ишларини олиб боради, яна бошқаларида ғазначилик бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузишга ва нашр қилишга жавоб берадиган бошқарув органи сифатида фаолият кўрсатади.

Масалан, Австралия Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда ғазначилик тизимининг «кенгайтирилган функцияли» тизими мавжуд бўлиб, бундай тизимда ғазначилик органлари давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини олиб боради. Ҳар хил мамлакатларда ғазналарига юқорида санаб ўтилган вазифалар юклатилган эди, уларнинг маҳаллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, янги вазифалар юклатилди ва баъзилари олиб ташланди. Узоқ давом этган урушлар сабабли давлат бойлигининг камайиши оқибатида ғазналарга янги вазифа-ички ва ташқи қарз мажбуриятларини ишлаб чиқиш юклатилди.

Ғазналар амалга оширадиган ва кенгайтирилган вазифаларга айрим ҳолларда давлатга тушадиган ва улар томонидан амалга ошириладиган тўловлар ҳам кириши мумкин, аммо бу вазифа улар учун қўшимча вазифа ҳисобланади. Санаб ўтилган барча фаолиятларда ғазначилик тизими ўз ишини банк тизими билан узвий боғлиқликда амалга оширади.

Аксарият давлатларда ғазналарнинг бажарадиган вазифалари чекланган. Масалан, Аргентинада қабул қилинган 1992 йилги жамоат секторини молиявий бошқариш ва аудит ҳақидаги қонунга асосан ғазначилик тизимига тушумларни йиғиш, жамоат секторидagi тўловлар оқими ва нақд активларни сақлаш юклатилди, шу билан боғлиқ агентликлар ишини тартибга солиш, меъёрлар ишлаб чиқиш ва процедураларни аниқлаш киради. Берилган бу тариф ғазна вазифалари ичидан давлат ғазнаси векселлари чиқаришдан ташқари, давлат қарзларини бошқариш вазифасини бажармаслигини белгилайди.

Охириги йилларда кўпчилик мамлакатларда ғазначилик органлари ўзларининг турли даражадаги бюджетлар ижросини таъминлаш каби асосий функцияларидан ташқари, умуман давлат молия тизимида фаол рол ўйнамоқда. Улар иқтисодиёт ва давлат молияси соҳасида универсал вазифаларга эга ўзига хос давлат молиявий органларига айланиб бормоқда.

Масалан, ғазналар вақтинчалик эркин бюджет маблағларига эга бўлгани учун банклараро кредитлар бозори ҳамда корхона ва ташкилотлар учун кредит ресурслари сифатида ишлатилмоқда. «Ҳисобрақамлардаги касса қолдиқларини ишлатиб, ғазналар вақтинчалик эркин бюджет маблағларини депозитлар ёки қимматли қоғозларга жойлаб, шу йўл билан бюджет учун қўшимча даромадлар жалб қилиш учун капиталлар бозорида қарз олувчи ёки қарз берувчи сифатида иштирок этмоқда»⁷¹.

Ғазначилик органлари давлатнинг молиявий активларини, давлат ташкилотларини қарзларини қўшиб, шунингдек, давлатнинг активларини сотишдан тушган даромадларни бошқаради. Бундан ташқари, ғазначилик давлат бошқарувининг маҳаллий органларига республика ҳукумати томонидан берилган қарзларни бошқаради.

Ғазначилик тизимида молиявий активлар ва давлат қарзларининг барча турлари бўйича ҳисоб-китоб юритилади. Ғазначиликнинг бош китобидаги счётлар режаси таснифига мувофиқ молиявий активларнинг ҳисоби олиб борилади.

Давлатнинг молиявий активларига қуйидагилар киреди:

– ҳукуматга ва маҳаллий ҳокимият органларига қаршли корхоналарнинг, молиявий институтларнинг ва бошқа тижорат структураларининг акциялари;

– ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг корхона ва ташкилотларга, бошқа давлатларга, халқаро молия институтларига кредитлари;

– ҳукуматнинг олтин валюта резервлари;

– бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари.

Мазкур тизим кредитлар қопланиш графигини ифода этиши керак, кредитларни қоплашнинг графигини шакллантириш ва ўзгартиришда керакли ўзгаришлар киритиш мумкин. Шунингдек, бу тизим акцияларнинг бозор қиймати, алмаштириш курсининг ва бошқа ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, активларни қайта баҳолаш имконини бериши керак.

Ғазначиликнинг Бош бошқармаси ҳукуматнинг ички ва ташқи мажбуриятларининг ҳисобини юритади. Шунга мос ҳолда ғазначиликнинг бўлимлари маҳаллий ҳокимият органларининг мажбуриятларини ҳисобини юритади. Бу тизим барча ахборотларни Ғазначиликнинг Бош бошқармасига жамлаш имконини беради.

⁷¹ Безденежных А.В. Институт казначейства как инструмент государственного влияния на экономику государства. Финансы. 2003. №2. –стр. 25.

Ҳукуматнинг ички қарзларига Марказий банк ва тижорат банкларининг кредитлари, давлатнинг муомаладаги қимматли қоғозлари, корхоналарга ва бошқа мажбуриятларга ҳукумат кафолатлари киради.

Ҳукуматнинг ташқи қарзларига халқаро молия институтларидан, бошқа давлатлардан ҳукуматга кредитлар, чет эл корхоналаридан ва молиявий институтлардан қарз олишда ҳукумат кафолатлари киради.

«Давлат молиясини ислоҳот қилиш» лойиҳаси бўйича давлат молиясини ҳисобини юритиш ҳисоблаш усули асосида олиб борилиши керак. Бу усул қуйидаги категориялар бўйича ҳисоб юритишни талаб этади: даромадлар ва бошқа тушумлар, харажатлар ва активлар.

Активлар:

- давлатнинг номолиявий активлари: бинолар, йўллар, асосий воситалар ва бошқа номолиявий активларнинг қолдиқ қийматининг ҳисоби;
- молиявий активлар: бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармадан маблағ олувчилар, акциялар, кредитлар ва бошқа молиявий активлар.

Масалан, Россия Федерациясида Федерал Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси, Россия Федерацияси Марказий банки ва бошқа ваколат берилган банклар билан биргаликда давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқаришни таъминлайди, шунингдек, фоиз тўлаш ва қайтариш шарти билан белгиланган тартибда марказлаштирилган молиявий ресурсларни жалб этишни ташкил этади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ғазначилик тўғрисида»ги Қонунида таъкидланишича, ғазначилик давлат харажатларини ўз вақтида амалга ошириш учун ресурсларнинг мавжудлигини таъминлайди.

Молия вазирлигининг давлат бюджети Департаменти вазирликлар ва идоралар берган маълумотлар асосида камида ойида бир марта Ғазначиликка давлат даромадлари ва харажатларининг прогнозини тақдим қилади, прогнозини тақдим қилиш шакли Ғазначилик томонидан аниқланади.

Ғазначилик давлатнинг ички ва ташқи, қисқа ва узоқ муддатли қарзлари бошқарувига, шунингдек, барча ҳукумат кафолатлари ва шартли молиявий мажбуриятлар учун жавоб беради, бу қарзларни рўйхатдан ўтказди, улар бўйича тўловни амалга оширади. Кўрсатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, давлат бошқарув органларининг қарз муносабатларига доир шартномаларнинг асл нусхаларини, қарзга кафолат бўлган бошқа ҳужжатларни йиғади ва сақлайди.

Хорижий мамлакатларда Ғазначилик ҳар чоракда турли даражадаги давлатнинг бошқарув органларининг қопланмаган қарзларини, бюджет ташкилотларининг ва давлат муассасаларининг қарзларини қўшиб, барча қопланмаган қарзлар рўйхатини тасдиқлайди ва нашр қилади. Бундай рўйхат ҳар бир қарзлар бўйича қуйидаги ахборотларни беради:

- қарздор номи;
- шартномадаги бошланғич сумма;
- қопланмаган қисмининг ҳажми;
- фоиз ставкаси;
- тўлов муддати;
- жорий молия йилида қарз учун ойлик тўловлар ҳажмининг прогнози;
- келгуси молия йилида қарз учун ойлик тўловларнинг ҳажми прогнози;
- бошқа зарур ахборотлар.

Ғазначилик ҳар чоракда давлат заёмлари бўйича қарзлар рўйхатини тасдиқлайди ва нашр қилади. Бундай рўйхат ҳар бир қарзлар бўйича қуйидаги ахборотларни беради:

- қарздор номи;
- заёмнинг бошланғич суммаси;
- тўланмаган қисмининг ҳажми;
- фоиз ставкаси;
- тўлов муддати;
- жорий молия йилида қарз учун ойлик тўловлар ҳажмининг прогнози;
- келгуси молия йилида қарз учун ойлик тўловлар ҳажмининг прогнози;
- бошқа зарур ахборотлар.

Мазкур ҳисоботларни тайёрлаш учун барча давлат бошқаруви органлари ва давлат ташкилотлари Ғазначилик томонидан белгиланган шаклда ва муддатда зарур ахборотларни Ғазначиликка тақдим қилади.

8.3. Ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари

Бутун дунёда қимматли қоғозларни марказлаштирилган усулда чиқаришдан мақсад, кенг маънода давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаси, тор маънода эса пул муомаласига ва пул массаси ҳажмини тартибга солишга таъсир қилиш дастаги, давлат ва маҳаллий бюджет тақчиллигини ноэмиссион усулда қоплаш воситаси сифатида, корхоналар ва аҳолининг пул маблағларини аниқ масалаларини ҳал қилишга жалб қилишдир.

Давлатнинг молия-бюджет сиёсатида ғазна мажбуриятлари маблағларни сафарбар қилиш ва пул-кредит стратегиясининг тадбирларидан бирини амалга ошириш сифатида ишлатилади. Улар, асосан, мамлакатнинг Марказий банки иштирокида Молия вазирлиги (Ғазначилик) томонидан чиқарилади. Демак, эммитент Молия вазирлиги бўлади, албатта, ғазна мажбуриятларини чиқариш ва муомалага киритиш меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида қимматли қоғозларнинг асосий эмитентларидан бири-давлат кўпинча ғазначи сифатида номён бўлади. Эмитентлар-қимматли қоғозларни чиқарадиган ва молия ресурсларини жалб қиладиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Инвесторлар-қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзгаларнинг бўш молиявий ресурсларини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслардир.

Ғазна мажбуриятлари бу – давлат эмитет бўлган қимматли қоғозлар ёки унинг охириги эгасига маълум белгиланган шартлар асосида номинал суммаси ва фоизларни тўлаши бўйича давлатнинг мажбуриятлари десак бўлади.

Ғазна мажбуриятлари корхонанинг кредитор қарздорлигини ёпиш ёки бюджетга солиқлар тўлаш мажбуриятини олиш учун мўлжалланган. Ҳар бир мажбурият тўлов фоизи учун купонга бириктирилган сертификатларни билдиради. Қарз олувчи қарзни қайтарганда шу қимматли қоғознинг эгаси қанча миқдорда пул олиши мумкинлигини сертификат қонуний ҳужжат сифатида асослайди.

Ғазна мажбуриятлари номи ёзилган ёки ёзилмаган бўлиши мумкин. Агар мажбурият номи ёзилган бўлса, бу шуни билдирадики, қоидага мувофиқ Марказий Банкда қимматли қоғоз эгаларининг номи сақланади, иккинчи ҳолатда эса қимматли қоғоз эгаларининг номи ёзилган рўйхат бўлмайди.

Ғазна мажбуриятлари – эгаларининг бюджетга пул маблағлари тўлаганлигини тасдиқлайди ва шу қоғозларга эгалик қилишнинг бу-

тун муддати мобайнида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқини берадиган давлатнинг қимматли қоғозларидир.

Ғазна мажбуриятлари узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлади. Узоқ муддатли мажбуриятлар 5 йилдан 30 йилгача, ўрта муддатли мажбуриятлар 1-5 йилгача муддатда муомалада бўлади, қисқа муддатли ғазна мажбуриятлари 3, 6, 12 ойга чиқарилади. Ғазна мажбуриятлари облигациялардан имкониятларининг кўплиги ва даромад олиш шартларининг турли-туманлиги билан фарқ қилади.

Масалан, АҚШда ғазначилик бошқа мамлакатлардаги каби давлатнинг қимматли қоғозларини чиқаришни ва ҳисобини назорат қилади ҳамда уларнинг тўлов муддатларни белгилайди ва аукционларда уларни жойлаштиришни назорат қилади. Шу билан бирга, Ғазначилик давлатнинг қимматли қоғозларини иккиламчи бозорининг қоидаларини белгилайди, ғазначилик қисқа муддатли касса талабларини қоплаш учун доимий ҳафталик қимматли қоғозларни чиқаради.

Турли мамлакатларда мазкур қимматли қоғознинг бозори хар хил кўламда бўлиши мумкин, лекин бугунги кунда АҚШ даги бозор энг катта ва нисбатан ликвидли ҳисобланади. АҚШ нинг Молия вазирлиги мажбуриятларни маълум цикл асосида чиқаради, бошқа ҳукуматлар мажбуриятлар эмиссиясини фақат керак бўлган пайтдагина амалга оширади.

Кўп ҳолларда «иккинчи пул» деб ҳисобланадиган бу ғазна мажбуриятларини «таркибий буллит»⁷² деб ҳам юритилади. Бунинг маъноси, вақтнинг аниқ белгиланган даври давомида фоизлар тўланади, ғазна мажбуриятларини қоплаш пайтида номинал қайтарилади. Ҳар бир мажбурият тўлов фоизи учун купонга бириктирилган сертификатларни билдиради. Қарз олувчи қарзни қайтарганда шу қимматли қоғознинг эгаси қанча миқдорда пул олиши мумкинлигини сертификат қонуний ҳужжат сифатида асослайди.

Ғазначилик мажбуриятнинг эгаси бу қимматли қоғоз билан қуйидаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

1. Кредитор қарздорлигини ёпиш йўли билан ғазна мажбурияти кредиторнинг счётига ўтказилади. Мазкур операцияда сертификатда белгиланган мажбурий ҳисоб-китоблар номинал баҳода, мажбурий бўлмаган ҳисоб-китоблар келишилган баҳода амалга оширилади. Бу операцияларни амалга ошириш учун кредиторнинг ҳам, де-

⁷² Буллит (ўк; bullet) - бир марта қопланадиган мажбурият.

биторнинг ҳам ғазна мажбуриятининг шу сериясига хизмат қиладиган банк-депозитарийдаги «депо» типдаги счёти очик бўлиши керак, бу операция учун тўлов қоғозлари белгиланган шаклда тўлдирилади.

2. Иккиламчи бозорда ғазна мажбуриятлари ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга (резидентларга) сотилади. Операцияда индоссаментлар сони чегараланмаган, бу операцияларда баҳо келишилган бўлади.

3. Банк-депозитарийда рўйхатдан ўтган ғазна мажбуриятлари кредит олишга гаров бўлади.

4. Солиқдан, жумладан, давлат бюджетига тўловдан озод қилишга ғазна мажбуриятини алмаштириш мумкин.

Давлат бюджети олдидаги қарзни ёпиш учун глобал сертификатда кўрсатилган солиқдан озод қилиш кунини билиш лозим. Мазкур операцияда солиқдан озод қилиш суммаси қуйидагича ҳисобланади.

$T_k = N + N * (t * P / 100) / 360$ бунда:

T_k - ғазна мажбуриятининг жорий курси;

N - ғазна мажбуриятининг номинали;

P - ғазна мажбуриятини даромадлигидани фоиз ставкаси;

t - муддат, шу ғазна мажбуриятининг муомаладаги вақти.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган давлатнинг қимматли қоғозлари жумласига қуйидагилар киритилади.

1. Ғазна векселлари – билетлари, одатда, чиқарилган вақтидан бошлаб бир йил мобайнида узилади ва дисконт тарзда, яъни улар узиладиган номиналидан паст нархда сотилади.

2. Ўрта муддатли ғазна векселлари, ғазна бонлари-бир йилдан беш йилгача муддатда узиладиган мажбуриятлар; одатда, белгиланган фоиз тўлаш шарти билан чиқарилади.

3. Узок муддатли ғазна мажбуриятлари – беш йилдан 30 йилгача муддатда узилади, улар бўйича купон фоизлари тўланади. Бундай қимматли қоғозларни эгалари муддат тугаганидан сўнг уларнинг қийматини нақд пул билан олиши ёки бошқа қимматли қоғозларни қайта молиялаштириши мумкин.

Ғазна векселлари инвесторларни жуда қизиқтиради, чунки улар ишончли, ликвидли ва даромадлари кафолатланган. Одатда, янги чиқарилган векселлар дастлаб кимошди савдосида сотилади, бу ерда сотувчи сифатида молия муассасасининг ўзи, харидор сифатида махсус дилерлар, ишлаб чиқариш тузилмалари иштирок этади.

Масалан, ғазна векселларининг номинал қиймати 100 сўм бўлса, у очик савдода 96 сўм дисконт нархида сотилади. Ана шу фарк унинг даромадлигининг белгилайди, қайтариш пайтида ғазна векселлари – эгаси номинал қийматни – 100 сўмни олади. Агар қайтариш муддати 94 кун бўлса

$$[(100-96)/96] * [365 * 100 / 94] = 15,5 \text{ фоиз}$$

Одатда ғазна билетлари тарқатувчилари сифатида тижорат банклари ва инвестиция диллерлари фаолият кўрсатиши мумкин. Тижорат банклари ғазна билетларини ўз захиралари сифатида, инвестиция диллерлари эса иккиламчи бозорда фирмалар корпорациялар ва хусусий шахсларга сотиш учун харид қилишади, ғазна билетлари сотиб олинган, улар иккиламчи бозорда айлана бошлади. Ғазна билетлари қисқа муддатли қимматли қоғоз бўлганлиги учун қисқа муддат ичида уларнинг эгалари кўплаб миқдордаги векселларни қайтариши мумкин.

Ғазна билетларининг такомиллашган тури мавжуд, бу жамғарма облигациялари дейилади, улар эгаси номига қайд қилинади ва уларни сотиб бўлмайди. Уларни айрим кишилар ёки баъзи инвестиция фондлари чекланган миқдорда сотиб олиши мумкин. Уларнинг эгаси исталган пайтда қийматини қайтариб олиши мумкин, бу эса уларни юқори ликвидли қилади. Биз биламизки, ликвидлик қимматли қоғознинг эгаси учун унча йўқотишларсиз, бозор қиймати ва сотиш чиқимларидаги кичик ўзгаришлар билан тез сотилиши ва пул маблағига айланиш хусусиятидир. Жамғарма облигациялари бир йилда бир марта чиқади, уни нақд пулга ёки иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан харид қилиш мумкин, келадиган даромади чек шаклида почта орқали ёки банкда тўланади.

Ғазна мажбуриятлари қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бюджет тақчиллигини эмиссиясиз молиялаштиришнинг ва уни барқарорлаштиришнинг манбаи;
- жорий бюджет қарздорлигини қоплаш ва бюджетдан молиялаштириш оғирлигини юмшатиш усули;
- давлат бюджетига тўлов тўлашнинг қисқартириш йўли;
- давлат бюджетига қарз бўлган корхоналар ўртасида қарзни тўлашни фоиз ҳисобига узайтириш усули;
- давлатнинг корхоналардан-давлат буюртмаси бўлган мол етказиб берувчилардан қарздорлигини ёпиш усули бўлиши мумкин.

Ғазна мажбуриятлари ваколат берилган депозитарийда (хужжатсиз шаклда) ҳисобрақамда ёзув шаклида чиқарилади. Бунда Марка-

зий банк фақат депозитарий сифатида фаолият кўрсатмайди, балки унинг охириги эгасига пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи тўлов агенти бўлиб қатнашади. Ғазна мажбуриятларини қоплаш пайтида унинг эгасининг шу сўётдан олган кўчирмаси ғазна мажбуриятларига эгалик ҳуқуқини тасдиқлайди.

Ғазна мажбуриятлари сериялар билан чиқарилади, ҳар бирининг хусусий рақами мавжуд. Ҳар бир сериянинг чиқиши тўғрисида давлатнинг қарз китобига ёзилади, ғазна мажбуриятлари сериясининг жами суммаси глобал сертификат билан расмийлаштирилади, глобал сертификат икки нусхада тайёрланади, бири ваколат берилган депозитарийда, иккинчиси Молия вазирлигида сақланади.

Глобал сертификат параметрлари Молия вазирлиги буйруғи билан берилади. Молия вазирлиги депозитарийдан ғазна мажбуриятлари тўғрисида ахборотлар талаб қилиши мумкин, ойда бир мартаба депозитарий ушбу ахборотларни тақдим қилади.

Глобал сертификатга чиқарилган сериянинг барча кўрсаткичлари муҳрланади: ғазна мажбуриятларининг чиқарилган куни, сериянинг рақами, ғазна мажбуриятининг номинали, фоиз ставкаси, чиқарилган ғазна мажбуриятларининг умумий ҳажми, қоплаш кунининг бошланиши, муомала қилиш муддати, ғазна мажбуриятларини кредитор қарздорликни ёпиш воситаси сифатида қатнашган операцияларнинг максимал сони, ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш муддати ва серияга тааллуқли бошқа қўшимча маълумотлар берилади.

Ваколат берилган депозитарийлар биринчи эгаларга глобал сертификатга асосан, бошқа эгаларга уларнинг аризасига мувофиқ депо ҳисобрақамини (сўётини) очади. Ғазна мажбуриятига эгалик ҳуқуқи депо ҳисобрақамининг кўчирмаси билан тасдиқланади, ҳар бир сериянинг муомала муддати тугаганидан сўнг глобал сертификат ёпилади. Ғазна мажбуриятининг ҳар бир серияси халқ хўжалигининг маълум бир тармоғи билан, биринчи навбатда, катта миқдорда бюджет маблағларини олувчилари билан боғлиқ бўлади.

Ғазна мажбуриятларини чиқариш ва муомалага киритиш меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ғазна мажбуриятларини давлат рўйхатидан ўтказилган рақами саккиз разряддан иборат. Биринчи номер-халқ хўжалигининг аниқ тармоғини билдирадиган рус алфавитининг ҳарфи, иккинчи ва учинчи разрядлар мазкур серияни чиққан кунини билдиради. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи разрядлар чиқарилган сериянинг йили ва ойини кўрсатади. Еттинчи ва

саккизинчи разрядлар сериянинг тартиб рақамини билдиради. Масалан, ғазна мажбуриятларини 1995 йил 1 декабрдаги 87-серияси қуйидагича рақамланади. Ш-0112587.

Ғазна мажбуриятларининг ўзига хос хусусияти шундаки, қатор шартларга риоя қилингандагина, улар ўзининг вазифаларини бажаради. Масалан, хазина мажбуриятлари иккиламчи бозорда маълум шарт бажарилгандан кейингина эркин муомалада бўлади, яъни депозитарийдаги шартномада кредитор қарздорликни ёпиш операцияларининг сони тасдиқланиши керак. Ана шундагина, ғазна мажбуриятлари фаол, бозорбоп, айланувчан, котировка қилинадиган молия дастаги бўлиши мумкин.

Ғазна мажбуриятлари ҳисоб-китоб, тўлов вазифасини бажариши жараёнида ўзининг контрагентларидан биттадан бештагача индоссаментлар олиши керак, индоссаментлар сони ғазна мажбуриятларининг у ёки бу чиқарилган сериясининг шартларига боғлиқ бўлади. Бунда ғазна мажбуриятлари тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматларга тўлов сифатида чегараланмаган ҳолда қабул қилинади, шунингдек, ғазна мажбуриятлари гаров ашёси, солиқдан озод қилиш воситаси ҳам бўлиши мумкин. Фақат тозаланган ғазна мажбуриятлари солиқдан озод қилиш воситаси бўлиши мумкин. Ҳаттоки, махсус «тозалаш» операцияси мавжуд бўлади, яъни аниқ молия институтлари белгиланган комиссиялар эвазига ғазна мажбуриятлари бланкасида индоссаментларни амалга оширадилар.

Индоссамент – қимматли қоғоз устидаги ушбу ҳужжат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ёзув.

Индоссамент қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

эгасининг номи ёзилган индоссамент қимматли қоғознинг янги эгасини белгилаб беради, унинг бундан кейинги ўтказилиши учун эгасининг имзоси зарур;

бланкли индоссамент қимматли қоғоз ўтказиладиган шахсни белгиламайди, фақат ўтказиш амали белгиланади;

қайтарилмайдиган индоссамент қимматли қоғоз эгаси уни ўтказиш чоғида ўтказма ёзув – «менга қайтарилмасин», деган иборани киритиши ва бу билан тўланмаган ҳамда тўланмаганлик норозилиги билдирган ҳолда жавобгарликни ўзидан соқит қилиши мумкин, кейинги индоссаментларга бундай ҳуқуқ берилмайди.

Ёзувда юқорида кайд этилган иборанинг бўлиши ғазна мажбуриятини тўланмаслиги эҳтимоли шубҳасини келтириб чиқариши, унга нисбатан ишончни йўқотиши ва уларнинг айланувчанлик даражасига таъсир кўрсатиши мумкин. Индоссамент, одатда, ҳужжатнинг орқа томонида ёки қўшимча вараққа қўйилади. Агар қимматли қоғозда ўтказма ёзувлар учун жой қолмаса, унга қўшимча варақ «аллонж» ёпиштирилади, лекин индоссамент ғазна мажбуриятининг ўзида бошланиб аллонжда тугалланиши керак бўлади.

Индоссаментни бажарган шахс индоссант деб номланади. Индоссамент ҳужжат унинг фойдасига ўтказилаётган шахснинг кўрсатмасини ўзида мужассамлаштириши ёки индоссантнинг битта имзосидан иборат бўлиши мумкин. Ўтказма ёзувлар қуйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: «буйруқ бўйича тўланг» ёки «бизнинг ўрнимизга тўланг». Имзо ташкилот муҳри билан мустаҳкамланиши керак.

Ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари шундан иборатки, у давлатнинг қимматли қоғозларидан бири сифатида солиқдан озод қилиш ва ҳисоб-китоб воситаси сифатида мужассамлаштирган гибридланган қимматли қоғоз ҳисобланади. Масалан, ғазна мажбуриятлари қисқа муддатлилиги билан векселга ўхшасада, табиатан у айланувчан бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ғазна мажбуриятлари давлат, нақд бўлмаган, қисқа муддатли, бозорбоп, гибрид, муомаласи чегараланган, узоқ муддатли ва бошқа шу каби хусусиятларга эга бўлган қимматли қоғоз деб характерланади.

Ғазна мажбуриятининг чиқарилиш шартларида унинг муомалада бўлишини чегараланган ва чегараланмаган шаклда бўлиши кўзда тутилган бўлади. Ундаги чекловларга қуйидагилар киради: хазина мажбуриятини номинал нархида фақат кредитор қарздорликни ёпиш мақсадида ишлатади, хазина мажбуриятини бирламчи бозорда фақат ҳуқуқий шахсларга ўтказилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган чегараларни кўзда тутган ҳолда кредитор қарздорликни ёпиш операцияларини ўтказишнинг максимал сони, ҳисоб-китоб муддатининг ва солиқдан озод қилишга алмаштиришнинг муддати белгиланган, албатта, бу чегараларнинг ижро этилиши ваколат берилган депозитарийлар томонидан депозитарий ва Молия вазирлиги томонидан тузилган шартномага асосан назорат қилинади.

Ғазна мажбуриятининг биринчи эгаларининг (давлат, вазирликлар ва идоралар) иқтисодий қизиқишлари, биринчидан, эммитентнинг қизиқишлари каби бўлади, иккинчидан уларнинг корхоналар

ва ташкилотлар олдидаги қарздорлигини ёпиш, маълум тармоқларнинг бюджетга тўловини қисқартириш, нақд ҳисоб-китоб воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш каби ўзларининг хусусий қизиқишлари мавжуд бўлади.

Ғазна мажбуриятининг оралиқдаги эгалари – булар ўша бюджетнинг қарзи ғазна мажбуриятлари билан ҳужжатлаштириладиган корхона ва ташкилотлар бўлиб, уларнинг қизиқишлари нималардан иборат?

Ғазна мажбуриятлари уларга молия ресурсларини бошқаришда бир қадар эркинлик беради. Корхоналар бу мажбуриятлар билан тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун, жумладан, жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Улар ўзларининг хазина мажбуриятини ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга (резидентларга) сотишлари мумкин. Мазкур корхоналар ўзларининг кредитор қарзларини ғазна мажбуриятларини кредиторнинг ҳисобрақамига ўтказиш билан ёпишлари мумкин. Ғазна мажбуриятларини номиналдан юқори баҳода сотиш билан фойда олиш имконига эга бўлади, айланма маблағларини тўлдиради.

Пировардида, ғазна мажбуриятларини гаровга бериш билан корхона банк кредитини олиши мумкин. Ғазна мажбуриятининг охирги эгалари-булар оралиқ ёки биринчи эгалардан қарздор бўлган шахслар ҳисобланади.

Ғазна мажбуриятининг оралиқ эгалари аксарият ҳолларда ҳар доим хизматларидан фойдаланадиган контрагентлардан (транспорт, алоқа корхоналаридан) ўзларининг қарздорлигини ёпиш учун ғазна мажбуриятларини қўллашади, асосан, бу корхоналар ичида ёқилғи-энергетика комплекслари кўп учрайди. Улар ғазна мажбуриятининг охирги эгаларини асосий қисмини ташкил қиладилар. Ғазна мажбуриятларининг даромадлилиги давлатнинг бошқа қимматли қоғозининг даромадлилига тенг ёки ундан юқори бўладиган манзарани кўриш мумкин.

Барибир, ғазна мажбуриятининг охирги эгалари учун фойда томони ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштиришдир. Ғазна мажбурияти эгаларининг ғазна мажбуриятларини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисидаги аризасига биноан аризалар солиқ тўлаш бўйича (жарима ва пенялар қўлланилмайди) муддат олади. Ғазна мажбуриятлари ёрдамида турли солиқларни, жумладан, давлат бюджетига тўловларни тўлаш, шунингдек, улардан пенсия фондига тўловлар сифатида фойдаланиш мумкин. Баъзи бир корхо-

наларнинг кўлида ғазна мажбуриятларидан тўғри фойдалана олган ғазна мажбуриятининг турли серияларининг бутун пакети мавжуд.

Ғазначилик ғазна мажбуриятлари бозорининг очиклиги тўғрисида чора-тадбирлар кўради:

– ғазна мажбуриятларининг ҳар бир серияси, уни қоплаш муддатининг бошланиши, ғазна мажбуриятини солиқдан озод қилишга алмаштириш тўғрисида ахборотлар беради;

– ҳар ҳафта ғазна мажбуриятларини қоплаш ва солиққа алмаштиришдаги жорий нарх тўғрисида ахборотлар нашр қилади;

– ҳар ойда ғазна мажбуриятларининг қопланиши тўғрисида ахборотлар нашр қилади;

– ваколат берилган депозитарий эмитетининг ва ғазна мажбуриятлар эгаларининг розилигисиз ҳеч қандай ахборотлар берилмайди;

– ғазна мажбуриятларининг эгалари тўғрисида маълумотлар сир сақланади.

Ғазна мажбуриятлари бирламчи ва иккиламчи бозорда тўғридан-тўғри инвестициялаш йўли ёки шартномалар воситаси сифатида хизмат қилади. Тадбиркорлар ғазна мажбуриятлари билан фойда олиш мақсадида қисқа муддали спот шартномаларни тузишлари мумкин, лекин ғазна мажбуриятларининг функциялари бу билан чегараланмайди.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат қарзлари, ички қарз, ташқи қарз, ичкаридан маблағ жалб қилиш, ташқи маблағ жалб қилиш, давлатнинг қимматли қозғозлари, ғазна мажбуриятлари, глобал сертификат, аллонж индоссемент.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар

1. Ғазначилик тизимида давлат қарзлари қандай бошқарилади?
2. Молиявий активлар ва қарзларни бошқариш бўлимининг вазифалари нималардан иборат?
3. Ташқи ва ички қарзлар таркиби нималардан иборат?
4. Давлат қарзи таснифини келтиринг.
5. Давлат қарзларини бошқаришда ғазначиликнинг фаолиятини изоҳланг.
6. Давлатнинг молиявий ва номолиявий активларини таърифланг.
7. Ғазна мажбуриятларининг хусусиятларини айтинг.
8. Ғазна мажбуриятларининг эгалари қандай имкониятлардан фойдаланади?

IX боб. ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИ

9.1. Маҳаллий бюджетларга ғазначиликни жорий қилиш

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган давр ичида чуқур иқтисодий сиёсат негизида барқарор молия тизими, шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетни бошқариш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Ўтган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакллантириш соҳасидаги барча ишларимиз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан маҳаллий бюджетнинг шаклланиши ва ижросининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бугунги кунда ушбу қонунга биноан бюджетнинг тузилиши, унинг ижросини таъминлаш жараёни ва маблағлардан самарали фойдаланиш тамойилларини белгилаб берувчи йўриқномалар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Яъни ушбу қонун маҳаллий бюджет ижросини самарали таъминлашига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Лекин жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизда ҳам давлат молиясини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шунга кўра, мамлакатимиз Давлат бюджетининг ижросини ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда жорий этилган ва қисқа муддат мобайнида ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган ғазначилик тизими фаолиятини маҳаллий бюджетда жорий қила бошлади.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетнинг самарали ижросини таъминлашнинг давлат тадбирлари ичида ғазначилик хизматидан кенг фойдаланиш ва бюджет амалиётида шу асосда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамизда маҳаллий бюджет ғазначилигини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий, дастурий ва услубий базани шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган ва оширилаётган тадбирлар аниқ белгилаб олинмоқда.

Давлат молиясини бошқаришда ўтказилаётган ислохотлар маҳаллий бюджет харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Маҳаллий бюджетда ғазначилик тизимини жорий қилиш бўйича ҳукумат топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг умумий ҳолатлари ишлаб чи-

қилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида қарори қабул қилинди, мазкур Қонун 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2005 йилда дастлабки лойиҳа Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти мисолида, 2006 йилда республиканинг барча ҳудудларида синаб кўрилди ва 2009 йилда ғазначилик тизими мамлакатимизда тўла фаолият кўрсата бошлаши мўлжалланмоқда. Бу даврда давлат даромадларини бошқариш борасида хорижий давлатларда, шу жумладан, охириги ўн йилликда МДХ давлатларида олиб борилган ишларни ўрганиш ва улар тўплаган ижобий тажрибаларни ўрганишимиз керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарорининг 20-бандида мувофиқ, “Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, жумладан, республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди”⁷³. “Жорий йилда Самарқанд вилоятида пилот лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари ташкил этилади ва унинг амалга оширилиши таъминланди.”⁷⁴

Ғазначилик тизими жорий қилиниши маҳаллий бюджетни режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий ҳисобот, назорат вазифаларига ёндашиш ва бажариш ишларига жиддий таъсир қилади ҳамда бу функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектлар фаолиятига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиради.

Республикамыз бюджетининг турли босқичларида ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Албатта,

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори. 20-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил. 52-сон. 5 бет.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 3 январдаги 1-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат тафтиш бошқармаларининг устувор вазифалари тўғрисида» ги буйруғининг 7-банди.

ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш молия тизимининг ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий-услугий ва ахборот технология ўзгариши жараёнларини қамраб олади.

Мамлакатимиз иқтисодини бозор иқтисодиёти йўналишида илдам ривожланишида мустақилликнинг дастлабки йиллардан бошлаб олиб борилаётган ўзига хос бюджет-молия сиёсатининг роли каттадир. Мамлакатда молиявий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, нархлар ва ички валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш, бюджет тизимини изчил ва тизимли тарзда ривожлантириш таъминланган.

Маҳаллий бюджет харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ҳамда маблағларни бюджет ташкилотлари томонидан самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назоратни амалга оширишда, ҳозирги фаолият кўрсатаётган (банк тизими) жорий тизимнинг бир қанча камчиликлари мавжуд.

Ғазначиликкача маҳаллий бюджетларни ўз ичига қамраб олган давлат бюджетининг маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишдан, молия органларида янги ахборот технологияларини, тегишли компьютер дастурларини ҳамда турли даражадаги молия органлари ўртасида алоқаларни ўрнатишни ҳам ҳисобга олган ҳолда, дастлабки, жорий ва якуний назорат жараёнининг такомиллаштириш бўйича уринишлардаги ўзгаришларни амалга ошириш имконияти чекланган.

Бунинг асосий сабабларидан бири бюджет ижроси тизимида молия органлари суёт (пассив) ролга эга бўлганлиги ва шу билан бир вақтда банк ва бюджет ташкилотларига юклатилган функцияларни мустақил бажариб, молия органларини амалга оширилган бюджет жараёни фактларидан кейингина хабардор қилишидир. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетлар таркибидаги ўта муҳим ижтимоий тадбирлардан бири даромадларнинг тушиши билан харажатларни амалга ошириш вақтидаги узилишлар мавжуд эди.

Маълумки, маҳаллий бюджетда асосий аҳамиятга эга бўлган харажатлар асосан халқ таълими, ижтимоий таъминот, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа харажатларидан иборатдир. Амалдаги тизимда қайси бюджетга қарашлигидан қатъий назар ҳар бир бюджет ташкилотларига банкларда алоҳида ҳисобрақамлар очилган. Бу йиғилган маблағларни кўплаб бюджет ташкилотлари учун очилган ҳисобрақамларда қолиб кетишига олиб келади. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетларда маблағ етишмовчилиги юзага келиб, юқори турувчи бюджетдан бюджет ссудасини олишга тўғри келади. Ушбу бюджет

ссудаларини олиш тартиби жуда кўп вақтни талаб этади. Энг асосийси, бунинг натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган биринчи даражали харажатларни иш ҳақи, нафақалар, пенсиялар, стипендиялар, моддий ёрдамларни молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширишни маълум муддатларда кечикишига олиб келади. Қолаверса, маҳаллий бюджет ижросини амалга оширишда юқорида таъкидланган барча камчиликларни бартараф қилиш учун бюджет ижросини ғазначилик тизими орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйидаги жадвалда республикаимиз ҳудудидаги ғазначилик органлари томонидан бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларни сони ва суммаси, рўйхатга олинган шартнома ва қайтарилган шартномани сони ва миқдори кўрсатилган. Тузилган шартномалар бюджет ташкилотлари томонидан ижро учун ғазначилик бўлимига тақдим этилади.

12-жадвал

Маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилотлари шартномаларининг ҳолати

№	Ҳудудлар номи	Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилотларининг сони	Шартномалар			
			Рўйхатга олинган		Қайтарилган	
			Сони	миқдори (минг сўм)	Сони	миқдори (минг сўм)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	814	3 548	24 831 581	41	160 551
2.	Бухоро вилояти	819	3 847	15 674 091	83	480 521
3.	Наманган вилояти	779	2 829	9 932 250	472	932 424
4.	Самарқанд вилояти	893	5 090	51 299 956	123	688 843
5.	Сурхондарё вилояти	669	2 764	14 704 593	79	80 272
6.	Сирдарё вилояти	613	1 322	13 731 989	95	231 326
7.	Хоразм вилояти	827	2 225	2 637 690	43	95 770
8.	Тошкент шаҳар	1 811	5 110	67 706 392	430	2 299 922
9.	Маҳаллий бюджет	981	1 895	16 138 567	179	349 291
10.	Республика Жами	830 7 225	3 215 26735	51 567 826 200 518 543	251 1366	1 950 631 4 969 629

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг 1.03.2007 йил ҳолати бўйича маълумотлари

Демак, жадвалда кўриниб турибдики, бюджет ижросини ғазначилик орқали амалга оширилганда, молиявий операциялар амалга оширилишидан олдин дастлабки назорат ўтказилади ва оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишини таъминлайди. Унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир. Жорий назорат эса молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилади, текширилаётган ҳужжатлар ва муассасанинг молиявий фаолияти ўрганилади.

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан харажатларни молиялаштириш пайтида ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширишда барча бюджет ташкилотлари ва муассасалар қамраб олиниши кўзда тутилмоқда. Мухими шундаки, ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам бошқариш имкониятини яратибгина қолмай, улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

Республикамизда 2006 йилда ғазначилик тизимига ўтган ҳудудларни дебитор ва кредитор қарздорликларини ғазначилик тизимига ўтмасдан олдинги йиллар билан солиштирма таҳлил қилиб кўрамиз.

Демак, ғазначилик ижросига ўтган ҳудудларни, дебитор ва кредитор қарздорликларини олдинги йиллар билан таҳлил қилиб кўрганимизда, 2005 йил кредитор қарздорлик 2004 йилга нисбатан 60 фоиз ўсган, 2006 йил ғазначилик ижросига ўтгандан кейин кредитор қарздорлик 2005 йилга нисбатан 80 фоизга камайган.

Дебитор қарздорлик 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 64 фоизга ошган, 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 5 фоизга камайган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Давлат бюджетини ғазна ижроси бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатиш ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш имконини беради.

Ғазначилик ижросига ўтган ҳудудларни дебитор ва кредитор қарзларининг таҳлили

(минг сўмда)

Ҳудудлар номи	Дебитор ва кредитор қарзлар					
	2004 йил		2005 йил		2006 йил	
	Деби-торлик	Креди-торлик	Деби-торлик	Креди-торлик	Деби-торлик	Креди-торлик
Қорақалпоғистон Республикаси	174375	107704	8855	58468	20354	18779
Бухоро вилояти	63156	1073690	7911	114499	250402	0
Наманган вилояти	70879	1910713	9099	119374	273318	5222
Самарқанд вилояти	10120	16312	24559	8080	96773	0
Сурхондарё вилояти	235871	827105	7056	122282	206421	0
Сирдарё вилояти	34627	183446	56270	26915	12849	0
Хоразм вилояти	78781	1129404	188806	295177	242809	0
Тошкент шаҳар	73530	188763	846348	825294	0	152469
Жами	741339	5437137	1148904	8997729	1102926	1548640

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик ижроси бошқармасининг 1.03.2007 йил ҳолати бўйича маълумотлар.

*4-гурӯх. Коммунал хизматлар, озиқ-овқат, дори-дармон, бошқа харажатлар.

9.2. Ғазначиликнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари

Давлат молия тизимида ўтказилаётган ислохотлар маҳаллий бюджет харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутди. Маҳаллий бюджетни бошқаришни ислоҳ қилиш бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бунда маҳаллий бюджетни ижро этишнинг ғазначилик тизимини изчил жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришларнинг молия-бюджет жараёни ва маҳаллий бюджетда ғазначиликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунининг ишлаб чиқилиши, муҳокамага қўйилиши ва қабул қилиниши давлат маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи навбатдаги катта қадам бўлди. Мазкур Қонунни тайёрлаш жараёнида, албатта, унинг ташкилий ту-

зилиши ишлаб чиқилди, маҳаллий бюджетларда ғазначиликнинг функциялари ва бажарадиган вазифалари аниқ кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини барпо этишда маҳаллий бюджетлар Давлат бюджети таркибида жамланиши назарда тутилиши керак. Бунинг натижасида ҳудудий ғазначилик бўлимлари маҳаллий бюджетдан маблағ олувчилар билан бир қаторда республика бюджетидан маблағ олувчиларга ҳам хизмат кўрсатади. Юқорида келтирилганлар ҳудудий ғазначилик бўлимларининг амал қилишга баъзи ўзгартиришларни киритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунининг дастлабки моддаларида мазкур қонуннинг фаолият доираси ва ғазначилик муносабатлари, унинг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда мавжуд қонун меъёрлари асосида фаолият кўрсатилиши белгиланган. Бундан ташқари мазкур қонунда фойдаланилган атамалар мазмуни келтирилган, яъни:

- ғазна қўлланмалари – мазкур қонун билан ваколатлар доирасида ғазначилик томонидан чиқариладиган буйруқ ва йўриқномалар;
- ягона ғазначилик ҳисоби – ғазначилик томонидан бошқариладиган давлатнинг барча тушум ва харажатларни акс эттирувчи банк ҳисобрақами;
- яқунланувчи моддаларда ғазначилик масалалари ва вазифаларига тааллуқли йўриқномалар келтирилган.

Мазкур қонунда ёзилишича, ўз ваколатлари доирасида ғазначилик томонидан чиқарилган барча қарор ва кўрсатмалар давлат бошқарув органи мансабдор шахслари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шартдир.

Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги бобда таъкидланганидек, ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги юридик мақомга эга бўлган давлат органи ҳисобланади ва у Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда маҳаллий органларга эга. Ғазначиликни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўринбосари ҳисобланувчи Давлат ғазначиси бошқаради. У Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Мазкур қонун Ғазначиликнинг банк билан бўлган муносабатларида Ғазначилик Ягона ҳисобварағидан Давлат бюджети қонунида кўрсатилмаган харажатлар бажарилишини тақиқлайди. Ғазначилик Ягона ҳисобварағидан маблағларни ўтказишни ваколатли

шахслардан ташқари ҳеч бир юридик шахс ёки жисмоний шахс талаб қилиши мумкин эмас. Давлат бюджети ижросини қулайлаштириш мақсадида, Марказий банк билан келишилган ҳолда, баъзи тижорат банклари билан ғазначилик органи шартнома тузиши мумкин. Ғазначилик органи Ғазначилик Ягона ҳисобварағида амалга оширилувчи тўловлар қонунийлиги учун тўлиқ жавобгар бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ажратилган ажратмалар доирасида ғазначилик тақчиллигини тўлиқ ёки қисман қоплаш ҳуқуқига эгадир. Ғазначилик давлат қарзининг барча кўринишларини бошқариш, улар бўйича тўловлар ва давлатнинг мажбурият ҳамда кафолатлари учун масъул ҳисобланади.

Ғазначилик органи ғазна тизимининг таркибини тузиш, бошқариш ва давлатнинг барча молиявий активлари, мажбуриятлари ва операциялари учун жавобгар. Молия йили тугагандан сўнг, ғазначилик органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича молиявий ҳисобот тақдим этади.

Ҳисоботда:

- солиқ ва бошқа тушумларни ҳудудий кўриниши;
- давлат қарзи;
- капитал қўйилмалар ҳақида мукаммал маълумотлар берилиши лозим.

Ғазначилик мазкур тизим фаолияти бўйича ички аудит ва назоратни ишлаб чиқади. Бевосита бюджет ижроси уни давлат қонунчилик органлари тасдиқлагандан сўнг бошланади. Бюджет ижросининг асосий вазифаси бу солиқ ва бошқа тўловларни тўлиқ, ўз вақтида ва ҳар бир манба бўйича тушумини таъминлайди. Ғазначилик органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

Ø мулкӣ шаклидан қатъий назар, қўшма корхона, муассаса, ташкилот, банк ва бошқа молия-кредит муассасаларида бюджет маблағларини ишлатиш бўйича бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, режа ва сметалар ҳужжатларини назорат қилиш ва текшириш, аниқланган ҳолатлар бўйича далолатномалар талаб қилиш;

Ø банк ёки молия-кредит муассасаларидан бюджет маблағларини ишлатувчи корхоналар ҳақида маълумотномалар талаб қилиш;

Ø камчиликлар топилган корхона раҳбарларига уларни бартавраф этиш бўйича талаблар қўйиш;

Ø бюджет маблағларини ишлатиш бўйича бухгалтерия ва молиявий ҳужжатлар тақдим этилганда, корхона ҳисоби бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Ўз навбатида ғазначилик органлари фаолияти ҳам бошқа ваколатли органлар томонидан назорат қилинади. Ғазначилик органи ижроия ҳокимиятга тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган қонун, ҳуқуқий ва меърий ҳужжатларга амал қилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам ахборотлашган ғазначилик тизимини шакллантириш учун зарур бўлган барча қонунлар, йўриқномалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, биринчидан, мамлакат бюджети молия йили бошлангунга қадар имкони борича батафсил ҳолда, қабул қилиниши лозим, акс ҳолда, ғазначиликнинг меъерий фаолияти беқарорлашуви, унинг самарадорлиги пасайиши мумкин. Иккинчидан, давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимида бюджетнинг вазифасига оид ва иқтисодий аниқ таснифи бўлиши билан биргалликда моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш ва дастурлар жадаллигини ошириш зарурдир.

9.3. Ғазначилик тизимида маҳаллий бюджетларни бошқариш

Худудлардаги ғазна бўлимларига бюджет ташкилотлари томонидан тақдим этилган тўлов талабномаларига илова қилинган счётактуралар ғазнанинг ахборот тизимга киритилади ва алоҳида ҳисоб-китоб юритилади. Ушбу модулда бюджет ташкилотлари томонидан олинган мажбуриятларни ҳажми улар бўйича тегишли маҳаллий бюджетда кўзда тутилган лимитлардан ошмаслиги назорат қилинади.

Йил давомидаги молиявий режалаштириш-даромадларни йил давомида тушиши керак бўлган маблағларни тезкор прогнозлар асосида амалга ошириш керак бўлган харажатларнинг ҳажмларига ҳудудий ғазна бўлимлари томонидан тегишли аниқликлар киритиш ҳисобланади.

Бюджет маблағларини бошқариш-тушган даромадлар кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш имкониятини бермаган ҳол-

да, тегишли маҳаллий бюджетларга кўшимча маблағларни жалб этиш кўзда тутилади.

Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш:

1. Бюджетдан маблағ олувчилар ғазначилик бўлимларига бажарилган ишлар далолатномаси, фактуралар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўлов учун ҳисобрақамларни тақдим этади.

2. Ажратмалар режаси, товар етказиб бериш ҳужжатлари, маблағни тўловчи ва олувчи реквизитлар текширилгандан сўнг, тўлов ҳужжатининг электрон версияси тузилади, бунда тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг асл нусхаси туман ғазначилигида қолади.

3. Туман ғазначилиги томонидан тўлов тасдиқланганидан сўнг, Ғазначилик Бош Бошқармасининг тўловлар бошқармаси ягона ғазначилик ҳисобрақамидан товар етказиб берувчи ҳисобининг тўлов пакетини тузади.

4. Маблағ Марказий банкнинг Ягона ғазначилик ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри товар етказиб берувчи ҳисобрақамига тушади.

5. Бюджетнинг иш ҳақи, стипендия ва нафақалар бўйича харажатлари ягона ғазначилик ҳисобрақамидан юқоридаги жисмоний шахслар ҳисобрақамларига маблағ ўтказиш билан амалга оширилади. Бу тўловлар тақдим этилган ведомостлар асосида амалга оширилади. Давлат қарзи ва мажбуриятларни ҳисобга олиш фақат Молия вазирлигининг Ғазначилигида амалга оширилади.

Худудлардаги ғазна бўлимларига бюджет ташкилотлари томонидан тақдим этилган тўлов талабномаларига илова қилинган фактуралар ва бюджет ташкилотларининг тегишли ойлик ҳисоботлари асосида ахборот тизимида бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китоби юритилади. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш-ўз вақтида ғазна ахборот тизимида киритилган, бюджет ташкилотларига етказилган товарлар ва хизматларни ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар, тўлов ҳужжатлари ва ҳудудий ғазна бўлимларига топширилган бюджет ташкилотларининг ойлик ҳисоботлари асосида барча ҳудудий ғазна бўлимлари маҳаллий бюджетларни бошқариш учун ва уларнинг ижросини назорати учун керакли ҳисоботларни марказий ғазначиликда ўрнатилган махсус компьютер дастури орқали олиш мумкин.

• Маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисмини ташкил этиш жараёни қатнашчилари қуйидагилардан иборат:

• солиқ тўловчи солиқ ва бошқа тўловларни таъминлаб беради;

- Марказий банк бўлинмалари ва тижорат банклар тўловчи ва қабул қилиб олувчи ўртасида маблағ ҳисоб-китобини амалга оширади;
- ғазначилик органлари солиқ ва тўловларнинг тушуми ва рўйхатини таъминлаб беради.

Бу жараённинг барча қатнашчилари бюджетга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. Солиқ тўловчилар солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тўлашлари шарт. Марказий банк муассасалари ёки тижорат банклари солиқ тўловчи ҳисобрақамлари ёки банк корреспондент ҳисоби ҳолатидан қатъий назар, ижро учун тўлов ҳужжатларини қабул қилишлари шарт. Мувофиқлаштирувчи солиқлар алоҳида қайд қилинади, чунки улар тақсимотни талаб қилади. Мувофиқлаштирувчи солиқлар бюджет қонунида жорий йил учун алоҳида белгилаб берилади.

Маҳаллий солиқ ва тўловларнинг суммаси тўлов ҳужжатлари ҳажмига боғлиқ. Даромадлар мамлакат бўйича бир хилда тўпланмайди, бу минтақаларнинг илмий-ишлаб чиқариш қувватига боғлиқдир. Бюджетнинг харажатлар бўйича бажарилиши учун асос-бу мазкур йилда қабул қилинган бюджет қонуни ҳисобланади. Бунда бюджетнинг даромад қисми режалаштириладиган кўрсаткич харажат ҳисоб-китобларига таяниб шаклланади ва тўлиқ даромад қисмига боғлиқ бўлади. Бюджет харажатлари бир неча тамойилларга асосланиб шаклланади: маҳаллий, республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича, тармоқ вазирликлар харажатлари, вазифадан келиб чиқиб ижтимоий, илмий, экологик ва бошқа мақсадли дастурлар бўйича харажатлар.

Ғазначилик модуллари орқали таклиф қилинаётган ишларни соддалаштириш мақсадида, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари қисми ижроси бўйича алоҳида кўриб чиқиш тавсия этилди.

Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларини жамлаш учун Тошкент шаҳри Марказий банк Бошқармасининг Ҳисоблаш Касса Марказида умумий битта ҳисобрақам очилиши тавсия этилади. Ушбу ягона ҳисобрақам орқали Республика бюджети ва маҳаллий бюджет харажатлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда солиқ органларига хизмат кўрсатувчи банкларда даромадлар бўйича ва бюджет ташкилотлари харажатларини амалга ошириши учун очилган ҳисобрақамлар ёпилади. Тушумлар учун битта банк ҳисобрақамини ишлатилиши давлат бюджети маблағларини бир жойга йиғилишини таъминлайди. Бунинг натижасида бюджет маблағла-

рининг тарқоқ ҳолатини олдини олиш ҳамда ундан мақсадли фойдаланиш таъминланади.

Бунда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишини олдини олиш имкони туғилади. Бунинг манбаси амалдаги банк тизимида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларнинг ҳисобрақамларида ишлатилмаган маблағлар қолдиғи сифатида тарқоқ ётган пул маблағларининг ғазначилик ҳисобрақамида жамлаштирилишидир. Бундан ташқари, фойдаланилмай қолган маблағлардан молиявий ресурслар сифатида ҳам фойдаланиш ҳамда улар кўшимча даромад келтириши мумкин.

Барча солиқ турлари бўйича очилган ҳисобрақамларнинг ёпилиши ва солиқ тўловчилар томонидан маблағларнинг тўғридан-тўғри ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига ўтказилиши “йўлдаги маблағлар” деган ҳолатнинг олдини олади. Таклиф қилинаётган вариантда ҳудудлардан тушаётган маблағларни улуши бўйича ғазначилик тизими ўзида ҳар бир бюджет ижроси бўйича вилоят ёки туман учун алоҳида ғазна шахсий ҳисобрақамлари очилади. Яъни ғазначилик ўзида ҳар бир маҳаллий бюджетлар бўйича тушумларнинг ҳисобини олиб боради.

Солиқлар ва йиғимлар тушуми бўйича кўчирмалар электрон кўринишида Марказий ғазначиликка Марказий банк томонидан берилади. Қабул қилинган маълумотлар асосида Марказий ғазначиликда махсус дастур асосида бюджетлар ўртасидаги тақсимот амалга оширилади ҳамда уларнинг ҳисобига ёзиб қуйилади. Шундан сўнг, ҳар бир солиқ тури ва солиқ тўловчи бўйича маълумотлар туман ғазначилик бўлимларига етказилади. Ушбу маълумотлар ғазначиликнинг ички тизими орқали амалга оширилади. Ҳар бир солиқ тўловчи бўйича қабул қилинган маълумотлар ғазначилик бўлимлари орқали солиқ инспекциясига етказилади. Кейинчалик маҳаллий бюджетлар уларнинг шахсий ҳисобрақамдаги қолдиққа қараб молиялаштиришни амалга оширади. Бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетдан харажатларни амалга оширишлари учун уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлимларига тўловни амалга ошириш учун талабнома олиб келади.

Тўловни амалга ошириш учун олиб келинган талабномага кўрсатилган хизматни тасдиқловчи ҳисобфактураси, агарда маълум миқдорда олдиндан бўнак (аванс) тўланган бўлса, шартномадаги тегишли бандни кўрсатган ҳолда, тақдим этилади. Шунини таъкидлаш лозим-

ки, барча бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар мажбурий равишда бюджетда кўзда тутилган маблағлар доирасида шартномалар тузишлари ва ушбу шартномаларни ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказишлари лозим.

Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда ундаги кўрсаткичлар ташкилотнинг тасдиқланган ҳамда молия органидан рўйхатдан ўтган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалидаги кўрсаткичларга мос келиши керак. Ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтмаган шартномалар ҳуқуқий кучга эга эмас. Бу ўз навбатида бюджет ташкилотлари томонидан йўл қўйилган кредиторлик қарздорликни юзага келиш ҳолатининг олдини олади.

Бюджет ташкилотлари томонидан тақдим этилган тўловни амалга ошириш учун тақдим этилган талабнома асосида ғазначилик бўлимлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан тўловларни амалга ошириш учун тўлов топшириқнома тайёрлайди ва ғазначилик бўлимларига юборади.

Марказий Ғазначилик органи қабул қилинган тўлов топшириқномани электрон кўринишда Марказий банкка жўнатади. Марказий банк ўз навбатида ушбу тўлов топшириқномага асосан ғазначиликнинг ягона ҳисобварақдан тегишли бюджетдан маблағ олувчи ташкилотга хизмат кўрсатган хўжалик ташкилотнинг банкдаги ҳисобрақамига тўғридан-тўғри пул маблағларини ўтказиб беради. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар туман ғазначилик бўлимлари томонидан бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда хизмат қилувчи жисмоний шахсларнинг банкда очилган ҳисобварақларига ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, нақд пулларни олиш учун ғазначилик чеклари ишлатилиши ҳам мумкин. Чек туман ғазначилик бўлимлари томонидан, тегишли бюджет ташкилоти банкдан нақд пул маблағини олиши учун берилади. Бюджет ташкилотига чекка асосан берилган нақд пул маблағини банкка, ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи орқали қоплаб берилади. Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи орқали тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот Марказий ғазначилик орқали туман ғазначилик бўлимларига ахборот тизими орқали етказилади. Туман ғазначилик бўлимлари тегишли бюджет ташкилотларини тўлов берилган талабномалари амалга оширилганлиги ҳақида хабардор қилади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг бюджет тизимида ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилин-

моқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларидаги ўзгаришларни (бу асосан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий услубий ва ахборот технология ўзгариши жараёнларини) тақозо этган ҳолда, қийинчилик ва муаммоларга дуч келиши мумкин.

Масалан:

1. Маҳаллий ва республика бюджетларини ғазначилик тизими орқали амалга оширишда зарур бўлган ҳисоб-китоб ишлари учун махсус компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва уни ишлатишга керак компьютер техникаларини сотиб олиш учун маблағ талаб қилинади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда давлат бюджетини ғазначилик ижросини таъминлашдаги барча зарур босқичларни билиш ҳамда бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш талаб этилади.

2. Ғазначилик қўлланилаётган маҳаллий ва республика бюджетлари ижросининг ҳисоб-китоби, ҳеч бўлмаса ҳозирги банк тизимидаги ҳисоб-китоб даражасида бўлиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳозирги туман молия бўлимлари билан ва кўзда тутилаётган ғазначилик бўлимларида ягона алоқа тизими йўқлиги энг катта муаммолардан бири ҳисобланади, ягона алоқа тизимини яратиш учун эса катта маблағ талаб этилади.

3. Компьютер дастури ва техникалар билан ишлаш учун молиячи, ҳисобчи ва бошқа юқори даражадаги малакали ишчи ходимлар зарур бўлади, яъни ходимлар билан таъминлаш борасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш керак бўлади.

4. Шуни таъкидлаш ўринлики, Давлат бюджетини ғазначилик тизими орқали ижро этиш, маҳаллий бюджетларнинг эркинликларини қисман камайтиради ҳамда уларнинг бўш турган маблағларидан тезкорлик билан бошқа молиявий ресурс сифатида фойдаланиш имкониятини камайтиради. Бу, ўз навбатида Давлат бюджетининг ғазначилик тизими орқали ижро этишдаги маълум норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир янгиликни-ислоҳотни бюджет тизимига жорий қилинишидан асосий мақсад, ҳозирги даврдаги бюджет тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаётган ҳолатларни камайтиришдир. Чунки барча бозор иқтисодиётига ўтиб ривожланаётган давлатларда ғазначилик тизимининг жорий қилинганлигига бир қанча йиллар бўлганлиги ҳозирги кунда ҳеч биримизга сир эмас. Демак, ривожланган мамлакатлар бежиз ўз иқтисодиётига

ғазначилик тизимини киритмаган. Молиявий соҳа ислоҳотларининг афзаллигини фақат ҳозирги шароитида фаолият юритаётган механизм билан қиёслаб ва таққослаб кўриш мумкин.

Татбиқ этилаётган ғазначиликда мавжуд бўладиган бюджет кўриши ўзининг яхлитлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай бюджет ва нобюджет молиявий ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқларига путур етказилмаган ҳолда, маблағларни жамлаш ва тасарруф этишдаги ваколати чекланади ҳамда воситачиликка барҳам берилади. Маблағ билан таъминлаш бажарилиши лозим бўлган кўрсатилган хизмат ёки товарлар учун тўлов талабномалари бўйича амалга оширилади.

Ғазначилик шароитида ҳам ойлик, йиллик ҳисобот турлари сақланиб қолинади, лекин янгилари ўзларининг тезкорлиги билан фарқ қилади. Ойлик ҳисоботлар режа асосида кунларга бўлинган ҳолда, амалга оширилади. Кун якуни бўйича Марказий банк бўлимидан Ғазначилик Ягона ҳисобварағидан бажарилган тўлов ва тушумлар кун якуни бўйича жамланади, молия ҳудудий бошқармаси ва юқори ғазначилик органига тақдим этиб турилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий бюджетларни ғазначилик тизими орқали ижро этишнинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

- маҳаллий бюджет харажатларини сарфланишини самарали ва мақсадли амалга оширишда ғазначилик функциялари орқали жорий назоратни ўрнатган ҳолда, маҳаллий бошқарув органларини ва бюджет маблағларини тақсимловчилар таъсири камайтиради;

- маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни сифатли ва тезкор тайёр бўлиши, шунингдек, бошланғич ҳужжатлар билан ишланишини инобатга оладиган бўлсак, ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлашга эришилади;

- ҳисоботларнинг доимий, ўз муддатида тақдим этиб борилиши бошқариш жараёнини тезлаштиради;

- маҳаллий бюджет ижроси жараёнидаги маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари орасидаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаб туриш масалалари ечилади;

- бюджетда кўзда тутилган биринчи даражали харажатлар, яъни иш ҳақи, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида молиялаштиришга ёрдам беради;

- Давлат бюджетини ғазначилик тизими орқали ижро этилиши, маҳаллий бюджет ижросидан ташқари, барча Давлат бюджетни маблағлари ғазначилик ягона ҳисобрақамига жамланган ҳолда, самарали ва мақсад-

ли фойдаланиши ҳамда вақтинчалик эркин маблағларни ҳар хил депозитлар ва қимматли қоғозлар бозорида қатнашишига имкон беради.

Ғазначиликни жорий этиш учун зарур дастурий ва услубий базани шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар белгилаб олинди. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маҳаллий бюджетни бошқариш соҳасида иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилиги бюджет тизимининг ҳар қайси бўғини томонидан молиялаштирилган харажатлар тизимини олдиндан аниқ белгилайди. Республика бюджетни ихтиёрида умумдавлат аҳамиятидаги эҳтиёжларни ва у ёки бу маҳаллий бюджет имконияти доирасида бўлмаган харажатларни молиялаштириш бириктирилади. Маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг бўғини сифатида умумий тарзда “Ўзбекистон Республикаси бюджетни тизими тўғрисида”ги Қонунда қабул қилинган харажатлар тизимига эга.

Ғазначилик тизимининг ташкил этилиши банк тизимининг Ягона ғазначилик ҳисобварағи орқали Марказий банкда бюджет ташкилоти муносабатларини марказлаштиришни кўзда тутди. Ушбу ташкилот ғазначиликнинг молиявий режалаштириш ва пул маблағларини бошқариш масалаларида имкониятларини кенгайтиради. Банк тизими компьютерлаштирилмаган ва алоқа тизими кам ривожланган мамлакатларда барча тўловларнинг марказлаштирилиши уларнинг ўтишини кечиктиради. Алоқа соҳасида қийинчиликларга дуч келувчи йирик давлатларда марказлаштирилмаган усулдан фойдаланилади.

Алоҳида-алоҳида бошқарув субъектлари ўртасида баъзи харажатларнинг пропорционал равишда тақсимланиши амалда мумкин эмаслиги қўшимча ноқулайликлар келтириб чиқаради. Ўз навбатида, фондлар бирлиги кассалар хизматининг маълум тартибда бирлашишини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, бюджет тузилишининг иккинчи тамойили – касса бирлиги тамойили ҳаракатини аниқлаб беради. Ғазначиликнинг асосий вазифаси Давлат бюджетини бажарилишини назорат қилиш ва ваколатли банклардаги ғазначилик ҳисобрақамидан даромад ва харажатларни касса бирлиги тамойилидан келиб чиққан ҳолда бошқаришдир.

Бошқача қилиб айтганда, маҳаллий бюджетларни ғазначилик билан бошқариш, ғазначилик тизими ташкил этилиши билан Давлат бюджетидан амалга оширилган барча тўловлар ягона ҳисоб-

варақдан амалга оширилади ва тўлиқ назоратга олинади. Ушбу тўлов турлари бюджет ташкилотлари учун хизмат кўрсатган ёки иш бажарган хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисобрақамига тўғридан тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини ғазначилик органлари орқали ижро этилиши бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишига, бошқариш ва Давлат бюджети, унинг таркибидаги маҳаллий бюджетнинг ижро этилиши бўйича даврий ҳисоботларни тузиш мақсадларида зарур бўлган маълумотни ўз вақтида олиш имконини беради.

Даромад бўйича ҳудудий ғазначилик бўлимлари ва Марказий ғазначилик аппарати Давлат бюджети даромадлари бўйича маълумотни маҳаллий бюджет ва республика бюджети маблағларини алоҳида бўлиб кўрсатувчи ҳисоб тизимига эга бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирда туман солиқ органларига хизмат кўрсатувчи банкларда ҳар бир солиқ тури бўйича очилган транзит ҳисобрақамлар ёпилади. Бунинг натижасида ҳар бир солиқ тўловчи ўзининг хизмат кўрсатувчи банкидан тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб марказида очилган Ягона ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади. Кун охирида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта орқали ушбу ҳисобварақда амалга оширилган даромадлар ва харажатларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотни олади. Бу маълумот асосида Марказий аппаратда жойлашган махсус дастур ҳар бир солиқ бўйича, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимотни амалга оширади ҳамда Марказий аппаратнинг маълумотлар базасига жойлаштирилади. Куннинг охирида ҳар бир туман ўзига тегишли бўлган маълумотлар базасига кириб, керакли маълумотларни олиши мумкин бўлади. Ушбу туман ғазначилик бўлимлари олган маълумотлар ҳар бир солиқ тўловчи ва солиқ органларига электрон почта орқали етказилади.

Маҳаллий бюджетларнинг ижроси жараёнида биринчи даражали харажатларни, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишда ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамдан амалга ошириб туриш имконини яратади. Бундан ташқари, ривожланган молия-бюджет тизимини шакллантиришда давлатнинг молиявий ресурсларини бошқарилиши ва бюджетни узлуксиз ижро этилишини, шунингдек, бюджет маблағлари олувчилари томонидан мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилинишини таъминлайди.

Бундай тизимни жорий этиш натижасида ғазначилик органлари давлатнинг молиявий оқимларини биргаликда назорат қилишни, барча даражадаги бюджетларни ижро этилишини, бюджетдан ташқари ва мақсадли жамғармаларни, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли сарфла-нишини назорат қилишни йўлга қўяди. Молиявий пул оқимларини назоратга олиниши давлат маблағларини ўз вақтида ҳисобга кири-тиш ва бошқа ҳисобга ўтказиш, улардан аниқ мақсадда фойдала-нишни таъминлаш имконини беради.

Албатта, ҳар бир тизимни жорий этилишида, аввало, етук мута-хассислар билан таъминлаш уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш ўта муҳим масала ҳисобланади. Чунки тизимнинг ишлаш жараёни шу ходимларнинг билимдонлиги, қанчалик иш тажриба-сига эга эканлиги ҳамда уларнинг ўз ўрнига қўйилиши билан боғ-лиқ бўлади. Республикамизда вилоят ва туман даражасидаги ғазна-чилик тузилмасининг иккита вариантлари таклиф этилди:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ғазначилик Бош бошқармалари ҳамда 154 та ғазначилик бўлимлари очилади. Бунда туманларнинг географик жойлашуви инобатга олин-ган ҳолда 15 километрдан ортиқ бўлмаган ораликда тузилади.

1. Вилоят ғазначилик бўлимининг бошлиғи туман бюджети хо-димлари, бюджет ташкилотларининг бошқа хўжалик ташкилотлари олдидаги мажбуриятлари тасдиқланган бюджет доираларидан ошиб кетмаслиги устидан раҳбарлик ва назорат олиб боради.

2. Бошлиқ ўринбосари бош ҳисобчи Давлат молиясини Бош-қаришдаги ахборотлаш системасидаги бош журнал китобига барча маълумотларни киритилиши, банк ҳисобрақамлари билан солиш-тиришларни жамлаштириб, республика ва маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи ташкилотларнинг ҳисоботларини тайёрлайди.

3. Тўловлар бўлими ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маб-лағларни ўтказиб бериш учун қабул қилинадиган тўлов талабнома-ларини тўғри тўлдирилганлигига жавоб беради.

4. Тушумларни ҳисобга олиш бўлими даромадларнинг кунлик тушуми бўйича ҳисобот, даромадларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги тақсимоти, вилоят бюджетига тушумларни текширади.

5. Туман бўлимлари ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан туман ва вилоят бюджетлари ўртасидаги «молиявий транзакция-

лар»га жавоб беради. «Молиявий транзакция» деганда маблағларни электрон кўринишдаги ҳаракати тушунилади.

Ғазначилик бўлими тузилмаси

1. Туман ғазначилик бўлимининг бошлиғи туман бюджети ходимлари, бюджет ташкилотларининг бошқа хўжалик ташкилотлари олдидаги мажбуриятлари тасдиқланган бюджет доираларидан ошиб кетмаслигини устидан раҳбарлик ва назоратини олиб боради.

2. Бошлиқ ўринбосари бош ҳисобчи Давлат молиясини Бошқаришдаги ахборотлаш системасидаги бош журнал китобига барча маълумотларни киритилиши, банк ҳисобрақамлари билан солиштиришларни молиявий транзакциялар ва туман ҳисоботларини жамлаштириб, республика ва маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг ҳисоботларини тайёрлайди.

3. Тўловлар бўлими сотиб олиш талабларига ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маблағларни ўтказиб бериш учун қабул қилинадиган тўлов талабномаларини тўғри тўлдирилганлигига жавоб беради.

4. Тушумларни ҳисобга олиш бўлими даромадларнинг кунлик тушуми бўйича ҳисобот, даромадларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги тақсимооти, вилоят бюджетига тушумларни текширади.

Ҳар бир мамлакат учун давлат харажатларини бошқаришни асосий самарали ташкил қилишга эришиш, давлатни бошқаришни асосий талаблардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур масала давлат сиёсий тизими ёки ривожланиш даражасига қарамасдан, уни бошқараётган шахслар ва гуруҳнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Давлат харажатларини бошқаришни ташкил қилиш самарасини юқори даражага кўтариш ғазначилик тизимини жорий қилиш эвазига таъминланиши мумкин, чунки у бюджет даромадлари ва харажатларини ягона қўлда жамлаш имконини беради, яъни бюджет маблағларини ўзга мақсадлар ва самарасиз сарф қилиш ҳолатларини кескин камайтиради.

Қолаверса, ғазначилик тизимининг жорий қилиниши молия вазирликлари учун мавжуд молиявий тизимда рўй бераётган жараёнларга фаол таъсир этиш ва ғазначилик тизими орқали мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштиришга кенг имкон яратади.

Охириги йилларда кўпгина мамлакатларда ғазначилик органлари ўзларининг турли даражадаги бюджетлар ижросини таъминлаш каби асосий функциялардан ташқари, умуман давлат молияси тизимида фаолроқ рол ўйнай бошладилар. Улар иқтисодиёт ва давлат


молияси соҳаларида универсал вазифаларга эга ўзига хос давлат молиявий органларига айланиб бормоқда.

Ғазначилик тизими фаолият кўрсатаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, республикамизда ғазначилик институтининг жорий қилиниши маҳаллий бюджет харажатларини бошқаришда ижобий бурилиш ясайди. Бюджетнинг тўлақонли ижросини таъминлаш, харажатларни самарали ва мақсадли сарф қилинишига эришиш, тезкор, ойлик, йиллик ҳисоботларнинг сифатли тайёрланиши, амалдаги назоратнинг ташкил қилиниши, давлат молиявий ресурсларини тўғри бошқариш эвазига иқтисодиёт ривожланишига таъсир этиш ғазначилик институтини жорий қилишдан кутилаётган асосий ижобий натижалардир.


Бошқармаларнинг Низомига мувофиқ, ғазначилик тизимининг бошқармалари ва бўлимлари тузилиши намунавий шаклда бўлади. Бу таркибий тузилишни иккига бўлиш мумкин: ўзига юклатилган функцияларни бажаришни таъминлашига қараб, вазифа жиҳатидан ва биринчи блокнинг ишини таъминлаш учун қўшимча бўлади. Барча минтақавий бошқармалардаги функционал блокда қуйидаги бўлимлар бўлади: бюджет даромадлари; бюджет харажатлари; бухгалтерия.

Қуйидаги чизмаларда вилоят ва туман ғазначилик органларининг намунавий тузилмасини кўрамыз.

**Ўзбекистон Республикаси вилоят ғазначилик бошқармаси
ташкилий тузилишининг таклиф қилинаётган намунавий
чизмаси**



Ўзбекистон Республикаси туман ғазначилик бўлими ташкилий тузилишининг намунавий чизмаси (лойиҳа)



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2007 йилда Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш механизмини таъминлаш юклатилди. «2007 йилнинг 1 июлидан Андижон, Жиззах, Қашақадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятларида маҳаллий бюджетлардаги бюджет ташкилотлари ғазначилик тизимига босқичма-босқич ўтади»⁷⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532 сон Қарорига мувофиқ 2007 йилнинг якунига қадар республиканинг барча ҳудудларида бюджет ташкилотлари харажатларини ҳудудий ғазначилик ҳисоб-китобларидан тўлаш

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532 сон Қарорининг 28-банди.

механизмини замонавий ахборот технологиялари асосида жорий этиш белгиланди.

«Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман молия бўлими мудирларига қуйидаги вазифалар юклатилди:

- 2007 йилги харажатлар сметаси тасдиқлангунга қадар республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ олувчилар харажатларини вақтинчалик смета харажатлари доирасида тўпланишини назорат қилиш;

- бюджетнинг ғазна ижроси бўлинмаларини моддий-техника базаси таъминотини (биноларни таъминлаш ва тайёрлаш, компьютер техникалари ва жиҳозлар, мебель, канцелярия ва хўжалик моллари) билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўриш;

- графикка мувофиқ «Ғазначилик» комплекс дастурини жорий этишга тайёргарлик кўриш, хусусан, дастурга зарурий маълумотларни киритиш (даромад, харажат, смета, шартнома, касса харажати ва бошқалар) ҳудудий ғазначилик ҳисобрақамларини очиш, бюджет маблағи олувчиларга ҳисобварақлар очишни ва зарур ўқув семинарлар ўтказишни таъминлаш.»⁷⁶

Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармаси, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлимлари каби ҳудудий органлари фаолият бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилади ва тугатилади.

Ғазначилик бўлимлари бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар шакли (барча реквизитлар ва имзоларнинг мавжудлиги) ва маъноси бўйича (операцияларнинг қонунийлиги, арифметик ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва бошқалар) текширилади, сўнгра ҳисобга қабул қилинади. Ҳисобга қабул қилинган ҳужжатлар умумий мемориал ордер билан бир кунлик операцияларнинг барчасига расмийлаштирилади. Мемориал ордерлар операцияларни бажарилишига қараб, лекин ҳужжат олинган куннинг кейинги кунидан кечикмасдан тузилади ва бош бухгалтер томонидан имзоланади. Мемориал ордерлар ҳисобга олиш регистрларига ёзилишидан аввал биринчи сонидан бошлаб кетма-кет тартибда, ҳар ой учун алоҳида-алоҳида рақамлаб

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 2 январдаги 1-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети ижроси жараёнида бюджет интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш тўғрисида» ги буйруғининг 8-банди.

чиқилади.

Республикамизда «Маҳаллий бюджет ва Жамғарма бюджетининг ижро этиш бўйича молия органининг бухгалтериясига ҳисобга олинадиган барча операциялар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак. Пул маблағларини ўтказиш, ҳисоб-китоб характеридаги ва ссудалар бўйича ҳужжатлар молия органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари ва бош бухгалтер томонидан, бош бухгалтер йўқ бўлган пайтларда (меҳнат таътили, касаллик, хизмат сафари ва ҳ.к.) – бош бухгалтернинг ўринбосари ёки штатда ўринбосар йўқ бўлса, катта бухгалтер томонидан имзоланади. Ушбу имзоларсиз бухгалтерия ҳужжати ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Зарур реквизитлар билан тўлдирилмаган ҳужжатларга имзо чекиш ман этилади»⁷⁷.

Маҳаллий бюджет ва Жамғарма бюджетининг ижроси бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб боришда ҳисоблаш техникасини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг АХМ томонидан марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган дастурлари асосида амалга оширилади. Ҳар бир ойнинг охириги санасида ҳисоб регистрларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг касса харажатлари - бюджет маблағ ажратмаларининг бош тақсимловчиларининг ҳисоботлари асосида, бюджетнинг капитал қўйилмалар бўйича харажатлари эса - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқармалари ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муассасалари томонидан топширилган ҳисоботлари асосида акс эттирилади. Жамғарма маблағлари олувчиларининг касса харажатлари ҳисоб регистрларида худди шу тартибда ва ўша сатрларда акс эттирилади. Ушбу операцияларни ёзиб бориш мақсадида ҳисоб регистрларида зарур бўлган миқдорда бўш қаторлар қолдирилади.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 09.03.2006 й.даги 28-сон Буйруғи билан тасдиқланган Адлия вазирлиги томонидан 10.04.2006 йилда рўйхатдан ўтган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича» 1560-сон йўриқнома. 8-модда.

**«Маҳаллий бюджет маблағларининг депозит ҳисобварағида
ҳисоб-китоб юритиш»⁷⁸**

1	Бюджет бўйича ажратмаларни ажратиш режасида кўзда тутилган тегишли харажатларни тўлаш учун бюджетдан ажратиладиган ажратмаларнинг бош тақсимловчиларининг ҳисобварақларига бюджет маблағларини ўтказиш;
2	Бюджет маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун бюджет маблағларини олувчиларнинг тегишли ҳисобварақларига бюджет маблағларини ўтказиш;
3	Қуйи бюджетларга бюджет ссудаларини, дотацияларини (давлат ёрдам пулини), субвенцияларни, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни ва бошқа суммаларни ўтказиш;
4	Ортиқча даромадларни юқори бюджетларга ўтказиш;
5	Бюджет ссудалари, ўзаро ҳисоб-китоблар ва бошқалар бўйича қарзларни қайтариш учун юқори бюджетларга суммаларни ўтказиш;
6	Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар томонидан давлат солиқлари ва даромадлари ажратмалари ҳисобига олинган ортиқча суммалар бўйича республика бюджети олдидаги қарзларни тўлаш учун суммаларни ўтказиш;
7	Аниқ бўлмаган тушумларни тегишлилиги бўйича бошқа бюджетларга ёки бошқа ташкилотлар ҳисобига ўтказиш.

Жорий йил бўйича маҳаллий бюджет ва Жамғарма бюджети ижросининг бухгалтер ҳисоби ёзувларида топилган хатолар қуйидаги тартибда тўғриланади:

а) мазкур ҳисобот даврида бухгалтерия баланси тақдим қилинганга қадар аниқланган, мемориал ордер маълумотларини ўзгартиришни талаб қилинмайдиган хато нотўғри суммалар ва матнни устидан, кўриб бўладиган даражада ингичка чизик тортиш, керак бўлган пайтда чизилганлар устига тўғри суммаларни ва янги матнни ёзиш орқали тўғриланади. Ҳар бир тузатиш бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади;

б) бухгалтерия балансини тақдим қилинганга қадар, мемориал ордердаги хато натижасида топилган хато ёзув, унинг характерига мувофиқ қўшимча мемориал ордер тузиш орқали ёки «қизил сторно» усули билан тузатилади. Баланс тақдим қилингандан сўнг ҳи-

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 09.03.2006 й.даги 28-сон буйруғи билан тасдиқланган ва шу вазирлик томонидан 10.04.2006 йилда рўйхатдан ўтган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича» 1560-сон йўриқнома. 32-модда.

субот даври бухгалтерия ҳисоби ёзувларидаги топилган хатолар ҳам худди шу тарзда тузатилади. Хатолар «қизил сторно» усули билан тузатилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади: хато ёзув қизил сиёҳда қайтадан ёзилиб, тўғриси эса – қора (кўк, сиёҳ ранг) сиёҳда ёзилади. Жами суммаларни ҳисоблашда қизил сиёҳда ёзилган суммалар қора (кўк, сиёҳ ранг) сиёҳда ёзилган суммалар йиғиндисидан айирилади. Хатоларни тузатиш бўйича қўшимча бухгалтерия ёзувлари, шунингдек, «қизил сторно» усули билан хато тузатишлар, одатдаги реквизитлар билан бир қаторда мемориал ордерлар билан расмийлаштирилиб, тузатиш киритилган мемориал ордернинг тузилган санаси ва рақамига асосан тузилганлиги таъкидлаб ўтилади.

Шундай қилиб, Ғазначилик органлари маҳаллий ҳокимият бошқарув органларига эмас, балки фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бўйсунити қонуний асосланади. Республикада давлатнинг молия тизимининг бошқарув органи сифатида ғазначиликни ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди десак, муболага бўлмайти. Мазкур тизимни жорий қилишга малакали кадрлар ва замонавий техникалар билан таъминлаш имкониятлари худудларда деярли етарли даражада таъминланмоқда.

Юқоридагиларга асосан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ғазначилик тизимини яратиш шарт-шароитлари мавжуд. Шу билан бирга, Ўзбекистон ривожланган давлатларда амалдаги ғазначилик тизимини солиштириш ва ўрганиш имкониятига эга. Айниқса, собиқ иттифоқ парчаланиб кетмасдан олдин, молиявий тизим бир хил бўлганлиги туфайли ўтиш босқичлари бир-бирига жуда ҳам ўхшайди. Ушбу шароит уларнинг ғазначилик тизимини яратишда тўқнаш келган муаммоларни таҳлил қилиш ва ушбу камчиликларни қайтарилмаслигида қўл келади.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет, ғазначилик бўлимлари, юқори ва қуйи бюджетлар, пилот лойиҳа, банк тизими, шартномалар, дебитор ва кредитор қарздорлик, молиявий транзакция, «Ғазначилик» комплекс дастури.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинишининг зарурлигини тушунтиринг.

2. Ғазначиликнинг ҳуқуқий ва меъёрий базасини яратиш нима-лардан иборат?

3. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

4. Маҳаллий бюджетларда ғазначилик тизимини жорий қилиш ишлари қандай амалга оширилмоқда?

5. Республикамизда ғазначиликни жорий қилишдаги бошқарув тизими тузилишини изоҳланг.

6. «Маҳаллий бюджетларда ғазначиликни жорий қилиш масалалари» мавзусида реферат тайёрланг.

Х боб. ҒАЗНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

10.1. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш

Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий жаҳон даражаси шундайки, республикада жаҳон ахборот маконининг ахборот инфратузилмалари ва жаҳон ахборот-ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимни яратиш иқтисодиёт, бошқариш, молия, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айни пайтда, республикамиз учун долзарбдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда янги билимларни ишлаб чиқиш учун технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ахборот саноати ривожланиш босқичига кирди. Янги аср бўсағасида автоматлаштирилган ахборот технологиялари жудаям ривожланиб бормоқда, чунки улар нафақат тиббиёт, қурилиш, ижтимоий ва ҳарбий соҳаларда, балки, иқтисодиёт соҳасида, жумладан, молия, банк соҳаларида ҳам кенг ва унумли қўлланилмоқда.

Мамлакатларнинг иқтисодиёти нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони билан, балки ўзлари учун зарур бўлган ахборот воситаларидан қандай фойдаланиши билан ҳам белгиланмоқда.

Ишлаб чиқариш соҳаларида фан ва техника ривожланиши шунга олиб келмоқдаки, жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйновчи ахборот секторлари ташкил топмоқда. Ушбу ахборот секторлари таркибига ахборотларни ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи тармоқлар, ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ташкил этиш, шунингдек, уларни қайта ишловчи асбоб-ускуналар, ишлаб чиқарувчи компьютерлар, коммуникация ва алоқа воситаларини узатувчи асбоб-ускуналар ва ҳакозоларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Ахборот секторлари миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, молия соҳасига ҳам тобора кириб келмоқда.

ЮНЕСКО нинг берган маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида яшовчи аҳолининг 50% дан ортиғи ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида хизмат қилиш билан бир қаторда ахборотларни дунёга тарқатиш жараёнида иштирок этмоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтилиши жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига ахборотлаштириш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни татбиқ этиш суръатларини ғоятда тезлаштириб юборди. Чунки жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонлик шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари кенглиги ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширилишида қандай рол ўйнашига боғлиқ.

Ахборотлаштиришнинг асосий мақсади, интеллектуал фаолиятда янги информацион технологиялардан фойдаланиш, замон талабларига мос равишда мутахассислар тайёрлаш сифати ва фойдаланиш даражасини оширишдан иборат. Давлат молиясини бошқариш шакллари ва усулларини такомиллаштириш фантехника тараққиёти ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотни жамлаш, ишлаб чиқиш, узатиш қонунлари ва усулларини ўрганиш билан шуғулланувчи ахборотлаштиришни янада ривожлантириш асосида ўтади.

Ахборотлаштиришнинг усул ва воситалари янги ёки замонавий деб аталувчи автоматлаштирилган ахборот технологиялари кўринишида ҳам амалга оширилмоқда. Молия соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, тезкорлиги ва бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди.

Япон олимларининг таъкидлашича, ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни инсонларга ишончли ахборот манбаидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон беради. Бугунги кунда ахборотлаштириш кишилиқ жамиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Янги, ҳали илмий адабиётларда мустаҳкам жойлашиб улгурмаган – «ахборотлашган иқтисодиёт», «ахборотлашган ресурслар», «ахборотлар тизимини бошқариш», «ахборотлар бизнеси» каби тушунчаларга дуч келмоқдамиз.

Инсоннинг ахборот ишлаб чиқиши бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан қуроллантириш – ахборотлаштириш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг муҳим техник, иқтисодий вазифалар амалга оширилмоқда. 70-йилларнинг бошларигача компьютерлаштириш юзаки бўлгани учун жамиятда ахборотлаштиришга катта эҳтиёж сезилмаган. Компьютерлаштириш жараённинг кескин кенгайиши, микропроцессорли техниканинг оммавий ривожланиши, айниқса, ЭҲМ ларни кенг қўллаш масаласини зарурият қилиб қўйди.

Иқтисодчи ва молиячининг иш жойини компьютерсиз тасаввур қилиш қийин ва бу универсал техниканинг имкониятларидан мутахассислар тўлиқ фойдаланиши керак бўлади, чунки автоматлаштирилган ахборот технологиялари мутахассисга иқтисодий жараёнларни бошқаришда самарали фойдаланиш имконини беради. Шундай давр келадими, унда жамият, ишлаб чиқаришнинг салоҳияти ва илмий даражаси ЭҲМ ларнинг миқдорий қуввати ва ахборотларни улар ёрдамида қайта ишлашни такомиллаштириш даражаси билан белгиланади.

Техник воситалар комплекси ёрдамида ахборотларни қайта ишлаш технологияси айрим ноинформацион элементлар билан манипуляция қилиш шаклланган тавсифни ва элементларни ўрганилишини таъминлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ва узатишни қулайлиги учун идентификациялаш заруриятини келтириб чиқаради, шаклланган кўринишда тақдим этилган ахборотга маълумот номи берилади.

Жаҳон хўжалигида илмий-техникавий ва ахборот ресурслари ўз навбатида инсон ресурсларининг бундан кейинги ривожланишидаги энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Ахборот технологиясини қўллашдан мақсад-ахборот захираларидан фойдаланилганда меҳнат машаққатини камайтиришдир.

Ахборот ресурслари (захиралари) деганда, ташкилот учун кадр-қимматга эга бўлган моддий захира сифатида қатнашадиган маълумотлар йиғиндиси тушунилади, улар жумласига маълумотлар файли, хужжатлар, матнлар, графикалар, билимлар, аудио-видео ахборотлар киради. Дастур, лойиҳа ва билимлар негизи-ахборот захираларининг ҳаётийлик даврининг тугалланган шаклидир, улар ўзларида жамланган билимларни олиш имконини беради.

Ахборот ресурслари иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири давлат молиясини бошқариш соҳасида ҳам катта аҳамият касб эта-

ди. Зотан, инсон аниқ, долзарб ва тезкор ахборотга эга бўлса, у фаолиятини тўғри йўлга қўйишнинг асосий замини бўлиб хизмат қилади.

Ахборот-лотинча «informatio» – тушунтириш, хабар бериш маъносини беради. Ахборот бирон-бир далил, воқеа, ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни билдиради, бу кибернетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, хабар, маълумот, кўрсаткичларнинг мажмуасидир. Кенг маънода ахборот моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган жараёнларни билдиради, оддий қилиб айтганда, ахборотни фойдаланилган маълумотлар деб атаса бўлади.

Мазмунига ва инсон фаолиятида хизмат қилиш доирасига кўра ахборот илмий, ишлаб чиқариш, бошқарув, тиббиёт, иқтисодиёт, молия, экология, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар бўлиши мумкин. Иқтисодий ахборот-ахборотнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий ахборот- ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий ресурслар, бозорлар, банк ва молия муассасалари фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Сўнгги ахборот инқилоби янги соҳа-технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ахборот саноатини олдинги қаторга сурмоқда. Ахборот технологиялари, айниқса, телекоммуникацияларнинг барча турлари ахборот саноатини энг муҳим ташкил қилувчилардир.

Замонавий ахборот технологияси компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг мураккаблашуви, инсон фаолиятининг барча соҳалардаги жараёнлар динамикасида ўзгаришига, иккинчи томондан, билимларга эҳтиёжнинг ўсишига, учинчи томондан мазкур эҳтиёжларни қондиришнинг янги восита ва усуллари яратишга олиб келди.

10.2. Ғазначиликда замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа тизимларидан фойдаланиш

Иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги каби бюджет тизимида, айнан бюджет ижросида ҳам жаҳон тажрибасига асосланган ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши бугунги куннинг талабидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириш

жараёнида интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга, бунга эришиш йигирма биринчи асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади”⁷⁹.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий жаҳон даражаси шундайки, республикамизда жаҳон ахборот макони, ахборот инфратузилмалари ва жаҳон ахборот-ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимни яратиш иқтисодиёт, бошқариш, молия, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айни пайтда республикамиз учун долзарб масалалардир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонида таъкидланишича, реал иқтисодиёт тармоқларида бошқарув, молия, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароит яратиш лозим бўлади. Республикамизда давлат молиясини бошқаришдаги ислохотларнинг яна бир йўналиши, бюджетнинг бажарилишини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизими яратилади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молия ахборот тизимини жорий этиш, давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини берадики, бу давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди.

Ғазначиликни самарали фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа тизимидан фойдаланишдир. Шунинг учун бугунги кунда ғазначилик ишини ахборотлар билан таъминлаш тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, ғазначилик органларини замонавий компьютерлар технологияси ва алоқа узатиш воситалари ба-

⁷⁹ Каримов И.А.Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш-устувор вази-фа. // Халқ сўзи. 2001. 12 январ. 2-бет.

засида ахборотлар билан таъминлаш ғазначиликни жорий этиш билан бирга параллел равишда олиб борилиши керак.

Ғазначилик органларининг барча босқичларини, бюджетдан маблағ олувчиларни ва бюджет маблағи тақсимловчиларини ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширадиган ахборот бўлими мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида молия ахборот тизимининг функционал ва техникавий тузилмасини ишлаб чиқишга 500,0 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Япония, Франция, Австралия, Буюк Британия, Россия каби мамлакатларда давлатга қарашли маблағлар ғазначиликнинг ягона ҳисоб-рақамида тўпланади, давлат қарзларини бошқариш ғазначиликка юклатилган.

Ғазначилик департаменти муомалага қимматли қоғозлар чиқаришни, уларнинг ҳажмини, таркибини ва тўлов муддатини назорат қилади, барча давлатларда молия-ахборот тизими фаолият кўрсатади. Бунда бюджетни тайёрлаш, уни ижро этиш ва йиғилган тушумларнинг ва қилинган харажатларнинг ҳисоби амалга оширилади. Мазкур ахборот тизими орқали ғазначилик органлари, тармоқ департаментлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мамлакатда бундай тизимнинг мавжудлиги ҳар доим давлатнинг молиявий ресурслари тўғрисидаги тезкор умумий ахборотларни олиш имконини беради.

Давлат молиясини бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш фан-техника тараққиёти ютуқлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ахборотни жамлаш, ишлаб чиқиш, узатиш қонунлари ва усулларини ўрганиш билан шуғулланувчи ахборотлаштиришни янада ривожлантириш асосида ўтади.

Ғазначиликнинг ахборот тизимини амалга оширилиши бюджет жараёнидаги барча қатнашувчиларни ягона корпорацион маълумотлар базасига асосланган битта ахборот тармоғига бирлаштиришни кўзда тутаяди. Ғазначиликнинг комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш маълумотларнинг

ахборот оқимларини ўтишини тезлаштириш, бюджет ижроси тўғрисидаги маълумотларни ишончлилигини ва уни қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш қай даражадалигини аниқлашга, назоратни кучайтиришга, режалаштиришни ойдинлаштиришга имкон яратади. Шунингдек, бюджетнинг ижрочилик жараёни бошқарувини юқори даражада олиб боришни таъминлайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш шунини кўрсатадики, бюджет жараёнини автоматлаштирилган ахборот тизимида бошқаришни амалда қўллаш ва ривожлантириш иқтисодий барқарорлашувни таъминлашга сезиларли даражада таъсир қилади. Молиявий-иқтисодий ахборотлар оқимларининг ҳозирги пайтдаги ҳажмларининг ниҳоятда катталиги, ахборотларнинг вазифаларини ҳисобга олиш ва оптималлаштириш қўл меҳнати ёрдамида амалиётда қўллашга имкон бермайди, шу сабабдан, ғазначиликни ахборот тизимидан фойдаланилмасдан ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди.

Автоматлаштирилган ахборот тизимини афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- ◆ тизимни ўрнатишни осонлиги, мавжуд операциялар асосининг имкониятлари яратилади;
- ◆ тушуниш осон ва уларни ўзлаштиришга кам вақт кетади;
- ◆ техник малака талаб қилинмайди;
- ◆ мосланувчан ва тегишли иш талабларига ўрганувчан бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”-ги (2003 й. 11 декабр), “Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларнинг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”-ги (2003 й. 11 декабр), “Электрон имзо тўғрисида”-ги (2004 й. 29 апрел), “Электрон ҳужжатларнинг айланиши тўғрисида”-ги Қонунлари (2004 й. 29 апрел) ва бошқа низомлар, меъёрий ҳужжатлар ахборот ресурсларининг ҳуқуқий асосини белгилайди.

Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини яратишнинг асосий йўналишлари барча даражадаги ғазначилик органларининг комплекс автоматлаштириш, уларни тезкор ахборотлар билан таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, турли ташкилот ва бўлинмаларнинг фаолият кўрсаткичларини узатиш ва алоқа тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

10.3. Давлат молиясини бошқаришда ахборот тизими

Бошқа мамлакатларда ғазначиликни фаолият кўрсатиш амалиёти ва уни ривожлантириш йўллари шуни кўрсатадики, бюджет маблағларини самарали ва тезкор бошқаришнинг кафолати давлатнинг молиявий ахборот тизими ҳисобланади. Бу тизим давлатнинг молиявий операцияларини умумий бошқаришнинг ҳисоботлар тузиш ва ҳисоб юритишни ўз ичига олган компьютерлашган мажмуа тизими эканлиги билан характерланади.

Бундай тизимни яратиш учун ҳозирги замон телекоммуникациялар, ғазначилик органларини ягона дастур билан таъминлаш зарур, ахборот воситаларини ўз вақтида ишлаш ва барча бюджет жараёни қатнашчиларининг ахборотларини ишлашини ва алмашишини ташкил қилиш лозим бўлади.

Кейинги ўн йилда ахборот технологияларининг ниҳоятда ривожланиши давлат молиясини бошқаришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Шунинг учун телекоммуникациянинг ўсиб бораётган корпоратив, минтақавий ва глобал воситаларидан фойдаланишда электрон ҳужжатларни айланишини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини (ДМБАТ) ташкил этишда қуйидагилар ҳисобига бюджет жараёнларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин:

- ◆ бюджет жараёнлари ижросида қарор қабул қиладиган шахсларни тўлиқ, ишончли, тезкор, ва деталлаштирилган ахборотлар билан таъминлаш;

- ◆ молия ресурсларини тезкор бошқаришда ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш;

- ◆ бюджет кўрсаткичларини шакллантиришда ишончлилигини ва тезкорлигини ошириш;

- ◆ бюджет ижросини прогнозлаштиришнинг ишончлилигини ошириш;

- ◆ бюджет тизимининг турли даражаларида маблағларни мақсадли ишлатилиши ва бюджет ижросини самарали назоратини таъминлаш;

- ◆ бюджет тизимининг турли даражаларида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантиришда тезкорликни ошириш.

Республикамизда ташкил этилган ДМБАТни қўлланилиши ягона ҳуқуқий, услубий ва ахборот макон асосида бюджет жараёнлари

чегарасида амалга ошириладиган ишларни комплекс автоматлаштириш, турли босқичдаги ғазначилик органларининг ўзаро ҳаракатларини таъминлаш ва мувофиқлаштириш, уларни тезкор ахборотлар билан таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, турли ташкилотларни ва бўлимларни фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бериш ва алоқа тизимини ташкил этишда янги тузилган ДМБАТ қўлланилади.

ДМБАТни амалда қўллаш қуйидаги вазифаларни ечиш имконини беради:

⇒ ғазначиликнинг турли даражаларида бюджет маълумотлари билан ишлашни марказлаштириш;

⇒ ҳужжатлар билан ишлаш ва маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишда талаб қилинадиган тезкорликни таъминлаш;

⇒ ҳисобрақамлардаги қолдиқларга мувофиқ молия ресурсларига бўлган келгуси эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва оптималлаштириш;

⇒ бюджет жараёнларини янада самарали бошқаришни таъминлаш;

⇒ маблағларни мақсадли сарфланишини тезкор назоратини амалга ошириш;

⇒ аппарат ишларини самарадорлиги ошириш, хатоларни минималлаштириш, аппаратни сақлаш харажатларини қисқартириш;

⇒ давлат бошқарувидаги ваколат берилган шахсларни бюджет ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотлар билан таъминлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат молиясини бошқаришни ахборот тизимини яратиш қуйидагиларга имкон яратади:

✚ ғазначилик ва банк органлари, турли даражадаги бошқа идораларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаш, уларни ягона ахборот базасида тезкор ахборот алоқасини таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, республикадаги бюджет ижросига боғлиқ бўлган турли ташкилотлар ва бўлинмаларнинг алоқа тизимини ва уларга маълумотлар узатилишини ташкил қилиш;

✚ локал комплекс вазифаларни автоматлаштиришдан барча ахборот тизимини қарама-қарши бошқариш шароитида автоматлаштиришга ўтишни ташкиллаштириш;

✚ ғазначилик таркибий бўлинмаларида ахборотларга марказлашган ҳолда ишлов беришга ўтиш;

✚ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида республикадаги молиявий вазифаларни ҳал қилиш учун ягона автоматлаштирилган маълумотлар сақланадиган база яратиш;

✚ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бўйича қарорлар қабул қилиш учун давлатнинг раҳбар органларига тўлиқ, тезкор ва ишончли ахборотларни тақдим қилиш;

✚ алоҳида вазифаларни ахборотлаштиришнинг барча харажатларини камайтириш ва қабул қилинадиган қарорларни ҳамда минтақаларда бюджет операцияларини фойдасини ошириш асосида ахборотларни ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидаги ғазначиликнинг ахборот тизими архитектураси – ахборот технологиялари қўйилган мақсадга эришишни қандай қўллаб-қувватлайди, фалсафий фикр юритади ва аниқ мақсадни ифодалайди, бу мақсадга эришиш учун ахборот тизими қандай ишларни қилиши кераклигини кўрсатадиган модулдир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий операцияларни яхши бажарилиши учун архитектуранинг ишчи, функционал ва ахборот бериш томонлари ўрганилишини талаб қилади.

Давлат бюджетининг ижроси бўйича ғазначилик органлари ишларини ташкил этишда нафақат бюджет ижроси тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, балки, ахборотларни олиш, ишлаш, сақлаш, беришни таъминлайдиган автоматлаштиришнинг технологик жараёнлари ҳам таъсир кўрсатади.

ДМБАТни ишлаши бир бутун комплекс ташкилий, услубий, ҳуқуқий ва техник характердаги тадбирларни амалга татбиқ этишни талаб қилади:

⇒ ғазначилик тизимида бюджет ижросининг услубиётини ишлаб чиқиш;

⇒ ташкилий ишларни таъминлаш;

⇒ ахборотлар билан таъминлаш;

⇒ дастурлар билан таъминлаш;

⇒ компьютерлаштириш;

⇒ телекоммуникация;

⇒ ички назоратни таъминлаш воситалари;

⇒ ишловчи ходимларни ўқитиш;

⇒ услубий, дастурий ва фойдаланиладиган ҳужжатлар билан ишлаш.

Молия вазирлиги томонидан кўпгина молиявий, аналитик ва бошқарув операцияларни ва уларнинг талабларига жавоб берадиган эгилувчан ва самарали ахборот тизимининг фаолияти энди иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизими жорий қилинган ресурслардан максимал фойдаланиш, иложи борича ишловчининг саволларига жавоб бериши, ахборотларни сақлаш учун таркиблаштирилган бўлиши керак. Шунинг учун бундай ахборот тизимини таркиблаштиришда тизим модулларини яратиш архитектурасини лойиҳалаштириш, энг аввало, ахборот тизимининг архитектура концепциясини кўриб чиқиш зарур.

Ҳар бир мураккаб тизимни жорий қилишнинг асосий аспекти-нинг ахборот архитектурасини яратиш ҳисобланади. Одатда, бундай мураккаб ахборот тизимлари юқори даражада ўзаро алоқада ўзи алоҳида тизим бўлган компонентларнинг йиғиндиси сифатида лойиҳалаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигининг ахборот тизими архитектураси – ахборот технологиялари кўйилган мақсадга эришишни қўллаб-қувватлайдиган аниқ мақсадни ифодалайди, бу мақсадга эришиш учун ахборот тизими қандай ишларни қилиши кераклигини кўрсатадиган модулдир. «Ғазначилик тизимининг ахборот тизими архитектурасини ишлаб чиқишнинг мақсади – фалсафий ахборот концепциясини моделлаштириш, Молия вазирлиги талаб қилаётган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, республикадаги ғазначилик тизимининг аҳамиятини ошириш ва барча жараёнларни мукаммаллаштиришдир. Молия вазирлиги молиявий операцияларни яхши ба-жарилиши учун архитектуранинг ишчи, функционал ва ахборот бериш томонлари ўрганилишини талаб қилади. Бундан ташқари, ахборот тизими йилдан-йилга ривожлантирилади ва мураккаблаштирилади. Ахборот тизимини ташкил этиш, уни бошқариш маълумотларни тузилиши, ҳисоблаш воситаларининг ишлашини ҳамда бу ҳисоблаш воситаларини юқори даражада ўзаро алоқалари аҳамияти каби масалаларини ўз ичига олади»⁸⁰.

ДМБАТни яратиш ишчи, функционал, ахборот, техника каби элементлардан ташкил топган, тизимнинг умумий архитектурасини турли хилдаги моделлаштирадиган инфратузилманинг тахминий архитектура дизайни ишлаб чиқилди. ДМБ АТ деталлаштиришнинг

⁸⁰ Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. \ Под. ред. Дж. Кучкарова. Ташкент. Мир экономики и права. 2005. - 220с.

керакли даражасини таъминлаб, вазирликнинг бир бутун архитектура концепциясини камраб олинди. Ишлаётган архитектура Молия вазирлигининг бюджет ижроси тизимини амалдаги асосий архитектура таркибини ифодалайди. Функционал архитектура ғазначиликнинг асосий вазифаларини бажариш учун киритилган тизимларни ва модулларни функционал структурасини ифодалайди.

Функционал структуралар ва вазифаларнинг рўйхати ДМБАТ нинг концептуал чизмасининг таркибида ва ДМБАТнинг умумий функционал архитектурасида кўриб чиқилади. Яратилаётган тизимнинг функционал структуралари ва вазифалари, унинг концептуал модели ва архитектураси аниқлангандан кейин, ахборот архитектураси, режали дастурлаштириш архитектураси, техник воситалар ҳамда телекоммуникациялар билан таъминлаш муҳим бўлиб қолади. Молия вазирлиги яхши ўйланган режали архитектуранинг бошланғич архитектурасидан кейинги авлодига ўтиш стратегиясини талаб қилмоқда. Бу стратегия амалдаги бизнес маданиятини, таъминланадиган технологияни, ахборот тизимида қатнашадиган ходимнинг билими ва малакасини, эътиборга олиши керак. Ўтиш даври компьютер тизимининг «конверсия» сифатида эмас, балки «янги имкониятлар ассимиляциясининг жараёни» сифатида кўриб чиқишни талаб қилади.

Ахборот тизими архитектураси ахборот технологияси сифатида автоматлаштирилаётган объектнинг ривожлантириш стратегияси ва асосий мақсадини қўллаб-қувватлайдиган моделни ифодалайди. Ахборот тизими архитектурасида ахборот тизими, унда ягона бирлашган ҳолда ишлайдиган барча ташкилотлардаги ходимлар учун тавсиялар кўрсатилади. Ахборот тизими архитектураси деталлаштирилган ахборот тизими таркибини кўрсатиб беришни, ахборот тизимини ишлаб чиқишда уларнинг фойдалилигини таъминлашини ифодалайди. Автоматлаштирилаётган объектнинг талабини қондириш зарурлиги учун ахборот тизими архитектурасини ишлаб чиқиш амалга оширилади.

Ахборот тизими архитектураси автоматлаштирилаётган объект билан бизнес-операцияни бажариши учун зарур бўлган барча ахборотларни аниқлайди ва бу ахборотларни ўзаро алоқаларини ташкил қилади. Бизнес-функцияни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган барча маълумотлар ахборот архитектурасида камраб олинishi керак. Ахборот тизими архитектураси бу объект ва унинг атрофини юқори даражада ривожлантириш концепциясидир. Ахборот тизими архитектураси таъминлайдиган ахборот тизимининг қурилиш бло-

ки компонентлар йиғиндисини ўз ичига олади. Бу қурилиш блоклари ва уларнинг характеристикаси унга мувофиқ равишда ишлаб чиқиладиган қарорларнинг эҳтиёжлари билан аниқланади. Яхши аниқланган ахборот тизими маълумотларни алмашишни ва улардан фойдаланишни енгиллаштиради, назоратни таъминлайди, ҳар хил ўзгаришларни камайтиради, маълумотларни ишлашни минималлаштиради, уларни мақсадлилигини яхшилайдди.

10.4. Ғазначиликнинг ахборот тизими

Ғазначиликнинг ахборот тизимини (АТ) янгилаш ва қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳукуматнинг барча молиявий операцияларини рўйхатдан ўтказадиган бўғин билан биргаликда янги компьютерлаштирилган ва автоматлаштирилган молия ғазна тизимини яратиш; барча тўлов операцияларини рўйхатга олиш; ажратмаларни тақсимлаш учун бюджетнинг ижро тизимини жорий қилиш; бюджет маблағларини ишлатиш ваколатларига нисбатан ажратмаларни ишлатишни назорати ҳамда бюджет ижросига алоқадор барча зарурий ҳисоботларни тайёрлаш; ғазнанинг турли бўғинлари ўртасида электрон алоқа тизимини жорий қилиш масалалари ғазначилик тизимини жорий қилишнинг муҳим вазифаларидир.

Ахборот тизимининг хизматчи қисмлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Маълумотлар хавфсизлиги ва ҳимояси
- ✓ Информацион хизматлар
- ✓ Идоралараро муносабатлар
- ✓ Тизим администраторлиги

Ғазначиликнинг ахборот тизимини (АТ) модернизация қилиш қисми ғазначиликнинг дастурий маҳсулотларини танлаб, сотиб олиш, мослаштириш/параметрлаштириш, интеграциялаш, синовдан ўтказиш ва бошланғич маълумотлар дастурларини жойлаш, ахборот технологиялари жиҳозлари ва телекоммуникациялар (ишлаб чиқариш, нусха кўчириш, маълумотларни сақлаш, тармоқ ва почта серверлари, ишчи станциялар, тармоқ принтерлари ва глобал тармоқ (LAN/WAN), коммутаторлар ва маршрутизаторлар) сотиб олиш ҳамда ғазначиликнинг АТ ходимлари ва охириги фойдаланувчиларни ўқитишни ўз ичига олади. Ғазначиликнинг АТ ни яратиш билан боғлиқ харажатлар республикада давлат молиясини бошқариш харажатларининг 80 фоизини ташкил қилиши мумкин.

ДМБАТнинг архитектурасида ғазначиликнинг **ахборот таъминоти** асосий рол ўйнайди. У кўрсаткичлар йиғиндисини, бир-

ламчи маълумотларни, классификаторларни, хужжатларнинг унификацияланган тизимини, автоматлаштирилган хизмат учун махсус ахборот ташувчиларни, шунингдек, ахборотларни ўз вақтида ва сифатли ишлашини ҳамда ишончли сақланиш технологиясини таъминлайдиган ходимни ўз ичига олади. Демак, «ахборотлар объекти ва уларнинг ўзаро алоқаларининг йиғиндиси ахборот архитектура-сини асосини ташкил этганлиги учун ДМБАТнинг технологик жараёнларидаги ахборот объектларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- бирламчи маълумотлар – харажатлар сметаси, бюджет ёзуви, ёзув ўзгаришлари тўғрисида маълумот, тўлов топшириқномалари, мақсадли ишлатиш чизмаси, банк кўчирмалари, шартномалар, қимматли қоғозлар ва кредит келишувлари;

- ҳисоб-китоб маълумотлари – бирламчи маълумотларни ишлаш натижасида пайдо бўлган маълумотлар, бюджетнинг аниқланган ёзуви, молиялаштириш қолдиқлари, турли шаклдаги ҳисобот маълумотлари, аналитик ҳисоб-китоб кўрсаткичлари;

- меъёрий-маълумот учун берилганлар-бюджет таснифи, маъмурий-худудий бўлиниш классификаторлари, бюджет ташкилотларининг реестрлари, бюджет счетларининг реестрлари;

- технологик маълумотлар-автоматлаштирилган тизимнинг ишлашини таъминлаш учун зарур хизмат учун маълумотлар, рўйхатдан ўтган кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги, ҳаракатлар тури ва фаолияти бўйича ишловчининг ҳуқуқи, ишловчининг ҳаракатлари ёзиладиган жадваллар»⁸¹.

Ахборот архитектурасининг асосий қисми бўлиб бутун тизимнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган режали дастурлаштиришни таъминлаш – РДТ ҳисобланади. У ахборот тизимида ишлатиладиган ахборотларга ишлов беришни автоматлаштиради, дастур воситаларини таркиби ва ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Келгусида ғазначиликнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг ўзаро ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан алоқасини таъминлайдиган очик, жаҳон стандартларига асосланган ахборот архитектураси яратилади. Асосий архитектура тамойиллари раҳбар талаб қиладиган даражада ахборотлар ишловини таъминланлаш негизи бўлади. Асосий архитектура тамойиллари ташкилот ҳар кунги фаолиятда риоя қиладиган тартиб ва интизом қоидаларини белгилайди.

⁸¹ Ўша жойда.

Ахборот тизим маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш қуйидагилардан иборат:

- маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш;
- маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш;
- тизимни марказлашган ҳолда бошқариш;
- тизим хавфсизлигини марказлашган ҳолда таъминлаш.

Дастурий таъминот

- Уч поғонали тизим:
 - Марказий Банк серверлари
 - Дастурий серверлар
 - Фойдаланувчиларнинг иш ўринлари
- Фойдаланувчиларнинг иш ўринларида оддий интернет браузер ишлатилади (масалан, Microsoft Internet Explorer)
- on-line режимида ишланади

Ғазначилик ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро алоқалари

- Молия вазирлигининг глобал уйғунлашган ахборот тизими
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ахборот тизими
- Давлат Солиқ қўмитасининг ахборот тизими
- Давлат Божхона қўмитасининг ахборот тизими
- Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг ахборот тизимлари.

Ҳозирги кунда «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар доирасида, Молия вазирлигининг маълумот узатиш тармоғига Самарқанд вилоятининг иккита шаҳар, 11 та туман ва вилоят Ғазначилик бўлимлари уланган. Барча бўлимлар ўтказиш қобилияти 128 Кбит/с бўлган рақамли алоқа каналлари орқали уланган. Уларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳридаги марказлашган маълумотлар базасига уланган. 2007-2008 йиллар даврида молия Вазирлигининг маълумот узатиш тармоғига вазирликнинг барча бўлинмаларини улаш режалаштирилган»⁸².

Бугунга келиб МДХ давлатларида ушбу тизим жорий қилинди ва айни пайтда мавжуд тизимни такомиллаштириш ишлари олиб

⁸² Болтабаев Т.С. Давлат бюджети ғазначилик ижросида ахборот тизимларининг роли. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бюджетини прогнозлаш, ижро этиш ва назорат. Маъруза матнлари тўплами. Молия. 2006.

борилмоқда. Мана шу нуқтаи назардан қарасак, республикамиздаги ғазначиликнинг ахборот тизими мукамал бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

«Бугунги кунда ғазначилик тизими фаолиятининг асосий модуллари ишлаб чиқилган, улар қуйидагилардан иборат:

- ◆ бюджет мажбуриятларини ва тўловларини бошқариш;
- ◆ режадаги бюджет ажратмаларини бошқариш;
- ◆ даромадларни бошқариш;
- ◆ кассали режалаштириш ва бошқариш;
- ◆ банкни бошқариш;
- ◆ қарзларни ва молиявий активларни бошқариш;
- ◆ бухгалтерия;
- ◆ ҳисобот юритиш;
- ◆ ахборот хизмати;
- ◆ маъмурий тизим»⁸³.

Даромадларни бошқариш

1. Солиқ тўловчи муайян солиқларни ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига ўтказиш учун тўлов хабарномаси тузади, даромадларнинг транзит ҳисоб рақамлари бекор қилинади. Тўлов хабарномасида бюджет таснифи асосида тўловнинг тури ва мақсади акс эттирилиши керак. Тўлов хабарномаларини қабул қилишда солиқ тўловчиларга хизмат қилувчи банклар бюджет таснифлари кўрсаткичларини қўшган ҳолда тўлов хабарномаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

2. Марказий банкнинг КХМ (кассали ҳисоблаш маркази) Ғазначиликнинг Бош бошқармасига тушган маблағлар бўйича кўчирма тақдим этади.

3. Ғазначиликнинг Бош бошқармаси Марказий банкнинг КХМидан олинган маълумотларга ва белгиланган тарқатиш меъёрларига асосан даромадларни республика ва маҳаллий бюджетларга бўлади.

Ахборот тизими тўлов хабарномасида акс эттирилган бюджет танифига биноан келтирилган маълумотларга асосан майдалашга имкон бериши керак. Ғазначилик бўлими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

⁸³ Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимида бюджет мажбуриятлари ва тўловларни бошқариш модули. // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №9. 45 б.

– тўланган солиқларни бюджет таснифи тегишли бўлимларига тўғри киритилганлигини текшириш;

– кримлар тўғри амалга оширилган ҳолда бўлим ходимлари даромадларни республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш учун Ғазначилик Бош бошқармасида тасдиқлаш.

Кун охирига аниқланмаган тушумлардан ташқари майдалаштирилмаган ва тарқатилмаган маблағлар қолиши мумкин эмас. Аниқланмаган тушумлар суммаси автоматик равишда республика бюджетига крим қилиниб, ғазначиликнинг алоҳида суб ҳисоб рақамида ҳисобга олинади. Юқори бюджетдан қуйи бюджетга дотациялар, субвенциялар ёки бюджет ссудалари ажратишда тизим тегишли бюджетлар назорат ҳисобларига ўзгаришлар киритиш ҳамда бюджет ссудалари ажратиш имконини бериши керак. Ссудалар қайтарилган ҳолда ҳам тегишли бюджетлар нақдлилик назорат ҳисобларига тегишли ўзгаришлар киритилади. Тушган солиқлар Ғазначилик бўғинлари томонидан солиқ органи далолатномасига асосан қайтарилади.

Даромадлар ҳақидаги кунлик ахборотлар ғазначилик штампи билан мос равишда маҳаллий молия, солиқ ва божхона органларга электрон шаклда узатилиб, кейинчалик улар қоғозларда тегишли реестрлар, тўлов хабарномалари ва бошқа зарурий ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш

1. Счет-фактуралар, бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бюджет маблағларини олувчилар ғазначилик бўлимларига тўлаш учун счетлар тақдим этадилар.

2. Режалаштирилган ажратмалар борлиги, товарлар (хизматлар) етказилганлиги ва тўловчи, маблағларни олувчиларнинг реқвизитлари текшириб бўлингандан сўнг ғазначилик бўлимлари тўлов ҳужжатининг электрон версиясини тузади. Бундай қоғоз тўлов ва бошқа ҳужжатларининг асл нусхалари туман ғазнасида қолади. Туман ғазнаси томонидан тўлов қўлланилган ҳолда Тошкент шаҳридаги Ғазначилик Бош бошқармасининг тўловлар департаменти қайд қилинган тўлов хабарномалари асосида ҒЯХРдан етказиб берувчилар ҳисоб рақамларига назоратдаги ҳисоб рақамлардаги нақд маблағлар эътиборга олинган ҳолда тўловлар пакети шакллантирилади. Маблағлар Ғазначиликнинг Марказий банкдаги Ягона ҳисоб рақамларидан товарлар ва хизматлар етказиб берувчининг ҳисоб

рақамига тўғридан - тўғри ўтказиб берилади. Тўловчи ва олувчилар учун тўловнинг тасдиғи ғазначилик бўғинларининг электрон кўринишдаги ахбороти орқали амалга оширилади.

Бюджетнинг иш ҳақи, стипендия, нафақалар, хизмат сафарлари учун харажатлари ҒЯҲРдан маблағларни тегишли жисмоний шахслар ҳисоб рақамига ўтказиш орқали амалга оширилади. Айни пайтда, бюджет маблағлари ҒЯҲРдан бюджет маблағларини олувчиларнинг қоғоз ёки электрон кўринишида тақдим этган ведомостлари асосида ўтказиб берилади.

Нақдлиликнинг назорат ҳисоби қуйидагича амалга оширилади. Бюджетнинг барча даромадлари Марказий банкдаги ҒЯҲРга тушиши сабабли банкда даромадларни бюджетнинг барча бўғинларида ҳисобга олиш учун алоҳида субҳисоб рақамлари очилмайди. Бюджет барча бўғинларининг қолдиқлари Марказий Ғазнадаги тегишли бюджетлар нақдлилик назорат ҳисобларида амалга оширилади. Харажатлар нақдлилик назорат ҳисобларидаги қолдиқлар доирасида амалга оширилади. Назорат рақамларида маблағлар йўқлиги ёки етарли бўлмаганда тизим харажатлар амалга оширишга йўл қўймаслиги керак. Назорат ҳисоблари устидан назорат Ғазначиликнинг Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Тўловларни бошқариш

Худудий Ғазначилик бўлимларидан тушаётган тўловлар пакетини шакллантиради. Устуворлик тартиби ва нақдлилик назорат рақамларидаги маблағларнинг борлигига қараб Марказий банк тушган тўлов хабарномаларини ҒЯҲРдан товарлар ва хизматлар етказиб берувчиларга тўлаш учун йўналтиради. ҒЯҲРдан тўловлар амалга оширигандан сўнг амалга оширилган операциялар натижалари ва нақдлилик назорат рақамларидаги қолдиқлар билан солиштиришни амалга оширади. Тўловлар натижалари солиштирилгандан сўнг амалга оширилган харажатлар автоматик равишда Ғазначиликнинг Бош китобида акс эттирилади.

Номолиявий активларни бошқариш

Тизим бюджет ташкилотларининг асосий фондларини ҳисоб рақамлари режаси бўйича бюджет таснифига асосан амалга оширилади. Сотиб олинган асосий воситалар бюджет ташкилоти томонидан улар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ғазначилик бўлимларига топширилганидан сўнг ҳисобга олинади. Асосий воситалар ҳисобга олинганда ҒЯҲР кредитланади, тегишли асосий

воситалар ҳисоблари эса дебетлаштирилади. Бюджет ташкилотлари олган асосий воситалар ғазначилик бўлимларининг ҳисоботларида ойма-ой акс эттирилади. Тизимга асосий воситаларнинг эскириши нормалари ҳам киритилиши даркор. Мазкур нормаларга асосан ҳар йили асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланиб борилади.

Молиявий активлар ва давлат қарзини ҳисобга олиш

Давлатнинг молиявий активлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Корхоналар, молиявий институтлар ва бошқа тижорат бўғинларининг ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларига тегишли акциялари.

2. Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг корхона ва ташкилотларга, бошқа давлатлар, халқаро молиявий институтларнинг кредитлари.

3. Ҳукуматнинг олтин-валюта резервлари.

4. Бюджет ташкилотлари ва бошқаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари.

Молиявий активларни ҳисобга олиниши ҳисоб рақамлари режалари асосида амалга оширилади. Тизим кредитларни тўлаш графини кузатиб бориш имконини бериши керак. Қарзларни ёпиш графиклари қайта тузилган ёки ўзгартирилганда назорат рақамларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлиши керак. Тизим алмашув курсининг ва акцияларнинг бозор курсини ўзгариши ва бошқа турли ўзгаришлар муносабати билан қайта баҳолашни юргатиш имконини бериши керак. Ғазначиликнинг Бош бошқармаси ҳукуматнинг ташқи ва ички мажбуриятларини ҳисобга олиб боради. Ғазначиликнинг бўлимлари маҳаллий ҳокимлик органларининг мажбуриятларини ҳисобга олиб боради. Тизим барча ахборотларни Ғазначиликнинг юқори босқичида жамланиши таъминлайди.

Ғазначилик органларида даромадлар тушуми билан бир вақтда ахборотларнинг берилишини 28-чизмада кўришимиз мумкин.

Россия Марказий банки, Молия вазирлиги ва Федерал Ғазначилик Бош Бошқармаси биргаликда Россия Федерацияси Ҳукуматига тақдим қилиш учун 2000 йилда «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон ҳужжат тўғрисида» Федерал қонун қабул қилинди. Бу лойиҳаларда «Электрон рақамли имзо» тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни очилди. Кўрсатилган лойиҳаларда «Электрон рақамли имзо» тушунчаси электрон маълумотларнинг бир қисми ва ўзида ҳужжат реквизитларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида аниқланди. Бу қонунлар қабул қилиниши билан турли соҳалар-

даги фаолиятларда электрон хужжатлардан кенг миқёсда фойдаланиш, давлатнинг бошқарув ва молия-кредит соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш учун умумий қонуний база-ни шакллантириш яқунланди.

Россия Федерациясида Ғазначиликни турли бўлинмалари фаолиятини автоматлаштириш учун даромадлар ҳисобини юритишда, солиқ тўловчилардан тушган тушумларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлашда давлат бюджети ижросининг «Казна» ППП (пакет прикладных программ) даромад модули яратилган ва амалиётга киритилган.



«Казна» тизими қуйидаги операцияларни амалга оширади:

– давлат бюджетига маблағлар тушуми тўғрисида долзарб ва ишончли ахборотларни олиш;

– давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича ҳисоб-китоб юритиш, йиғиш, ишлаш, таҳлил қилиш ва ахборотларни сақлаш;

– давлат бюджетининг даромадлар бўйича статистик ва аналитик ахборотларини бериш;

– давлат бюджетининг даромадларининг ҳисобини юритиш ва тўлов ҳужжатларини шакллантириш;

– давлат бюджетининг даромадлар бўйича тезкор ва ойлик ҳисоботларини тайёрлаш.

Ғазначилик органлари ушбу ахборотларни олганларидан кейин қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

– давлат бюджетига тушган маблағлар динамикасини назорат қилиш;

– бюджетдан бериладиган ажратмаларни режалаштириш ва тузатиш мақсадида давлат бюджетига тушган маблағлар динамикасини прогноз қилиш;

– давлат бюджетига банк орқали тушган солиқлар ва йиғимлар ҳаракатини кузатишни амалга ошириш;

– турли даражадаги бюджетлар ўртасида тартибга солувчи даромадларни тақсимлаш;

– давлат бюджетига тушган даромадлар динамикаси, вилоят ва туманларни ҳозирги ҳолати тўғрисида ғазначиликнинг юқори органларига, солиқ хизмати ва маҳаллий молия органларига ахборотларни узатиш.

Давлат бюджетининг «Казна» тизими ойнанинг 1,5,10,15, 20,25 санасига Ғазначиликни Бош Бошқармасига тақдим қилинадиган «Давлат бюджетининг даромадларининг тушуми тўғрисида» тезкор ҳисоботни тузиш имконини беради.

Давлат бюджет харажатлари ижроси бўйича масалаларни ечиш учун, ғазначилик органларида очилган бюджет маблағлари ва давлат дастурларини тақсимловчиларнинг ғазначилик органларида очилган шахсий счётлардаги маблағларининг ҳисобини олиш учун ғазначилик «Смета-Ғ» тизимида ПППдан (пакет прикладных программ) фойдаланади.

Мазкур дастурлаштирилган мажмуа асосида қуйидаги вазифалар ечилади. Жумладан:

1. Электрон почта орқали юқори ғазначилик органларидан тушган реестрларнинг ва тўлов қоғозларининг ҳисобини юритиш.

2. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси реестрларини бюджетдан маблағ олувчиларга тақсимловчилар аризаларига асосан тарқатиш.

3. Бошқа ҳудуддаги тушумлар ҳисобига харажатларни молиялаштириш ҳисобини юритиш.

4. Минтақавий бюджет тушумлари ҳисобига харажатларни молиялаштириш ҳисобини юритиш.

5. Бюджетдан маблағ олувчилар мажбуриятларининг ҳисобини юритиш.

6. Реестрларни ва тўлов қоғозлари нусхаларини электрон почта орқали ғазначилик бўлимларига етказиш.

7. Ғазначиликнинг Бош Бошқармаси учун қайтган реестрларни шакллантириш.

8. Ғазначиликнинг юқори органларига электрон почта орқали қайтган реестрларни етказиш.

9. Аванс тўловларининг ҳисобини юритиш.

10. Давлат дастурларини молиялаштиришда жисмоний шахсларга ўтказилган маблағлар режаси ва ҳисобини юритиш.

11. Давлат дастурларини молиялаштириш тўғрисида ҳисоботларни шакллантириш, йиғиш ва юқори ташкилотларга етказиш.

12. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳисобини юритиш.

13. Давлат бюджет ижроси тўғрисида ғазначилик бўлимларининг ойлик ҳисоботларини электрон почта орқали йиғиш ва умумлаштириш.

14. Давлат бюджети маблағларини ишлатилмаган қолдиқларини қайтариш ҳисобини юритиш.

Юқоридаги ишларни бажариш учун автоматлаштирилган иш ўринлари – АРМларни яратиш кўзда тутилган. Автоматлаштирилган иш жойлари (АРМ)-мутахассисларнинг бажарадиган функцияларини автоматлаштириш учун керакли ахборотлар, дастурлар ва ахборот ресурсларининг йиғиндисидир.

АРМ модули ёрдамида ғазначилик бўлимларида давлат бюджети харажатларини молиялаштиришдаги асосий вазифалар бажарилади. АРМ модули аниқланган функцияларни бажаришни дастурлар билан таъминлаш мақсадида администратор тизимини яратиш учун ишлатилади. АРМ ёрдамида бир ишлатувчининг функцияларини бошқасига, масалан операциялар бўлимидан харажатлар бўлимига ўтказиш мумкин.

Ғазначилик бўлимлари федерал бюджет харажатларини молиялаштиришда қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- минтақада федерал бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобини юритади;
- шахсий ва транзит ҳисобрақамларни очади ва юритади;
- бюджет маблағлари тақсимловчиларининг молиялаштириш ҳисобини юритади;
- ғазначилик бўлимларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобрақамлардан молиялаштириш бухгалтерия ҳисобини юритади;
- бюджет харажатларини молиялаштиришда амалга оширилган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритади;
- бюджет харажатларини молиялаштиришнинг тезкор ҳисоботини тайёрлайди;
- бюджет ижроси тўғрисида умумий ҳисобот тайёрлайди.

Ғазначилик бўлимларида барча бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини молиялаштириш ҳисоби ягона реестрдаги бухгалтерия ҳисобида юритилади. Худудий бошқармалардаги федерал бюджет харажатларини молиялаштиришда амалга оширилган операцияларнинг ҳисобини юритишнинг технологик операцияларида қуйидаги бўлимлар қатнашади:

- Ғазначилик бўлимлари орқали молиялаштиришни бошқарадиган молиялаштириш ҳисобини юритувчи харажатлар бўлими;
- ФХ бўлимларида тўлов қоғозларини расмийлаштирадиган ва назорат қиладиган, банк билан алоқани амалга оширадиган операциялар бўлими;
- Молиялаштириш бўйича бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот бўлими;
- Федерал Ғазначилик органларини, бюджетдан маблағ олувчиларни ва бюджет маблағи тақсимловчиларини ўзаро алоқасини электрон ахборотлар билан таъминлайдиган ва автоматлаштирилган тизимга раҳбарликни амалга оширадиган ахборот бўлими.

Ғазначилик бўлимларидаги харажатлар бўлими шахсий ҳисобрақамлар бўйича ҳужжатларни шакллантиради ва ҳисобот қилади. Бу ҳужжатлар ғазначилик бўлимининг ичида молиялаштириш операцияларини синхронлаштириш, бу жараёни ҳисобга олиш, шахсий ҳисобрақамлар ҳолатини ифодалаш, молиялаштириш тўғрисида якуний хулосаларни шакллантириш ва назорат қилиш учун ишлатилади.

Харажатлар бўлимининг маълумотлари ва ҳисоботлари Федерал Ғазначилик бўлимлари томонидан молиялаштиришнинг деталлаштирилган ахборотларидан иборат. Мазкур бўлимда операциялар бўлимидан фарқли равишда бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш тўғрисида ахборотлар алоҳида суммалар билан берилди. Харажатлар бўлимининг ҳужжатлари, маълумотлари ва ҳисоботлари асосида шу бўлимда ва бошқа бўлимларда қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- ✓ бюджет маблағлари олувчиларнинг рўйхати тузилади;
- ✓ шахсий ҳисобрақамлар журналда рўйхатдан ўтказилади;
- ✓ очилган шахсий ҳисобрақамларнинг ҳолати тўғрисида маълумот тайёрланади;
- ✓ шахсий ҳисобрақамларнинг иқтисодий таснифи бўйича ҳисобот юритилади;
- ✓ шахсий ҳисобрақамлардан маблағларни ўтказиш учун фармойиш тайёрланади;
- ✓ ҳисобрақамлардаги маблағларни ўзгартиришга фармойиш тайёрланади;
- ✓ нақд пулларни тўлашга умумий сўровномалар тайёрланади;
- ✓ картотекани тўлашга фармойиш тайёрланади;
- ✓ жорий кунда шахсий ҳисобрақамлар билан операциялар ўтказилади;
- ✓ шахсий ҳисобрақамлар бўйича пул маблағларининг ҳаракати амалга оширилади;
- ✓ иқтисодий тасниф ҳисобга олинган ҳолда, шахсий ҳисобрақамлар бўйича пул маблағларининг ҳаракати амалга оширилади;
- ✓ картотекадаги ҳужжатлар ведомости тайёрланади;
- ✓ истеъмол учун берилган маблағлар карточкаси тайёрланади;
- ✓ бюджет мажбуриятларини карточкаси назорат қилинади;
- ✓ ғазначилик ҳисобрақамида ишлатилмаган қолдиқлар тўғрисида маълумот тайёрланади;
- ✓ бюджет ассигнациялари ҳисобини юритиш реестри тайёрланади;
- ✓ бошқа тушумлар ҳисобини юритиш реестри тайёрланади;
- ✓ нақд пулларни тўлашга сўровномалар ҳисобини юритиш реестри тайёрланади;
- ✓ харажатлар ҳужжатларини реестри тайёрланади;
- ✓ Федерал Ғазначилик бўлимларининг ҳисоботиغا боблар ва бўлинмалар бўйича маълумот тайёрланади;

✓ кенгайтирилган маълумотнома тайёрланади.

Операциялар бўлими ғазначилик бўлимларида хизмат кўрсатиладиган бюджетдан маблағ олувчиларни шахсий ҳисобрақамларини молиялаштириш учун банк ҳужжатларини шакллантиради. Операциялар бўлими Ғазначилик Бошқармасининг транзит ҳисобрақамига маблағларни ўтказиш учун, ундан Ғазначилик бўлимларига маблағ ўтказиш учун банк ҳужжатларини тайёрлайди. Операциялар бўлими тайёрлайдиган ҳисоботларни уч хилга ажратиш мумкин: банк учун ҳужжатлар, Ғазначилик бўлимлари мижозлари учун ҳужжатлар, харажатларни молиялаштириш тўғрисида ҳисоботлар. Банк учун тайёрланган ҳужжатлар асосида ғазначилик ҳисобрақамидан маблағ кўчирилади.

Бу ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: тўлов қоғози, маблағ кўчириш учун мемориал ордер, йиғма тўлов қоғозлари, тўлов қоғозларининг реестри ва чек реестрлари.

Ғазначилик бўлимлари мижозлари учун ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: мижознинг шахсий ҳисобрақамига маблағ ўтказиш учун мемориал ордерлар, мижознинг транзит счётига маблағ ўтказиш учун мемориал ордерлар, мижознинг шахсий ҳисобрақамининг кўчирмалари ва мижознинг транзит ҳисобрақамининг кўчирмалари. Мижознинг шахсий ҳисобрақамидан маблағ ўтказиш учун асос тўлов қоғозининг нусхаси бўлади.

Операциялар бўлими операция куни тамом бўлиши билан икки нусхада ҳар бир шахсий ҳисобрақам ва транзит ҳисобрақамларидан кўчирмани беради, бу кўчирманинг бири мижозга берилади. Операция куни-молия-кредит ташкилотларини иш кунининг бир қисми ёки мижозларга хизмат кўрсатиш ва мижозлар билаш ишлаш вақти. Операция кунда даромадларни ҳисобга олиш-ғазначилик органларидаги маълум лавозимдаги ходимларнинг давлат бюджети маблағларини ҳисоблаш, тақсимлаш, ўтказиш ва ҳисобини юритишдан иборат аниқ ҳаракат фаолияти. Операциялар бўлимида харажатларни молиялаштириш тўғрисида ҳисоботлар Ғазначилик бўлимларида харажатларни молиялаштириш операцияларини ҳисобини юритиш учун хизмат қилади.

Ҳисоботларга қуйидагилар киради: оборот-сальдо ведомостлари учун мемориал ордер журналлари, тўлов қоғозларини ва чекларни рўйхатга олиш журналлари киради. Иш куни тамом бўлиши, ҳар бир шахсий ва транзит ҳисобрақамларида операциялар тугаши билан барча счётларда автоматлаштирилган режимда маблағлар ҳарака-

тининг оборот-сальдо ведомостлари тузилади, бу ведомост ҳисоб-рақамлардаги операцияларни назорат қилиш учун зарур бўлади. ФХ бўлими ходимлари операциялар бўлимидаги “оборот-сальдо ведомостлари” маълумотлари харажатлар бўлимининг «шахсий ҳисоб-рақамдаги айланмалар» ҳисоботининг маълумотлари билан бир хил бўлишига қаттиқ эътибор берадилар.

Федерал Ғазначилик Бошқармаларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ғазначиликни банкдаги ҳисоб-рақамларида пул маблағлари ҳаракатининг ҳисоботини юритиш, федерал ғазначилик бўлимида молиялаштириш операцияларини, бюджетдан маблағ олувчиларни шахсий ҳисоб-рақамларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва федерал бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш ҳисобланади. Ҳисоботларни тайёрлашда ахборотлар автоматлаштирилган тизимдан олинади, шунинг учун операцияларни амалга оширишда бошқа бўлимларда йўл қўйилган хатолар топилади. Федерал бюджет ижросида қатнашадиган барча бўлинмаларнинг тўғри синхронлашган ишлари федерал бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботларни тўғри тузиш имконини беради. Бу маълумотларни ишлашда тизимнинг маъмури раҳбар вазифасини бажаради, унга тизимнинг барча маълумотларини олишга ва файлларга киришга ҳуқуқ берилган.

Шунингдек, тизим маъмури ғазначилик раҳбарининг топшириғига мувофиқ, ҳар бир ходимнинг операцияларга кириш ва маълумотлардан фойданиш ҳуқуқини белгилайди, операция куни ёпилиши билан тизим маъмури-тизим маъмури маълумотлар базасидан архивга нусха олиб қўяди.

Маълумотларни дастур асосида ишлатиш ғазначилик органлари тизимининг ичида электрон ҳужжатларни айланишини ташкил этиш имконини беради. Федерал бюджет ижросида ғазначиликни ривожлантириш муаммоларини топиш ва уни ҳал этиш учун ғазначилик тизими турли идоралар органларини, жумладан, Россия Молия вазирлигини, Россия Банкни ва Россиянинг солиқлар ва йиғимлар Вазирлигини ўз ичига олади. Бу муассасалар бошқа бошқарув идоралари билан вертикал боғлиқликда бўлган ўзининг ички ахборот технологиясига эга.

Ҳозирги шароитда федерал бюджетни ижро қилишда уларнинг биргаликдаги фаолиятини горизонтал равишда боғлайдиган шундай технологияларни ишлаб чиқиш зарур. Бугунги кунда бу жараёнларда қатнашадиган идоралар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нафа-

қат уларни қониқтиради, балки федерал бюджет ижросига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида ғазначиликнинг дастур таъминоти қуйидагилардан иборат:

- Давлат Молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш (ДМБАТ);
- Глобал интеграция ахборот тизимини замонавийлаштириш (ГИАТ);
- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизими (БХАТ).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайътининг 1999 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг глобал уйғунлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва ўзининг маълумотлар бериш тармоғини барпо этиш тўғрисида»ги 1\1-сонли қарорига мувофиқ, мамлакат давлат бюджетини бошқариш бўйича кундалик жараёнларнинг автоматлаштирилиши, барча даражадаги бюджетлардан молиявий ахборот автоматлаштирилган тартибда йиғилиши, ишловдан ўтказилиши ва сақланишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот-таҳлил тизимини яратиш дастури ишлаб чиқилди.

Глобал уйғунлаштирилган ахборот тизимини яратишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси молия тизими иши сарадорлигини ошириш;
- мамлакат молия тизимининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш;
- молия органи ходимларининг иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси молия тизими иши сарадорлигини ошириш;
- мамлакат молия тизимининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш;
- Молия вазирлигининг ахборот тизимлари учун маълумотлар узатишнинг барқарор муҳитини яратиш;
- Бошқа компьютер тизимлари билан ахборотлар юзасидан ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ҳолати мониторингини амалга ошириш, глобал уйғунлаштирилган ахборот тизимини

яратишнинг асосий мақсади молия тизими ҳолати мониторингини амалга ошириш ҳисобланади. Бу дастур бир қатор жараёнларни автоматлаштириш учун мўлжалланган. “Глобал уйғунлаштирилган ахборот тизими” дастури Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, 2000 йилдан бошлаб ишга тушди. У республикамиз бюджетига оид фаолиятни ахборотлар билан таъминлаб қуйидаги функцияларни амалга оширишни таъминламоқда:

- республика бюджети харажатларини шакллантиришда;
- республика бюджети харажатларини аниқлашда;
- республика бюджети бўйича режалаштириш ва индексацияни аниқлашда;
- харажатларни молиялаштиришда;
- мақсадли молиялаштириш схемалари бўйича ҳисоб-китоб юритишда;
- республика бюджети ғазна ва ҳақиқий харажатларини ҳисоблашда;
- маҳаллий бюджет тушумларини ҳисоблашда;
- республика бюджети харажатларини аниқлаш ва башорат қилишда;
- бюджет ташкилотлари ўртасида қисқа муддатли ссудалар, субвенциялар ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда яқиндан ёрдам беради.

ГУАТ ёрдамида ҳар куни республикамиз Молия вазирлигига 214 та тижорат банкларидан, Валюта биржасидан, Марказий банктдан ахборотлар узатилади. Молия вазирлигидан эса бу ташкилотларга қайта ишланган ахборотлар ва маълумотлар юборилади.

Бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги банк ахборотларини йиғиш ва қайта ишлаш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

1. Электрон почта каналлари орқали, бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги банк ахборотларини кундалик йиғиш, қайта ишлаш;
2. Қабул қилинаётган ахборотларни бюджет таснифи бўлимлари, боблари, параграфлари, моддаларига тақсимлаш ва маълумотлар базасида сақлаш;
3. Бюджет ташкилотларини ҳисоб рақамларини марказлаштирилган базасини юритиш;
4. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини юритиш;

5. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бюджет ташкилотларини ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тезкор шакллантириш.

Бугунги кунда молия тизими соҳасида ахборотнинг замонавий технологиялардан фойдаланилган ҳолда, республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлари режасини тузиш, молия режаларига ўзгартиришлар киритиш, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг аниқлаштирилган режаларини тузиш, молиялаштиришни ҳисобини олиш ва назорат қилиш, маҳаллий бюджетга ажратилган дотацияларни, ссудаларни ҳисобини юритиш, юқори турувчи бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш, давлат бюджетининг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларини тузиш сингари вазифалар бажарилмоқда. Лекин вилоят, шаҳар ва туман молия бошқармалари ягона ахборот маконига бирлашган тақдирдагина бу вазифаларнинг бутун мажмуи ўзаро уйғунликда бўлиши ва ахборот оқимларининг самарали бошқарилишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998 йил 11 декабрдаги 152-сонли буйруғи билан 1999 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси харажатларининг янги иқтисодий таснифи амалиётга киритилди. Уни ишлаб чиқиш босқичида ЮСАИД билан биргаликда МДХ мамлакатларининг намунали иқтисодий таснифлари ва харажатларининг таснифлари ҳам ўрганилди. Келгусида ғазначилик тизими жорий қилинганидан сўнг, бюджет харажатларининг таснифи ўзгаришлари бўлиши мумкинлигини айтиб ўтдик.

Ўзбекистонда ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича маслаҳатчилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимларининг ишчи гуруҳи 1998 йилдан бошлаб ўз фаолиятларини кучайтирдилар. Жойларга бориб Россия Федерациясининг ғазначилик тизими ҳамда бухгалтерия ва ғазначиликда ҳисоб-китобни юритиш ишлари ўрганилди. Россияда ҳамкасблар тақдим этган материаллар, шунингдек, улардан олинган қимматли тавсиялар ва маслаҳатлар улар йўл қўйган хатоларни Ўзбекистон Республикасида янги иқтисодий таснифни жорий этиш чоғида четлаб ўтиш имконини берди. Бу пайтда қадар Ўзбекистон Республикаси харажатлари иқтисодий таснифининг асослари аниқлаб бўлинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги АХМ дастурчиларини, Марказий Банк ходимларини, ҳудудий молия бошқармаларининг эксперт-бухгалтер-

лар ва ходимларини жалб этган ҳолда ташкилий масалалар ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини бошқариш тизимидаги 1999 йил январ ойини ҳақиқатда кескин бурилиш пайти деб ҳисоблаш мумкин. Негаки, харажатларни таснифлашнинг ўзи уларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ўзгартирди, харажат жадвалларининг, тўлов топшириқномаларининг шакллари, йиллик бюджет бланкалари, ойлик, чораклик, йиллик бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатларининг шакллари ўзгартирилди.

Масалани ишлаб чиқувчилар АҲМ дастурчилари билан биргаликда ҳисоб-китобни юритиш ва ҳисоботларни тузишнинг бунгача мавжуд бўлган дастурларини қайта ишланди.

“Давлат бюджетини бажарилишини бухгалтерия ҳисоби” вазифалар комплекси қуйидаги вазифаларни бажарилишини таъминлайди:

1. Кредит тақсимловчиларнинг маблағлари операцияларини ҳисобга олиш;
2. Тўлов топшириқномаларини тузиш;
3. Банк ахборотларини қайта ишлаш ;
4. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш;
5. Ўзаро ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш;
6. Мемориал ордер тузиш;
7. Бухгалтерия ҳисобини синтетик ва аналитик ҳисоблари бўйича айланма ведомостларни тузиш;
8. Баланс тузиш.

Шунингдек, Молия вазирлигининг Марказий аппаратида қатор комплекс вазифалар жорий қилинмоқда:

- 1) Давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини ҳисобга олиш;
- 2) Бир маротабалик рухсатномаларни ҳисобга олиш ва бериш;
- 3) Молия вазирлиги архивини киритиш ва юритиш.

Ҳудудий молия органларида:

1. Вилоят молия бошқармаларида қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда:

- «Бюджет даромадлари ва харажатлари ёзувини тузиш»;
- «Қуйи бюджетларни жамлаш»;
- «Вилоят бюджетини шакллантириш»;
- «Бюджет тузиш ва ундаги ўзгаришларни ҳисобга олиш»;
- «Бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш»;
- «Бюджет бажарилиши ҳисоботини жамлаш»;

– «Бюджет ташкилотларини паспорт кўрсаткичларини ҳисобини юритиш»;

– «Вилоят бўйича бюджет ташкилотларининг паспорт кўрсаткичларини жамлаш»;

– «Бюджет бажарилишининг бухгалтерия ҳисоби»;

– «Электрон ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта узатиш».

2. Туман (шаҳар) молия бўлимларида қуйидаги вазифалар бажарилмоқда:

– «Бюджет даромадлари ва харажатлари ёзувини тузиш»;

– «Бюджетни тузиш ва ундаги ўзгаришларни ҳисобга олиш»;

– «Бюджет бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш»;

– «Бюджет ташкилотларини паспорт кўрсаткичларини ҳисобини юритиш»;

– «Бюджет бажарилишининг бухгалтерия ҳисоби»;

– «Электрон ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта узатиш».

Юқоридаги ҳудудий органларга жорий қилинган комплекс вазифалар Молия вазирлигининг марказий аппаратида қуйи молия органларидан ҳисоботларни ўтиши жараёнини яхшилаш имконини берди. Бошқача қилиб айтганда, даврий ҳисоботлар электрон ҳолатда (ойлик, чораклик, йиллик) қуйи молия органларидан юқори органларга етказилади ва ҳисоботлар қабул қилингандан кейингина молия органлари учун қоғоз ўтказмаларига чоп этилади. 2003 йилдан Молия вазирлигининг буйруғига асосан барча ҳисоботлар ва бюджет электрон тарзда топширилади ва қабул қилинади. Бюджет ёки ҳисобот қабул қилингандан сўнг юқори молия органларига топшириладиган ҳисобот бланкалари икки нусхада чоп этилади. Молия вазирлиги томонидан электрон ҳисобот бланкаларини жорий этилиши, турли вазирлик бошқармаларида бланкаларни номувофиқлиги каби муаммони ечиб, бюджет ҳисоботларини топшириш жараёнлари тезлаштирди, чунки вазирлик тармоқлари бир вақтнинг ўзида ўша битта электрон ҳужжат билан ишлашлари мумкин.

Юқорида келтирилган дастурий таъминотларни эришилган ютуқлари билан бир қаторда қуйидаги камчиликлари мавжуд:

1. Дастурий таъминотлар локал бўлганлиги учун ҳисобот шакллари, даромадлар ва харажатлар таснифини, йўриқномалар, қонуний асослардаги кичкинагина ўзгаришларни жойларга бориб кириштишни талаб қилади. Жойларда мутахассислар йўқлиги, туман (ша-

ҳар) молия идоралари билан ўтказиш тармоқларини мавжуд эмаслиги марказдан мутахассисларни жалб қилишни талаб этади.

2. Дастурий таъминотда фойдаланувчиларни функциялари белгиланмаган. Яъни, ходим ўз бўлими ва вазифасидан қатъий назар, дастурий таъминотларни барча фаолиятини бажаради. Бу эса маълумотларни йўқотилишига олиб келади. Дастурий таъминот парол сўрамаганлиги учун ундан хоҳлаган ходим фойдаланиши мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, ахборотларни ҳимоя қилиш талаблари бажарилмаган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисоб рақамига жамлаш ва ундан харажатлар тўловини амалга ошириш имконини берувчи Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Қолаверса, бюджет тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларда «ривожланган давлатлар тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда»⁸⁴, улардан бугунги амалиёти-мизда ижобий самара берадиган томонларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, «ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёстидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир»⁸⁵.

Таянч сўз ва иборалар

Ахборотнинг замонавий технологиялари, телекоммуникация, электрон ҳужжат, давлат молиясининг ахборот тизими, тизим маъмури, электрон рақамли имзо.

Мавзу бўйича назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. Банк молия ва бюджет ташкилотлари фаолиятида ахборот тизимидан фойдаланиш заруриятини тушунтиринг.

⁸⁴ И.А.Каримов. Пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан – эркин ва фаровон ҳаёт. Тошкент. 2001йил. Т-8. 31-бет.

⁸⁵ И.Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004. стр 157-158.

2. “Глобал уйғунлаштирилган ахборот тизими” дастури қандай функцияларни бажаради?

3. АРМ модули ёрдамида ғазначилик бўлимларида Давлат бюджети харажатларини тўловини амалга оширишда қандай вазифалар бажарилади?

4. «Ғазначиликнинг дастурий таъминоти» мавзусида давра суҳбати ўтказинг.

5. Автоматлаштирилмаган ахборот тизимини афзаллиги нималардан иборат?

6. «Бугунги кунда ғазначилик тизими фаолиятининг қандай модуллари ишлаб чиқилган?

7. ДМБАТнинг технологик жараёнларида фойдаланиладиган ахборотларни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?

Асосий тушунча ва изоҳлар

А

Автоматлаштирилган ахборот тизими – ахборотлар йиғиндиси, ахборотларни ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун йўналтирилган математик-иқтисодий усуллар, моделлар, дастурлар, механизмлар, технологик воситалар ва мутахассислар йиғиндисидир.

Автоматлаштирилган иш жойлари (АРМ) – мутахассисларнинг бажарадиган функцияларини автоматлаштириш учун керакли ахборотлар, дастурлар ва ахборот ресурсларининг йиғиндиси.

Автоматлаштирилган банк маълумотлари – автоматлаштирилган ахборот тизими, яъни марказлаштирилган ҳолда сақланадиган ва биргаликда ишлатиладиган маълумотлар.

Айланма касса маблағри меъёри – молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобрақамларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори.

Аналитик ҳисоб-китоб – ҳисоб-китобни аниқлаштириш ва ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган хўжалик субъектларининг фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, ҳисоботлар тузиш учун зарур бўлган хўжалик жараёнлари ва маблағлари айланишининг бухгалтерия ҳисоб-китоби.

Ахборот ресурслари (захиралари) – деганда, ташкилот учун кадр-қимматга эга бўлган моддий захира сифатида қатнашадиган маълумотлар йиғиндиси тушунилади, улар жумласига маълумотлар файли, ҳужжатлар, матнлар, графикалар, билимлар, аудио-видео ахборотлар киради.

Асосий иш жойи – иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи.

Асосий фаолият тури – юридик шахснинг умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти;

Б

Бириктирилган солиқлар – ҳар бир даражадаги бюджетларга бириктирилган солиқли даромадларнинг барча турлари.

Бюджет – Марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини таъминлаш учун пул маблағлари йиғиндисини шакллантириш ва ишлатишнинг шакли.

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳисоботини тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджетини тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

Бюджет даромадлари – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, беғараз ва қайтармаслик шарти билан бюджетга тушадиган ва Ўзбекистон Республикасининг марказий ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тассарруф қиладиган пул маблағларидир.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет интизоми – корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, раҳбар ва жисмоний шахслар томонидан бюджетдан тўланадиган барча тўловларни аниқ тартибда, ўз вақтида ва тўлиқ равишда амалга ошириш ҳамда бюджет маблағларини белгиланган йўналишларга мувофиқ мақсадли сарфлашдир.

Бюджетдан маблағи ажратиш – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларига ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет маблағларининг тақсимловчилари – Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларидир. Уларга Давлат бюджетини харажатлар таснифига мувофиқ Давлат бюджетини маблағларини идоравий тақсимловчиларга ва бюджет маблағларини олувчиларга маблағларни тақсимлаш ҳуқуқи берилган.

Бюджет маблағи олувчилар – бюджет маблағларининг тақсимловчиси ёки жорий молия йилида бюджет ёзувига мувофиқ, бюджет маблағларини олишга ҳуқуқ берилган ҳамда тасдиқланган смета доирасида молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бошқа муассасалар.

Бюджет мажбуриятларининг лимити – бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ва тасдиқланган бюджет мажбуриятларининг йиғиндисидир.

Бюджетдан ажратиладиган субсидия – давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари;

Бюджетнинг кассали харажатлари – давлат бюджети маблағлари ҳисобидан корхона, ташкилот ва муассасаларга банк орқали берилган ёки бюджетда кўзда тутилган харажатларга уларнинг тўлов қоғозлари асосида ўтказилган пул маблағларининг суммаси.

Бюджет профицити – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет ёзуви – Ўзбекистон Республикасининг бюджет таснифига мувофиқ тузиладиган бюджетнинг даромадлари ва харажатларини, бюджетнинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини тушумининг чораклик тақсимоти тўғрисидаги ҳужжатдир, мазкур ҳужжатда тасдиқланган бюджет маблағларининг бюджет маблағларини олувчилари ўртасидаги тақсимоти белгиланади.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағлар.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарда тутилган муайян тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет сўрови – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги маълумот.

Бюджет ташкилоти – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти ҳисобланади.

Бюджет таснифи – Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаштиришдан иборатдир.

Бюджетни тартиблаш – бюджетлар даромадлари ва харажатларини баланслаштириш мақсадида даромадларни тақсимлаш жараёни ва турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларнинг қайта тақсимланиши.

Бюджетни тартиблаш даромадлари – бюджет даражасига қараб ажратмалар миқдори белгиланадиган барча турдаги солиқли даромадлар ва бошқа тўловлар.

Бюджет тақчиллиги – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилари йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилари ўртасида вжудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

Бюджет харажатлари – давлатнинг, шунингдек, ўзини-ўзи бошқарувчи органларнинг вазифаларини бажарилишини таъминлашга йўналтирилган пул маблағлари.

Бюджет харажатларини амалга оширишни тўхтатиш – (блокировка) – бюджет ассигнацияларига нисбатан бюджет мажбуриятларини лимитини қисқартириш ёки бюджет маблағлари билан қабул қилинган пул мажбуриятларини тасдиқлашдан воз кечиш. Бунда бюджет тизими тўғрисидаги қонунга мувофиқ бюджет ажратмалари бюджет маблағларини бош тақсимловчисига аниқ шартларни бажаргандагина ажратилади. Шунингдек, бюджет маблағларини ноқонуний ишлатиш ҳолатлари аниқланганда бюджет харажатларини амалга ошириш тўхтатилади.

В

Валюта бозори – чет эл валютасининг олди-сотдисини, чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозларни ҳамда валютавий капитални инвестиция қилиш муносабатларини, шунингдек, иқтисодий муносабатларни амалга оширувчи иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи марказ.

Верификация – ҳужжатнинг ҳақиқийлигини белгилаш жараёни.

Винчестор – қаттиқ магнит дискларда хотирада сақловчи жуда кўп ёзувларни ёзилишини таъминлайдиган юқори ишончли тузилма.

Г

Грант – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумати қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний

шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига беғараз бериладиган мол-мулк.

Д

Давлат бюджети – Давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджетининг касса ижроси – Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек, унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси – Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобрақамига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобрақамдан тўлашдан иборат.

Давлат бюджети маблағларини сарфлаш – тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан билан амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари – Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши меъёрлари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағ ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат ташқи қарзи – давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари йиғиндиси.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши – активларни

чет эл манбаларидан (хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахсларидан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитлари (заёмлари)ни тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Дастурли таъминлаш – автоматлаштирилган ахборот тизими бошқарувидаги ҳисоблаш жараёнларини самарали ташкил қилишда фойдаланиладиган дастурлар йиғиндиси.

Депонентлаштириш – пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликларни кредит ташкилотларига сақлаш учун топшириш; ходимларнинг ўз вақтида олинмаган иш ҳақларини пул маблағлари қолдиғини кредит муассасаларига топшириш.

Девальвация лотинча сўздан олинган бўлиб, кадрини тушиш маъносини англатади, миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрини тушишидир.

Дивидендлар – акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек, муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади.

Ж

Жамланган бюджет – Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг географик тузилишига мувофиқ, турли даражадаги барча бюджетларнинг йиғиндиси.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти – фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари.

Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари.

Жисмоний шахслар – юридик шахслар мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган ёки ҳар хил сабабларга кўра ишламаётган пенсионерлар, нафақахўрлар ва бошқалардир. Бунда шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради.

И

Идентификация рақами – тизим ичидаги объектни аниқлайдиган код ёки ном берилишидир. Ажратма, солиқлар ва пенсия тўловлари бўйича ахборотларни марказлаштириш учун индивидуал ижтимоий кодларга эҳтиёж туғилади. Молиявий ҳужжатлаштириш бўйича молиявий ахборотлар ишончилиги ва доимийлиги таъминлаш учун, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги андозалари қўлланилиши учун индивидуал ижтимоий кодларни қабул қилиниши тақозо этилади.

Ички маблағларни жалб қилиш – давлат томонидан активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари йиғиндисининг вужудга келишидир.

Инвестиция – фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойланган ҳолда, чекланган эҳтиёжни қондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлардир.

Инвестиция лойиҳаси – инвестициянинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қараш мумкин.

Инфляция – муомалда керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пулнинг қадр-қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир.

Инфляцион солиқ – ҳуқуматнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиши учун зарур маблағларни тўплаш, бюджет тақчиллигини

молиялаштириш учун, пул таклифини ошириш йўли билан аҳолининг пул маблағларини билвосита олиши.

Инновацион фаолият ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришда янги шаклларни қўлланилишига асосланган фаолиятдир.

Инвесторлар – қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзгаларнинг бўш молиявий ресурсларини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар.

Индоссамент – қимматли қоғоз устидаги ушбу ҳужжат бўйича ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ёзув.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – давлатлаштиришдан қайтиш ёки бу давлатнинг иқтисодий фаолиятидаги ҳукмронлигини, монопол мавқеини йўқотиб, иқтисодиётни бошқаришда ягона давлат механизми ўрнига аралаш иқтисодиётга хос бозор механизмига кенг йўл беришни ифодалайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш-иқтисодиётни тартибга солишни тўла бозор механизмига топшириш эмас, балки бозор механизми билан давлат аралашувини оптимал даражада бўлишини таъминлашдан иборат.

Ижара (лизинг) тўлови – ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма.

Ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади – бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектининг қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир қисми.

Инсонпарварлик ёрдами – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан, асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек, ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан, инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади.

Ишларни (хизматларни) экспорт қилиш – ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

К

Концепция – (лотинча тушунча, тизим) маълум предмет, ҳодиса ва жараёнларни тушунтириш услуби, предмет ва бошқаларга қаратилган бош ғоя ва уларнинг моҳиятини ёритиб берадиган асосий фикрни ёритишда қўлланилади.

Коммуникация – аниқ территорияда ахборотларнинг дистанцион алмашуви жараёнларини ташкил этиш қоидалари ва техника воситаларининг йиғиндиси.

Компьютер вируси – ҳисоблаш тизими ёки тармоқ ишига салбий таъсир қилиш мақсадида тузилган махсус дастур.

Кредит – бир шахс томонидан, масалан, давлатдан, корхонадан, вақтинчалик фойдаланиш учун, лекин қайтиб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилган молиявий маблағлар.

Кредит берувчи – хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартнома бўйича активлар берган ёки активлар бериш ниятида бўлган хорижий давлат ёки нерезидент (хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари). Агар норезидентлар бир нечта бўлса, у ҳолда кредиторлар гуруҳидаги ваколатли бошқарувчи вазифаси бажарувчи норезидент кредит берувчи ҳисобланиши мумкин.

Кредит ташкилотлари – тегишли лицензияга эга бўлган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Курс бўйича фарқ – миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ.

Л

Локал ҳисоблаш тармоғи – махсус мутахассислар ўртасида алмашиш учун маълум территория чегарасида ташкил этилган ва каналлар билан бирлаштирилган дастурлаш ва ахборот узатиш ресурслари.

Лизинг – кўчар ва кўчмас объектларга эгалик қилишнинг алоҳида ижара муносабатларига асосланган, тадбиркорликни ривож-

лантиришга қаратилган иқтисодий ҳуқуқий, кредит-молиявий муносабатлар мажмуи ва мулкӣ ҳуқуқларнинг йиғиндисидир.

Лизинг муносабатлари – қарз олиш асосидаги ижара муносабатларининг алоҳида тоифасида ифодаланувчи ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий, молия-кредит муносабатлари мажмуасидан иборат.

М

Макромолия – давлат, мамлакат миқёсидаги молия алоқаларидан иборат.

Маълумотлар базаси – тартиблашнинг умумий тамойиллари кўзда тутилган ҳолда аниқ қонун-қоидалар асосида тузилган ҳамда ҳимоя қилинадиган ва сақланадиган маълумотлар йиғиндиси.

Молиялаштиришнинг лимити – жорий молия йили мобайнида ажратиладиган пул маблағларининг чегараси.

Молиявий транзакция – деганда маблағларни электрон кўринишдаги ҳаракати тушунилади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш – ўз вақтида ғазна ахборот тизимига киритилган, бюджет ташкилотларига етказилган товарлар ва хизматлар ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар, тўлов ҳужжатлари ва ҳудудий ғазна бўлимларига топширилган бюджет ташкилотларининг ойлик ҳисоботлари асосида барча ҳудудий ғазна бўлимлари маҳаллий бюджетларни бошқариш учун ва уларнинг ижросини назорат қилиш учун керакли ҳисоботларни марказий ғазначиликда ўрнатилган махсус компьютер дастури орқали тезда умумлаштириш.

Мониторинг – фуқароларга атроф-муҳитда ноҳуш ўзгаришлар бўлиши тўғрисида ўз вақтида ахборот бериш ва бошқариш. Бюджет амалиётида мониторинг ўтказиш-бюджетдан ажратилган пул маблағлари ишлатилишининг охириги босқичигача назорат қилишдир.

Мол-мулк – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш предметлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳамда номоддий объектлар. Объектларни мол-мулк жумласига киритиш фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

О

Операция куни – молия-кредит ташкилотларининг иш кунини бир қисми ёки мижозларга хизмат кўрсатиш ва мижозлар билаш ишлаш вақти.

Операция кунида даромадларни ҳисобга олиш – ғазначилик органларидаги маълум лавозимдаги ходимларнинг давлат бюджети

маблағларини ҳисоблаш, тақсимлаш ўтказиш ва ҳисобини юритишдан иборат аниқ ҳаракатдан иборат фаолияти.

Оператив ижара – молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкый ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш.

Р

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларини молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, уна даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йилида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Ревальвация – лотинча сўздан олинган бўлиб, кадрини ошириш маъносини англатади, миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан кадрини ошириш.

Реквизит – ифода этиладиган объектнинг аниқ белгиларини кўрсатадиган ҳужжатнинг ажралмас элементи.

Реализация қилиш – сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилинганини тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Роялти – қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар: фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан, ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун; саноат мулки объектига, савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун.

С

Свифт – халқаро битимлар учун муҳим коммуникация тармоғидир. Свифт-хорижий валюта бозоридаги битимлар, тўловларни

тасдиқлаш ва қимматбаҳо қоғозлар, халқаро савдо ҳужжатлари ва бошқа молиявий ахборотлар тўғрисидаги маълумотларни узатиш бўйича чегараланмаган имкониятларга эга бўлган тизимдир.

Солиқ оғирлиги – тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Бюджетга тўланган ҳамма солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ оғирлигини ифодалайди.

Солиққа тортиш тизими – қонун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларнинг ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари йиғиндисига айтилади.

Солиққа тортишнинг тенглиги – солиқ тўловчилар солиқларни ўз имкониятларига, яъни уларнинг давлат ёрдамида олинган даромадларига боғлиқ ҳолда тўлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, имкониятлардан келиб чиқиб, солиқ тўлаши керак.

Солиққа тортишнинг мақбуллиги – тўловчининг муддатлари, тури ва суммалари ҳар бир кишига, яъни ҳам солиқ тўловчиларга ҳам солиқ олувчиларга тушунарли бўлиши керак.

Солиқ механизми – солиққа тортиш билан боғлиқ бўлган солиқларнинг ташкил қилишнинг барча элементлари, усуллар ва тамойиллар йиғиндиси тушунилади. Бундай элементларга солиқ объекти, субъекти, манбаи, ставкаси, тўлов муддатлари, солиқ ҳуқуқи ва ҳужжатлари киради.

Солиқ сиёсати – давлатнинг солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Солиқ ҳуқуқи – солиқларни белгилаш, амалга ошириш, ундириш ва улар билан боғлиқ бўлган ихтисослашган махсус давлат назоратини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир.

Савдо фаолияти – қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ қарзи – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан, ЎзР Солиқ кодексида белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар.

Соф тушум – товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғини ҳамда акциз солиғи суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум.

Соф фойда – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда.

Т

Тартибга солувчи солиқлар – бюджет даражасига қараб ажратмалар миқдори белгиланадиган барча турдаги солиқли даромадлар.

Ташқи маблағларни жалб қилиш – давлат томонидан активларни хориж манбаларидан-чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини-қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари йиғиндисининг юзага келишидир.

Тўлов тоширикномаси – муассасанинг бошқа шахснинг ҳисобрақамига пул ўтказиши кўрсатиладиган ва ушбу муассасага хизмат кўрсатадиган банкка берган топшириғи мазмунига кўра тайёрланган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Товар обороти – муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум – реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан, реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)

учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати.

Товарларни экспорт қилиш – Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятсиз олиб чиқиш.

Тўлов манбаи – солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс.

У

Умидсиз қарз – суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

Э

Электрон офис – ташкилотлар ва муассасаларда автоматлаштирилган офис фаолиятининг тизими.

Электрон почта – электрон ҳужжатларни масофага узатиш шакли.

Электрон ҳужжатларнинг айланиши – автоматлаштирилган ахборот тизимида электрон ҳужжатларнинг шакллантирилиши ва узатилишининг ташкил қилиш схемаси.

Эмиссия – пулларни ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Эмитентлар – қимматли қоғозларни чиқарадиган ва молия ресурсларини жалб қиладиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ф

Фискал сиёсат – давлат харажатлари ва солиққа тортиш бўйича чора-тадбирлар кўриш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган сиёсат. Фискал сиёсатнинг энг асосий вазифаси – иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун давлат пуд фондларини марказлашган тарзда ташкил этиш ва ишлатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.

Х

Халқаро ҳисоб-китоблар – турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида юзага келадиган пуллик талаблар ва мажбуриятлар юзасидан тўловларни амалга ошириш тизими. Ҳозирги кунда мамлакатларнинг юридик ва жис-

моний шахслари томонидан кенг халқаро ҳисоб-китобларнинг турли шакллари қўлланилади.

Ҳужжатлар айланиши – хўжалик операцияларини расмийлаштириш ва ҳисоб-китоб маълумотларини ишлашда ҳужжатларнинг белгиланган кетма-кетликда ўтиши.

Ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар – операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

Хусусийлаштириш – давлатга қарашли мулкнинг фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк шаклида берилишидир.

Хориждан маблағ жалб қилиш – Ўзбекистон Республикаси ёки унинг резиденти томонидан хорижий давлатлар ёки норезидентлар активларининг (кредитлар, заёмлар ва бошқалар) мазкур хорижий давлатга ёки норезидентга ёхуд уларнинг талабига кўра учинчи шахсга шартлашилган даврда адекват активларни, жумладан, активлардан фойдаланганлик учун тўловларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда жалб этилишидир.

Қ

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар – буюртмачига тегишли хом ашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади.

Ш

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақами – фуқароларнинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобрақами бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобрақамга келиб тушади ва унда ҳисобга олинади.

Шахсий ҳисобрақам – корхоналарнинг ҳисоб-китоб операциялари кўрсатишга мўлжалланган алоҳида таъминотчилар, сотувчилар ва жавобгар шахслар билан, шунингдек, кредит муассасаларининг миждозлар, молиявий органлар ва солиқ тўловчилар билан аналитик ҳисоб-китоб юритиш бўйича ҳисобрақами.

Ю

Юридик шахс – деб ўзининг ихтиёрида, карамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ҳамда банкда ҳисобрақамига эга бўлган шахсларга айтилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва йиғимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахс солиқлари ва бошқа тўловлари ташкил этади. Статистика органларида уларнинг ўз фаолият кодлари кўрсатилади.

Ютуқ – лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар.

Я

Ягона касса тамойили – бюджет даромадларини барча тушумини, бюджет тақчиллигини манбаларини жалб этиш, молиялаштириш ва бюджетнинг ягона ҳисобрақамидан барча харажатларни амалга оширишни кўзда туттади.

Ягона ғазна ҳисобрақами – Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобрақами бўлиб, бу ҳисобрақамга Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобрақамидан Давлат бюджети маблағларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ер солиғини тўловчилар – қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бюджетга солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Қ

Қарзли молиялаштириш – давлат томонидан олинаётган қарзлар-бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан маблағ жалб қилишдаги давлат фаолиятидир. Асосан, давлат қарзлари иккита вазифани бажаради: фискал-давлат ғазнасига пул маблағларини жалб қилиш ва иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш.

Қарз олувчи – хориждан маблағ жалб қилган ёхуд хориждан маблағ жалб қилиш ниятини ҳужжат билан тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамаси ёки резидент.

Ў

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри – солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими.

Ғ

Ғазначилик – давлат бюджети ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда махсус идора давлат солиқларини йиғимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, давлат ташқи ва ички қарзларини бошқаради ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

Ғазна мажбуриятлари – давлат эмитети бўлган қимматли қоғозлар ёки унинг охириги эгасига маълум белгиланган шартлар асосида номинал суммаси ва фоизларни тўлаши бўйича давлатнинг мажбуриятлари.

Ф

Фавқулодда ҳолатлар – тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб, импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди.

Фоизлар – ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад.

Ҳ

Ҳимояланган моддалар – иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловларга-нафақалар, пенсиялар, стипендиялар, моддий ёрдамлар ва бошқа ижтимоий ҳимояга йўналтирилган молиявий маблағлар.

Ҳисоб палатаси – мустақил орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, олтин-валюта захиралари ва ташқи қарзларни бошқариш ҳамда тасарруф этиш мониторинги ва давлат назоратини амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон, Тошкент. 1992. -32б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил. 25 декабр.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \ \ Халқ сўзи. 2000. 14 январ.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \ \ Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил. 52-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва инфор­мацион-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш тадбирлари” тўғрисидаги Қарори. 2002 йил 6 июн.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва инфор­мацион-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш” тўғрисидаги Фармони. 2002 йил 30 май.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005йил.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532 сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2007йил.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. \ \ Халқ сўзи. 1999 йил 4 сентябр.

13. Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш чора-тадбирларини амалга ошириш» Молия вазирлигининг 2005 йил 6 апрелдаги 51-сон буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 23 майдаги 72-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Давлат бюджети ғазначилик ижроси услубиёти бошқармаси фаолияти тўғрисида» Низом.

15. «Давлат бюджети ғазначилик ижроси услубиёти бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг тўловларини назорат қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 74-сон буйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик Низом. 2005 йил 21 май 1475-сон.

17. Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети ғазна ижросининг ҳисоби бўйича вақтинчалик қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1599-сон билан рўйхатга олинган.

18. Бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларнинг (олувчиларнинг) шахсий счётларини очиш ва беркитиш бўйича вақтинчалик қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1600-сон билан рўйхатга олинган.

19. Самарқанд вилояти бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби бўйича вақтинчалик қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 24 июлда 1601-сон билан рўйхатга олинган.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счётлар режаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 майда 1570-сон билан рўйхатга олинган.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007. 413 бет.

Махсус илмий адабиётлар

22. Каримов И. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.

23. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.Т., Ўзбекистон. 2005. -526б.

24. Акпаров И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. –М.: Финансы и статистика. 2002.

25. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари. Тошкент. Шарқ. 2003. 400б.

26. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1,2,3-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон. 2002.

27. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти. 2004.-244 б.

28. Иванова Н.Г., Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. -СПб: Петер, 2001. 208с.

29. Исломов А., Эгамов Э. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент. Ўзбекистон. 2003. -216 б.

30. Йўлдошев М., Турсунов Й. «Молия ҳуқуқи». Тошкент - «Меҳнат» 2004 й.

31. Ковалева А.М. Финансы. Учебное пособие для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов, – 3-изд. М.: “Финансы и статистика” 2001. -267 с.

32. Концепция развития информационных технологий. Министерства финансов Республики Узбекистан.

33. Кильберг В.Г. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижросини жорий этиш // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби.2006. 5- сон.

34. Мысляева И.Н. Государственные и муниципальные финансы. Москва. Инфра-М, 2000 г.

35. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. –Т.: Молия, 2005.

36. Остонақулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.

37. Остонақулов М. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия хисобидаги охирги ўзгаришлар. –Т.: Iqtisod-moliya, 2007.

38. Преобразование финансовой системы в Республике Казахстан. Вашингтон-Алматы-Манила, 1997-168 стр.

39. Практика государственного управления во Франции: Государственное Казначейства. Сборник документов Франко-Российского сотрудничества №8. 255 стр.

40. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. \ Под. ред. Дж. Кучкарова. Ташкент. Мир экономики и права. 2005. -320с.

41. Приказ Мин.фина РФ от 5 мая 1997 года №1 36 «О порядке расчетно-кассового обслуживания счетов органов Федерального Казначейства в условиях финансирования распорядителей бюджетных средств через лицевые счета, открытые им в органах Федерального Казначейства».

42. Приказ от 21 февраля 2001 года №14Н и БГ-3-09/51 «Порядок обмена информацией между территориальными органами Федерального бюджета по доходам и налоговыми органами».

43. Приказ Минфина РФ от 30.12. 1999№ 109н «Об утверждении Инструкции о порядке открытия и ведения территориальными органами Федерального Казначейства МФ РФ лицевых счетов для учёта операций по исполнению расходов федерального бюджета».

44. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент. Молия. 2002. -492 б.

45. Романовский М.В. Финансы. Москва. Издательство «Перспектив» 2000. -521 стр.

46. Романенков А.И. Федеральное казначейство и бюджетная реформа. Псков: Псковский педагогический институт им. С. М. Кирова. 2000.

47. Сабанти Б.М. Финансы современной России. Учебное пособие. –Спб.: Изд-во СПбУЭФ, 1993.

48. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской, Б.М. Сабанти. М.: Юрайт, 2000. – 520 с.

49. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кўлланма. Биринчи китоб. Тошкент. Ўқитувчи. 2002. -288б.

50. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кўлланма. Меҳнат. Тошкент. 1995. -529б.

51. Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув кўлланма. «Иқтисод-молия». Т., 2005. -305 б.

52. Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув кўлланма. Тошкент. Фан ва технологиялар. Молия. 2007. 396 б.

Журналлар ва газеталар

53. Алимухамедов Р. Казначейство: планирование и организация деятельности. Рынок, деньги и кредит №3-4 54-стр.

54. Алимухамедов Р. Организационная структура региональных управлений казначейства. Рынок, деньги и кредит. 2003. №6 41-42-стр.

55. Болтабоев Т. Давлат харажатларини бошқаришда ғазначилик тизими аҳамияти. // Бозор, пул ва кредит. 2003. №6. 43-44б.

56. Деревянченко Т.А. Казначейство-государственный контролер исполнения федерального бюджета, Финансы. 2000 год. № 4 29-стр.

57. Матвеева Ю.В. Проблемы внедрения единого счета Федерального казначейства. // Финансы. 1998. №7. 27-29стр.

58. Мысляева И.Н. «Государственные и муниципальные финансы», Москва «Инфра-М», 2000г.

59. Костюченко В.Ф. // Финансы. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами. 2005. № 9.

60. Казначейство: Прозрачность бюджета, <http://www.oviont.ru>

61. Кузнецов С. «Информационная система: как ее сделать?», www.citforum.ru/database/articles/art_6.shtml

62. Масленников Г. «Сбор, обработка и передача сведений о казначейском исполнении федерального бюджета на территории РФ. Некоторые проблемы внедрения информационных технологий», www.budjetrf.ru

63. Как построить территориально-распределенную сеть передачи данных. http://www.vector.kharkov.com/support/techn/art_lu_bs.htm

64. Смирнов А. Возраждение и развитие казначейской системы исполнения бюджета. // Финансы. 1999. № 2.

65. Пишков Б.В. Сольский Казначейское исполнение муниципального бюджета: год спустя // Финансы. 2000 год. № 8- 13-стр.

66. Номозов Р. О роли казначейской системы. //Рынок, деньги и кредит. 2001. №3-4 51-стр.

67. Нистеренко Т.Г. Завершается создание казначейской системы. // Финансы. 1998. № 12.

68. Қўчқоров Т. Иқтисодиётда ва молия соҳасида тармоқлараро ахборот тизимларини яратиш // Бозор, пул ва кредит. 2005. 6-сон.

69. Қосимова Г.А. «Молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари». «Ўзбекистонда Банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси» мавзусидаги халқаро илмий амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия академияси. 2000 йил. 25 май. 04 б.т.

70. Қосимова Г.А. Ҳазначилик тизимини жорий этишда хориж тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. 2003. №3. 25-29б.

71. Қосимова Г.А. Ҳазначилик тизимини ахборот билан таъминлаш // Бозор, пул ва кредит. 2003. №6. 45-47б.

72. Қосимова Г.А. «Бюджет тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари». «Ўзбекистон банк-молия тизими ислохотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2003 йил. 3 июн. 409-411 б.

73. Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш ислохотлари. Жамият ва бошқарув. 4-сон. 46-48 бет.

74. Қосимова Г.А. «Давлат бюджети солиқли даромадлари тушумининг Ҳазначилик тизимидаги назорати». «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги халқаро илмий амалий анжуман материаллари. Тошкент. Тошкент Молия институти. 2004 йил. 11-12 феврал. 60-61 б.

75. Қосимова Г.А. Ҳазна мажбуриятларининг хусусиятлари. // Бозор, пул ва кредит. 2004 йил. №7-8. 27-28 б.

76. Қосимова Г.А. «Ҳазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш». «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман, Тошкент. Молия нашриёти. 2004 йил. 25 май. 248-250б.

77. Қосимова Г.А. Ҳазначилик-бюджет тиниқлигидир. // Мулкдор. 2004 йил. 21 май. 23(502)-сон. 14 б.

78. Қосимова Г.А. Ҳазначилик-бюджет ижросини таъминлашнинг янги усули. Иқтисодиёт ва таълим. 2004йил 3-сон. 85-87 бет.

79. Қосимова Г.А. Ҳазначилик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004 йил 12-сон.

80. Қосимова Г.А. «Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш. «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия академияси. 2004 йил. 25 май.

81. Қосимова Г.А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005 йил 1-сон. 31-33 бет.

82. Косимова Г.А. Методологические вопросы внедрения казначейской системы исполнения бюджета в Республике Узбекистан. 2005 йил 8-сон. 72-76 бет.

83. Қосимова Г.А. «Ғазначилик фаолиятини ташкил этишнинг долзарб муаммолари. «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия академияси. 2005 йил. 15 июн.

84. Қосимова Г.А., Рихсиева Р., Рихсиев З. Франциянинг ғазначилик тизимида даромадларни бошқариш. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Тошкент, Тошкент Молия институти. 2006 йил 4 март. 362-363 б.

85. Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимида бюджет мажбуриятлари ва тўловларни бошқариш модули. // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №9. 45-47 б.

86. Косимова Г.А., Рихсиева Р. Проблемы казначейского исполнения государственного бюджета в условиях Республики Узбекистан. Москва. 2006. 16-17 ноябр. 115-117 стр.

87. A.Premchand "GOVERNMENT BUDGETING AND EXPENDITURE CONTROLS" (INTERNATIONAL MONETARY FUND) Washington, D.C.-1983

88. "Understanding the Japanese Budget" (Budget bureau of MOF) - 2002. Ministry of Finance of JAPAN, August. 2002.

Internet тармоғи бўйича тавсия этиладиган веб-сайтлар

89. <http://www.gasu.ru/univer/>

90. <http://www.businesspravo.ru/>

91. <http://www.nalog.ru>

92. <http://www.finansy.ru>

93. <http://www.finance.rambler.ru>

94. <http://www.mos.ru>.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I боб. Давлат бюджетини бошқаришда ғазначиликнинг аҳамияти	
1.1. «Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими» фанининг предмети ва асосий вазифалари.....	6
1.2. Давлат молияси таркибида бюджетнинг ўрни.....	8
1.3. Давлат бюджети ижросида ғазначилик тизими.....	20
1.4. Бюджет ижросида банк ва ғазначилик тизимларини таққослаш таҳлиллари.....	24
II боб. Ғазначилик тизими фаолиятининг назарий асослари	
2.1. Ғазначиликнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари.....	28
2.2. Ғазначилик тизимини жорий этишда чет эл мамлакатларининг тажрибалари.....	39
2.3. Бюджет жараёнида ғазначиликдан фойдаланишнинг ижобий томонлари.....	66
III боб. Ғазначиликнинг функциялари ва вазифалари	
3.1. Ғазначиликнинг асосий функциялари.....	84
3.2. Ғазначилик функцияларининг бажарилиш механизмлари ва тамойиллари.....	101
3.3. Молия ва ғазначилик органлари вазифаларининг тақсимланиши.....	108
IV боб. Бюджет таснифи ва унинг ғазначилик тизимидаги аҳамияти	
4.1. Бюджет таснифининг асосий тамойиллари.....	112
4.2. Давлат бюджетининг даромадлар таснифи.....	115
4.3. Давлат бюджети харажатларининг таснифи.....	129
4.4. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларининг таснифи.....	146
V боб. Ғазначилик ишлари шароитида бюджетни бошқариш	
5.1. Давлат тушумларини тўплаш ва тақсимлаш.....	154
5.2. Бюджет харажатларининг асослилигини текшириш ва назорат қилиш.....	166
5.3. Ғазначиликда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нархлар мониторинги.....	177
5.4. Банк-мижоз тўлов тизими.....	190
5.5. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар.....	195

VI боб. Ғазначиликда бюджет ижросининг ташкилий шакллари

6.1. Ғазначилик тизими фаолиятининг элементлари.....	208
6.2. Ғазначиликнинг ягона ҳисобварағи.....	213
6.3. Ғазначиликнинг Бош китоби.....	218
6.4. Ғазначиликда бюджет ҳисобини юритиш.....	220
6.5. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамлари.....	229

VII боб. Ғазначилик бюджет ижросини таъминлашнинг самарали усулидир

7.1. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	235
7.2. Давлатнинг молиявий назоратини амалга ошириш.....	239
7.3. Ғазначиликда бюджет тиниқлигига эришиш.....	250

VIII боб. Ғазначилик тизимида давлат қарзларини бошқариш

8.1. Давлат қарзларини бошқариш.....	261
8.2. Давлат қарзларини бошқаришда ғазначилик фаолияти.....	269
8.3. Ғазна мажбуриятларининг хусусиятлари.....	275

IX боб. Ғазначилик тизимида маҳаллий бюджетлар ижроси

9.1. Маҳаллий бюджетларга ғазначиликни жорий қилиш.....	284
9.2. Ғазначиликнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.....	289
9.3. Ғазначилик тизимида маҳаллий бюджетларни бошқариш...	292

X боб. Ғазначилик фаолиятини ахборот билан таъминлаш масалалари

10.1. Иқтисодиёт соҳаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	311
10.2. Ғазначиликда замонавий компьютер технологияси ва алоқа тизимларидан фойдаланиш.....	314
10.3. Давлат молиясини бошқаришда ахборот тизими.....	318
10.4. Ғазначиликнинг ахборот тизими.....	323
Асосий тушунча ва изоҳлар.....	345
Фойдаланилган адабиётлар.....	362

Г.А. ҚОСИМОВА

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ИЖРОСИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК
ТИЗИМИ**

Ўқув қўлланма

Мухаррир

Компьютерда саҳифаловчи

Ш.Худойбердиева

Г.Нуриддинова

Босишга рухсат этилди 14.09.08. Қоғоз бичими 60x84_{1/16}.

Ҳисоб-нашр табоғи 23,25 Адади 500. Буюртма № 218

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 100084, Тошкент,
Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп
этилди. 100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй